

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

*Зоотехния, хайвонлар генетикаси ва
урчиштиш кафедраси*

**“Йилкичилик ва туйачилик” ФАНИДАН
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

Маърузачи; Профессор Д Холмирзаев

САМАРҚАНД – 2009

К И Р И Ш

РЕЖА

1. Йилқичиликнинг халқ ва қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти. Фермер хўжаликларида отларнинг аҳамияти.
2. Йилқичиликнинг ривожланишида призедентимиз ва ҳукуматимизнинг қонун, фармонлари ва қарорлари.
3. Ҳозирги кунда дунё миқёсида МДХ да Ўзбекистонда йилқичиликнинг ҳолати.
4. Йилқичиликнинг ривожлантириш истиқболлари.

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати.

1. Свечин. К.Б, Бобылев И.Ф., Гопка. Б.М Коневодства Москва Колос. 1992 г.
2. Туракулов З.Т., А.З., Мухтаров А.З., Холмирзаев Д. Йилқичилик Т.Меҳнат 1985 й.
3. Холмирзаев. Д Йилқичиликдан амалий машғулотлар Т.Меҳнат 1988 й.
7. Фаннинг дискетага ёзилган маърузалар матни

Йилқичилик чорвачиликнинг муҳим соҳаси бўлиб, техниканинг ривожланишига қарамадан ҳозирги кунда ҳам халқ хўжалигида ўз ўрнини йўқотган эмас.

Аҳолини ноёб таомлар (гўшт) сут (қимиз) ҳамда енгил саноатни тери, сил касалликларни олдини олиш учун қонидан препаратлар ва бошқа хом-ашё билан таъминлайди. Отда юриш инсонга эстетик роҳат бағишлайди ва соғлигини мустаҳкамлайди.

Тарихдан маълумки, қишиларнинг юксак маъданияти ва тараққиёт чўққиларига эришишда от инсонга ишончли йўлдош, кўмакдош бўлган одамларнинг оғирини, мушкулини осон қилишда отнинг алоҳида ўрни бор. Дунё пайдо бўлган вақтдан бери неча минг доноларимиз ўтган бўлса, ҳаммаси отга ўз баҳосини бериб кетганлар.

Урушда не-не асрларки, от энг муҳим яроқ ҳисобланиб келинган. Бекорга кинолар яратилмаган, китоблар ёзилмаган. Шу боисдан отларни меҳнатсеварлиги, инсонга вафодорлиги ва ҳамдардлиги ҳақида турли хил мақол ва маталлар тўқилган, ҳайкалтарошлик ишлари олиб борилган. Шундай қилиб, дунё халқлари ижоди отлар тасвири тушурилган қоя тошлардан бошланади. Ниҳоят адабиётда ҳамма ерда отнинг ўрни бор.

Фақат отга бағишланган бадиий асарлар: Л.Н.Толстойнинг «Холстомер», «Изумруд» ва И.А.Куприннинг «Маллалар», «Тўриқлар», «Кўклар», «Қоралар» очерки, Л.В.Бранднинг «Браслет-2», П.Шеряевнинг «Внук тальони» (Тальон набираси), В.Бровикнинг «Петушок» (Хўрозча)

мавжуддир.

Умуман от тўғрисида кўп китоблар ёзилган. А.Эртелянинг «Гарденени», Д.Голсуарси «У него была лошадь», Ф.Алдри «Призовая лошадь», Э.Сетон-Томпсоннинг «Мустанг-иноходец», И.С.Тургеневнинг «Конец Чертопханова», Ф.Джамсоннинг «КРЭК и Дамки», Ч.Айтматовнинг «Прощай Гульсары», Д.Олдриджанинг «Удивительный Монгол», ва «Спортивные предложение», шунингдек, М.Шолоховнинг «Тихом доне» асарида Д.Н.Мамин-Сибирякнинг «Нашихане» очеркида, М.Горькийнинг «Болалик» ёшликда отни эркалатиб тарбиялашнинг хосияти тўғрисида.

Тоғай Муроднинг «От кишнаган окшом», Муҳаммад Юсуфнинг «Ок тулпор» шеъри ва бошқаларнинг ижоди энг муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда қадимдан ва ҳозир ҳам от шайдолари, билимдонлари ва ҳомийлари бўлган.

Боболаримиз Амир Темури, Захириддин Муҳаммад Бобури дунё кезганда от билан ном қозонган. Қадимий солномаларда ёзилишича, у кишилар болаликда отни жуда яхши кўрганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Умуман, ўтмишда ҳар бир халқ отни эъзозлаган, муқаддас билган.

Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати барча қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг мўтахассислари ва раҳбарлари эътиборини йилқичиликни ривожлантиришга қаратиш зарурлигини уқтириш билан бирга Ўзбекистонда йилқичиликни ривожлантириш тадбирлари тўғрисида алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бу маъсулиятли вазифа янгидан ташкил топган ихтисослашган йилқичилик хўжаликлари фаолиятини тубдан яхшилашни тақозо этади. Шу пайтга қадар қишлоқ хўжалик Олий ўқув юртлари учун йилқичиликдан ўзбек тилида маъруза бўйича дарслик йўқ эди.

Мана шуларни эътиборга олиб, муаллиф ўзининг йилқичилик соҳасидаги билим ва тажрибалар асосида мазкур ўқув дарслигининг бакалавр ва магистрлар учун ёзган. Йилқичилик курсини ўрганишдан мақсад соҳа бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашдир. Чунки, бўлажак мутахассислар назарий жиҳатдан ҳозирги замон талабларига тўла жавоб бера оладиган билимга эга бўлишлари зарур.

Йилқичиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти ва ривожланиши.

Отлар халқ хўжалигида турли мақсадлар ишлатиш, ишчи ва транспорт сифатида, спорт-классик ва миллий ўйинларда, от саёҳатларида, маҳсулоти олиш, шунингдек чет мамлакатларига экспорт қилиш учун етиштириб берилади.

Инсоният тарихий тараққиётига назар ташласак, отнинг одамларга кўрсатган хизмати беқиёс эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Асрлар давомида от инсоннинг садоқатли ёрдамчиси бўлган. От билан ер ҳайдашган, дон экиб йиғиб олишган, чўпонлар қўй боқишда, савдогарлар ўз мол-мулкини ташишда, элчилар элу-элатларга хушхабар етказишда, хуллас ўзундан-ўзук йўлларни ҳам отда босиб ўтган.

Фукаролар уруши ва Улуғ Ватан уруши давридаги фронтда ва мамлакат ичқарисида отлар кишиларнинг садоқатли ёрдамчиси бўлди.

Иккинчи жаҳон урушида 262 отлик аскарлар қахрамон бўлган, юз минг киши орден ва медаллар билан тақдирланган. Илмий техник тараққиётининг ҳозирги даврида ҳам от ўзининг аҳамиятини йўқотгани йўқ. От билан бажарилган ишлар ҳисобига ёқилғи ва бошқа энергия воситалари иқтисод қилиниши билан бирга от гўшти ва сут маҳсулотлари қўшимча манба бўлиши ҳисобига озиқ-овқат режасини амалга оширишда катта аҳамият касб этади. От минглаб йиллар давомида ҳамиша инсон мададкори бўлиб келди, меҳнатда ва жанговор жасоратларда кўмакдош, спорт беллашувларида фидоқорона хизмат қилди, халқ бахшиларига илҳом бахш этди.

Шуниси қимматлики, отлар иқтисодий жиҳатдан бошқа транспорт воситалари, жумладан автомашина ва тракторларга нисбатан сезиларли устунликка эга. Бу афзалликлар қуйидагилардан иборат:

1. Отлар кўпайиш имкониятига эга бўлганлиги сабабли хўжаликларга қўшимча даромад бериши мумкин.

2. Отлар табиий озуқа манбалари яйловлардан кенг фойдаланиш туфайли, иқтисодий қимматроқ бўлган ёқилғи мойлаш воситалари билан ҳаракатланувчи транспорт воситаларидан муҳим афзалликларга эга.

3. Отлардан фойдаланилганда хўжаликларга қиммат эҳтиёж қисмлар сотиб олиш харажатларидан қутилади.

4. Отлар йилнинг барча фаслларида, ҳар қандай рельефли шароитларда, қайсики трактор ва автомашиналар ишлаши жуда қийин бўлган жойларда ҳам бемалол ишлатилади.

5. Баъзи отларни гўштга топшириш ҳисобидан озиқ-овқат режасини бажаришга салмоқли улуш қўшиш мумкин.

6. Отлар кичик ер майдонлари, томорқаларда ишлов беришда жуда қулайдир.

7. Отларни жаҳон бозорида сотиш, хўжалик учунгина эмас, мамлакат учун ҳам валюта даражасида жамғариш имконини беради.

Механизация ривожланган бўлишига қарамай отлардан хўжалик ишларида, фермер хўжаликларида отнинг ўрни каттадир. Озуқаларни йиғишда, фермаларда озуқаларни тарқатишда транспорт сифатида фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Кўпчилик хўжаликларга яқин масофаларга юк ташиш, кичик-кичик участкаларга ер ҳайдаш, шахсий томорқаларга ишлов бериш яйловларда мол боқиш, тоғликларда, ботқоқликларда, далачилик бригадалари ва ўрмон хўжаликларидаги ишларни от кучи билан бажариш машина билан бажаришга қараганда иқтисодий жиҳатдан анча арзонга тушади.

Халқ хўжалик талабларига мувофиқ соҳани қуйидаги асосий йўналишларда ривожлантириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

1. Ҳозирги давр ишлаб чиқариш шароитларида хўжалик доирасида юк ташишда улов сифатида, чорвачилик фермаларида хизмат кўрсатишда, томорқага ишлов беришда.

2. Маҳсулот олишда: от гўшти ва қимиз етиштириш. От гўшtidан ноёб таомлар (қази, қази суякли, қарта) ва бошқа таомлар тайёрланади. Бия сутидан қимиз тайёрланади. Қимиз сил касаллигини даволашда табиат инъом

этган энг яхши дори сифатида муваффақиятли қўлланиб келинмоқда.

3. От спорти МДХ.да, халқаро спартакиадаларда, олимпия ўйинларининг энг оммавий турларидан биридир. От спорти ўз кўринишига кўра классик ва миллий от ўйинларига бўлиниб, кишиларнинг хордиғини чиқаришда ва саломатлигини яхшилашда энг муҳимдир.

4. Биологик ва қўшимча маҳсулотлар саноат учун хом-ашё ҳозирлашда айрим туманларда маҳаллий саноат қорхоналари заминида от терисига ишлов бериш, ундан мўйна буюмлар тайёрлаш уюштирилапти. Биологик ривожланиш муносабати билан қон зардоби берадиган донор отларга бир талай препаратлар ҳозирланади. Отларнинг қонидан шунингдек медицина аҳамиятига эга бўлган шифобахш ва касалликлар (столбняк, гангрена, дифтерия, ботулизм ва бошқалар)нинг олдини олувчи препаратлар тайёрланади. Ветеринария ва медицина мақсадлари учун биофабрикаларда махсус аппаратлар ёрдамида отлардан ошқозон шираси олинади.

Йилқичиликнинг халқ ҳўжалигидаги тутган ўрнини ҳисобга олиб, Республика ҳукумати 1981 йил 13 майда йилқичиликни ривожлантириш тўғрисидаги 427 сонли қарори шунингдек 1992 йил 7 январ Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони яйлов чорвачилиги (қоракўлчилик, қўйчилик, уюр йилқичилиги ва туячилиги) ходимларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг қўшимча тадбирлари тўғрисида фармони ; Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил наслчилик тўғрисидаги қонуни; шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 – 2008 йилларда чиқарган қарори муҳим аҳамиятга эгадир.

Дунё бўйича ФАО рўйхатли маълумотида қараганда отларнинг бош сони 70 млн.га яқин. Айниқса, Хитой мамлакатада 8,9 млн.га яқин, Бразилия мамлакатада 6,4 млн, МДХ.да 5,9 млн.дир. АҚШ мамлакатада кескин камайган 11 млн бошдан 6 млн бошга тушган.

Дунё бўйича энг кўп мамлакатларда отларнинг бош сони 1 жадвалда берилган.

Ўзбекистондаги йиллар бўйича от сони 1914 йилдан то 2008 йилгача бўлган ҳолати 2 жадвалда келтирилган.

1- жадвал.

Дунё бўйича отларнинг бош сони ва ишлаб чиқарилган от гўшти.

Мамлакатлар	Отларнинг бош сони		От гўшти ишлаб чиқариш	
	Млн бош ҳисобида	Дунё бўйича бош сони (% ҳисобидан)	Минг тонна (сўйим вази)	Дунё бўйича от гўшти ишлаб чиқариш (% ҳисобидан)
Хитой	8,9	14,5	71	12,4
Бразилия	6,4	10,4	14	2,5
Мексика	6,3	10,3	79	13,8
АҚШ	6,0	9,8	25	4,4
Аргентина	3,3	5,4	50	8,7
Монголия	2,9	4,8	28	4,9
Колумбия	2,5	4,1	12	2,1
Қозоғистон	2,2	1,8	63	11,0
Россия	1,1	3,6	50	8,7
Дунё бўйича	61,0	100	57,1	100

2 жадвал

Ўзбекистонда йиллар бўйича отларнинг бош сони

Йиллар	Минг бош ҳисобида	1914 йилга нисбатан % да
1914	597,5	100,0
1935	444,7	74,42
1938	384,5	64,35
1941	468,3	78,38
1954	488,0	85,02
1964	157,0	26,29
1974	109,5	15,32
1975	108,0	18,07
1980	80,6	13,49
1981	82,2	13,75
1985	89,2	14,93
1990	97,4	16,30
1991	105,2	17,61
1995	112,5	18,83

2000	146,0	24,4
2005	150,0	25,1
2009	175,0	29,2

Кейинги йилларда ташвишланарли ҳолга тушиб қолганлиги аён бўлади. Республикамиз ҳудудида 1914 йилда 597,5 минг бош от бўлган бўлса 1980 йилларда отларни энг кам сони қайд қилинади. Яъни 80,6 минг бош. 1985 йили 89,2 минг, 1995 йили 150 минг бош, 2000 йилга келиб 146,6 минг бош, 2009 йилда 175 минг бошни ташкил этган.

Албатта ҳозирги халқ хўжалигини иқтисодий қайта қуриш даврида хўжалик ҳисоби шароитида ўз-ўзидан маълумки, юқоридан кўрсатма асосида ташкил этиш фойда келтириши гумон. Хўжаликка оқилона бошқариш фермер ва оила пудратини кенг жорий этиш шубҳасиз одамларни иқтисодий фикрлашга шу жумладан йилқичиликни тараккий эттиришга ҳам бошқача муносабатда бўлишга ундамоқда.

Хўжаликнинг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш мақсадида йилқичиликни ҳар тарафлама ривожлантириш, бу соҳани иқтисодий самара бериш йўллари аниқлаш муҳимдир. Хўжаликни аниқ шароитдан келиб чиққан ҳолда айрим ҳолларда машина-трактор парклари деҳқончилик ишлари ўрнига йилқичиликдан тўғри фойдаланиш, ёкилғи ва материалларни иқтисод қилиш имконини яратади.

Албатта хўжаликда ҳар бир отдан қулун олиш, гўшт бериш ёки қимиз ишлаб чиқариш ҳисобига маълум даромад келтириш лозим. Айрим ҳолларда бу тармоқни тўғри ташкил этмаслик иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлиши мумкин. Бу эса қайта қуриш шароитида умумий манфаатга мос келмайди.

Ҳар бир хўжаликда йилқичилик иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлиб, хўжалик умумий даромадига хисса қўшиши лозим. Бу фақат отларнинг сонигагина боғлиқ бўлмай, уларнинг ёши, жинси, биологик хусусиятларига ва зотларига боғлиқ. Маълумки, хўжаликда отлардан самарали фойдаланиш отлар иш бажарадиган аравалар, чаналар, тақалар ҳар хил эгар жабдук воситаларнинг бўлишлигини ҳам талаб қилади. Бу борада ҳали бир қатор бартараф этиш зарур бўлган камчиликлар ҳам мавжуд. Бу муаммоларни марказлашган ҳолда ҳал қилиш керак. Бу масалаларни ҳал қилишда хўжаликлар имкониятларидан кенг фойдаланиш зарур. Кейинги вақтларда от спорти, от саёхати йилқичиликни ривожлантиришда бошқача муносабатда бўлишни тақозо этмоқда.

Бунинг учун ходимлар тайёрлаш ишини яхшилаш малакали мўтахассисларни шу соҳага жалб этилиши яхши натижа беради.

Хатто ривожланган мамлакатларда масалан Америка қўшма штатлари ва бошқа чет элларда йилқичиликни ривожлантиришга шу соҳада ишловчи мўтахассислар тайёрлашга жиддий эътибор берилмоқда.

Йилқичиликни ривожлантиришда энг қийин ва ҳозирча ҳал қилинмаган масалалардан бири бу озуқа базасини вужудга келтиришдир. Ишнинг муваффақияти яйловнинг ҳолатига ва ишни ташкил қилишга

боғлиқдир.

Йилқичиликнинг самарадорлигини оширишнинг катта имкониятларидан бири – бу фан ва илғор тажриба ютуқларини ҳисобга олган ҳолда наслчилик ишини тўғри ташкил қилиш. Республикада селекцияни қимматли генетик фонди бўлган Қорабайир зотининг наслий сифатларидан фойдаланиш асосида оқилона иш олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Хўжаликларни тегишли аравалар ва эгар жабдуқлар билан отларни зарур жиҳозлар билан таъминланиши зарур.

Бу ҳақда ҳар бир вилоят раҳбарлари ва мўтахассислари ўйлаши керак. Янгича шароитда йилқичиликни барқарор ривожлантиришга қодир бўлган фидоий малакали кадрлар тайёрлаш зарур.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Отларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти деганда нимани тушунасиз?
2. Отларнинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти дегандачи?
3. Йилқичиликни ривожлантириш тўғрисида Республикамизнинг қанақа қарорини биласиз?
4. Қачон Ўзбекистон Республикаси Президентининг яйлов чорвачилиги (қоракўлчилик, кўйчилик ва уюр йилқичилиги ва туячилиги) ходимларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг кўшимча тадбирлари тўғрисида фармони эълон қилинди?
5. Дунё бўйича МДХ. да млн. ҳисобида ва Республикамизда отларнинг бош сони минг бош ҳисобида қанча?
6. Йилқичиликнинг асосий соҳаси нечта?
7. Ҳар бир соҳани қисқача тушунтиринг?
8. Фермер хўжаликларида отнинг тўтган ўрни?
9. Йилқичиликни ривожлантириш учун нималарга эътибор бериш керак?

Отларнинг экстеръери, интерьери ва конституцияси

РЕЖА

1. Экстеръер тўғрисида тушунча.
2. Экстеръерга баҳо бериш усуллари.
3. Ҳар хил типдаги от зотларини экстеръер тузилиши бўйича фарқи.
4. Отларнинг интерьер тузилиши.
5. Отларнинг конституция типлари.
6. Отларнинг юриш усуллари.

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати.

1. Свечин. К.Б, Бобылев И.Ф., Гопка. Б.М Коневодства Москва Колос. 1992 г.
2. Туракулов З.Т., А.З., Мухтаров А.З., Холмирзаев Д. Йилкичилик Т.Мехнат 1985 й.
3. Холмирзаев. Д Йилкичиликдан амалий машғулотлар Т.Мехнат 1988 й.
7. Фаннинг дискетага ёзилган маърузалар матни

Экстерер – бу организмнинг ташқи тўзилиши бўлиб, у хайвоннинг маҳсулдорлиги, иш қобилияти ҳамда наслдорлик қимматини характерлайди. Отларда экстерер умумий тана тузилиши ва иш қобилияти, скелет ва мускулларининг тузилишига боғлиқ. Наслли отларни баҳолашда тана қисмларининг номланишини, ўлчамларини билмасдан бонитировка қилиб бўлмайди. Жуда қадимдан қишилар отларнинг ташқи тўзилишига қараб, унинг маълум кўрсаткичларини ҳисобга олиб борган. Шунинг учун ҳам отларнинг экстерерига алоҳида эътибор бериб келинди. Агар қадимги грек ва рим авторларини ҳисобга олмаганимизда XIV асрнинг бошларида араб ветврачи Абу – Бакрнинг ва XI, XVI асрлардаги рассомлардан Леон Батитс, Паоло Лама, Леонардо до Винчилар биринчи бўлиб отларнинг тана ўлчамлари, тана тўзилишининг бир-бирига мутаносиблиги тўғрисида қизикқандир. Отларнинг экстерери тўғрисидаги биринчи китобни 1717 йили Григорий Федорович Долгоруков томонидан ёзилган. Француз олими Клоу Буржел 1774 йили экстерер тўғрисида китоб ёзади. Россияда биринчи дарсликни экстерер тўғрисида 1832 йили В.И.Всеволодов томонидан ёзилган. 1926 йили профессор Н.Н.Кулешов томонидан «Выбор лошадей, скота и овец по экстереру» деган китобни ёзиб қишлоқ хўжалик хайвонларнинг аҳамиятини турлича тушунтириб берди. Италиян автори Гриссон XVII асрда «Искусство верховой езды» китобида отлар экстерери ва унинг чиройлилиги тўғрисида ёзади. Экстерер ҳақидаги тўғри тушунча зоотехника фанининг классиклари П.Н.Кулешов, Н.П.Чирвинский томонидан ёзилган кейинчалик уларнинг талимотини, М.И.Придорогин, Е.А.Багданов, М.Ф.Иванов ва

бошқалар томонидан давом эттирганлар.

1868 йилда немис зоотехниги Зеттегаст барча қишлоқ хўжалик ҳайвонлари учун экстерернинг қуйидаги идеал шаклини таклиф қилади. Бунда ҳайвонларнинг гавда узунлиги 3 қисмга бўлиниб, биринчи қисмга бошидан то кўкрагининг четидаги вертикал чизиққача, иккинчи қисмга шу вертикал чизикдан то куймичнинг олдинги четидаги вертикал чизиққа ва учинчи қисмга шу вертикал чизикдан кейинги қисм охиригача киради. Учинчи қисм ўз навбатида яна 8 тадан тенг бўлакка, тананинг узунлиги эса 24 та тенг бўлақларга бўлинади. 1\24 узунлик қисми гавданинг бўлиниши масштаби ҳисобланади. Масалан, отларни кўкрак кенглиги, чаноқ кенглиги 8 та қисмга тенг бўлиши керак. Шу шаклга мос келувчи ҳайвонларгина идеал ҳисобланган.

Шунингдек, Вилькенс ва Ролофларнинг «Олтин кесишмалар» назарияси ҳам Зеттегаст назариясига бирмунча ўхшашдир. Бу назария бўйича ҳайвон танасининг узунлиги 2,6 га бўлинади ва олинган натижа кичик кесим «минор» деб аталади. Умумий тана узунлигидан «минор»ни ажратиб ташланса, қолган қолдиқ катта кесим «майор» деб аталади. Ўртасидаги нуқта эса, «олтин кесишма» ҳисобланиб, отнинг юк кўтариш маркази шу нуқтада жойлашганлигини билдиради. «Минор» нинг узунлиги бош ва бўйиннинг узунлигига тенг бўлиши керак. Лекин шуни айтиш керакки, ҳайвонларнинг экстерерига қараб уларнинг биологик хусусиятларига аниқ баҳо беришнинг объектив усули йўқ деса бўлади. Масалан, отларнинг ташқи тўзилишига қараб уларнинг кучлилигини, юриш ва чопиш тезлигини, иш қобилиятини белгилаш анча қийин. Бу хусусиятларни аниқ билиш учун уларни махсус синаб кўриш ёки хўжалик ишларида ўзоқ вақт кўзатиб юриш керак. Шунингдек, уларнинг экстерерига қараб, насл қолдириш хусусиятига тўлиқ баҳо бериш ҳам қийин.

Йилкичиликни ўрганиш борасидаги тажрибалар шуни кўрсатадики, экстерерга тўлиқ баҳо бермаслик ёки баҳолашда экстерерни умуман ҳисобга олмаслик отларнинг конституциясини бўшашиб кетишига, экстерерида баъзи нуқсонларнинг ҳосил бўлиши ва иш қобилиятининг сусайиб кетишига олиб келади. Шунинг учун наслчилик ва товар хўжаликларида отлар экстерерига қараб баҳоланиши шарт. Уларнинг экстерерини баҳолашда олдин инвентар номерлари, зоти, лақаби, жинси аниқланади. Бияларнинг экстерерларини баҳолашда эса, булардан ташқари, қочирилган вақти ва охириги қулунлаган вақти ҳам аниқланиши керак. Шундан сўнг отлар текис майдонгача олиб чиқиб, уларнинг соғлигига, хўжалик типига ва гавдасининг умумий тўзилишига, юриш тезлигига, оёқларини тўғри ташлашга, нафас олиши ва гавдасининг тебранишига алоҳида эътибор берилади, шундан кейин танасининг алоҳида-алоҳида қисмларини баҳолашга киришади. Баҳолаш отнинг бош қисмидан бошланиб, оёқлари билан якунланади.

Тана қисмларининг тўзилиши.

Тана – экстерернинг бир бўлаги бўлиб, махсус функциялар бажаради. Ҳар бир орган организмда муайян жойда туради ва ҳар қайси системага кирувчи органлар функцияси жихатидан бир – бирига боғланиб, умумий бир функцияни бажаради. Тана қисмларининг аталишини, анатомик тузилишини

яхши билиб олгандан кейин тана қисми ўлчамларининг ўзаро муносабатда бўлиши, ўзига хос хусусиятларини ривожлантириши, шакл ва функциясини, шунингдек уларда учрайдиган нуқсон ва камчиликларни ҳар хил зотга мансуб бўлган отлардан аниқлаш мумкин.

Отларнинг экстерерига қараб баҳолашнинг бир неча хил усуллари мавжуд:

- 1) кўз билан баҳолаш;
- 2) ушлаб кўриш;
- 3) ўлчаш йўли билан ундан ташқари;
- 4) тана индексларини ҳисоблаб чиқариш;
- 5) график усули;
- 6) энг яхши отларни расмга олиш йўллари билан аниқланади.

Отларни кўз билан баҳолашда тана қисмларининг аталишини, анатомик тўзилишни яхши билиб олгандан кейин, ҳайвоннинг махсудорлигига, иш қобилиятига, баҳо бериш мумкин. Ташқи тўзилиши бўйича қадди-қомати бўйича уч гуруҳга ажратилиб 10 балли система асосида олиб борилади. Отлар бир хил йўналишда бўлмайди, шунинг учун энг аввало қайси йўналишда эканлигини билмоқ энг муҳимдир. Ушлаб кўриш билан ҳайвоннинг ориқ-семизлигини зот хусусиятларини яхши ифодаланганлигини, шунингдек уларда учрайдиган нуқсон ва камчиликларни билиш мумкин. Ҳайвонларнинг экстерерини кўз билан чамалаб баҳолашда аниқ кўрсаткичларга эга бўлиш қийин. Бинобарин ҳайвон тана қисмлари ўлчов йўли билан тана қисми ўлчамларининг ўзаро муносибликда бўлиши, ўзига хос хусусиятларни ривожлантириши, шакл функцияси, шунингдек уларда учрайдиган нуқсон ва камчиликларни аниқлаш мумкин. Отларнинг катта-кичиклиги, кучлилиги, юк кўтариш ва тортиш қобилияти индекс кўрсаткичларига асосан аниқланади. От танаси бир ўлчовининг иккинчи ўлчовга анатомик боғланишининг бир-бирига фоиз ҳисобидаги ифодаланиши индекс дейилади.

Ҳар хил типдаги от зотларининг экстерер тўзилиши бўйича фарқи.

Боши. Отнинг боши катта-кичиклиги, суякдорлиги конституциясига боғлиқ. Бошнинг танага нисбатан меъёрга бўлиши мақсадга мувофиқдир. От бошлари тўзилишига қараб катта, муносиб кичик бўлади. Тез юрадиган ва салт мириладиган отларнинг боши унча катта эмас, кам гўшт, қуруқ ва ҳаракатчан бўлади. Ривожланишига қараб енгил, ўрта ва қўпол, пешона ва юз қисмларининг нисбатига қараб кенг пешонали, тор пешонали, бурнининг шаклига қараб тўғри ботик ва дўнг бурунли бўлиши мумкин. Арава қўшиладиган ва оғир юк тортувчи одимлаб юрадиган отларнинг боши тўғри шаклли бўлади. Соф қонли салт мирилувчи, Араб, Ахалтака зотларда ботик шаклли бошлар кўпроқ учрайди. Дўнг бурунли бошлар оғир юк тортувчи одимлаб юрадиган зотларга хосдир. Салт мириладиган ва йўртоқи зотларнинг боши кенг пешонали, оғир юк тортувчи одимлаб от зотларининг боши эса тор пешонали бўлади. Бош тўзилишига қараб аҳоли, мижози, феъл атворида баҳо бериш мумкин.

Кўзи – кўзларининг катта-кичиклиги ҳамма зотга мансуб отларда бир хил эмас. Салт миnilадиган отларнинг кўзлари нисбатан катта эмас, қовоқлари тушган бўлади.

Қулоқлари – салт миnilадиган ва тез юрадиган отларнинг қулоқлари оғир юк тортувчи от зотларига нисбатан юпқа, ўзун, ҳаракатчан ва бир-бирига мутаносиб бўлади.

Бурун тешиглари – тез юрадиган ва салт миnilадиган от зотларининг бурун тешиглари жуда ҳаракатчан, бу эса тоғай кемирчагининг ҳаракатчанлигидир. Бурун тешиклари катта ва тоза бўлиши керак. Бурундан ажратиладиган суюқлик тиниқ ва ҳидсиз бўлиши керак.

Пастки жағнинг орқа бурчаклари (ганаш) – ганаши кенг бўлиши мақсадга мувофиқдир. Нафас олишда асосий роль ўйнайди. Бу эса салт миnilувчи отларга хосдир. Пастки жағнинг орқа бурчаклар ораси 8-9 см бўлиши керак. Ўз кўринишига кўра, ўрта тор бўлади.

Энсаси – энса суяги ва бўйин умуртқасида тамом бўлади, энса кенг ўзун бўлади. Энсаси катта отлар тез югура олмайди. Салт миnilувчи отларининг энсаси ўзун бўлади.

Бўйни – етгита бўйин умуртқасидан ташкил топиб, отларни ҳаракатланишида асосий роль ўйнайди. Бўйиннинг биринчи умуртқаси – атлант отнинг бошини ҳаракатланиши учун хизмат қилади. У халқа шаклида бўлиб, ён томонларида қанот сифат ўсимтаси бор. Иккинчи – умуртқаси эпистрофил ўтишсимон ўсимтасининг ривожланганлиги билан фарқ қилади. Бўйиннинг еттинчи умуртқаси бошқаларидан танасининг катталиги, орқа томонида биринчи қовурға учун майдончасининг бўлиши билан фарқ қилади. От бошини пастга энгаштирганда марказий оғирлик олдинги оёққа, кўтарганда эса марказий оғирлик кейинги оёққа, чапга бурганда чап оёққа, ўнгга бўрганда эса ўнг оёққа тушади. Жойлашишига қараб ўзун ўрта, тор бўйинли, гавдага нисбатан жойлашишига қараб баланд ва паст бўйинли бўлади. Отларнинг боши бўйнига нисбатан 45° бурчак ҳосил қилиб жойлашса меъёрли ҳисобланади, бундай отлар ўзоқ масофадаги нарсаларни ҳам яхши кўради, олдинги оёқлари енгил ҳаракатланади ва яхши югуради. Бош вертикал жойлашганда эса, юк кўпроқ орқа оёққа тушади ва анча сустланади. Чунки, отларнинг бўйни бошқа кишлок хўжалик ҳайвонларининг бўйнига нисбатан ҳаракатчан ва ўзундир. Одатда отларнинг бўйни тўғри, оққуш ва кийик бўйин номлари билан аталади. Тўғри бўйин соф қонли салт миnilувчи, рус йўртоқи отларда, оққуш бўйин Орлов йўртоқи отларда ва кийик бўйин маҳаллий дон ва қирғиз отларда кўзатилган. Бўйинлар гавдага нисбатан жойлашиши жихатидан меъёрл, баланд ва паст бўлиши мумкин. Гавдага нисбатан $45\text{--}50^{\circ}$ бурчак ҳосил қилиб жойлашган бўйинлар ҳамма типдаги отлар учун ҳам меъёрл ҳисобланади.

Отларнинг интерери уларнинг экстерери, маҳсулдорлиги ва конституцияси билан чамбарчас боғланган. Интерер сўзи францўзча бўлиб, (interier) – ички тўзилишини беради. Бундан келиб чиққан ҳолда ҳайвонларининг ички тўзилиши ва хусусиятларини ўргатади.

Организмнинг ички физиологик, анатомик, гистологик, биохимиявий

хусусиятлари йиғиндиси унинг конституцияси билан махсулдорлик йўналиши боғлиқлиги интерери дейилади.

Морфологик, физиологик хусусиятларини ўрганиш ички органларнинг структурасини билиб олишга, орган ва тўқималарнинг бир-бирига мутаносиб ривожланиши тартибини аниқлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳайвонларни жумладан отларни ички тўзилиши ўрганиш қуйидаги ҳар хил усуллардан фойдаланилади.

Физиология, гистология, цитобиохимиявий, биопсия, рентгеноскопик (рентген нурлари ёрдами билан қуришга, текширишга оид), микросуратга олиш.

Шундай қилиб, интерерни ўрганиш объектлари бўлиб, қон, сут безлари, тери қоплами, ички органлари (ўпка, юрак, қон) ва бошқа айрим аъзолар ва тўқималарининг клиник ва физиологик (тана ҳарорати нафас олиши ва юрак уриши) ҳамда таркибий тузилиши кўрсаткичлари ҳисобланади.

Скелет – организмда таянч вазифасини бажаради. Суяклар устида мускуллар ички қисмида ички органлар жойлашган. Унинг суяклари пассив, таянч ва ҳаракат органи бўлиб, мураккаб тўзилишга эга отларнинг экстерерига қараб, уларнинг иш қобилияти, махсулдорлиги, конституция типи, суягининг мустаҳкамлиги, мускулларнинг қай даражада ривожланганлигини наслдорлик қийматини билиш мумкин. Шунинг учун зоотехник от скелетини ва тана қисмлари номларини рентген экранда кўриб тургандек хаёлга кетириб фикрлаш ва билиш зарур.

Бошқа қишлоқ хўжалик ҳайвонлари сингари қулун туғилганда тана вазнига нисбатан суяклар ичкер вазнда бўлиб, 23-25 фоизни ташкил қилади. Отларнинг ўсиш ва ривожланиши 5 ёшгача давом этади. Семизлик даражасига қараб тирик вазнга нисбатан 5-7 фоизни ташкил қилади. Бошқа қишлоқ хўжалик ҳайвонларига нисбатан жуда ҳаракатчан, чаққон бўлиши суяклар тўзилишининг натижасидир. Суякларнинг мустаҳкам ўзун пайлари, бириктирувчи тўқималари яхши ривожланганлиги билан характерланади. Чопқир отларнинг суяклари ўзун, ингичкалиги билан ифодаланади. Пайларининг алоқадорлиги яхши ривожланган.

Отларнинг тери қоплами.

Тери организмда бир қатор функцияларни бажаради. Энг аввало ҳайвон от – танасини ташқаридан қоплаб олган бўлиб, организмни ташқи муҳитнинг турли таъсиридан ҳимоя қилади. Турли омиллар таъсирида терининг асаб тўзилмалари кўзғалиш ҳолатига киради.

Кўзғалиш импульслари марказга интилувчи нервлар орқали бош миёга ўзатилиб ҳис қилиш пайдо бўлади. Терида ҳаракат, сезги, босим, рецепторлари бор. Улар терининг эпидермис қаватида жойлашган.

Соғлом теридан микроорганизмлар ва касалликка сабаб бўладиган бошқа антителалар ўта олмайди. Тери тана ҳароратининг асосий бошқарувчиларидан бири бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга тери ажралувчи орган сифатида муҳим рол бажаради. Организмда ҳосил бўладиган чиқинди моддаларининг (карбон кислота, сув буғлари) бир қисми тери орқали чиқади.

Тери қон томирлари билан яхши таъминланган. Шунинг учун организмнинг қон деполаридан бири бўлиб хизмат қилади. Организмдаги қоннинг 10% терида йиғилган бўлади.

Тери организмда муҳим сезги органи бўлиб, организмда модда алмашинувида қатнашади. Умуман, тери зич ва эластик бўлади. Терининг қалинлиги ва унинг вазни от зотига, ёшига, озукланишига, парвариш қилинишига ва маҳсулдорлигига боғлиқ.

Тез юрадиган отларнинг териси юпқа, оғир юк тортувчи отларники эса қалинроқдир. Отлар қанча чакқон бўлса, териси шунча юпқа бўлади. От зотлари ичида энг юпқа тери Ахалтака ва Соф қонли Англия зоти ҳисобланади. От териси қорамол, чўчқаниқига нисбатан юпқа, қўйникидан қалинроқ. Бошқа қишлоқ хўжалик ҳайвонларига нисбатан тер безлари сони кўп бўлиб, ўзида эса кўпроқ сувни 80-85% тери орқали буғлантириш йўли билан ажралади.

Отларда терлаш аввало човида, бўйнида ва ёнбошида, елкаси ва сағрисига ўтади. Ҳеч бир ҳайвон тез чопадиган отдай бўтун тана бўйлаб терламайди.

Тер серсув солиштира оғирлиги 1,005-1,021 тенг бўлади. Тер суюқлигининг таркибида ош тўзи бўлганлиги сабаблиги у шуртобдир. Унинг таркибида оз миқдорда фосфат, сульфат, хлоридлар мавжуд. Терининг органик моддалари таркибига оксиллар, сийдик, сийдик кислотаси, креатинин, аммиак, учувчи ёғ кислоталари пигментлар киради.

Отнинг тер суюқлиги қизғиш сариқ рангли, таркибида кўп альбумин, глобулин ва сийдик бўлади. Тер ёғи секрецияси – одатда ёғ безлари жуннинг ёнида бўлиб, уларнинг йўллари жун халтачаларида очилади. Ёғ безларнинг девори кўп қаватли эпителийдан иборат. Бу эпителий ўсган сари хужайралар без йўлига яқинлашиб, ёғга айланади ва сўнгра ташқарига тери ёғи сифатида чиқарилади. Ажралган тери ёғи аввал суюқ бўлиб, кейин қуюқлашади. Бу ёғ тўйинмаган глицерин ва холестериннинг ёғ кислоталари билан ҳосил қилган мураккаб эфирлардан ташкил топган. Тер ёғи тер суюқлигидаги кислоталар таъсирида парчаланади. Натижада ўзига хос ҳидли, учувчи ёғ кислоталари ҳосил бўлади.

Отларнинг жун қоплами. Жун, тери маҳсули бўлиб, ҳайвон танасининг юзасида жойлашган. Олинган маълумотлар бўйича 1 см³ тери юзасида отларда ўртача 700 та жун толалари жойлашган. Жун ва қилнинг узунлиги ҳайвоннинг зотига, яшаш шароитига боғлиқ. Отларнинг думи билан ёли баҳор ва кўзда алмашилиб туради.

ОТЛАРНИНГ МУСКУЛЛАРИ

Отларнинг ҳаракатланиши, тана қисмларининг бир-бирига нисбатан жойини ўзгартириши, ички органларнинг иши, нафас олиш қисмлари, қон айланиш, озуқа ҳазм қилиш, ажратиш жараёнлари, мускулларнинг турли гуруҳлари фаолияти натижасида содир бўлади.

Юқори табақали ҳайвонларда уч турдаги мускуллар фарқ қилинади: 1- кўндаланг тарғил скелет мускуллари (ихтиёрий), 2- кўндаланг тарғил юрак мускуллари (ихтиёрсиз ёки ғайри- ихтиёрий), 3-ички органлар, томирлар ва

терининг силлиқ мускуллари (ғайри– ихтиёрий).

Скелет билан боғлиқ бўлган мускуллар скелет мускуллари деб айтилади.

Скелет мускуллар табиий шароитларда марказий нерв системасидан кечадиган нерв импульслари таъсири остида қўзғалади. Оғир юк тортувчи ва гўшт йўналишидаги отларнинг мускуллари бўш ва ҳажмли мускул толалари калта бўлиши, салт минилувчи отларга нисбатан кам қисқарувчанлиги хусусиятига эга. Катта тортиш кучи талаб қиладиган ишларни бемалол бажариш имконини беради. Тез югурувчи салт минилувчи отларнинг мускуллари ўзун ва зич толалардан тўзилган бўлиб, тез қисқарувчанлик хусусиятига эга. Мускуллар кўтарган юкнинг уларнинг катталаниш катталигига кўпайтмаси мускул иши деб ҳисобланади.

Скелет мускулларига юк аста – секин ошириб борилганида битта таъсиротнинг ўзида мускулнинг катталаниши олдинга ортиб боради, кейин эса камайиб қолади. Ҳар бир мускул ўртача юк кўтарганида катта иш бажаради. Бу ўртача юклар қонуни деб аталади.

Нафас олиш органлари

Нафас олиш бу бир қанча жараёнларнинг йиғиндисидир. Бунда организмнинг кислородга бўлган талаби қондирилади ва ҳосил бўлган карбонат ангидрид атмосферага чиқарилади. Нафас олиш асосида тўқималарда қўзатиладиган оксидланиш ва қайтарилиш жараёнлари намоён бўлади. Бу жараёнлар организмдаги энергия алмашинувини таъминлайди.

Отларнинг ўпкаси – ўпкаси ўрта ҳисобда 4,5-6,5 кг келади. Отларни ўпкасини оғирлиги ҳамма зотли отларда ҳам бир хил эмас. Отни зоти муҳим рол ўйнайди. Салт минилувчи отларни ўпкаси оғирлиги, оғир юк тортувчи от зотларига нисбатан 100 кг тирик вазнда оғир юк тортувчи отларга нисбатан зиёд. Отларни ўпкаси ривожланган, ўпкасини ҳажми 40-45 л келади.

Отлар тинч турганда 1 минутда 8-16 марта нафас олади. Ишлаш даврида ўпкасининг ҳажми 2-3, нафас олиш тезлиги 4-7 ўпка вентиляцияси 9-12 марта ошади.

Отларнинг юраги - кўкрак қафасининг учинчи ва олтинчи қовурғалар ва икки ўпка бўлинмаси оралиғида жойлашган.

Юрак – мускуллардан тўзилган, ичи ковак яхлит орган бўлиб, тўртта камерадан ташкил топган. Иккита бўлмача ва иккита қоринча, юракнинг чап ва ўнг қисмлари бир-биридан тўташ тўсиқлар билан ажралган.

Юрагининг оғирлиги от зотиға, тирик вазниға, ёшиға боғлиқ бўлади. Ўртача тирик вазни 3,5-4,5 кг ни ташкил қилади. Тана вазнининг ўртача 0,6-1 % дир. Сакраб чопадиган, тоза соф қонли отларнинг юрак оғирлиги 8 кг гача бўлади.

Тез чопадиган отларнинг юраги, оғир юк тортувчи отларнинг юрагидан, оғирлиги бўйича кичик бўлсада, 100 кг тирик вазниға солиштирганда оғир юк тортувчилардан оғир эканлиги аниқланган.

Фанға конституция тушунчаси биринчи марта эраимиздан аввали 377-400 йилларда яшаб ўтган буюк олим, серқирра таълимот эғаси Гиппократ киритган.

Аввало биз конституцияси бўйича тўхталиб ўтайлик. От организмнинг анатомик, морфологик, физиологик тўзилиши унинг ўзига хос хусусиятлари умумий йиғиндисининг ўзаро боғлиқлиги, ирсий хусусиятларнинг наслдан-наслга берилиши, ўзаро боғлиқлик ривожланишининг ташқи муҳит таъсирига жавоб берилишига конституция деб айтилади.

Отларнинг конституциясини ўрганишда ҳайвон организмини бўтун система деб қарамоқлари унинг кенг қўламда ўрганиш дастлаб медицинада ва кейинчалик зоотехнияда ўз ифодасини топа бошлади.

Ч.Дарвин, Е.Н.Богданов ва академик М.Ф.Ивановлар зоотехния фанига 5 хил классификацияни киритганлар.

1. Қўпол зич (курик) – чўл ва ўрмон зотларига хос бўлиб, териси қалин зич, суяклари оғир, мускуллари ривожланган, ёли думи ўсиқ.

2. Қўпол хом (буш) конституцияли. Гавдаси катта оғир вазни суяклари йўғон, зичлиги мустаҳкам конституцияли типга нисбатан бўш териси, қалин, тери ости бириктирувчи тўқималар яхши ривожланган, мускуллар бўш ва ҳажмли тез семиришга мойил, бўғимлари яққол кўзга ташланиб турмайди. Оғир юк ташувчи от зотлар ва уларнинг дурагайлари.

3. Нозик курик конституцияли – бошнинг кичикли бўйни ўзунроқ, суякларнинг ингичкалиги, териси юпка тери ости бириктирувчи тўқималарнинг суст ривожланганлиги билан характерланади. (Араб ва Ахалтака от зотлари.)

4. Нозик бўш конституцияли. Териси юпка ингичка ва мускуллари бўш, бўғим ва пайлари яхши сезилиб турмайди.

5. Мустаҳкам конституцияли – академик М.Ф.Иванов конституциянинг мустаҳкам тушунчасини зоотехния фанига киритди.

Конституцияси мустаҳкам отларда суяклари мустаҳкам мускуллари зич ривожланган тери ости бириктирувчи тўқималарининг унчалик яхши ривожланмаган. Нозиклик, бушлик, қўполлик аломатлари сезилмайди.

Отлар зотини яхшилаш билан конституцияни мақсадга мувофиқ томонга йўналтиришда ёш отларни меъёрл шарт-шароитларда парвариш қилиш, машқ қилдириш, танлаш ва жуфтлаш ишларининг роли каттадир.

Ҳайвоннинг хулқи темпераменти конституция типининг энг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Хулқ ва темперамент ҳайвоннинг асаб системаси фаолиятига ўзвий боғлиқдир.

Академик И.П.Павловнинг таълимоти бўйича отларда асаб системаси фаолиятининг учта типи мавжудлиги аниқланган.

1. Холерик тип. Бу типга мансуб ҳайвонларда қўзғалиш жараёни тормозланиш жараёнидан кучли бўлиб, жуда асов (чарс)дир. Бу типга салт минилувчи от зотлари киради.

2. Сангвиник тип. Бу типга кирган ҳайвонларда қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари кучли ҳамда баробар ривожланган. Бу типга араб отлари киради.

3. Флегматик (кучсиз) тип. Бу типдаги ҳайвонларда қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари суст ривожланган. Улар шароитга қийин

мослашади. Хуркак ва касалликка тез чалинувчи бўлади.

Оғир юк тортувчи от зотлари шу типга мансубдир. Отнинг асов, ўжар бўлиши кўпинча уларнинг нотўғри тарбиялашга боғлиқ. Шунинг учун дастлаб ишга, спортга ўргата бошлаганда қўполлик қилмасдан аста-секинлик билан ҳаракат қилиш керак. Темперамент деганда одатда, отнинг ташқи муҳит таъсирига жавоб бериш характери тушунилади. Темперамент жонли (чопқир отларга хос) ва ювиш (одимлаб юрувчи ишчи отларга хос) бўлиши мумкин бўлган одатни темперамент билан алмаштирмаслик керак. Одат асосан отларни парвариш қилиш ва тарбиялашга боғлиқ.

Отлар одати бўйича хўжалик типлари. Отлар салмоқлиги бўйича оғир ва енгил, юриш усуллари аллюрлари бўйича одимлаб юриш ва тез йўртиб юриш, хўжалик фойдаланиш усуллари бўйича отлар қуйидагича хўжалик типларига: салт минилувчи, оғир юк тортувчи, енгил арава тортувчи, арава тортувчи отлар, юкчи отлар, салт минилиб енгил юк тортувчи отлар, енгил юк тортувчи отларга бўлинади.

Тез йўртиб юрадиган салт минилувчи отлар конституцияси нафас олувчи типлиги билан, қон айланиш системаси ривожланганлиги ва иссиқлик регуляцияси яхши тараққий этганлиги, жонли ҳаракатчанлиги ва тана тўзилишининг юқори даражада қуруқлиги билан характерланади.

Салт минилувчи отларнинг тирик вазни (400-500 кг) оёқлари ўзун, боши унча катта эмас, жағ оралиғлари кенг, сағриси ўзун, бўйни ўзун, қарчиғайи баланд. Бўйни ўзун, суякдорлиги бўйича ўртача, кураги ўзун ва қия, бақайи ўзун ва қия, туёқлари ўртача катталиқда мустаҳкам, териси юпқа ва калта жун билан қопланган, конституцияси қуруқ, кия кафт айланаси 18-19 см, араби ва ахалтака зотлари. Оғир юк тортувчи отларнинг тирик вазни (700-900 кг) танасининг кенглиги, гавдасининг узунлиги, оёқларининг калта ва кенг қўйилиши билан характерланади. Уларнинг боши катта, бўйни қисқа, ёли кам, орқаси бўшроқ, сағриси кенг ва гўштдор, кўпинча қаватма-қават, оёқлари йўғон (кафт айланаси 23-25 см) оёқлари суякдор калта, бақайи калта, туёқлари катта ва кенг, териси қалин, жунлари ўсиқ, конституцияси пишиқ, баъзан хом, бўш ҳам бўлиши мумкин. Ҳаракатчанлиги секин. Бириктирувчи тўқималар яхши ривожланган. Териси остида тўпланган ёғ қатлами отнинг умумий вазнини оширади ва мускуллари аравага қўшиб фойдаланишда йирингланишдан эҳтиёт қилади. Шу билан бир қаторда териси остида тўпланган запас ҳолатдаги ёғ қатлами оғир ишларда ишлатиладиган ҳолларда танасини запас ҳолда тўпланган озук моддалар билан таъминлаш имконини беради. Шунга кўра оғир юк тортувчи отлар конституцияси овқат ҳазм қилиш типидегилардан фарқ қилади. Ҳаракатчанлиги секин, бу эса салт юриб бажариладиган ишларни қадамларини бир меъёрга босиш имконини беради.

Аравага қўшилган от олдига қараб юришда ўзига тушадиган оғирликни ўзининг орқа оёқларига таянган ҳолда гавдасини олдинга қараб итариш ҳисобига ҳаракатланувчи нарсаларга нисбатан кўрсатиладиган қаршилиқни енгил ҳолда ҳаракатланади. Оғирлик тушадиган марказни олдинга қараб амалга ошириш ва у бўйичага қанчалик яқин бўлса, шунчалик осон кечади. Бу типга оғир юк тортувчи от зотлари киради.

Енгил юк тортувчи йўртоқи от зотларининг тирик вазни, гавдасининг узунлиги, суякдорлиги бўйича ўртача бўлиши, тана тўзилиши ўрта миёна куруқлиги ва ҳаракатчанлиги яхшилиги билан характерланади. Ўз хусусиятлари билан салт минилувчи ва оғир юк тортувчи от зотлари ўртасидаги оралиқ тип ҳисобланади.

Енгил юк тортувчи, йўртоқи от зотларининг тирик вазни 400-500 кг ни ташкил қилади, бўйни ўзун, қарчиғайи баланд ва сағриси кенг, оёқлари куруқ ва кафт айланаси 19-20 см бўлиши билан характерланади. Орлов ва рус йўртоқилари киради.

Арава тортувчи отлар – кишлоқ хўжалигида фойдаланишга мўлжалланган бўлиб, ишга энг яхши қобилиятчанлиги билан бошқа от зотларидан ажралиб туради. Уларда гавда тўзилиши бирмунча чўзиқ, танаси ўзига хос, мустаҳкам конституцияли, оёқлари ҳам ўртача йўғонликдадир, кафт айланаси 21-22 см бўлиши билан характерланади. Тирик вазни 450-600 кг кечади. Тори, жмуд, лавия, арава тортувчи зотлар мисол бўла олади.

Салт минилувчи юк отлар ўртача оғирликда (350-450 кг) ўртача баландликда (қарчиғай баландлиги 150-155 см ва оёқларининг куруқ бўлиши) кафт айланаси 18-20 см бўлиши билан характерланади. Бу типга асосан тоғ отлари киради.

Салт минилиб арава тортувчи отлар ўз хусусиятлари билан салт минилувчи ва арава тортувчи от зотлари ўртасидаги оралиқ типдир.

Олдинги чап оёғи билан орқа чап оёғи унг оёғи билан орқа унг оёғи баравар кўтарилиб босилади. Салт миниладиган енгил отлар учун йўрға юриш энг қимматли хусусиятлардан биридир. 31- расм. 1609 м ни, 1,52 минутда йўрғалаб босиш жаҳон рекорди ҳисобланади.

4.Отларнинг (аллюр) юриш усуллари.

Отларнинг юриш усуллари аллюр деб аталади.

Отларнин юриш усуллари табиий ва сунийга бўлинади. Табиий усулларга одимлаб юриш, йўртиб юриш, йўрғалаш ва чопишга бўлинади. Отларнин суний юришига пируэт, полипируэт, пиаффе, пассаж тез чопа туриб оёқларини алмаштириш, тсарлаш (ёнбошига ва орқасига).

Одимлаб юриш отнинг энг секин юриши ҳисобланади. Бу оғир юк тортувчи отларга хос типик хусусиятлардан биридир. Одимлаб юрганда оёқларнинг кўтарилиши ва тушиши ҳар хил бўлади. Олдинги оёқ кўтарилгач, сўнг орқа гал оёқ кейин олдинги чап оёқ ва орқа унг оёқ кўтарилади ва хоказо. Бундай юришда от бир оёғини кўтарганда 3 таси албатта ерда бўлади. Одимлаб юриш 2 хил: секин одимлаб юриш ва тез одимлаб юриш. Тез одимлаб юришда кадам ўзун бўлади ва орқа оёқ олдинги оёқ изидан ўтиб тушади. Бундай юришда от иккала оёғига параллел таяниб иккаласини ҳам қарийб баравар кўтариб ташлайди, бу жиҳатдан уларнинг юриши кўпроқ йўрға юришга ўхшаб кетади.

Отлар секин одимлаб юрганда соатига 4-5 км, одимлаб юрганда 7 км йўл босади.

Йўрғалаш- Бунда от олдинги ва орқа оёқларини параллел равишда бир тарафлама кўтариб ташлайди. Олдинги чап оёғи билан орқа чап оёғи олдинги

ўнг оёғи билан орқа ўнг оёғини барабар кўтариб босади. Салт миниладиган енгил отлар учун йўрға юриш энг қимматли хусусиятлардан биридир. 31-расм. 1609 метрни 1.52 минутда йўрғалаб босиш жаҳон рекорди ҳисобланади.

Чопиш (галоп) – бу отнинг тез юриши ёки алоҳида – алоҳида сакраши ҳисобланади, сакраш орқа оёқларининг биридан бошланади: олдинги икки оёғи биргаликда кўтарилади. Қисқа вақт турт оёғи ҳам ерга тегмай ҳавода қолади ва сакраш яна орқа оёғидан бошланади. Махсус пойгаларда соф қонли чопқир отлари минутига 1 км йўл босади. Энг қаттиқ чопишни карер деб ҳам юритилади (секундига 17-20 м йўл босади), 1 км ни 53 секундда голопда чопиб ўтиш жаҳон рекорди ҳисобланади.

Назорат саволлари

1. Экстерьер тўғрисида тушунча. Экстерьерга баҳо бериш усуллари.
2. Ҳар хил типдаги от зотларини экстерьер тузилиши бўйича фарқи.
3. Отларнинг интерьер тузилиши. Отларнинг конституция типлари.
4. Отларнинг хўжалик типлари. Отларнинг юриш усуллари

Йилқичиликда такрор ишлаб чиқариш. Ёш отларни ўстириш.

Р Е Ж А

1. Такрор ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади ва бияларнинг ўзига хос биологик хусусиятлари.
2. Отларнинг жинсий етилиши ва қочириш ёши.
3. Айғирларнинг ишлаб чиқариш қобилятчанлиги.
4. Йилқичиликда қочириш усуллари ва бир айғирга тўғри келадиган биялар сони.
5. Насл айғирларни озиқлантириш ва сақлаш.
6. Бияларнинг бўғозлик даври ва туғиши.
7. Ёш отларнинг ўсиш ва ривожланиш қонуниятлари, қулунларни сут даврида боқиш ва асраш.

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати.

1. Свечин. К.Б, Бобылев И.Ф., Гопка. Б.М Коневодства Москва Колос. 1992 г.
2. Туракулов З.Т., А.З., Мухтаров А.З., Холмирзаев Д. Йилқичилик Т.Мехнат 1985 й.
4. Холмирзаев. Д Йилқичиликдан амалий машғулотлар Т.Мехнат 1988 й.
7. Фаннинг дискетага ёзилган маърузалар матни

Такрор ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади отларнинг бош сонини кўпайтириш билан бир қаторда сифат жиҳатидан яхшилашни ҳам ўз ичига олади. Олинган авлодларнинг сифати мавжуд бўлган айғир ва бияларнинг зотига боғлиқ. Уларни танлашда айниқса айғирларнинг юқори сифатли бўлишига кўпроқ эътибор бериш лозим. Чунки мавсумда ҳар бир айғир билан кўплаб бияларни оталантириш мумкин.

Бияларнинг ўзига хос биологик хусусиятлари.

Ҳар бир бия зооветеринария қондаси асосида озуклантирилса, ҳар йили биттадан қулун бериш мумкин. Такрор ишлаб чиқариш ёки бияларни ўзига хос биологияси деганда у 4 даврни ўз ичига олади.

1. Бияларни оталантириш;
2. Бўғоз бияларни яхши тарбиялаш;
3. Бўғоз бияларни туғдириш;
4. Қулунларни парваришлаш;

Бияларни ўзига хос биологик хусусиятлари (куюкиш, жинсий цикл ва унинг қонуниятлари).

Бияларнинг ўзига хос хусусиятларини билиш уларни ўз вақтида

оталантириш, бўғозлик ва туғиш даврида бўтун имкониятлар яратишни ўз ичига олади.

Бияларни оталантириш жинсий алоқа воситаси билан амалга оширилади. Бияларнинг оталаниши учун айғирнинг жинсий уруғи биянинг жинсий органига бориб тушиши ,яъни биянинг тухум хужайралари билан қўшилиши керак.

Бу ҳолатда зигота наслнинг «бошланғич» қисми деб аталади, зиготадан кейинчалик ҳомила ривожланади. Табиий уруғланишнинг бачадон типи отларни урчитишнинг характерли биологик хусусияти ҳисобланади.

Алоқа даврда айғир уруғи бевосита бачадонга, сўнгра бачадон ва тухум йўли мускулларининг қисқариши ва сперматозоиднинг актив ҳаракати натижасида тухум йўлига тушади. Тухум хужайрасининг оталаниши вужудга келади. Куюкиш биянинг тухумдонидан урғочи жинсий хужайралар етилган пайтдан бошланади.

Етилган тухум хужайраси тухумдон пуфакчасидан чиқиб тухум йўллари орқали бачадон шохларига киради. Тухум хужайраси тухумдондан чиққандан кейин бия қочирилган қочирилмаганидан қатъий назар куюкиш тўхтади.

Куюкиш (жинсий мойиллик) – деб биянинг шундай физиологик ҳолатига айтиладики, бия ўзига айғирни яқинлаштиради, уни ўзига ирғишга ҳоҳишлик билдиради. Бия тухумдон гармонларининг таъсирида куюқади, натижада жинсий органлар қизаради.

Бачадоннинг шилимшиқ пардаси эпителиал хужайралар ўсиб етилади, ундаги без шохлари ривожланади. Без секрециялари кучаяди. Бачадон бўйни канали озроқ очилади. Каналдаги секретор эпителийсининг иш фаолияти ошади, бачадон бўйни каналига келиб тушган шилимшиқ модда суюлади ва у қинга тушади.

Граф пуфакчаларидан тухум хужайраларининг ажралиб чиқиш жараёни овуляция дейилади. Тухум хужайраларининг ажралиб чиқишига асосан нерв системаси билан бошқариладиган гипофизнинг ички секрецияси сабаб бўлади. Граф пуфакчалари ёрилгандан сўнг тухум хужайралари ажралиб чиқмагунча биялар уруғланмайди. Меъёр куюкиш 5-7 кун давом этади. Агар у оталанмаган бўлса, 10-16 кундан кейин яна куюқади. Шундай қилиб 21-22 кун давом этади.

Биянинг жинсий органига тушган сперматозоидлар тухум хужайрасини 24-36 соат мобайнида уруғлаш қобилятига эга, тухумдондан чиққан тухум хужайраси эса овуляциядан сўнг 5-6 соат давомида уруғланади. Агар бия куюкишга келиши биланок қочирилса, овуляция содир бўлмасдан бурунрок сперматозоидлар ҳалоқ бўлиши, борди-ю кечикиб қочирилса, тухумдондан чиққан хужайра бия қочирилмасдан аввалроқ нобуд бўлиши мумкин. Бияни куйика бошлаши иккинчи, тўртинчи ва олтинчи кунларида қочириш тавсия этилади.

Янги туққан бияларнинг куюкиш муддати айниқса қиш даврида рационда каротин етишмаганда жуда чўзилиб кетади ва ўзоқ вақтгача овуляция содир бўлмайди. Бундай биялар ерда кўк ўт ўсиб чиққунча

қочирмай туриш керак.

Бияларнинг қуюққанлиги синовчи айғирлар ёрдамида аниқланади. Қисир ва биринчи қочириладиган биячалар кунора айғирни ёнига олиб борилади ва унинг қилиқларига қараб қуюққан-қуюқмаганлиги аниқланади. Туққан биялар 5 кундан кейин қочирилиши мумкин.

Агар уруғланган биялар қайтариб қуюқмаса, 30-40 кундан сўнг уларнинг бўғозлиги ректал (тўғри ичакдан қўл солиб) усулида аниқланади. Қисир деб топилганлари яна қайтадан айғирга қўйилади.

Бияларнинг бўғозлигини аниқлашда баъзан гармонлар усулидан фойдаланиш ҳам мумкин. Бу усул бўғозликни 45- кундан 90-кунга қадар биянинг қон зардобиди жинсий безлар бўлишига асосланади.

Жинсий цикл.

Бир қуюқиш билан иккинчи қуюқиш орасидаги муддат **жинсий цикл** дейилади. Қуюқиш бияларда бошқа қишлоқ хўжалик ҳайвонларига нисбатан бир мунча кўп 144 соат, она чўчқалар 48 соат, сигирларда 18-20 соат, қўйларда то 20 соатгача қуюқиш давомийлиги ва унинг даражаси биянинг алоҳида хусусиятига, физиологик ҳолатига, соғломлигига, ёшига ва боқиш шароитига ва об-ҳавонинг ҳароратига боғлиқ.

Г.Ф.Р.дан В.Уппенборнинг таъкидлашича соф қонли Англия биялари феврал, март ойларида қуюқиш (камроқ бўлиб) давомийлиги 7-15 кун, апрел-май ойларида 5 кун давом этади. **Бияларда қуюқишнинг қуйидаги даражалари мавжуд:** 1 – даражали қуюқиш – (K^1) қуюқишнинг дастлабки даври бўлиб, айғир яқинлашганда бия жим туради. 2 – даражали қуюқиш – (K^2) айғирни бия ўзига яқинлаштиради, думини кўтаради, жинсий органларини ташқи мускули қисқаради. 3 – даражали қуюқиш – (K^3) айғир яқинлашганда оёқлари кенг қўйилади ва сияди. 4 – даражали қуюқиш (K^4) айғир яқинлашганда бия энгашади ва ирғиганда тўсқинлик қилмайди.

Агар айғир яқинлашганда тепса, бир кун қуюқишнинг ўтганлигини билдиради. Бияларда 3-4 даражали қуюқиш пайтида қочириш яхши натижа беради. Жинсий цикл 3 даврга бўлинади: қўзғалиш, тормозланиш, тенглашиш.

Қўзғалишда жинсий аъзоларда борган сари ўзгариш кучаяди, фоликулалар етилади. Бачадон ва қиндаги шилимшиқ пардалар ўсади, барча жинсий аъзолар қизаради. Бачадон бўйни канали очилади. Бачадон безлари кўплаб шилимшиқ модда ишлаб чиқаради. Натижада тўртта асосий рефлекс, яъни умумий уйғониш, шиллиқ оқими, жинсий мойиллик ва овуляция юзага келади.

Тормозланиш даврида ёрилган фолекулалар ўрнида сарик таналарнинг ривожланиши, барча жинсий аъзоларнинг қизариши ва бачадон безларининг сўниши, жинсий қўзғалиш тўхташи билан биялар айғирларни ўзига йўлатмайди.

Тенглашиш даври – янги фолекулалар етилишининг бошланиши, сарик таналар ўсиб етилиши билан шимилиб кетиши, жинсий мойил ва қуюқишнинг тўхташи билан характерланади.

Бияларни отхоналарда боғлаб боқишда қочириш 15 февралдан 15

июлгача уюрларда боқишда 15 апрелдан 1 августгача ўтказилади. Лекин бу муддат иқлим шароитларига қараб ўзгариши мумкин.

Йилкичиликда меъёрл куюкиш 5-7 кун давом этади. Куюкишнинг давомийлиги ва унинг даражаси бияларда ўзгариб туриб у биянинг физиологик ҳолатига, соғлигига, боқиш шароитига ва асрашга боғлиқдир.

- Отбой – бия айғирни ўзига яқинлаштирмайди, кулоқларини диккайтириб туради ва орқа оёқлари билан тепади.

Бияларни синаш. Хали кулунламаган ҳамда ёш бияларни, биринчи марта қочиришга қўйишда, қочириш мавсуми бошлангўнга қадар кунора, кулунлаганларини эса кулунлагандан кейин бешинчи кундан бошлаб куюкишигача ҳар куни синалади.

Бияларни қочиришга ёки сунъий уруғлантиришга ташқи белгилари учинчи ва тўртинчи даража куюкишга етганда қўйилади, бу ҳилдаги қочириш биялар тиним ҳолатига келгўнга қадар ташқи белгилари бўйича ҳар 24-28 соатда такрорланиб туради.

Мойиллик тугагандан кейин 9-10 куни қочирилган ва сунъий усулда уруғлантирилган биялар қайта синалиб кўрилади. Бу ҳолдаги синаш бияларнинг бўғозлиги тўлиқ белгилангўнга қадар эттирилади. Агар бия қайта қуюқадиған бўлса, одатдаги тартибда қочирилади.

Отларнинг жинсий етилиши ва қочириш ёши

Тойларда жинсий етилиш 1,5 – 2 ёшларида содир бўлади. Отларнинг умумий ривожланиши 3 ва 5 ёшгача давом этади. Бу от зотига боғлиқ. Отларнинг зотига қараб уларнинг камида 3 ва 5 ёшга етганда қочиришга қўйилади. Илғор зоотехния Фани барча йилкичилик хўжаликларига бия ва айғирни физиологик етишгандан кейин қуйидаги ёшларда: оғир юк тортувчи зот отларнинг айғирларини 3-4 ёшда, бияларни 3 ёшда, йўртоқи ва салт минилувчи зот отларининг айғирларини 4-5 ёшда, бияларини 3-4 ёшда қочиришга қўйилиши тавсия этилади. Жинсий жиҳатдан энг кеч етиладиган отлар уюр ҳолда боқиладиган маҳаллий зотлар ҳисобланади, энг тез етиладиган оғир юк тортувчи ҳамда миниладиган зотлардир. Одатда жинсий жиҳатдан тез етиладиган отлар тез ривожланади ва барвақт қарийди. Айғирлар эса бияларга қараганда анча ўзоққа чўзилади. Наслли отлардан фойдаланиш ҳамма зотларда бир ҳил эмас. Йуртоқи салт минувчи ва салт минилиб енгил юк тортувчи зотларда 18-20 ёшгача, оғир юк тортувчи зотларда 16 ёшгача.

От заво̀тларида энг яхши айғирлардан сифатли сперма бергунча то 25 ёшгача фойдаланилади.

Қимматли наслли биялардан бола олиш қобилиятигача яний 18-20 ёшгача фойдаланиш мумкин.

4.3. Йилкичиликда қочириш усуллари ва бир айғирга тўғри келадиған биялар сони

Йилкичиликда қочиришнинг қуйидаги усуллари қўлланилади: қўлда, тўсиқ ичида, эркин қочириш, уярда қочириш, сунъий қочириш.

Қўлда қочирилганда айғир ёрдамида ёки синовчи айғирлар томонидан аниқланади. Қўлда қочирилганда қочирилган вақти, ҳисоб-китоб

қилинади. Бу усулдан отхоналарда боқилганда фойдаланилади. Қуюққан бия махсус ёпиқ бинода ёки отхонанинг ташқарисидаги текис жойда қочирилади. Қочиришдан олдин айғирни тепиб юбормаслиги учун бияга хавфсизлик тасмаси кийгизилади. Айғир ирғиётган пайтда бияларни қочириш жойининг атрофи ўралган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ана шу тартиб қоидаларга амал қилинмаса, айғирларни содир бўлган шовқинга чалғитиб қўйиш ва ана шу уни кўрқитиб юбориш ва биянинг қочиришга мойиллигини йўқотиб қўйишга сабаб бўлади.

Қочириш учун олиб келинган бияни думини қочириш пайтида айғир жинсий аъзосини қиллар билан зарарланмаслиги учун биянинг дум асоси бинт билан ўраб қўйилади. Бия жинсий органининг ташқи қисми илиқ сув билан яхшилаб ювилади. Бунинг учун тоза кул ранг ёки оқ пахтадан фойдаланиб, у фақат битта жинсий аъзогагина ишлатилади. Бияни қочириш пайтида унинг эмадиган кулунига қочириш пайтида айғир тегиб кетмаслиги учун ва бия кўриб туриши учун онаси олдида ушлаб турилади.

Оталаниш яхши бўлиши учун биянинг олд томонини пастроқ бўлиши ва бошини кўтариб туришига эътибор бериш керак. Агар биринчи ирғишда жинсий алоқа содир бўлмаса, айғирни 15-20 минут етаклаб юргизилади ва тўлиқ эрекциядан сўнг қайта ирғитилади. Қуюққан биялар қочириладиган куни ва қочирилгандан кейинги кунларда оғир ишларда ишлатмаслиги, тез чоптирмаслик керак. Жинсий алоқа даврида бия тинч турмаса у бачадон бўйинчасининг тўлиқ очилмаганлигидан, куюкишни бошланмаганлиги ёки тугалланмаганлигидан дарак беради. Қочириш ана шу усулда олиб борилганда ҳар бир наслдор айғирга 25-30 бош бия беркитилиб қўйилади. (7-12 ёшли айғирга) 3-4 ёшли айғир бўлса 12-15 бия ва худди шундай қари ёшли 14 дан катта бўлган айғирлар учун ҳам 12-15 бош бия беркитилади..

Тўсиқ ичида эркин қочириш. Бундай қочиришда хилланган махсус девор ёки тахта билан ўралган ғов ичига киритилади ва айғир қуюққан бияларни ўзи излаб топади. Бир-икки марта ирғигандан кейин ушлаб боғланади. Агар айғир фақат бир бияга чопавериб қуюққан бошқа бияларга қарамаса, биринчи куни қочирилган бия икинчи куни ғов ичига киритилмайди. Бир айғирни кунига икки марта эрталаб ва кечкурун бияга қўйиб олиш мумкин.

Ғов ичига бир йўла 15-20 бия қамалади. Бу усул билан уларда юрган бияларни тўлиқ оталантириш ва наслдор айғирлардан максимал фойдаланиш имконини беради. Энг муҳими қочиришда аниқ ҳисоб-китоб ишлари олиб борилади. Мавсумда бир йўла ёш айғирларга 25-35 бош ва қари айғирларга 15-20 бош бияни беркитиб қўядилар.

Уюрда қочириш. Бу усул билан бир ўрта ёшли айғирга 25 бия, бир қўшиладиган ва қари айғирга эса 12-15 бош бия беркитилади. Айғир биялар билан бирга ўтлаб юриши билан ва биялар қишилар ёрдамисиз шу айғирдан қочирилади. Мавсум давомида бошқа айғир қўйилмайди. Агар бошқа айғир қўшилиб қолса, бир-бирини яродор қилади. Зўрлик қилгани шу уюрни эгаллайди. Бунда кам меҳнат сарфланади, биялар кўпроқ қочади, меъёрл отланади. Қочиришнинг бу усули катта яйлов майдонларига эга бўлган

хўжаликларда кўпроқ қўлланилади.

Наслчилик ишларини тўғри олиб бориш учун уюрларни бияларнинг ёшига, зотига, экстерерига ва классик даражасига қараб ташкил қилиш, бияларга юқори класли айғирларни қуйиш ва айғирларни чарчаб қолишидан асраш керак.

Бияларни қочириётган вақтда ақғир бияларга нисбаттан бир класс юқори бўлиши керак.

Сунъий қочириш. Бу усул нисбатан прогрессив ҳисобланиб, бир айғирнинг уруғи билан жуда кўп бияни (150-350) уруғлантириш мумкин. Айғир бир ирғишда 60-120 мл уруғ беради. Бияни оталантириш учун эса 20-40 мл уруғ етади. Демак, айғирнинг бир ирғиши давомида берган уруғи билан уни суюлтирмасдан 3-4 бияни, суюлтирганда 15-20 бияни қочириш мумкин. Шунга кўра бу усул қуйидаги мақсадларда қўлланилади, яхши самара беради: наслдор элита классли айғирларда максимал фойдаланишда, айғирлар сонини меъёрл тўтиб туришда, ҳар хил юқумли касалликларни олдини олишда, жинсий органлари касалланган тақдирда ҳам уларни оталантиришда уларни классли уруғи билан ўзоқдаги бияларни оталантиришда, наслчилик ишларини тўғри олиб боришда катта аҳамиятга эгадир.

Бияларнинг оталаниш жараёни қочириш компаниясининг энг муҳим факторларидан биридир. Бу кўрсаткичнинг юқори даражада бўлиши, бияларнинг серпуштлигига, айғирларнинг жинсий активлигига боғлиқ.

Режани тузишда, қулун компаниясини тўғри ташкил этишда мўтахассисларининг ташкилотчилигига боғлиқ.

Бияларни қочиришдан мақсадида фойдаланилган насли айғирларда камчилик ва нуқсонлардан холи бўлиши лозим. Қочириш компанияси бошланишидан бир ой олдин айғир ва биялар зооветеринария кўригидан ўтказилади.

Наслдор ва синовчи айғирларни қочириш компанияси бошланишига 1,5 ой вақт қолганда сифатли концентрат озуқалар билан боқишга киришилади. Бияларни қочириш усули 1 жадвалда берилган.

Йилқичиликда қочириш усуллари ва бир айғирга тўғри келадиган биялар сони.

1-жадвал

Қочириш усуллари	Айғирларнинг ёши	Бияларнинг сони	Кунда	Мавсумда
Қўл ёрдамида қочириш	Тўлиқ ёши (7-12),	25-30	1-2	175
	Ёш ва қари айғирлар	12-15	1	75
Тўсиқ ичида қочириш	Тўлиқ ёшли	25-35	1-2	175
	Ёш ва қари айғирлар	15-20	1	75
Уюлда	Тўлиқ ёшли	20-25	-	-

қочириш	Ёш ва қари айғирлар	12-15	-	-
Сунъий қочириш		150	1	-

Бияларни қочириш мавсумида қочириш усуллари, айғирларнинг ёши катта тасир қилади. Қочиришнинг ҳамма турларида тўлиқ ёшли айғирлар, ёш ва қари айғирларга нисбатан кўп бияларни қочиради. Сунъий қочиришда айғирларнинг ёши эмас, аммо айғирдан олинган сперманинг миқдори, сифати муҳим рол ўйнайди.

Айғирларни ишлаб чиқаришдаги қобилиятчанлиги.

Айғирларнинг қобилиятчанлиги унинг спермасининг сифатига, активлигига, ҳайвоннинг соғломлигига боғлиқ. Айғирларнинг ишлаб чиқаришдаги қобилиятчанлиги унинг ўтган йилдаги амалий наслчиликдаги фойдаланиш ҳисоб натижаларининг амалий натижаси билан белгиланди. Шунингдек айғирларнинг клиник кўригидан ўтказиб, унинг жинсий органлари текширилади.

Сперма сифати.

Айғирларнинг спермасини баҳолашда сперматозоидларни активлик ҳаракатидаги ҳаётчанлиги ундан ташқари сперманинг оз-кўплиги, ранги ва ҳиди бўйича баҳоланади. Қочириш компанияси олдиндан кунига бир марта уч кун давомида (кунига) қочириш компанияси давомида камида ойига бир марта текширилади. Айғирнинг эякулят ҳажми ҳар бир эякулят баҳоланади. Эякулят ҳажми 15 мл.дан то 120 мл.гача. Олдин ранги, ҳиди ва ҳажми аниқланади. Айғирнинг меъёрл ҳолатдаги спермаси кул рангсимон оқ тусда, ҳидсиз бўлади, спермада йиринг, қон ва бошқа аралашмаларга эътибор берилади. Концентрацияга, ҳаракатчанлигига ва сперманинг қанчалик ҳаётчанлигига қараб баҳо берилади. Сперманинг ҳажми (мл ҳисобида) даражаларга бўлинган цилиндр ёки стаканда, унинг концентрацияси стандарт бўйича, ҳаракатчанлиги кўзда чамалаб аниқланади. Сперманинг ўртача кўрсаткичини қуюқлиги бўйича сперма қуюқ 1млн.дан 300 млн. ва зиёд дона, ўртача 150-250 млн. ва сийрак бўлганда 150 млн. донадан кам сперма бўлади. Сийрак сперма яроқсиз ҳисобланади. Сперматозоидларнинг ҳаракатини кўзаўтиш учун сперма 39-40⁰С ҳароратда микроскоп остида олға интилувчи актив сперма кўзатилади. Сперма ҳажми градус даражаланган мензуркада кўзатилади. Сперматозоидларнинг ҳаракати эса микроскопда 10 балли системада аниқланади.

Сперматозоидларнинг ҳаммаси (100%) тўғри чизикли илгариланма ҳаракатга эга бўлса, сперма 10 баллдан юқори баҳо олади, 9 балли сперматозоидларнинг 90% тўғри чизикли ҳаракат қилганда берилади ва хоказо. Ҳаракатчанлигига кўра 5 баллдан кам баҳо олган сперма физиологик жиҳатдан меъёрл сперма ҳисобланади.

Насли айғирларни озуклантириш ва сақлаш.

Наслдор айғирларни ва синовчан айғирларни оддий денникларда

тақасиз боғланмасдан эркин ҳолда боқилади. Денниклар узунлиги 320 см, кенглиги 320 см, баландлиги 350 см ҳолатда бўлиши керак. Отхонани ёруғ ва тоза бўлиши отлар соғлиги учун фойдаси каттадир. Ёруғликда отлар организмда модда алмашинув процесси тезлашади. Отхона қуруқ ва шамол эсмайдиган бўлиши зарур. Деразалар полдан 1-1,5 м баландликда қурилади. Наслдор отлар турадиган отхоналарда 8-10⁰С бўлиши керак.

Наслдор айғирларни озуклантиришни тўғри ташкил қилиш қочириш компаниясини муваффақиятли яқунланишининг гаровидир. Чунки айғир спермасининг сифати бериладиган озуканинг миқдори, сифатига боғлиқ. Айғирларни зооветеринария қондаси асосида озуклантириш ишни намунали ташкил этиш, жинсий активликни ошириб боришга олиб келади. Наслдор айғирларни рационда яхши бошоқли ва дуккакли пичанлар, арпа ёрмаси, сабзи, беда уни, гўшт-суяк уни, қон уни, тухум ва бошқа оқсил, витаминлар ҳамда минерал моддаларга бой бўлган озукалар бўлиши керак. Ҳаддан ташқари семириб кетишига йўл қўймаслик керак. Охурларда доимо Лизун тўзи бўлиши керак. Айғирларнинг 100 кг тирик вазни ҳисобига суткасига 2 кг озуқа бирлиги, (ҳар озуқа бирлигида 110-130 гр ҳазм бўлувчи перотеин, 6 гр Са, 5гр Р, ва 5 мг каротин) тўғри келиши керак.

Айғирларнинг жинсий имкониятларини кўпайтирувчи стимуллардан бири куёш нури, тоза ҳаво, доимий ҳаракат ва чўмилтиришдир. Ҳавонинг иссиқ ва совуқ кунлари айғирларни яйраўтишга чиқариш таклиф қилинмайди. Ёз ойлари айғирларни 10-12 минут 14-15⁰С иссиқликдан паст бўлмаган сувда чўмилтириш фойдалидир. Ҳар куни тозалаш ва бир ойда бир марта туёқларини кўриб ўсган бўлса, кесиб тозалаш зарур. Бир кунда 1-2 марта бияларга қуйиб олиш мумкин. Бир ҳафтада бир кун дам берилади.

Бўғозлик даври дейилганда тухум хужайралари оталанган вақтдан бошлаб то туққан вақтгача ўтган давр тушунилади. Бияларнинг бўғозлик даври ўртача 335 кунни, айрим ҳолларда тебраниши 315-350 кунни ташкил этади. Бу бўғоз бияларни овқатлантириш даражасига, туғиладиган қулуннинг жинсига, айғир ва биянинг зоти ҳамда уларнинг индивидуал хусусиятига боғлиқдир. Биринчи марта туғадиган ёш биялар боласини кўпроқ кўтаради. Эркак қулунлар урғочи қулунларга нисбатан 1-2 кун кейин туғилади. Шуни айтиш зарурки, агар бия боласини жуда оз кўтарса, бу унинг касаллигини билдиради. Бўғозлигининг 7-8 ойида биянинг қорни осилади, елини катталашади, тез—тез сияди, терлайди ва баъзан чарчаб қолади. Туғишига 2 ой қолганида биялар барча ишлардан озод қилинади, 15-20 кун қолганида отхонада сақланса, тагига тўшама солинган доимий оғилхоналарга кўчирилиши керак. Қулунлашга 1-2 кун қолганда биянинг елини кўпчиб, елин сўрғичларидан елинга ўхшаш суюқлик кела бошлайди. Бия туғиш олдидан безовталанади. Озуқа емай қўяди, қулунлаш 20-40 минут давом этади. Тулғоқ 2-3 минутда қайталанаяди. Қулун туғилганидан кейин қулуннинг киндиги қорнидан 5-6 см пастроқдан тоза ип билан боғланиб қайчида қирқилади. Қирқилган жойга суркаб қўйилади. Агар биянинг йўлдоши 12 соат ичида тушмаса, ветеринария врачига мурожаат этилади.

Янги туғилган қулунни биянинг ўзи ялаб қурилади, ялаш жараёни

давомида кулуннинг териси массаж қилинади, нафас олиш ва қон айланиш функцияси органлари кучаяди, йўлдош тез ажралади, жинсий органлар ҳолати меъёрлашади.

Янги кулун то оёққа тургунча биянинг елин сурғичларини қидира бошлайди. Бундай пайтда унга отбоқар ёрдам бериши, биянинг елини 1%ли бор кислотаси билан ювиб ташлаш, сурғичларни сочиқ билан артиб қўйиши ва дастлабки сут қисмини соғиб ташлаши керак.

Кулунлаштиришнинг илмий жиҳатдан асосланган ва таркибида исботланган юқоридаги усуллардан оқилона фойдаланган ҳар бир чорвачилик хўжалиги кулунлаўтиш компаниясини муваффақиятли, ортиқча сарф ҳаражатларсиз якунлаш мумкин.

Ёш отларни ўсиш ва ривожланиш қонуниятлари

Ҳайвонларни ўсиш ва ривожланиши она қорнида яъни тухум ҳужайраси сперматозоид билан қўшилиб уруғланишдан бошланади ва туғилганидан сўнг давом этади. **Ўсиш** -деганда тирик вазнининг организмга қўшилиши тананинг узунлиги, энига, кенглигига ортишидир. Организм функция ва структурасининг мураккаблашиб такомиллашувига **ривожланиш** дейилади.

Ўсиш ва ривожланиш икки даврга бўлинади:

А) она қорнида;

Б) туғилгандан сўнг.

Туғилганда кулунларнинг тирик вазни ўз онаси вазнининг 10%ни ташкил қилади, 7-8 кунга қадар янги туғилган даври дейилади. Туғилгандан 1-2 соат ўтар-ўтмасдан у мустақил ҳаракат қилади.

Ёш отлар танасининг тўзилиши билан катта ёшдаги отлардан кескин фарқ қилади. Оёқлари ўзун, гавдаси тор ва катта, кўкраги чуқур эмас. Агар буғоз биялар ёмон озуклантирилса, ҳомиланинг ўсиши сустлашади, трубкасимон суяклар ўсишдан тўхтайти, натижада кулунлар оёқлари катта бўлиб туғилади ва ҳаётини охиригача бу нуқсон сақланиб қолади (эмбрионализм).

Кулун туғилгандан сўнг организм дастлабки 2-3 кун мобайнида қайта тиклана бошлайди. Бу даврда кулун кенгликка, узунликка ва баландликка ўса бошлайди. Бу даврда калорияли озукалар билан озуклантирилмаса, уларнинг скелети яхши ўсмайди, ривожланмайди, улар катталашганда оёқлари баланд, орқаси тор, гавдаси катта, кўкраги тор бўлиб шаклланади. Тана тўзилиши ёш отларни эслатади (инфантилизм) дейилади.

Туғилган кулунларда тана ҳарорати юрак режимларининг қисқариши ва нафас олиши юқори бўлади. 2-3 ойлигидан бошлаб юқоридаги айтилган кўрсаткичлар пасайиб боради. Ёшини ошиб бориши билан ўсиш ва ривожланиш тезлиги сусайиб қоннинг морфологик таркиби ўзгаради. Эритроцитлар сони ва гемоглабин концентрацияси пасаяди.

Ёш отларни жинсий етилиши 6-8 ойлигидан 12-18 ойликгача бўлган даврда содир бўлади. Жинсий етилишнинг дастлабки даврида ёш отларнинг танасининг тез катталашуви кўзатилади: кўкраги кенгаяди, танаси узунлашади, баландликка ўсади. Етилиш даври охирида ўсиш тезлиги, нафас

олиш ва томир уриш пулси сустлашади, тана ҳарорати пасаяди. Қондаги эритроцитлар ва гемоглабин миқдори ошади.

Отларнинг ўсиши 5 ёшгача давом этади. Бу даврда гавда тўлишади, физиологик кўрсаткичлар меъёрга келади, ҳамма сут ўтишлари доимий ўтишлар билан алмашади. Ёш тойларни ва қулунларни ўсиш ва ривожланишини текшириш учун улар тарозида тортиб кўрилади. Ҳайвонлар ўсишининг асосий кўрсаткичи мўтлоқ ва нисбий бўлади.

Мўтлоқ ўсиш деб ҳайвоннинг муайян вақт, кун, ой, квартал, йил мобайнида тирк вазнини ортишига айтилади ва қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$M = \frac{O - D}{T}$$

О – ҳайвоннинг тарозида тортилган охирги оғирлиги, Д – дастлабки оғирлиги, Т – иккала тортиш ўртасидаги вақтидаги оғирлик, М – қулуннинг ҳозирги тортиш вақтидаги оғирлиги 69 кг, туғилгандаги оғирлиги 39 кг.

га тенг экан. Демак, кунлик яъни мўтлоқ ўсиш 1 кг экан.

Нисбий ўсиш ҳайвоннинг муайян вақт кун, ой, квартал, йил мобайнида ортган оғирлигининг дастлабки оғирлигига нисбатан процент ҳисобида ифодаланишига айтилади.

Маҳаллий зотга оид қулунлар эса айниқса туғилгандан кейин биринчи ойда жуда тез ўсади, дастлабки ойда қулуннинг тирик вазни суткасига 1-2 кг дан ошиб боради. Янги туғилган пайтда онасини сутка давомида 50-60 мартагача эмади. Сут эмиш даврида тирик вазнининг 1 кг ошиши учун 10 л сут истеъмол қилади.

Уюр қилиб боқиладиган шароитда қулунларнинг ўсиши поғонали бўлиб, баҳорги ва кўзги мавсумда жадаллашади, қишги мавсумга ўтгандан сўнг сусаяди. Уч ойлигида қулуннинг тирик вазни туғилгандагига қараганда 3 марта ортади, 6 ойлигида бу кўрсаткич катта ёшдаги отларнинг вазнини 45%ни, 1 ёшда эса 62-65%ни, 2 ёшида 85-90% ни ташкил қилади.

Қулунларни сут даврида боқиш ва асраш

Қулунларнинг сут давридаги ўсиш ва ривожланиши биянинг серсутлигига боғлиқ. Қулунларнинг ҳаётини дастлабки 3-4 кунда махсус бўлимларда сақланади. Сўнгра онаси билан моционга чиқарилади ва кун сайин сайр қилиш муддати ўзайтириб борилади.

Биялар 5-7 кунлик қулунлари билан кичик-кичик гуруҳ қилиб асралади, 10-15 кунлик бўлганда эса умумий биялар тўдасига ўтказилади. Қулунлар ҳаётининг дастлабки бир ойи мобайнида онасини ҳар соатда эмиши керак. Қулунлар 1-1,5 ойлигидан бошлаб ўсимликлар билан озукланади. Улар ҳаётининг 2 ойи охиридан бошлаб ўсимликлар яъни концентрат озукаларга ўргатила боради. Қулунлар отхонада асралганда 6-7 ойлигида онасидан ажратилади. Улар уюр қилиб боқиладиган йилкичиликда эса 8-9 ойлигида бориб ажратилади. Ажратишдан олдин уларнинг туслари ва белгилари аниқланиб тайёрланади.

Онасидан ажратилган қулунларни устириш ва асраш

Қулунларнинг онасидан ажратилишининг энг яхши муддати август,

сентябр, октябр ойлари ҳисобланади.

Онасидан ажралган қулунлар биттадан ёки иккитадан қилиб бўлинмаларга жойининг кенглиги 9 м²дан кам бўлмаслиги керак, бўлмалар автоматик сувдонлар билан жиҳозланган, қуруқ ва ёруғ бўлиши керак.

Асрашнинг таннархини пасайтириш мақсадида уларни гуруҳ-гуруҳ қилиб бўлмаларда асраш мумкин. Онасидан ажратилган қулунлар сифатли пичан ва ўт уни билан озуклантирилиши лозим, уларга ўтга бой бўлган яйловлар ажратилади.

Концентрат озуқалардан буғдой кепаги, сули, арпа, кунгабоқар кунжараси берилади. Рационда калций моддаси етишмаса концентрат озуқаларга ҳар бир бош ҳисобига 20-30 г дан борк қўшиб берилади.

Ёш қулунлар суткасига 4 марта озуклантирилади, концентрат озуқалар эрталаб, тушликда ва кечга берилади. Концентрат озуқалар беришда қулунлар охурларга боғланади (кучлилари кучсизларини сиқиб чиқармаслари учун) пичан озуқалар суткасига 3 марта, ширали озуқалар 2 марта берилади.

Кеч ва нимжон туғилган қулунларнинг асосий рационига ҳар бир бош ҳисобига 3-8 л дан обрат ёки иссиқ сувга аралаштирилган сигир сути қўшиб берилади. Бунда ҳар бир литр сут ҳисобига 20-25 г дан қанд ҳам қўшилади. Қулунлар бир-бирларига яхши ўрганиб кетгунларига қадар улар мунтазам равишда кўзатиб борилади.

Яйловда яхши ўтлаши учун уларнинг тўдасига ахта қилинган қари от қўшиб қўйилади. Эркак тойлар урғочи тойларга нисбатан озуқа ва унинг сифатларига талабчан бўлади, яхши озуклантириш шароитида эркак тойлар ривожланишида урғочи тойлардан ўзиб кетади. Шунингдек, эркак тойлар озуклантириш меъёри урғочи тойлардан кўп бўлиши керак. Бундай ҳолат то 2 ёшга тўлгунларига қадар давом этиши керак.

Интенсив машқ қилдириш даврига келганда эркак тойлар ва урғочи тойлар озуклантириш меъри деярли бир хил бўлади. Октябрдан то январга қадар эркак тойларга ҳар 100 кг тирик вазнига, 2,8 урғочи тойларга ҳар 100 кг тирик вазнига 2,5 озуқа бирлиги берилади, январ ойидан бошлаб бу кўрсаткич 2,5-2,3 кг ни ташкил қилиши керак.

Бунда ҳар бир озуқа бирлигига 105-106 г ҳазмланувчи оксил, 6,5-7,5 кальций, 5,5-6 г фосфор ва 20 мг каротин тўғри келиши керак. Дастлабки ойларда тойлар рационининг 50-60%ни тўйимлилиги бўйича концентрат озуқалари ташкил этиши керак. Рациондаги дағал озуқалар миқдори аста-секин ошиб боради. Ёз кунлари қулунлар куни билан яйловда бўлиб фақат кун жуда исиб кетган вақтдагина уларни отхонага ҳайдаб киритилади, концентрат озуқалар билан боқилади.

Ёш қулунлар ва тойларни ўсиш ва ривожланишига бияларнинг қулунлаш мавсуми ҳам таъсири кўрсатади. Эрта туғилган қулунлар март, апрел, май ойлари яхши ривожланади. Меъёрл озуклантириш шароитида соф қонли салт минилувчи, оғир юк тортувчи, рус ва орлов зотлари бошқа зотларга нисбатан тез етилади. 3,5 ёшга етганда улар катта ёшдаги отларнинг вазнини эгаллайди.

Шунингдек, қулунларнинг эркаги урғочисига нисбатан она қорнида

3-4 кун ётади ва шунга кўра эркаклари урғочиларига нисбаттан каттарок туғилади. Жинсий етилиш давридан сўнг эркаги урғочиларига нисбаттан экстерери бўйича кескин ўзгаришлар юз беради.

Эркак тойлар 1,5 ёшда экстерерининг ҳамма кўрсаткичлари (тирик вазни, тана ўлчами) бўйича урғочи тойлардан ўзиб кетади. Қулунларни ўсиш ва ривожланишини назорат қилиб бориш учун туғилгандан сўнг 3 кундан бошлаб тарозида тортилади ва танасининг айрим ўлчамлари олинади, сўнгра 6 ойлигида 1; 1,5; 2,2; 5,3. ва 4 ёшлигида тортиб кўрилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Поданинг такрор ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади нима?
2. Подани такрор ишлаб чиқариш неча даврни ўз ичига олади?
3. Бияларнинг куюкиши ва жинсий мойиллик ва жинсий цикл деб нимага айтилади?
4. Бияларда куюкишнинг қанақа даражалари мавжуд ва қайси даражаси куюкиш пайтида қочириш яхши натижа беради?
5. Жинсий цикл неча даврга бўлинади?
6. Отларнинг умумий ривожланиши неча ёшгача давом этади?
7. Бия ва айғирларни физиологик етилгандан кейин қайси от зотларида неча ёшдан бошлаб қочириш мумкин?
8. Наслли отлардан фойдаланиш ҳамма зотларда бир хил эмас шундай экан, йўртоқи салт минилувчи ва оғир юк тортувчи зотлардан неча ёшгача фойдаланиш мумкин?
9. От заводларда энг яхши айғирларда ва биялардан неча ёшгача фойдаланиш мумкин?
10. Айғирларнинг спермасини баҳолашда қайси кўрсаткичларига қараб баҳоланади?
11. Айғирнинг экулят ҳажми неча мл?
12. Меъёрл ҳолатдаги сперма қанақа бўлади?
13. Сперматозоидлар 100% тўғри чизикли илгариланма ҳолатга эга бўлса у қанча баҳо олади? Ҳаракатчанлигига кўра неча баллдан кам баҳо олмаган сперма физиологик жиҳатдан меъёрл сперма ҳисобланади.
14. Бияларни сунъий қочирганда бир айғирни уруғи билан неча бияни уруғлантириш мумкин?
15. Наслли айғирлар қаерда сақланади ва майдон ҳажми қанча бўлиши керак?
16. Йилкичиликда қочириш даврида қанақа озукалар бериш тавсия қилинади?
17. Айғирларни қочириш даврида парваришлашни айтинг.
18. Бияларни қочиришнинг қанақа усуллари биласиз?
19. Биялар уярда қочирилганда мавсум давомида битта ўрта ёшли айғирга, биринчи марта қўйиладиган айғирга неча бош бия беркитилади? Қари айғир бўлсачи?
20. Бияларнинг буғозлик даври неча кун давом этади?

- 21.Қулунлаш неча минут давом этади?
- 22.Қулунларнинг ўсиш ва ривожланиши тўғрисида таъриф беринг?
- 23.Мўтлоқ, нисбий ўсиш деганда нимани тушунаси?
- 24.Қулунлар неча кунлигида махсус бўлимларда сақланади? Биялар неча кунлик қулунлар билан қандай гуруҳ қилиб асралади?
- 25.Қулунлар неча кунлик бўлганда умумий гуруҳга ўтказилади ва биялар туққанидан неча кун ўтгач енгил ишларда ишлатиш мумкин?
- 26.Қулунлар неча ойлигидан бошлаб ўсимликлар билан озуклана бошлайди? Туғилгандан кейин неча кун ўтгандан сўнг концентрат озукаларга ўрганилади?
- 27.Қулунлар неча ойлигидан бошлаб онасидан ажралади?

От зотлари

Р Е Ж А

1. От зотлари бўйича тушунча.
2. МДХда от зотларни районлаштириш.
3. От зотларининг зоотехникавий классификацияси.
4. Маҳаллий зотлар
5. Маданий зотлар
6. Маҳаллий от зотларига қисқача тавсиф.
7. Маданий от зотларига қисқача тавсиф.
8. Қорабайир от зотиға тавсиф.
9. Пакана от зотларига қисқача тавсиф

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати.

1. Свечин. К.Б, Бобылев И.Ф., Гопка. Б.М Коневодства Москва Колос. 1992 г.
2. Туракулов З.Т., А.З., Мухтаров А.З., Холмирзаев Д. Йилкичилик Т.Мехнат 1985 й.
3. Холмирзаев. Д Йилкичиликдан амалий машғулотлар Т.Мехнат 1988 й.
7. Фаннинг дискетага ёзилган маърузалар матни

Зот деб бир турдаги ҳайвоннинг шундай гуруҳига айтиладики, қишининг меҳнати натижасида маълум ижтимоий-иқтисодий шароитдан келиб чиқиши ва ривожланиши умумий тарихга эга бўлган, табиий шароитда умумий ишлаб чиқариш технология талабларига жавоб бериш бошқа зотлардан ўзининг характерли хусусиятлари ва тана тўзилиши, маҳсулдорлиги бўйича фарқланадиган белгиларнинг мавжудлиги, зот хусусиятларини наслдан-наслга ўткази олишларига айтилади.

От зотларини ўрганишда нималарга эътибор беришни, янги зотларни яратиш талабларини, зотларнинг классификация типларини ва МДХ.да отларни зотлар бўйича районлаштиришни ўрганишимиз керак.

Ҳозирги кунда дунё бўйича 250 га яқин от зотлари бор. Шулардан 40 га яқини МДХ.да тарқалган.

От зотларини ўрганишда қуйидаги режа асосида ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

1. От зотларнинг келиб чиқиш тарихи: мазкур зотнинг қаерда, қачон, қандай иқтисодий-социал ҳамда табиий шароитда вужудга келганлиги, ана шу мақсадда қайси зотлардан фойдаланилганлиги ва қандай яратилганлиги (сақланганлиги, боқилганлиги, урчитилганлиги,ўстирилганлиги ва фойдаланганлиги;

2. От зотининг тавсифи: мазкур зотнинг қайси йўналишда боқилиши, унинг асосий типлари, ўлчамлари, вазни, индекслари, экстерери ва тусининг хусусиятлари, биологик хусусиятлари, тез етилувчанлиги наслдорлиги, миждози, отларни иш қобилияти, зотлараро типлари, линиялари оиласи, зотнинг рекорд қўйганлиги ва чемпионлигига;

3. От зотининг халқ хўжалигидаги аҳамияти: сони, тарқалиш районлари, давлат наслчилиқ китоби, илғор наслчилиқ хўжалиқлар, наслчилиқ ишлари режаси ва зотлар бўйича тадбирий чоралар.

От зотларнинг халқ хўжалигидаги катта-кичиклиги ҳар хил қарчиғай баландлиги 38 см дан 180 см гача, қафт айланаси 6 см дан 32 см.гача, тирик вазни 12,5 дан 1200 кг гача оралиқда фарқ қилиши билан тавсифлаш мумкин.

Қишлоқ хўжалиқ ҳайвонларининг янги зотлари халқ хўжалиги талабларига мувофиқ яратилади.

От зотларининг зоотехник классификацияси.

1859 йил Ч.Дарвин зотларнинг яратилиши учун қай даражада инсон меҳнати сарфланганлигига қараб, яъни маҳсулдорлик йўналиши асосида классификацияга бўлган: маҳаллий, завод (маданий) ва оралиқ типдаги от зотларига бўлинади.

Маҳаллий зотлар - асосан табиатнинг ташқи муҳитнинг таъсирида ривожланган ва шаклланган. Буларнинг шаклланишида табиий танлаш катта аҳамиятга эга бўлган бу типдаги отларга инсон меҳнати ҳам сарфланган.

Бу зотлар табиий шароитга яхши мослашганлиги, кеч етилувчанлиги, чидамлилиги ва маҳсулдорлиги юқори бўлганлиги билан характерланади.

Завод (маданий) типлар – бу зотлар танлаш, хиллаш асосида, яхши боқиш, парвариш қилиш натижасида яратилган. Улар юқори маҳсулдорликка, тез етилувчанликка, зот ичида типлари кўплиги, чаққонлиги, кучлилиги билан фарқ қилади.

Лекин ташқи шароитга маҳаллий зотларга қараганда яхши мослашмаган. Масалан, қозоқи ва қирғиз зотлари табиий яйлов шароитида яхши ўсади, ривожланади ва кўпаяди. Худди шундай шароитда Орлов йўртоқи от зоти ёки соф қонли салт минилувчи Англия от зотлари яхши мослаша олмайди.

А.С.Красников 1978 йили Ч.Дарвиннинг классификациясини соддалаштириб амалиёт бўйича маъқул бўлган баъзи бир от зотларини қуйидагича классификацияга кириўтиш лозим деб топади.

Гуруҳлараро уринни алмаштирмайди, маҳаллий от зотлари ҳам экология типларига қараб яъни биологиянинг муҳит билан организм ўртасидаги муносабатларни ҳисобга олиб, гуруҳларга бўлади. От зотларининг классификацияси 1 жадвалда берилган.

От зотларининг классификацияси

Маҳаллий от зотлари.

От зотларининг гуруҳи	Отларнинг номи
Дашт от зотлари	Мўғул, Бошқирд, Қозоқ, (Жабе, Адаев) типлари, Бурят, Забайкал
Тоғ от зотлари	Қирғиз, Лоқай, Қорабах, Озарбайжон, Мегрел, Тушин, Олтой
Ўрмон от зотлари	Якўт, Вят, Мезен, Печор, Товдин, Полес, Эстон, Жмуд, Приб
Пони отлар	Шатланд, Карлик, Уэльс, Эксмур, Дартмур, Фелл, Дейл, Хайланд, Канемара, Готленд, Жулио- Фолобелло

7.3. Маданий от зотлари.

От зотларининг гуруҳи	Отларнинг номи
Салт минилувчи от зотлари	Араби, Ахалтака, Ёвмуд, Терск, Тракен, Соф қонли салт минилувчи Англия зоти, Украина салт минилувчи зот
Салт минилувчи ва енгил юк тортувчи	Дон, Будёний, Кабардин, Қорабайир, Кустаний, Кушум, Янги қирғиз, Янги тожик зоти
Йўртоқи от зотлари	Орлов, Рус йўртоқилари, Америка, Француз йўртоқилари
Оғир юк тортувчи от зотлари	Владимр, Рус, Совет, Латвия Ардени, Литов, Першерон, Брабансан, Клейдастал, Шайр, Суффолк
Енгил юк тортувчи от зотлари	Белорус, Латвия, Торий, Жемайчу, Воронеж, Кўзнец

1971 йили собиқ МДХ агросаноат давлат комитети собиқ Республика Министрлар Совети билан келишилган ҳолда ўзининг 394-сонли қарори билан МДХ да отлар зотлари бўйича райолаштирилган. МДХ да отларнинг зоналари бўйича райолаштиришда жойларнинг табиий-иқтисодий шароити ҳисобга олинган. Россияда от зотларини 10 та зонага бўлиш режалаштирилган. Орлов рус йўртоқиси, оғир юк тортувчи Владимир, Совет, Рус, Першерон, Литва, соф қонли салт минилувчи Араб, Ахалтака, Будёний, Якўт, Бошқирд от зотлари асосий зотлардир.

Украина Республикасида Орлов, Рус йўртоқилари, Рус, Совет оғир юк тортувчилари, соф қонли ва салт минилувчи Дон зотлари.

Ўзбекистонда Республикасида қорабайир ва соф қонли салт минилувчи от зотлари.

Озарбайжон Республикасида соф қонли салт минилувчи Араби, Терск, Қорабах зотлари.

Туркменистон Республикасида Ахалтака ва Ёвмуд от зотлари.

Қирғизистон Республикасида Янги қирғиз, Дон, соф қонли салт минилувчи от зотлари.

Қозоғистон Республикасида Жабе, Адаев типлари, Кушум, Кустанай от зотлари.

Тожикистон Республикасида Лоқай ва Қорабайир от зотлари районлаштирилган. Маданий (заовд) типидаги от зотлар 2 жадвалда берилган.

2 – жадвал.

Салт минилувчи от зотлари.

Зотлар	жинси	Ўртача улчамлари, см			
		Қарчиғай баландлиги	Тананинг қия ўзунлиги	Кўкрак айланаси	Кафт айланаси
Араб	а	154	113	178	19,25
	б	151	131	177	18,7
Ахалтака	а	154	154	167	19
	б	152	154	165	18
Ёвмуд	а	153	159	167	19
	б	149	149	167	19
Терск	а	166	168	196	21,7
	б	161,7	165	193,5	20,7
Соф қонли салт минилувчи	а	162,8	163	186,5	20,2
	б	161,5	160	182,5	19,55
Украина салт минилувчиси	а	166	167	194	20,1
	б	161	160	183	20

2 жадвал

Салт минилувчи ва енгил юк тортувчи зотлар.

Зотлар	жинси	Ўртача улчамлари, см			
		Қарчиғай баландлиги	Тананинг қия ўзунлиги	Кўкрак айланаси	Кафт айланаси
Дон	а	162	163	189	21
	б	160	163	189	19,6
Буденний	а	162	163	186	20,5
	б	161	163	180	20,1
Кабардин	а	155	158	180	19,5
	б	150	153	179	18,5
Қорабайир	а	153,4	155	170,1	19,8
	б	147,7	150	168	18,2
Кустанай	а	153,9	157,4	182,3	20,2
	б	154,3	155,5	185	18,4

Кушум	а	154,3	150	185	20,6
	б	154	155	181	19,1
Янги қирғиз	а	156	158	185	20,2
	б	151	154	181	19,1
Англо-кабардин гуруҳи	а	157,1		181,5	19,8
	б	148,1		184,9	19,1

3 жадвал

Ўртақот от зотлари.

Зотлар	жинси	Ўртача улчамлари, см			
		Қарчиғай баландлиги	Тананинг қия ўзунлиги	Кўкрак айланаси	Кафт айланаси
Орлов	а	160	161	180	20,3
	б	159	162	182	19,9
Рус	а	161	163,1	184	20,3
	б	161	163,1	184	20,3

Салт минилувчи зотлар.

Бошқа зотлардан шу билан фарқ қиладики, квадрат тўзилишда яъни қарчиғай баландлиги гавданнинг қия ўзунлигига ёки ундан 1-2% кўпроқ.

Салт минилувчи отларнинг тирик вазни ўртача 400-500 кг, оёқлари ўзун ингичка, кафт айланаси 18-19 см (араби ва Ахалтака от зотлари). Боши катта эмас, жағ оралиғлари кенг, энса суяги ўзун, бўйи ўзун, қарчиғайи баланд ва ўзун, орқа ва бели тор, сағриси ўзун ва кучли, мускул ва кураклари ўзун ва қия, бақайи ўзун ва қия, туёқлари ўртача катталиқда мустаҳкам, териси юпқа ва калта жун билан қопланган, конституцияси қуруқ зич.

Дунё миқёсида 50 га яқин салт минилувчи от зотлари ўрчитилмоқда, энг аввало ихтисослашган салт минилувчи зотлар Ўрта Осиёда яратилган, шулардан бири Ахалтака от зотидир. Кейинчалик Ёвмуд от зоти яратилди. Улар ғарбий Европа феодализм давридаги ҳарбий заминдорлар табақасида ҳарбий отлиқ аскарларни ташкил қилишда асосий рол ўйнайди, улар соф қонли салт минилувчи Англия отини яратишда фойдаланишди. Юқори қобилиятчанликка эга бўлган қаноатли, чидамли. Салт минилувчи зотлар фуқаролар ва иккинчи жаҳон урушида қайсики собиқ Совет отлиқ аскарлари матонати билан жанг қилиш, душманларни устидан ғалаба қозонишда жасурлик кўрсатдилар.

Ҳозирги кунда салт минилувчи от зотлар от спорт ўйинларининг классик ўйинлардан дунё миқёсида уйналмоқда ва ўрчитилмоқда. МДХда от зотлари бошқа мамлакатларга экспорт қилиниб турибди. От спортининг классик миллий ўйинларида муваффақият билан фойдаланиб келинмоқда.

Салт миниладиган соф қонли Англия от зоти.

Англия ороллари – салт миниладиган соф қонли отлар ватанидир. Зот яратиш ишлари 1660-1685 йиллардан бошланган. Юз йил (XVII асрнинг

иккинчи ярми - XVIII асрнинг биринчи ярми) мобайнида маҳаллий салт минилувчи отларни Шарқ (Араб, Варвар, Туркман, Турк) отлари, шунингдек Европа (Испан ва Неополитан) отлари билан мураккаб усулда урчиштириш усули асосида бир текис чопишга тўғри келадиган жуда яроқли салт миниладиган отлар яратилган.

Ҳозирги барча соф қонли отларнинг пайдо бўлиши Шарқ республикаларидан келиб чиққан, (эркак линияси бўйича) учта айғирга бориб тақалади. Булардан бири «Вейерлей-Тарк» (1683 йил Вена қамал қилинганда ўлка сифатида турклардан олинган) араб оти бўлиши мумкин, иккинчиси – ривож топаётган (салт миниладиган) от заводи учун 1710 йилда сотиб олиниб Англияга келтирилган кўпгина отлардан бири «Дарлей-Арабиан» айғири Марказий Осиёдан келиб чиққан, учинчиси – «Годольфин-Барб» варвар отларидан бўлса керак.

Зот яратиш дастлабки босқичларида аксари бир-бирига яқин инбридинглар қўлланиларди, лекин 1748 йили «метчем» айғири («Годольфин-Барб» невараси), 1758 йили – «Хород» («Вейерлей-Тарк» чевараси) ва 1764 йили – «Эклипс» («Дарлей-Арабиан» эвараси)дек ажойиб пойгабоп отлар ва насл айғирлари олингандан кейин, улардан ана шу учта аجدод бошлари авлодини уйғунлаштиришда фойдаланилди. Ўта чопқир пойгабоп отлар етиштиришда янги линиялар кросси энг яхши натижалар берди. Кейинчалик шундай жуфтлаштиришдан олинган авлодлар бошқа от зотлари қонини аралаштирмаган ҳолда урчилди, бунда бир текис чопишда юксак натижалар кўрсатган отлар насл олиш учун қатъий равишда танлаб борилди.

Зот яратиш ишлари қулай иқлим шароитларида олиб борилди, яъни отлар деярли йил бўйи барра ўтларда ўтлатилди, системали равишда машқ қилдирган ва чоптиран ҳолда яхши сифатли озуқалар билан боқилди. Зоотехника ишларини жуда юқори даражада олиб борилиши зот яратиш муваффақиятларини белгилаб берди.

Соф қонли салт миниладиган зотлар ёрдамида Украина, инглиз-кабардин, тожик салт миниладиган гуруҳи яратилган. Салт минилувчи отлар хосил қилишда гунтер типдаги аравага қўшиладиган Латвия, Литва торий зотлари билан қисман йўртоқилилар билан чатиштиришда фойдаланилади. Соф қонли салт боп отларни Орлов йўртоқи зоти билан чатиштиришдан олинган дурагайлар сафарларда ажойиб жангавор сифатларини намоён қилди, 1600 м масофага чопишда «Фортуна» (2 мин. 04,7 с.) каби отлар эса аъло даражадаги чакқонлик сифатларини кўрсатди.

Ҳозирги соф қонли салт миниладиган отлар – йирик, гармоник жуссали бўлиб, пишиқ конституцияси ва юқори даражадаги ишчанлиги билан ажралиб туради. От заводларидаги насл айғирларнинг ўлчамлари (см); қарчиғайдаги баландлик 162,8; гавдасининг қия ўзунлиги 163; кўкрак айланаси 186,8; кафт айланаси 20,26 см.ни ташкил этади. Бияларининг ўлчамлари (шунга мувофиқ равишда) 161,5-160-182,5 19,5 см га боради. Отлар малла, тўрик, қоратўрик; камдан-кам кўк ва қора тусларда бўлади. Думи ва оёқлари серқил эмас, попути бўлмайдиган ёки кам ривожланган бўлади; думи қуюқ бўлмай, сакраш бўғимидан пастга камдан-кам тушади. Тери

қоплами ингичка жунлардан иборат бўлиб, калин эмас. Тери юпка ва эластик бўлгани туфайли, унинг остидаги қон томирлари тури яққол кўриниб туради. От бошининг кичикроқ, енгилроқ бўлиши соф қонли салтбоп отлар экстерерига хос хусусиятлардан ҳисобланади. Кўзлари катта-катта, жонли, қулоқлари кичикроқ, юпка, ҳаракатчан бўлади. Бўйни асосан ўзун ва ўзайган энсаси билан бирга чўзилган. Қарчиғайи ўзун ва баланд бўлиб, бошқа барча зотларга қараганда кўзга яхши ташланади. Орқаси ва бели ўртача чўзиқ, яхши мушаклашган. Бияларда юмшоқ орқа ҳам учрайди. Сағриси ўзун, кенг, мускулли бўлиб, одатда тўғри ёки сал-пал осилган. Кураги чўзиқ, қияроқ жойлашган, елка ва биллак суяги ўзун, оёқларининг пайлари яққол кўриниб туради, туёқлари мустаҳкам. Мускулатураси зич, рельефли. Кўкрак қафаси кенг, чуқур, юмалоқ, қовурғали, жуда ҳажмдор.

Бошқа зот отларга қиёс қилганда соф қонли отларда газ-энергетик алмашилиш жуда интенсив даражада кечади, организмдаги қон кўп ҳажмда айланиб туради, энг катта юрак ва ўпка ҳам шу хил зотли отларда бўлади.

Республикамиздаги соф қонли отларнинг рекордлари жаҳон рекордларидан бирмунча ортда қолади: икки ёшликлар учун 1000 м –59,6 с. («Фрауна»), 1200 м –1 мин. 11 с. («стратег»); 1600 м –1 мин. 37 с.

Соф қонли салт минилувчи зоти жуда юқори чаққонликка эга. Шунингдек юқори насли қийматига эга. Бу от ўзоқ масофаларга чопиш бўйича биринчи ўринни эгаллайди. Бу зот 1740 йилдан бошлаб бўтун дунёга танилди. Дунё мамлакатларининг бу зотга бўлган талаби аста-секинлик билан ошиб борди. Англия мамлакати қадимдан от спортига ва ов овлашга бўлган қизиқиши кучли бўлган. Шундай қилиб дунё мамлакатлари ичида бу зотни тўтган ўрни бекиёсдир. Масалан, Канадада туғилган Нижински айғирларини 5 млн. 400 минг долларга сотган. 1973 йили Америкада туғилган Секретариат отини 6 млн. 500 минг долларга сотишган. Шергар отини 18 млн. долларга, Спектакуляр Бид деган отни 22 млн. га, сакраб чопиш бўйича Англия ва Ирландияда чемпион бўлган Штрот Бирд номли отни 1981 йили 28 млн. долларга сотган.

Ахалтака зоти.

Ахалтака отларнинг тарихи эрамиздан жуда қадимги асрларга бориб тақалади. У энг қадимий жанубий чопқир зот бўлиб, Хуросондаги қадимги отлардан тортиб, то бизнинг замонамизгача бўлган йўлни босиб ўтди ва уни туркман халқи уч минг йил давомида софлигича сақлаб келди.

Воҳанинг ўзига хос деҳқончилиги туркман йилқичилигини беда ва арпа армуғон этди. Обдон тўйимли озук, чўлларнинг иссиқ иқлими, отхонада боқиш методи, туркман йигити – жангчининг ўз жангавор дўсти – оти ҳақида кунни тун ғамхўрлик қилиши от зотининг асосий сифатларини, яъни конституциясининг қуруқлиги, баланд қарчиғайлиги ташқи қиёфасининг ўзига хос гўзаллигини бахш этади. Жанговор юришларининг оғир шароитларини туркман отларининг чопқирлиги ва бардошлилиги ривожланишига ёрдам берди.

Салт миниладиган соф қонли от зотида туркман отларининг ҳам қони бор. Дарлей-Арабиан шарқ насл айғирларининг учтасидан бири бўлиб, соф

қонли салтбоп зот яратилишида асосий рол ўйнаган ва ҳозирги Ахалтака отлари билан ниҳоятда катта ўхшашлиги бор. Туркман зотини аجدодларидан бири бўлмиш «Туркман оти» туфайли Ахалтака оти Европанинг ярим қонли салт минилувчи отларида сезиларли из қолдирган. Туркман отлари республикамиз йилқичилигига ҳам жуда катта таъсир кўрсатди. Мисол тариқасида Дон, Орлов-растопчин, Қорабах, Қорабайир, Адаев гуруҳи ва бошқа от зотларини кўрсаўтиш мумкин. Профессор В.О.Витт Ахалтака зоти от зотларига жуда катта таъсир қилганини уқтириб, «бу жаҳоннинг барча маданий йилқичили яратилишига ёрдам берган ўша бебаҳо қоннинг томчилари эди», деб ёзган.

Туркман халқи, муайян мақсадга қаратилган селекция ишлари натижасида чўл шароитларида, машаққатли ҳарбий юришлар давомида типи ва экстерери жиҳатидан бошқа зотлардаги отлар билан асло адаштириб бўлмайди. Шуни комил ишонч билан айтиш мумкинки, айниқса агар аравага қўшишга ва минишга яхши ўргатилган ва унинг устида омилкор отлик ўтирган бўлса, жаҳонда бундан ҳам самаралироқ от топилмайди.

Юқорига дадил кўтарилган мускули ўзун бўйинга молик бошнинг енгил, чайир бўлиши, ҳаракатчан ўзун қулоқлар, ўзига хос Ахалтакачасига қарайдиган кесикли жонли сергак кўзар, қарчиғайнинг баланд ўзунлиги, куракнинг нишабли жойлашганлиги, яхши мускулли сағри, пайларининг пишиқлиги, оёқлари мустаҳкам бўлиши Ахалтака от зотлари учун характерлидир. Жуннинг ниҳоятда кам ўсиклилиги ҳам шундай от зотларига хос белгидир.

Асосий хўжаликдаги айғирларнинг ўртача ўлчамлари (см) ; қарчиғайининг баландлиги – 158,6 ; гавдасининг қия ўзунлиги – 160,8; кўкрак айланаси – 176,3; кафт айланаси – 19,3; бияларнинг ўлчамлари: (шунга мувофиқ равишда) – 156,6 – 159,1 – 174,9 – 18,7 сантиметрни ташкил этади. Ахалтака отлари турли масофаларни юқори даражада чопқирлик билан босиб ўтади. Бу зотлар сакраб чопганда ўзун қадам ташлайди, шу боис елдек учаётгандек тасаввур ҳосил қилади.

Араб зот отлари.

Қуруқ ва иссиқ иқлими Арабистон ярим оролининг сахро ва ясси тоғ, қуруқ чўллари, жумладан Нежеда араб отларининг ватанидир. Арабларнинг Эрон ва Марказий Осиёда олиб борган ғолибона жангари натижасида қўлга киритилган энг қадимги от зотларини чатиштиришлардан араб зоти пайдо бўлган. Энг яхши отлар ҳарбий ўлжа, ўлпон, совғалар сифатида кўплаб Арабистонга келтирилган. От зотлари эрамизнинг IV-VII асрлари даврида шаклланган. Зотни яратиш ва кейинги такомиллаштириш жараёнида унга Ўрта ва кичик Осиё, Африканинг Ўрта денгиз қирғоқларининг қадимги от зотлари, шунингдек ўзига хос халқ селекцияси усуллари, машаққатли тарбия ҳамда Арабистоннинг ўзига хос шароитларидан фойдаланиш ва ҳоказолар катта таъсир кўрсатди.

Кўмакчи араблардан бадавийлар ўз отларини бошқа барчаларникидан шу қадар афзал кўрдиларки, уларни бошқа зотлар билан чатиштиришга йўл қўймадилар. Шу боисдан ҳам зотлар мўтлақо софлигича урчитиларди.

Араблар жангларда ва сафарларда фақат бия минардилар. Айнан ов пайтларида ва баъзан бир неча юз километрларга борадиган юришларда, жойларнинг жуда қийин шароитларида насл олиш учун биялар танланарди. Отларга нисбатан деярли бардошсиз талаблар қўйиларди. “Бадавийларнинг фикрича, макбул даражада ўстирилган араб оти суворийни, унинг қуроли, аслаҳаларини, озик-овқатни ва емини, байроқни, шунингдек ярадор ёки ҳалок бўлган ўртоғини устида олиб юрмоғи ва озуклантириш ва суғоришга тўхталмаган ҳолда яхши кадам ташлаб бормоғи керак”. (О.А.БалАҚШин). Бундай талабларга фақат бақувват отларгина чидаш берган. Айғирлар гўзаллиги, жуссаси ва машқларга қобиллигига қараб хилланган. Насл учун юз йиллар давом этган бундай танлашлар пировардида юксак стандарт соф қонли араб от зотини вужудга келтирди. Буни қарангки, ишчанлиги ва жуссаси жиҳатидан талабга жавоб бермайдиган барча отлар, ҳатто уларнинг бўтун-бўтун оилалари бракка чиқариларди.

Арабларнинг VIII аср бошларида Пирней ярим ороли ва Францияга кириб боришларидан эътиборан араб оти Европага маълум бўла бошлади. Европа республикаларида салбий юришлар (XI-XII асрлар) вақтларида Араб оти кенг донг таратди. Туркияга қарши уруш даврида (XVII-XVIII асрлар) Польша ҳамда Венгрияда кўплаб араб отлари пайдо бўлди. Европанинг турли республикаларида араб отлари ўртасида бебаҳолари ҳам бўлиб, улар кўпгина от зотларини чиқаришда катта роль ўйнайди. Масалан, салт миниладиган соф қонли инглиз от зотини яратишда “Бейерлей-Терк”, “Галас-Арабиан”, “Малла Араб”, каби араб айғирларидан кенг қўламда фойдаланилган.

Араб оти қисқа масофали пойгаларда соф қонли салтбоп зот сифатида юксак чопқирлик сифатларига эга эмас. Унинг ҳайрат қиларли томони – бардошлилиги ва катта тиғиз ишлардан кейин кучини тез тиклаш хусусиятидир. Унинг оёқлари ва туёқлар, бошқа зотлардаги отларникига қараганда кичикроқ бўлса ҳамки, мустаҳкам бўлади. Араб оти ўргаўтишга осон кўникади. Жуссасининг гўзаллиги билан уйғунлашган соғлом конституциянинг ирсий белгиларини олиб юрувчи соф қонли араб оти – жаҳондаги кўпчилик от зотларини яхшиловчи ҳисобланади.

Тракенан от заводида араб айғирларидан 200 йил давомида турли даражада фойдаланилди. Венгрия оти гидранга зот аجدод боши «Гибран» лақабли араб айғирига қараб ном берилган. Араб от зоти Руминия, Болгария, Югославия, Испания, АҚШ, Канада ва кўпгина бошқа республикаларда маҳаллий отларни яхшилаб келди ва яхшиламоқда.

Йилқичиликнинг араб отига эҳтиёжини қондириш мақсадида кўпгина республикаларда соф қонли араб отларини урчитиш бўйича ихтисослаштирилган от заводлари бор.

Россиянинг давлат ҳужжатларида араб оти тўғрисидаги дастлабки расмий ёзувлар XVII аср бошларига тааллуқлидир. Деярли айнан шу вақтда Англияга ҳам биринчи айғир «Маркхем Арабиан» келтирилганди. XVIII асрнинг иккинчи ярмида турк урушлари даврида кўплаб араб отлари келтирилганди. Соф зотли араб айғирлари Россия йилқичилигига ғоят катта таъсир кўрсатиб, салт миниладиган орлов ва рус от зотларининг негизи бўлиб

қолди.

Қорабайир зоти

Қорабайир зотининг пайдо бўлиши ўзбек халқининг тарихи билан ўзвий боғлиқ. Ўзбекистон – унинг ватани. Таснифланишига кўра сунъий танлаш йўли билан ва табиий оғир иқлими ташқи шарт-шароитлари таъсири остида етиштирилган, тоғ-водий салт минилиб, енгил юк тортувчи зотлар типига мансубдир. Маҳаллий доvon аргумоқларининг биялари катта аҳамиятга эга бўлиб, жанубий типигаги (Ахалтака, араб, форс) отларини чўл кўчманчилари – қозоқ, Мўғул айғир отлари билан ялпи чатиштириш натижасида яратилган.

Ўлканинг табиий-иқлими ва ижтимоий-иқтисодий шароитлари чайир, чопқир, кучли ва ишчан отларни яратишни талаб қилардики, халқ селекцияси йўли билан бунга эришилган.

VIII аср ўрталарида Марказий Осиёни араблар забт этди, улар олиб келган отлар эса маҳаллий йилқичиликка шубҳасиз таъсир кўрсатди.

XIII аср бошида Ўрта Осиёда Мўғуллар бостириб кирдилар ва улар энг яхши маҳаллий отларни олиб кетдилар. Лекин бу ерда қолган Мўғул ва қирғиз отлари ҳам маҳаллий отларга таъсир кўрсатди.

Қадимги замонларданок ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудида турли от – спорт ўйинлари ғоят омиллашган эди. Уларда энг яхши отлар сараланарди. Тарихий маълумотларга қараганда, Ўрта Осиё давлатларининг ўтроқ аҳолиси эрамиздан олдинги даврларда ҳам доvруғи доvon ошган отларни кўпайтириш билан шуғулланган. Ўша отларнинг доvруғи Хитой солномаларида қайд этилган: Хитой императорлари машҳур овон аргумоқларини ўз юртига олиб келиш топшириғи билан савдогарлар ва элчиларни, ҳарбий экспедицияларни бир неча бор жўнатганлар.

Тарихчи Хоников «Бухоро хонлиги таърифи» (1843 йил) деган китобида ёзадики, бу хонликда асосий от зоти: хонлиқнинг шимолида урчитиб кўпайтирилган Туркистон аргумоқлари, ўзбек отлари ва Хуқанд отлари бор. Бундан ташқари, муаллиф яна иккита камроқ сонли зотлар – қирғиз отлари ва Қорабайирларни қайд этиб ўтган. Қорабайир зотининг ташқи кўриниши ва тўзилиши кўркем ва бақувват, деб ёзган эди у.

«Қорабайир» сўзининг маъноси турли муаллифлар турлича изоҳлашади. Колосовский «Ўрта Осиё отлари ҳақида» (1937 йил) деган китобида шундай изоҳлайди: «қора» - соф, «байир» - жайдари, яъни соф жайдари. Кологривов бу сўзни бошқача тушунтиради: арабчадан «қора» отни билдиради, «байир» эса – туя, қўшилганда «Қорабайир» туянинг оти, яъни юк ортиладиган туя юкини кўтаради. Баъзилар буни тоғ зотига мансуб от дейишади.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида бу зот салт минилиб, енгил юк тортувчи типига киритилган.

Бу зот азалдан Ўзбекистоннинг барча вилоят ва туманларида етиштирилади. Самарқанд вилояти Қорабайир йилқичилигининг маркази ҳисобланади. Шунингдек Қашқадарёнинг Шаҳрисаб туманида.

Ҳозирги пайтда Қорабайир зоти – бу талайгина биологик

афзалликларга эга бўлган универсал от зотидир. Бу отлар минишга ва юк ортишга ҳам, аравага қўшиш ва қишлоқ хўжалик ишларида фойдаланишга ҳам яроқли, армиянинг ва қизиқарли миллий от ўйинлари талабларига ҳам жавоб беради.

Қорабайир ҳатто кам ҳосил майдонларида этдорлигини сақлаб қолади, озукани танламайди.

Қорабайир зотига мансуб отлар жуда чидамлилиги, Ўрта Осиёнинг жазирама иссиғига, тоғ олди ва тоғли туманларда ишлатишга ғоят мослашганлиги билан ажралиб туради. Паст-баланд жойларда бемалол юраверади, тоғларда унга тенг келадиган от зотлари кам йўл-ҳаракатлари хушёр, чакқон, тўсиқлардан яхши ўтади. Юк кўтариш синовларида энг яхши маданий зотлардан қолишмайди.

Ўзбекистонда қадим замонлар буён «Кўпқари», «Оломон пойга», «Ағдариш» каби миллий от ўйинлари ғоят оммашган. Ана шу ўйинларда ғолиб чиққан отларни маҳаллий аҳоли жуда қадрлаган.

Қорабайирларнинг ташқи тўзилишига хос хусусиятлари: калласи ўртача катталиқда, кўркам, кўзлари зийрак, кўпинча тумшуғи дўнгроқ, бўйни анча йўғон ва қисқароқ, яғриси пастак, умуртқа усти қисқа лекин кенг ва гоҳо эгрироқ, бел мушаклари яхши буртиб туради, сағриси кўпинча сертукроқ бўлади. Барча мушаклари яхши ривожланган. Думи қуюқ эмас. Кўкраги анча кенг, биқини адил. Олди томони орқасига нисбатан анча бақувват. Олдинги оёқлари одатда тўғри, лекин заҳира бўғими баъзан яхши акс этмаган. Орқа оёқларида гоҳо сакраш бўғимларида яқинлик ва тикланганлик сезилади.

Елка ости суягининг ўзагига нисбатан қисқа. Болдири ҳам унча ўзун эмас. Оёқлари хипча,пишик,пайдор. Туёқ мугўзи мустаҳкам. Туёғи ўртача катталиқда.

Қорабайирлар сезгир бўлади, териси юпқа, тана тўзилиши қотма, қулоқлари ўртача катталиқда бўлиб, жуда серҳаракат, пешона кокилли, ёллари, думининг тукдорлиги ўртача. Юраётганда отнинг думи араб отларникига кўра кўтарилиб туради. Қорабайирларнинг ўзига хос аломатлари: бироз баланд оёқли, барча шарқ отлари каби сағрисининг тўзилиши Мўғул зотлариникига ўхшаш.

Бу зот урчитилаётган минтақаларнинг озук ва иқлим шароити жиҳатидан турлича эканлиги Қорабайир зотининг асосий типидан бошқа салт минилувчи ва қалин типлари (йирик) типларни вужудга келтиради. Шундай қилиб, унинг зот ичида 3 та типи маълум.

1. Асосий;

2. Салт минилувчи;

3. Қалин (йирик) типларини бир-биридан қуйидаги хусусиятлари орқали ажратиш мумкин.

Асосий типга мансуб бўлган от зотининг асосий қисмини ташкил қилиб, ўзида салт минилиб енгил юк тортувчи хусусиятларини мужассамлаштирадilar. Зот ичида энг кўп тарқалган тип бўлиб бу отлар нафақат салт минилишда, балки аровага қўшишда ҳам жуда яхши кўрсаткичларга эга уйда салт минилиб енгил юк тортиш хусусиятларини

мужассамлаштиради.

Бу йўналишдаги отларнинг гавдаси катта, узун, мускул тўқималари яхши ривожланган ва қорабайир зотининг асосий қисмини ташкил қилади ва шу сабабли асосий зот йўналишидаги отлар деб номланади.

Бу типга Баскет Кадрдон, Фанатик, қора салара, қора йўрға, сардор, улуғбек ва фелин йўналишдаги отлар киради. Шунингдек Кок Қашқа, Оловхон ва Эшонқул каби от линияларининг маълум бир қисми киради.

Асосий йўналишдаги отларнинг энг яхши авлодлари: бу-Улуғбек, 679-фанатли, 172-кок-капитал, 808 Баскет, 650 улоқ, 1344 указ, 1165 фингин, 1190 феник, 1197 флагмин, 1393 фестиля, 1262 байран, 0110 банбет ва бошқалар киради.

Юқорида айтиб ўтилган отлар зотининг авлодини ичида одатдаги мусобақа совринлари ва рекордчиларидир.

Салт минилувчи йўналишдаги отлар.

Уларнинг куруқ конистицуонал тузилиши тана тузилиши бироз чўзиқроқ, салт минилувчи отларга хос мустахкам куруқ, оёқлари тўғри қўйилиши билан кўпроқ шарқ отларини эслатади.

Бу отларнинг кўпчилиги жуда чопқир бўлади.

Қорабайир зоти ичидаги бу йўналишга хос от зотларининг типик вакили сифатида Атреска ва Буривестника қаторларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Бу отларнинг салт минилувчи отлар сифатида шаклланишида жуда кўп соф қонли салт минилувчи от зотларининг қонининг сингдириб борилиши сабаб бўлган. Буларга соф қонли салт минилувчи, Англия-Қорабах, Англия-араб-қорабах, Англия-ахалтака, Англия- араб ва Кустанай зотларини мисол қилиб келтириш мумкин. Бега, Дефицита, Дуб, Модор, Медальон, Инга, Капкан, Квадрат, Лютан, Тамр, Тоша, Термез, Термит, Тунис, Улус, Уразбек, Уроқ ва бошқалар.

Бу отлар ўзларининг тузилиши бўйича салт минилувчи дурагай отларга ўхшаб кетади. Бу отлар ўзларининг жуда юқори даражадаги тезлиги, хар хил ҳаракатлари жуда яхши бажариши, зотдорлиги, куруқ ва унча катта бўлмаган гавдаси, нозиклиги, айримлари эса жуда яхши ривожланганлиги билан ажралиб туради. Асраш ва озиклантириш шароитига жуда талабчан.

Бу йўналишдаги салт минилувчи отларнинг энг яхши вакиллариدير. Қорабайр зотига мансуб отларнинг бўйин ўстириш, тезлигини ошириш, экстрер кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида фойдаланилмоқда.

Қорабайр зоти ичидаги салт минилувчи йўналишидаги отлар жуда озчиликни яъний зотнинг атиги 17 % ни гина ташкил қилади.

Бу йўналишдаги от зотларига гавдасининг яхши ривожланганлиги, суяк скелетининг яхши ривожланганлиги ўртача ва узун чизикларга эгалиги билан ажралиб туради. Юк ортишда, Қ/Хда оғир ишларни бажаришда мослашган.

Умумий сўз билан айтганда бу отлар мустахкам суякдор, айрим ҳолларда жуда қалин бўлиб масофаларда жуда яхши натижа беради.

Бу отлар жуда юқош бўлиб йил давомида яйлов шароитида яшашга

яхши мослашган семизлик даражасини жуда яхши сақлайди.

Отларнинг жами бош сонининг хўжаликга фойдали хусусиятларини гўшт ва сут ишлаб чиқаришни яхшилашда жуда яхши самара беради.

Бу йўналишдаги отларга асосан Кон-кашқа, Оловкон қаторлари ва Ишонкул генеологик гуруҳини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу отлар асосан Самарқанд вилоятининг Самарқанд ва Ургут туманларида жуда кўп тарқалган.

Юқорида айтиб ўтилган қаторларнинг барчаси ўзига хос қимматбаҳо хусусиятларга эга. Асосий йўналишга мансуб бўлган отлар ўзларининг кониститутциявийлигининг мустаҳкамлиги ҳар томонлама ривжланганлиги яйлов шароитига жуда мослашганлиги билан ажралиб турса, салт минилувчи от зотлари йўналишидаги отлар ўзларининг чиройли шарқ отларига хос говда тузилиши, мускул ва пайкари яхши ривожланган мустаҳкам оёқлари ва жуда чопқирлиги ва зотдорлиги билан ажоалиб туради.

Қалин йирик типли отлар эса яхши ривожланган говдаси ва мустаҳкам кониституцияга эгалиги билан қимматлидир. Қорабайр зоти ичидаги бу уч йўналишга мансуб отлар бир бирини ўзига хос равишда тўлдириб туради ва бу отлар устида маълум режа асосида олиб борилган.

Насчилик ишлари зотни яхшилашда жуда яхши самара беради.

Салт минилувчи типли Қорабайирлар гавдасининг енгиллиги ва чопқирлиги билан характерланади.

Қалин (йирик) типли отлар йириклиги, суякдорлиги, флегматик темпераментга эгалиги асосий ишлари, юк (ортиб) минишга ва қишлоқ хўжалигида оғир ишларни бажаришга мослашгандир. Тана ўлчамлари қуйидаги 4 жадвалда берилган.

4 жадвал

Қорабайир от зотининг ўлчамлари, см.

Айғирлар			Биялар			
Қарчиғай баландлиги	Кўкрак айланаси	Кафт айланаси	Қарчиғай баландлиги	Кўкрак	Кафт айланаси	Балл
158	179	20,5	156	180	20	9
156	177	20	154	178	19,5	8
154	176	19,5	152	177	19	7
152	174	19	150	176	19	6
151	173	19	149	175	19	5
150	172	19	148	174	18,5	3-4

Эслатма: Йирик типдаги айғир отларнинг қарчиғайи баландлиги 158,0 см, кўкрак айланаси 179 см, кафт айланаси 20 см, ҳам бўлади. Александр Македонский даврига оид тарихий манбаларда ҳар қандай шароитда ҳам бардош берадиган Қорабайир тилга олинган.

Қорабайир зоти ҳамма ишда биринчи, иккинчи жаҳон урушларда ҳам, яъни жанговор ишларда, деҳқончиликда, ишчи сифатида ишлатишда умуман ҳамма соҳаларда инсоннинг содиқ ёрдамчиси бўлиб келган.

Қорабайир зоти жаҳон от селекциясининг олтин фондига киритилган.

Қорабайир зоти кўпинча қардош республикаларидаги от заводларида ва баъзи чет мамлакатларида ҳам мавжуд.

Бу отлар сақлаш, боқиш, саралаш ва танлаш шароитида наслчилик иши йўналтириб борилиши таъсирида таркиб топган.

Асосий типга миниладиган – аравага қўшиладиган йўналишдаги отлар киради. Улар зот учун кўпроқ хос бўлган хусусиятларга эга бўлиб, эгарлаш ҳам, уловга қўшиб кетавериш ҳам мумкин бўлган универсал хайвонларга хос афзалликларга эга.

Миниладиган типдаги Қорабайирлар залворлилиги, суякдорлиги билан фарқланади, кўпинча босик. Улар аравага қўшиб ишлатишда аскотади, лекин айти пайтда эгарлаб минишга ҳам яраверади.

Кенг тарқалган туслари: тўриқ, жийрон, кулранг, қорача, саман.

Шуни айтиш жоизки, Қорабайирлар қоникарли гўшт-сут маҳсулотларига ҳам эга. Масалан, тойлар ва катта ёшли отлар биринчи тоифадаги миктиликда ўрганилганда қуйидагича натижалар олинган: яхлит гўшт чиқиши мувофиқ равишда 79,9 ва 77%, суяк – 19,7 ва 17% , пайлар – 3,3 ва 3,1%.

Хулоса қилиб айтганда, Қорабайирлар хўжалик ва биологик жиҳатдан ноёб хусусиятларга ажралиб туради.

Олиб борилган кўзатишлар шуни кўрсатадики, бир лактация давомида 1750 литргача сут соғиб олинган.

Қадимдан Қорабайирлар зоти дехқончилик ишларини бажаришда асосий таянч бўлган.

Ўзининг келиб чиқиши ва ўсиш шароитлари туфайли Қорабайир зот отлари кўп километрли, суткали пойгаларда ҳамда оғир юк тортишларда жуда яхши бардош беришини кўрсатади.

Терик лақабли Қорабайир айғирлар унқир-чунқир жойларда югуришда 75 км.ли масофани салт минилган ҳолда 3 соату 32 минўтда босиб ўтди. (контрол пунктларда тўхталишга кетган 30 минўт ҳам шу ҳисобга киради.)

Пойга иштирокчилари билан тоғли қорли доvonларни ошишга хайкириб оқаётган дарёлардан кечиб ўтишга тўғри келганди. 200 км.га борадиган яна бир текислик пойгачисини «Терик» 16 соатда (6 соат дам олиб) ўтган.

1 тоннадан кўп юк юкланган араваларга қўшилган Қорабайир айғирлари 50 км. ли масофани 5 соатда 2 чи куни ўша масофани 2,5 соатда босиб ўтди. Араваларда энг кўп юк ортиш борасидаги мусобақаларда Қорабайирлар ўрта ҳисобда 4520 кг. дан энг яхшилари (рекорд қўйгани 5150 кг дан юк ортган).

Бу зотни бардошлилигини бобомиз Амир Темур тинчлик ўрнатиш мақсадида кўп мамлакатларни кезганда ўзининг баҳоларини берган. Шунингдек биринчи, иккинчи жаҳон урушларида ҳам бу зот ўзининг матонатини курсатган. Бу зотни 10 дан ортиқ линия ва оилари мавжуд.

Орлов йўртоқи зоти.

Орлов йўртоқи зоти МДХ,да яратилган биринчи завод типигаги зот ҳисобланади. Бу зот кўп зотларни яхшилашда бошқа зотлар ичида энг олдинги биринчи ўринлардан ҳисобланади. Бу зотни яратгунча шаҳарлараро алоқа қилишда ва қишлоқ хўжалик ишларини бажаришда бирорта зот бўлмаган. Профессор П.Н.Кулешовнинг фикрича Россия мамлакатада Орлов йўртоқисининг хизмати бошқа зотлар билан теглаштирганда бекиёсдир. Бу зот МДХ,нинг кўпгина республикаларида урчитилмоқда.

XVIII асрда рус отчилиги жуда ёмон ҳолатда эди. Оғир ҳарбий, енгил ҳарбий полкларни, мужассамлаштириб ташкил қилишда чет мамлакатлардан отларни сотиб олиб келишга тўғри келди. Чунки деҳқонларнинг отларнинг қарчиғайи баландлиги жуда паст эди. Россияда яхши йўлларнинг бўлмаслиги, юкларни ташишда бир яхши чидамли отларни бўлмаслиги ўзоқ масофаларга олиб боришда кўп қишиларни, шу жумладан граф Алексей Григорьевич Орлов-Чесменскийни уйлантирган эди.

А.Г.Орлов-Чесменский (1735-1807) яшаган. Ўз олдига 2 та асосий вазифани қўяди: биринчидан универсал салт минилувчи от зотини чатиштириш натижасида Орлов-Растончинский яъни рус салт минилувчи от зотини яратиш амалга ошди.

Иккинчи мақсади фақат зот яратиш эмас, гавдаси пропорционал тўзилган, эркин ҳаракат қилувчи баланд бўйли, аравага оид юкларни тезликда йўртиб тортадиган, чопадиган от зотини яратишни мақсад қилиб қўяди.

Зот яратишда дастлаб ишни 1776 йили Подольский райони яқинидаги Москвага яқин Остров қишлоғида иш бошлаган. Завод Араб, Дания, Голланд, Мекленбург, тоза соф қонли салт минилувчи Англия ва бошқа зотлар билан тўлдирилди. Шу зотлар ичида оқ тусли Сментанка номли айғир араб зотли экстерер тўзилиши ва яхши ҳаракатланиши билан Орловга маъқул бўлди. Заводда фойдаланиб ундан 5 та насл олинди. 4-та эркак ва битта урғочи шу даврда ўлиб қолган. Хреновский от заводида давом эттирилди.

Бу заводнинг йўртоқи бўлимида 150 тагача насли биялар жойлаштирилди. Иш кенг миқёсда ва масштабда қўлланилди. Орлов битта принципда кўп сонли чатиштиришни ҳар хил зотда олиб борди.

Бу иш 20 йиллар давомида кунт матонат, тартиблилик билан амалга ошди. Сметанкага нисбатан каттароқ тез ҳаракат қилувчи ва мустаҳкам конституцияли от яратиш мақсадида уни салт минилувчи - арава тотувчи Дания қора ёл саман бияси билан чатиштирди. Натижада йирик эктерери чиройли, лекин тезлиги унчалик катта бўлмаган Полкан-1 номли айғир олинди.

Бу айғирни Голландиянинг арава тортувчи типигаги кўк тусли бияси билан чатиштирилиши натижасида 1784 йилда кўк тусли Барс номли айғир келиб чиққан.

Бу айғирнинг баландлиги, йириклиги, ажойиб экстерер тўзилиши ва тезлиги билан Орлов талабини қондиради. Барс-1 айғир йўртоқи от зотининг уруғбоҳиси ҳисобланади. Барс-1 айғири билан унга қариндош бўлган биялар чатиштирилди. Ёш отлар ёздан то кўз ойининг охирларигача қуруқ-чўл

ййловларида, қишда эса отхоналарда гуруҳ-гуруҳ қилиб асралди. Онасидан ажратилган тойлар суткасига 3,5 кг дан сули уни ва истаганча пичан билан озуқлантирилди. 1,5-2 ёшли тойларга эса концентрат озуқа берилмасдан, фақат пичан билан боқилди.

Шуни айтиш керакки, зотнинг шаклланишида ёш отларнинг бирмунча қийин шароитларда тарбияланиши, систематик равишда машқ қилдириш ва синаш катта аҳамиятга эга бўлди.

Барс-1 да 3 та зотнинг хусусиятлари мужассамлаштирилган бўлиб, араб, дания ва голланд зотларининг Араб зотлари каби конституцияси темпераменти жонли ва тўзилиши чиройли Дания зоти каби баланд бўйли ва кучли ҳамда Голланд зотидек тез югирувчан эди. Кейинги мақсад Барс-1 наслини қўшиб арава қўшиладиган чиройли от зотини яратиш мақсадида Араб-Дания-Голанд (Барс-1 келиб чиққанидек), араб мекленбургски (англияники) ва бошқа зотлар чатиштириб, линиялардаги қариндош бўлган инбридинг йўли илан Барс-1, болалари Похвальний-1, Барсик, Большой, Любезний-1, Лебед-1 ва бошқаларни ўзаро жуфтлаш ишлари олиб борилган.

Хреновский от заводида илгарироқ қочириш ва туғдиришни; отларнинг кўпчилиги 4-5 ёшда ўсишдан тўхтади.

Отларнинг асосий туслари кўпдир 52% ни, тўриқ 22% ни, қора 19% ни ва қисман малла ва бурил тусли бўлади. 165 йилдан зиёд Орлов зоти линиялари бўйича урчитилмоқда.

Лебед-1, Любезний-1, Добрий-1, Похвальний-1 ва Безимьянний-1 каби айғирлар наслдорлик жихатидан қимматли бўлиб чиқди ва кейинчалик бир неча линияларни келиб чиқишига асос солди. Орлов даврида йўртоқилар асосан қисқа (200 ва ундан кўп метр) ҳамда ўзоқ (18-20 км) масофаларда машқ қилдириб синалар ва тўғри юриш билан финишга етиб келган, унчалик чарчамаган, нафас олиш бир текисда бўлган отларга катта аҳамият берилар эди.

А.Г.Орлов вафотидан сўнг, 1808 йилдан бошлаб унинг ишини Хреновский от заводининг бошқарувчиси И.Н.Кабанов ва В.И.Шишкинлар давом эттиришди.

В.И.Шишкин заводни А.Г.Орлов вафотидан сўнг 20 йил бошқарди ва шу даврда Орлов зотини дунё миқёсида кенг тарқатишга эришди. Шишкин томонидан зот ичида ўзаро танлаш ва жуфтлаш системаси ишлаб чиқилди. Зотнинг Полкон №3, Лебед №4 каби линиялари яратилди. Бунда унинг қариндошлараро урчитиш усулини жуда усталик билан қўллаганини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

1917 йилдан кейин Орлов зоти бўйича наслчилик ишларини олиб боришнинг ягона режаси тўзилиб, уни урчитиш бўйича бир неча давлат наслчилик от заводлари ташкил этилди. Шуни айтиш керакки, бу зот келиб чиқиш шароитига кўра бир неча типда шаклланди.

Орлов зотини ҳозирги пайтда йирик, енгил, йирик-енгил ва ўрта типлари мавжуд: йирик-кучли типга баланд, йирик, кўкрак қафаси яхши ривожланган, танаси ўзун, оёқлари калта отлар киради. Бу типдаги отлар кўпинча конституциясининг бўшлиги ва бўғин пайларининг яхши

ривожланмаганлиги билан: енгил типлар конституциясининг қуруқ ва мустаҳкам, бўйининг ўртача баландликда бўлиши, бўғин пайларнинг мустаҳкамлиги билан; йирик-енгил типлар конституциясининг қуруқ ва мустаҳкамлиги, кеч етилувчанлиги, ўзоқ масофаларга чопа олиши билан; ўртача катталиқдаги тип эса арава тортувчи отлар типига мансуб бўлиб, конституциясининг қуруқ ва мустаҳкамлиги билан бир-биридан ажралиб туради.

Орлов йўртоқи зотига мансуб Улов лақабли айғир 1600 м масофани 2 мин. 20,2 сек.да, 3200 м масофани 4 мин. 20,5 сек.да; Знахар лақабли айғир 4 ёшида 10 км масофани 40 кг оғирлик юк билан 23 мин. да босиб ўтган. 1971 йилда Хлопок ва Неман-1 лақабли айғирлар зот чемпиони бўлган.

Орлов йўртоқи зотининг Барчук, Ветерка, Ловкий, Воин, Буменчик, Латучий, Корешка сингари 20 дан ортиқ линияси бор.

Бу зотнинг энг яхши типлари ҳозирги вақтда Воронеж областининг Хреновский, Тула областининг Шаховский, Тамбов областининг Ново Томинковский, Полтава областининг Дубровский от заводларида парвариш қилинмоқда.

Келгусида зотнинг тезлигини ошириш, бўғин пайларини мустаҳкамлаш, ёш отларни мақсадга мувофиқ тарбиялаш наслчилик ишларини асосини ташкил қилади.

Дунё миқёсида Орлов от зотига эҳтиёж катта. Айниқса Германия, Австралия, Франция, Голландия, АҚШ ва бошқа мамлакатлар.

Совет оғир юк тортувчи зоти.

Бу зот МДХ.лигида оғир юк тортувчи зотлар ичида энг каттаси ҳисобланади. Зотнинг келиб чиқиши Горкий вилоятининг Починково ва Мордва от заводлари, шунингдек Горький, Ярославл, Владимир вилоятларининг наслчилик хўжаликлари муҳим рол ўйнайди. 1917 йилга қадар Белгиядан келтирилган Брабансон айғирлари билан маҳаллий бияларни бир неча бўғин чатиштирилиб, улардан олинган дурагайлар ўзаро урчитиш натижасида 1952 йилда Совет оғир юк тортувчи от зоти деб тасдиқланди. Дастлабки босқичда першерон, арден, битъюг каби зотларнинг айғирларидан фойдаланилган.

Яхши шароитда ўстирилган 6 ойликда қулунлар 360-380 кг га етади. 1 ёшга етганда 520-540 кг ни ташкил этади. Россия йилқичилик илмий тадқиқот институтининг қимизчилик фермасида бияларнинг ўртача йиллик сут маҳсулдорлиги 2287 кг ни ташкил қилган. Бу зот яхши озуқа шароитида тез етилади ва кўп яшайди. Яйлов шароитига тез мослашади. Дағал, сувли озуқаларни яхши истеъмол қилади. Совуқ шароитларга ҳам яхши мослашиши, озуқа танламаслиги, ҳамма шароитга мослашиши, пуштдорлиги от заводларида 65-76 % ни ташкил этади, шунинг билан кўп зотлардан кескин фарқ қилади.

Россиянинг катта саноат марказларини, помешчиклар хужалиги, сўнгра деҳқонлар эгаллаган эди. Шу даврда шаҳарлар орасида транспорт муҳим рол ўйнаган. Улар оғир юк тортувчи зотларни урчитиш билан шуғулланганлар. 1930 йиллардан бошлаб оғир юк тортувчи от зотларнинг

айғирларида наслчилик иши от заводларида кенг қўлланилди. Урчитиладиган отларнинг кўп қисми қишлоқ хўжалик ишларида, ёш тойлар мунтазам равишда машқ қилдирилиб уларнинг иш қобилиятига баҳо бериб борилади.

1930 йилдан бошлаб урчитиш ишлари режали равишда олиб борилди. Чатиштиришдан олинган дурагайларни такомиллаштириш мақсадида 1934 йилгача Бельгиядан, Германиядан 250 тагача Брабансон зотли айғир ва биялар келтирилди. 1936 йилда дурагайлар кўп бўлган районларда Починков, Мардва ва Гаврилов-Посадский каби наслчилдик рассадниклари ташкил қилинди.

Бу рассадниклар зонасидаги хўжаликларда наслчилик ишлари турли зотларни ўзаро чатиштиришдан олинган дурагайларга соф зотли брабансон айғирларнинг «қони»ни сингдириб, тўзилиши мақсадга мувофиқ бўлган дурагай бияларни брабансон зот айғирлари билан завод усулида чатиштириш ишлари олиб борилди.

Совет оғир юк тортувчи зотининг экстерер тўзилиши қуйидагича: ўзининг экстерер афзалликлари, конституцияси ва маҳсулдорлиги билан Бельгия оғир юк тортувчи зотидан кескин фарқ қилади. Бу зот Бельгия оғир юк тортувчи зотига нисбатан кичик, конституцияси қуруқ, ҳаракатчан, темпераменти жонли, шароитга тез мослашувчан. Уларнинг экстерер тўзилиши қуйидагича характерланади: боши танага мўтаносиб, қуруқ, чакаклари гўштдор; бўйни калта ва гўштдор; қарчиғайи баланд эмас; орқа бели кенг; бели ўрта ўзунликда, кўпинча бўшроқ, сағриси тўла ва кенг, кўпинча қия тушган; кўкраги кенг; қовурғалари қовариқ жойлашган; танасининг умумий тўзилиши бочкасимон; оёқлари калта ва қуруқ, аксари олдинги оёқлари маймоқ; кураги ўзун; билагги яхши ривожланган, кафти йўғон; бақайи калта; туёғи катта ва мустаҳкам; орқа оёқлари кўпинча «қиличсимон», сакраш бўғинлари кўпинча бир-бирига яқин бўлади. Танаси ва оёқлари сержун, ёл ва дум жунлари дағал. Конституцияси зич, айримлариники бўш. Териси қалин, туси асосан малла (65%), малла човқар (18%), тўрик (11%), қора, жийрон, бурил.

Совет оғир юк тортувчи зотининг ўртача тана ўлчамлари қуйидагича: айғирларда – қарчиғай баландлиги 160-161,5 см, танасининг қия ўзунлиги 166-167 см, кўкрак айланаси 206-210 см, кафт айланаси 24,7-25 см, ўртача тирик вазни айғирларда 780 кг, бияларда қарчиғай баландлиги 156 см, кўкрак айланаси 196 см, кафт айланаси 24 см, ўртача тирик вазни 650 кг ни ташкил этади.

От зотини яратишда Боже айғирининг хизмати катта бўлган. Ундан бир неча қимматли линиялар яратилиб, зотнинг ярмини ташкил қилади. Қимматли линияларидан Румба-508, Боже, Режим-977, Жасмин, Ковбой-284, Флейтис-855 ҳисобланади. Оилаларидан Рулетка, Ревек, Зозул, Вьюг, Куклидир.

Совет оғир юк тортувчи от зотларининг яхши насли отлари Ярославл, Горький, Владимир ва Тамбов вилоятларида Мордов автоном республикасида, Украина республикасининг Сумский вилоятининг хўжаликларида ва наслчилик фермаларида энг қимматли насли отлари Горький вилоятининг Починкова ва Мордов от заводларида урчитилмоқда.

Бу зот яхши озук шароитида тез етилади ва кўп яшайди, 2,5 ёшида қишлоқ хўжалик ишларида ишлатилади, 3 ёшда урчитишга қуйилади.

Ўрмон зотлари.

МДХ катта майдони ўрмонлар билан қопланган. Бу жойларда қадимдан паст бўйли маҳаллий отлар урчитилган. Бу жойларга Россиянинг шимолий ўрмон жойлари яъни районлари ва ғарбий Полеся ўрмон шароитида озуклантириш ва сақлаш уларнинг тана тўзилишининг ифодасини топади. Агар дашт отлари йил бўйи уюр шароитида сақланиб, махсулот олишда ва салт минишда фойдаланилса, шимолий ўрмон отлари юк тортишда ва отлардан ҳар хил ишларда кенг фойдаланилади.

Дарё, кўлларни қуйилиши натижасида кўп жойларни сув босади, баҳор, ёз фаслларида отларнинг юриши анча қийин бўлади. Қишнинг бошланиши дарё ва ерларнинг мўзлаши натижасида ўрмонда дарахт кесиш, тайёрлаш ва ўрмоннинг шундай иш олиб бориладиган жойларида отларни ишлатишда, шунингдек от-улов билан ишлашда, қишлоқ хўжалик ишларини бажаришда, ов, қидирув ҳамда балиқчилик ишларида кенг фойдаланилади, отлардан кадамлаб, йўртиб юришни шароит талаб қилади.

Қишда отлар отхоналарда сақланиб, пичан билан озуклантирилади. Ўрмон отлари бошқа зотлардан ўзининг ноёблиги шимолий қаттиқ қиш шароитига, ёзнинг намгарчилигига иссиқ шароитга суналарнинг бўлишига ҳам чидамлилиги билан шу шароитларга мослашиши билан ажралиб туради.

Ўрмон отлари чидамли, озук танламайдиган, қаноатли, тез ўрганадиган яхши юриш усулларига эга. Ўрмон зотлари паст қарчиғайли, гавдасининг қия ўзунлиги оёқларининг қисқалиги, суяқларининг кўполлиги, туёқларининг мустаҳкам ва кенглиги билан характерланади.

Туслари асосан соврасия, жийрон, орқа бел қисмида қора тасмаси бўлиши ҳамда ўзига хос хусусиятларидан бири қалин ва ўзун жун ва қилларининг бўлиши. Бу жунлар ёзнинг иссиқ кунларида тананинг кўйишидан, қиш даврида қаттиқ совуқдан сақлайди.

Шимолий ўрмон от зотлари икки гуруҳга бўлинади, шарқий ва ғарбий типларга. Шарқий тип гуруҳига Якўт, Нарим, Приоб, ғарбий тип гуруҳига Эстон, Вят, Мезен, Печор, Тавдин зотлари киради.

Якўт зоти – шимолий ўлканинг экологик шароитига мослаша оладиган ўрмон зотлари ичида энг паст қарчиғай ва гўшт чиқими бўйича энг юкори даражадаги кўрсаткичлар билан характерланадиган ягона зотдир 40-50⁰ совуқдан кўркмайди.

Қишки яйлов шароитига яхши мослашган ҳамма ўрмон зотлар ичида фақат Якўт зоти йил бўйи уюр шароитида яйловда боқилиб урчитилади. Бу зотнинг энг қимматли хусусиятларидан бири авлодларидан авлодларига ўтаётган хусусияти, ҳамма шароитларга мослашишидир.

Якўт зоти паст бўйли, кенг кўкракли ва салмоқли қарчиғай баландлиги 134 см, кўкрак айланаси 168 см, гавдасининг қия ўзунлиги 142 см, кафт айланаси 18,1 см, унинг боши дўнг бурунли, бўйни йўғон калта, кўкраги чуқур ва кенг, оёқлари танага нисбатан калта, суякли туёқлари мустаҳкам, туси кўпинча очик кўк, қора ёл саман, оқ ёл саман жийрон. Танадаги жун

қоплами қалин, қилларининг ўзунлиги 7-10 см ва ўзунроқ, совуқ, иссиқ ва ҳашоратлардан қўриқлайди.

Қулунлари тез етилувчан 5-6 ойлигида, катта отларнинг тирик вазнининг 50% ни ташкил қилади.

Кўпинча орқа, бел қисмида тасма чизиғи бўлади, ёли, думи, кокилли ўзун бўлади. Бу зот салт минишда, юк кўтаришда, енгил юк тортишда, маҳсулот гўшт ва сут олишда кенг фойдаланилади. Гўшт чиқими 58-63% ни ташкил қилади. Биялари суткасига 6-8 литр сут беради. Якўт зоти жуда қаттиқ совуқ шароитида ўзаро урчитилмайди. Наслчилик иши ва сут маҳсулотини оширишга қаратилган.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Зот тўғрисида тушунча.
2. Дунё миқёсида қанча от зоти мавжуд.
3. МДХ дачи?
4. От зотларининг зоотехникавий классификацияси.
5. МДХ от зотларини районлаштириш.
6. Қорабайир от зотиға қисқача тавсиф беринг.
7. Ахалтака от зотиға қисқача тавсиф беринг.
8. Араб от зотиға қисқача тавсиф беринг.
9. Салт минилувчи Англия от зотиға қисқача тавсиф беринг.
10. Совет оғир юк тортувчи от зотиға қисқача тавсиф беринг.
11. Якўт от зотиға қисқача тавсиф беринг.
12. Пони от зотиға қисқача тавсиф беринг.

Отларнинг иш кучидан қишлоқ хўжалигида ҳамда транспорт сифатида самарали фойдаланиш

Р Е Ж А

1. Отларнинг иш қобилияти.
2. Отларнинг юриш тезлиги
3. Отларнинг қуввати чидамлиги.
4. Отлардан қишлоқ хўжалигида ва транспортда самарали фойдаланиш.
5. Отларнинг қишлоқ хўжалигида ишлатишнинг асосий қоидалари.

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати.

1. Свечин. К.Б, Бобылев И.Ф., Гопка. Б.М Коневодства Москва Колос. 1992 г.
2. Туракулов З.Т., А.З., Мухтаров А.З., Холмирзаев Д. Йилкичилик Т.Мехнат 1985 й.
4. Холмирзаев. Д Йилкичиликдан амалий машғулотлар Т.Мехнат 1988 й.
7. Фаннинг дискетага ёзилган маърузалар матни

Отларнинг иш қобилияти

Қишлоқ хўжалигида отлардан иш ҳайвони сифатида фойданилади. Хўжаликда ҳамда транспортда отларнинг иш қобилияти ва қувватидан тўғри фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Отнинг иши унинг тортиш кучи ва босиб ўтган масофасига қараб белгиланади. Арава ёки қишлоқ хўжалик қуролларини тортиб юришда сарфланган қувват (зўр бериши) отнинг **тортиш кучи** деб аталади. **Тортиш кучи** ҳамма отларда ҳам бир хил эмас отнинг (соғлигига машқ, чиниқиш даражаси, семизлиги, бажарадиган иши ва зотига) боғлиқ ҳолда ўзгариб туради.

Отларнинг тортиш кучи уч кўрсаткич билан белгиланади, у **ҳақиқий, нормал ва максимал** тортиш кучи сифатида аниқланади. Отнинг арава ёки қишлоқ хўжалик қуролларини тортиш пайтида сарфланган кучига отнинг **ҳақиқий тортиш кучи** деб аталади. Отни яхши озуклантириб, унинг ойлар мобайнида сарфланган тортиш кучига **нормал тортиш кучи** деб айтилади.

Бундай шароитда от ўз оғирлигини нормал ҳолатда сақлайди, ориқламайди. От соғлигига зарар етказмасдан ҳар замонда бир марта сарфланган энг юқори даражасидаги ҳақиқий тортиш кучига **максимал тортиш кучи** дейилади. Отларнинг максимал тортиш кучини махсус синаш орқали аниқланади. Отнинг тортиш кучи махсус асбоб-куч ўлчагич ёки динамометрда ўлчанади. Отнинг тортиш кучи отнинг вазнига қараб аниқланади.

Динамометр пружина тарозига ўхшаш бўлиб, унга ўзи ёзар асбоб

ўрнатилади. Бу асбоб от юрганда (иш бажарганда) йўлнинг айрим жойларида тортиш кучини ёзиб боради. Динамометр отнинг тортиш кучини аравага қўшилган пайтда ўлчашга эҳтиёж тўғрисида у пайтда динамометр от тортадиган валик билан **арава ўртасига ўрнатилиши лозим. Расм-**

Оғир вазнли отларнинг тортиш кучи ҳам катта бўлиб, енгил вазнли отларда камроқ, лекин нормал тортиш кучининг миқдори катта отларга қараганда кичик отларда кўпроқ бўлади.

400 кг келадиган отларнинг тортиш кучи ўз оғирлигининг 15 фоизини, 500 кг келадиган ўрта оғирликдаги отларда 14 фоизни ва 600 кг келадиган йирик отларда 13 фоизини ташкил қилади. Отларнинг нормал тортиш кучи академик В.П.Горячкин тирик оғирлигининг 19 қисмига тўғри келади. Отларнинг тирик вазни 450 кг ва ундан ортиқ бўлганда (Вюст) отларнинг нормал тортиш кучи қуйидаги формула асосида аниқланади.

$$P = \frac{Q}{9} + 12$$

бунда, P - нормал тортиш кучи

Q – тирик вазни, кг

12,9 – коэффициентлар (ўзгармас миқдор)

А.А. Малигионов тирик вазни 300 – 400 кг келадиган отларнинг нормал тортиш кучини аниқлаш учун қуйидаги формулалардан фойдаланишни тавсия этади.

$$P = \frac{Q}{8} + 9$$

бунда, P – нормал тортиш кучи

Q – тирик вазни, кг

8,9 – коэффициентлар (ўзгармас миқдор)

Отларнинг тортиш кучига қараб, енгил иш ўртача иш ва оғир ишлар тортиш ҚАРШИЛИГИНИНГ отлар тирик вазнига бўлган нисбати билан аниқланади. Енгил ишларга ўрилган пичанни от қўшилган хаскашлар билан йиғиш, молалаш, енгил барона билан бароналаш. Иш кунидаги масофа оралиғи 25 км гача бўлса, енгил иш деб айтилади. Ўртача ишлар культивация қилиш, оғир бароналарани тортиш, юмшоқ ерни ҳайдаш, тош йўлларда юк ташиш каби ишлар киради. Масофа оралиғи 25 км дан кам бўладиган ишларни бажаришда. Оғир ишларга масофа оралиғи 35 км гача бўлган ишларни бажариш, қаттиқ ерларни ҳайдаш, ёмон йўллардан оғир юк ташиш, жувоз ҳайдаш каби ишлар киради.

Отларни юриш тезлиги, қуввати, чидамлилиги ва кучидан самарали фойдаланиш.

Отлар бажарган ишининг сифатини ва миқдорини тўғри баҳолашда у ёки бу ишнинг қандай тезлик билан бажарилганини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Чунки, турли типдаги отлар бир хил миқдордаги ишни турлича тезликда ва турлича тортиш кучи сарфлаш билан бажаради. Уларни тўғри йўлда иш бажариш тезлиги маълум вақт ичида босиб ўтилган йўлнинг миқдorigа қараб

аниқланади. Уни қуйидагича ифодалаш мумкин.

$$V = \frac{S}{t}$$

Бунда, V- ҳаракат тезлиги, км соат ёки м-сек.

S - босиб ўтган йўл, км ёки м

t - сарфланган вақт, соат ёки мин.

Хақиқий, ўртача ва коммерик шартли тезликлар фарқ қилинади. Хақиқий тезлик деб отнинг маълум вақт ичида кўрсатган тезлигига айтилади. Хақиқий тезликни билиш отнинг бир меъёрада ҳаракатланишини баҳолашда ва маълум вақт ичида бажарган иш миқдорини аниқлашда катта аҳамиятга эга. Отлар одимлаб иш бажарганда соатига 4-7 км хақиқий тезлик кўрсатиши, йўртиб иш бажарганда эса соатига 9-15 км хақиқий тезлик кўрсатиши мумкин. Отлар чопиб иш бажарганда соатига 20-25 км хақиқий тезлик кўрсатиши мумкин. Шунини айтиш керакки, хақиқий тезлик тупроқнинг қаттиқ ва юмшоқлигига, йўлнинг тўғри-эгрилигига ҳам боғлиқ бўлади.

Отларнинг тезлиги қишлоқ хўжалик ишларини бажарганда иш жараёнининг охиригача бир хил бўлмайди. М: Отларнинг дўнгликка чиқиши ва тўғри йўлдаги тезлиги ҳар хилдир. Лекин отнинг бир кунлик иш нормасини белгилашда бир соатлик ҳаракат тезлиги асос қилиб олиниши керак. Агар от 1600 м масофани 2 мин. 10 сек. босиб ўтса, бу пунктга юк олиб боришда тез юриши ва секин юриши мумкин. Шунинг учун иккинчи пунктга етгунча бўлган ўртача шартли тезлик коммерик тезлик дейилади.

Тортиш кучи, ҳаракатланиш тезлиги ва иш бажариш вақти ўртасида ўзвий боғланиш мавжуд. Тезлик ошганда тортиш кучи камаёди. Шунинг учун отларнинг тезлигини ошириш учун тортиш кучини максимал даражада камайтириш керак. Тортиш кучи қанча кўп бўлса, бажарилган иш миқдори шунча кўп бўлади. Шу боисдан ҳам қишлоқ хўжалик ишларида отларнинг одимлаб иш бажариши энг эффектив ҳисобланади.

Отлар эркин ҳаракатланиш даврида ҳам физик ёки механик иш бажариши мумкин. Бу бажарилган механик ишнинг ҳаммаси ҳам фойдали бўлмаганлиги учун бажарилган фойдали, механик ишни тўғри аниқлаш катта аҳамиятга эга. У қуйидаги формула билан аниқланади:

$$R=P*S$$

бунда: R- бажарган иш, кг-метр ёки т-км

P- тортиш кучи, кг ёки т

S- босиб ўтилган масофа, метр ёки км.

Аравага ортилган юкнинг миқдори отнинг вазнидан 4-5 баробар кўп бўлиши керак.

Ўрта, енгил ва оғир ишлар тортиш қаршилигининг отлар тирик вазнига бўлган нисбати билан аниқланади. Агар тортиш қаршилиги тирик вазнига нисбатан 20% ни ташкил қилса оғир иш, 10-15% бўлса, ўртача иш ва 10% дан кам бўлса, енгил иш деб айтилади.

Тортиш қаршилигини қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$\text{Текис йўл учун} - P=Q*f$$

Юқорига кўтариладиган йўл учун – $P=Q \cdot f + Q \sin \alpha$

Бунда, P -тортиш қаршилиги, Q -араванинг ва юкнинг оғирлиги, кг ёки т, α - йўлнинг кўтарилиш бурчаги, f - йўлнинг қаршилиқ коэффициенти.

Отларга иш меъёрлари белгилашда хўжаликнинг табиий-иқтисодий шароитлари ва шу зонада жойлашган қишлоқ хўжалиги илмий-текшириш станцияларининг таклифларини ҳисобга олиш керак.

Отларнинг абсолют бажарган ишини аниқлаш билан бирга, шу ишни қанча вақт ичида бажарганлигини билиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Маълумки двигателларнинг иш қобилиятига баҳо беришда маълум вақт ичида бажарган иш ҳисобга олинади. Бунинг учун қувват деган махсус тушунча қабул қилинган. Қувват деб отнинг (двигателнинг) маълум вақт ичида бажарган иш миқдори айтилади.

Отнинг қувватини қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$N = \frac{R}{T} = \frac{P \times S}{T} = P \times V$$

бунда, N - қувват, км-сек;

R - механик иш

T - вақт

P - тортиш кучи

S - масофа

V – тезлик

Қувватнинг ўлчов бирлиги от кучи олинган. 1 от кучи 75 км метр секундга баробар (яъни бир секундда 75 кг юкни 1 метр масофага элтиш учун сарф бўлган қувватдир). Тирик вазни 500 кг келадиган отлар учун бир от кучи меъёр ҳисобланади.

Отларнинг ўзоқ вақт иш қобилиятини йўқотмаслиги ва қисқа дам олишдан сўнг ўз кучини қайта тиклаши уларнинг чидамлилиқ (пишиқлик) қобилиятини белгилайди. Агар буни акси бўлса, отларнинг чарчаши тушунилади.

Чунончи, отларнинг тез-тез нафас олиши, пульсининг тез уриши, тана ҳароратининг кўтарилиши, кўп терлаши, ҳаракатининг ўзгариб туриши, оёқларини ерга қаттиқ тираши, гоҳо озук емаслиги, ташқи кўринишининг сустлиги чарчаш аломатлари ҳисобланади.

450-500 кг келадиган ўрта вазнли отлар аравага ёки қишлоқ хўжалик машиналарига қўшиб ишлатиш учун бир кунга қуйидагича иш меъёри белгилаш мумкин:

Енгил иш 700000 дан 1500000 кг/м гача;

Ўртача иш 1500000 дан 2000000 кг/м гача;

Оғир иш 2000000 дан 3000000 кг/м гача;

Жуда оғир иш 3000000 дан ортиқ кг/м гача.

Салт минилувчи ва юк ташувчи отларнинг бажарган иши минган қишининг ёки ортилган юкнинг миқдори ҳамда отнинг ўз гавдасини ҳаракатлантириш учун сарф қилинган энергияси билан ўлчанади.

Салт минилувчи ва юк ташувчи отларнинг иши арава тортувчи отларнинг ишидан кескин фарқ қилади. Масалан, арава тортувчи от тортадиган юкнинг оғирлигига асосан аравага тушади ва аравага қўшилган от асосан юк ортилган аравани олдинга суриш учун энергия сарфлайди. Салт минилувчи ва юкчи отлар эса юкни ўз устиларида кўтариб юриш ва бир жойдан иккинчи жойга элтиш учун энергия сарфлайди. Бундай отлар учун 120-130 кг ўрта иш ҳисобланади. Салт минилувчи ва юк ташувчи отлар кучидан яхши фойдаланиш учун уларга ўз вазнининг 25-35% миқдорида юк ортиш керак.

Арава тортувчи отларнинг бир кунлик иш миқдорини аниқлаш учун даставвал уларнинг механик бажарган иш миқдорини билиш лозим. Бажарилган иш миқдори км/м, т/км билан аниқланади. Отнинг механик иш миқдорини билиш учун тортиш кучини, ҳаракат тезлигини, иш бажаришга кетган вақтни аниқлаш керак. Масалан, от фермада аравага қўшилган ҳолда ем-хашак ташиш ишларида бир кунда 7 соат ишлайди дейлик. Шундан 5 соат дам олмасдан ишлаган, 5 соатдан 3 соатида одимлаб, 2 соатида йўртиб ишлаган бўлиши мумкин. Одимлаб ишлаганда тезлиги 3 м/сек; юкли аравани тортганда тортишиш кучи 65 кг, бўш аравани тортганда 25 кг, отнинг тирик вазни 500 кг бўлган. Шуларга асосан отнинг бир иш кунида бажарган иш миқдори қуйидагича аниқланади.

Биринчи навбатда отнинг бир иш куни давомида босиб ўтган йўлини аниқлаймиз: отнинг юкли арава ортган пайтидаги тезлиги $(1,2 \text{ м } 3600 \text{ сек}) = 4,32 \text{ км/соатга тенг}$, 3 соатда от $(4,32 \cdot 3) = 12,96 \text{ км}$ масофани босиб ўтган. $(3 \text{ м } * 3600) = 10,8 \text{ км/соат}$ юксиз аравани йўртиб тортган, 2 соат эса $(10,82) = 21,6 \text{ км}$ йўл босган. Шундай қилиб, от юкли арава билан $(65 \cdot 12960 \text{ м}) 842400 \text{ кг метр}$ иш, юксиз аравани тортиб эса $25 \text{ кг} \cdot 21600 \text{ м} = 54000 \text{ кг/м}$ иш бажарган. Маълум бўлаяпдики, от ҳаммаси бўлиб 7 соатлик иш кунида $(842400 + 540000) = 1382400 \text{ кг/м}$ иш бажарган экан. Бу иш миқдор жиҳатдан отлар учун енгил иш ҳисобланади.

Отларда **чидамлилиқ** деганда отнинг ўзоқ вақт давомида қувватини сақлай билиши, шунингдек сарфланган қувватини қисқа муддат ичида қайта тиклаб олиш қобилияти тушунилади. От чарчаганда қуйидаги белгилар намоён бўлади: қаттиқ терлайди, тез-тез нафас олади ва юраги тез уради, тана ҳарорати кўтарилади, юриш ритми бўзилади, оёқлари ва мускуллари титрайди. Иштаҳаси бўлмайди ва ҳоказо.

Отнинг чарчаганлиги ва чидамлилиги ҳақида унинг клиник кўрсаткичлари, нафас олиш, пульси ва ҳароратига қараб хулоса қилиш мумкин. Соғлом тинч ҳолатда нафас олиши минутига 8-16 мартагача, пульси 28-44 марта атрофида ўзгариб туради ва ҳарорати $37,5^{\circ}$ дан $38,5^{\circ}$ гача бўлиши мумкин.

Нафас олиш минутига 40-60 марта, пульси $39-39,5^{\circ}$ Сгача кўтарилиши ҳам иш пайтида йўл қўйиладиган камчиликлардан ҳисобланади. Ишдан кейин отларда нафас олиш тезлиги минутига 70 марта ва ундан ҳам кўпроққа, пульси 100 тагача кўтарилса, тана ҳароратини 40°С .гача ва ундан ҳам юқори кўтарилиши, ана шу кўрсаткичларни 10 минут давомида ўзгармай бир хил

сақланиши, унинг юқори нагрўзкада ишлаганлигини кўрсатади. Агар иш кўрсатгичлари 30 минутлик дам давомида ундан кейин ҳам ўзгармай қолса, бу ҳол отнинг қаттиқ чарчаганлигини кўрсатади.

Механизация ривожланганлигига қарамай отлардан хўжалик ишларида транспорт сифатида фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Кўпчилик хўжаликларда яқин масофаларга юк ташиш, кичик-кичик тармоқларга ишлов бериш, фермерларга ем-хашак тарқатиш, яйловда мол боқиш, тоғликларда, боткоқликларда, далачилик бригадалари ва ўрмон хўжаликларидаги ишларни от кучи билан бажариш машина билан бажаришга қараганда иқтисодий жиҳатдан анча арзонга тушади.

Отларнинг кучидан рационал фойдаланиш учун уларни йил давомида бир меъёردа ишлатиш талаб этилади. Улардан қишлоқ хўжалигида ва транспорт ишларида фойдаланишда зооветеринария қоидаларига риоя қилиш шарт албатта. Отлардан фойдаланишдаги кун тартиби ишнинг ҳажмига, йилнинг фаслига, куннинг давомийлигига, отнинг ихчамлигига қараб белгиланади. Ишчи отларни ишлатишда уларнинг семизлиги 2-категориядан паст бўлмаслиги керак. От ёрдамида турли ишлар бажарилади, лекин бир типдаги отлар билан ҳар хил иш бажаравериш ҳамма вақт ҳам мақсадга мувофиқ бўлавермайди. Шунинг ҳисобга олиб, отлар иш қобилиятига қараб 3 гуруҳга бўлинади:

1. Катта кучли отлар киради.

Бу типдаги отлар оғир ва ўрта оғирликдаги юк тортувчи отлар ҳисобланиб, хўжаликдаги энг оғир юмушларни бажаришда ишлатилади.

2. Ўрта оғирликдаги.

Биринчи гуруҳга нисбатан иш қобилияти пастроқ отлар киради. Бундай отлар билан ўртача оғирликда ишларни бажаришда фойдаланилади.

3. Кам кучли отлар киради.

Бу гуруҳга ва иккинчи гуруҳга мансуб касалдан тўзалган отлар ҳам кириши мумкин.

Деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва ҳарбий ишларнинг ривожланиши натижасида халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида отларни ишлатиш зарурияти туғилиб, улардан маҳсулот олиш иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлиб қолди.

Оғир саноат, трактор ва қишлоқ хўжалик, машинасозлик ривожланиши натижасида отлар ўрнини машиналар эгаллади. Лекин бундай тараққиётдан қатъий назоратлар ҳали ҳам халқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлатилиб келинмоқда.

Инсоният отларнинг ажойиб зотларини яратдилар, ҳар қайси 20 тоннагача юк тортадиган йирик, дуркун ва оғир отлар билан бир қаторда йўртоқи, чопқир ҳамда оғир иқлим шароитларига бардош бера оладиган майда отлар вужудга келди.

Ҳозирги кунда ҳам отлар чорвачиликда яъни қўйчилик, чўчқачилик, қорамолчилик фермаларига хизмат кўрсатишда мол, қўй ва эчкиларни яйловда боқишда, қурулларга, ем-хашак ташишда, қурилиш қисмларида, бригадаларга сув, овқат ва автомашина, тракторлар учун ёқилғи ташишда,

шунингдек хўжаликнинг ички ишларида фойдаланиб келмоқда.

Ишчи отлар тоғли чегара куруқчилар, қидирувчи геологлар, овчилар, ўрмончилар, давлат куруқхоналари ва саёҳатчилар учун яхши ёрдамчидир. Ҳали ҳам эгар-жабдуклар, юган ва нухталар бир ва икки ўринли енгил араваларнинг етишмаслиги отлардан янада яхшироқ фойдаланиш имкониятларини чеклаб қўймоқда.

От кучидан тўғри фойдаланишни ташкил қилиш учун йил фаслларида хўжаликларнинг от кучига бўлган талабига, иш турлари ва ҳажмига, абзал ва аравалар ремонтига, отларни тўлиқ қимматли озук рацион билан таъминлашга, отларнинг иш қобилиятини ошириш ва аравакашнинг меҳнатига. Отбоқар билан аравакаш отларнинг соғлигига тўла жавоб бериши керак. Отларни ўз вақтида озуклантириш, суғориш, тозалаш ва ишга тайёрлаш вазифаси ҳам отбоқарнинг зиммасига тушади. Отбоқар ишдан сўнг отларни аравакашдан қабул қилиб олади. Агар отда бирор камчилик сезса, дарҳол бригада бошлиғи ёки ферма мудирига хабар беради.

Ишчи отларнинг ўртача семизликдан паст бўлишига йўл қўймаслик лозим. Дала ишлари компанияси арафасида уярда юрган отлар ушланиб, аста-секин ишга ўргатила бошланади.

Аравага икки от қўшиш эҳтиёжи туғилса, отларнинг катта кичиклиги, ёши, жинси, кучи, қадами каби белгилари эътиборга олиниши керак. Ёш ва кам куч, касалманд отлардан хўжалик ишларида фойдаланиш тажрибали аравакашлар зиммасига юклатилади. Буғоз биялар енгил ишларда ишлатилади, туғишига икки ой қолганда ва тукқандан сўнг 15 кун давомида мўтлақо ишлатилмайди.

Отларни ишчанлик даражаси ишнинг характериға, йилнинг фаслиға, отнинг ориқ ёки семизлигига, қай даражада ишга ўргатилганлигига қараб аниқланади.

Отлар суткасиға 8-10 соат ишлатилади, отхонадан ўзоқ масофаларда ишлатилгандан сўнг эса уларни ишдан отхонаға ҳайдаб келмасдан даланинг ўзида озуклантириб дам берилади.

Ҳар бир ишчи от йил давомида ўртача 300 кун иш билан таъминланган (буғоз биялар учун 230 кунгача) бўлишни тавсия қилинади.

Иш режимини тўғри белгилаш учун, отнинг тортиш кучи, ҳаракат тезлиги ва сарфланадиган вақтни аниқ ҳисобға олиш зарур. Шунда кунлик иш миқдорини аниқлаш осонлашади.

От кучидан фойдаланишнинг илғор усулларида бири йил фаслларида отларни тўла қимматли озук рацион билан таъминлаш, зооветеринария қоидалари асосида парвариш қилишдир. Бундан ташқари ишчи от эгар-жабдуклар ва инвентарлар билан жиҳозланган бўлиши керак.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Отларнинг тортиш кучи деганда нимани тушунасиз?
2. Ҳақиқий тортиш кучи деб нимаға айтилади?
3. Ўртача тортиш кучи деб нимаға айтилади?
4. Максимал тортиш кучи деб нимаға айтилади?
5. Отларни ўртача тортиш кучини аниқлаш учун академик

В.П.Горячкин ва профессор А.А.Маличонов формулаларини тушунтириб беринг?

6. Отларнинг ҳаракат тезлигини тушунтиринг?
7. Отларнинг ҳаракат тезиги неча хил бўлади ва бир-биридан фарқини тушунтиринг?
8. Отлар иш бажарганда енгил, ўртача оғир ишлар деб юритилади. Ҳар бир ишни тушунтириб беринг?
9. Маълумки, двигателларнинг иш қобилиятига баҳо беришда маълум вақт бажарган иш ҳисобга олинади. Бунинг учун қувват деган тушунча қабул қилинган. Қувват деб нимага айтилади. Бир от кучини тушунтириб беринг. Қувват формуласини тушунтиринг.
10. От кучидан самарали фойдаланишни тушунтириб беринг?
11. Ишчи отларни ишлатиш қоидаларини айтинг.

Отларнинг гўшт маҳсулдорлиги.

Р Е Ж А

1. От гўштининг озиқ-овқат сифатида фойдаланиш тарихи ва ҳозирги вақтда тутган ўрни ҳамда кўпайтириш истиқболлари.
2. Отларнинг семизлик тифози ва унинг кўрсаткичлари.
3. От гўшти ва ёғининг кимёвий таркиби, биологик ва озиқ-овқат қимматини характерлайдиган қўшимча кўрсаткичлари.
4. Гўшт чиқими ва сўйим вазнини
5. От гўшtidан тайёрланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари.
6. Гўшт йўналишидаги отларни чет мамлакатларга экспорт қилиш.

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати.

1. Свечин. К.Б, Бобылев И.Ф., Гопка. Б.М Коневодства Москва Колос. 1992 г.
2. Туракулов З.Т., А.З., Мухтаров А.З., Холмирзаев Д. Йилкичилик Т.Мехнат 1985 й.
5. Холмирзаев. Д Йилкичиликдан амалий машғулотлар Т.Мехнат 1988 й.
7. Фаннинг дискетага ёзилган маърузалар матни

Дунё миқёсида от гўштининг озиқ-овқат сифатида фойдаланиш тарихи, ҳозирги вақтда тутган ўрни

Халқимизни озиқ-овқат билан таъминлаш учун, умуман халқ хўжалигимизни тангликдан чиқариш сиёсатини тадбиқ қилишда, авваламбор, хўжалик соҳасини ривожлантиришга эътибор бериш лозим.

Халқимизни гўшт билан таъминлашда қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг гўшт маҳсулотини кўпайтириш билан биргаликда от гўштини кўпайтириш халқимизни тансиқ маҳсулотлар билан таъминлаш энг муҳим аҳамиятга эгадир.

Эрамиздан 3-4 минг илгари отлардан маҳсулот олиш мақсадида уй ҳайвонига айлантирилган. Тош даврида аввало гўшtidан овқат сифатида фойдаланилган. Қадимда Перслар, Греklar, Римликлар от гўштини қимматли озиқ-овқат сифатида фойдаланиб келган. VIII асрнинг ўртасидан то VIII асрнинг охиригача Европанинг ҳамма халқлари от гўштини истеъмол қилиб келдилар. Лекин отлар билан ер ҳайдаш мамлакатлараро савдо-сотиқ ишларида ишлатиш ҳамда ўзаро урушиш натижасида отлардан кенг фойдаланиш муносабати билан от гўштини ейиш диний қонунга мувофиқ овқатга ишлатиш мумкин эмас деган қонунлар чиқарилди. Энг аввало Германияда, сўнгра Италияда ҳаммага маълумки, Ҳиндистонда қорамол асосий ишчи ҳайвон бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳозиргача қорамол

гўшти озуқа сифатида ишлатиш мумкин эмас, чунки қорамол гўшти диний муқаддас озуқ деб ҳисобланади. Механизация ва транспортни ўсиши ҳамда ривожланиши натижасида отларнинг иш кучидан фойдаланиш озод қилингандан сўнг, яъни от гўштини истеъмол қилишга рухсат берилган.

Данияда 1830 йил, Францияда 1866 йил, Россия 1867 йил, Германияда 1879 йил, Ангияда 1888 йил, Россияда 1866 йил 1800 бош, 1903 йили 36 минг бош от сўйилган.

Айниқса, Франция, Бельгия, Голландия, Венгрия, Чехословакия, Туркия, Италия, Японияда ва бошқа гўштларга нисбатан от гўштини афзал кўрадилар. МДХ.да қадимдан от гўштини истеъмол қилиб келмоқда, айниқса Қозоқ, Қирғиз, Яхуд, Бурят, Бошқирд ва Ўзбек ҳамда Тожик халқлари от гўшtidан қилинган миллий таом қазини ҳамма гўшtidан афзал кўрадилар. Ҳозир дунё миқёсида 556 минг тонна сўйим вазнда от гўшти ишлаб чиқарилади. МДХ.да умумий ишлаб чиқарилган гўштнинг 2% ни от гўшти ташкил этади. (250 минг тонна тирик вазнда). Республикамизда от гўшти тирик вазни ҳисобида 4 минг тоннани ташкил этади. Қозоғистон, Қирғизистон, ва РСФСР нинг баъзи бир автоном республикаларида от гўшти тайёрланадиган умумий гўштнинг 6-12 % ни ташкил қилади.

Якўт автоном республикасида умумий ишлаб чиқарилган гўштнинг бешдан бир қисми от гўшtidир. Ҳаммага маълум Якўтия совуқ бўлиб, 60⁰ Сгачадир. От гўшти қорамол гўштига нисбатан 1,6 баробар, чўчка гўштига нисбатан 2,5 баробар арзондир. Шундай қилиб, МДХ республикаларида ҳар йили гўшт комбинатларида 550 мингдан зиёд от гўшти сўйилади етиштирилмоқда. Отларнинг семизлик категорияси йилқичилик илмий текшириш институтининг олимлари Ю.Н.Барминцев ва бошқалар томонидан ишлаб чиқарилган стандартга (ГОСТ 20079-74 га) мувофиқ гўштнинг майинлиги, ширадорлиги, ёғлилик даражаси, толаларнинг катта кичиклиги, ингичкалилиги назарда тутиб давлат харид нархларини ҳисобга олиб, ёшига қараб от гўшти уч гуруҳга бўлинади.

1-гуруҳ – қулун гўшти (ёши бир ёшгача бўлган қулунлар, шу даврда тирик вазни 120 кг дан кам бўлмаслиги керак).

2-гуруҳ – той гўшти (1-3 ёшгача бўлган тойлар).

3-гуруҳ – 3 ёшдан катта бўлган отларнинг гўшти катта отлар гуруҳига киради.

Шундай қилиб отнинг семизлик даражаси унинг ташқи кўринишига танасининг айрим қисмларини ушлаб кўриш, сўйгандан сўнг ички органлари олингандан кейин қолган нимталарининг шу отнинг сўйишдан олдинги тирик оғрлигига солиштириб аниқланади.

Отларнинг қорин бўшлиғида, қовурғалар орасида, мускуллар тўқималарида, тери остида, ички органларда ва тўқималар орасига ёғларни тўпланиш миқдорига семизлик категорияси дейилади. Отларнинг семизлик бўйича белгиланган стандартга нисбатан от гўшти категорияларига бўлинади. Катта отлар ва тойлар биринчи ва иккинчи категорияларга, қулун гўшти эса фақат биринчи категорияга киради. 1 – жадвал.

8.2. Отларнинг семизлик категорияси.

1-жадвал.

Семизлик	Семизлик даражаси		
	Катта отлар	Тойлар	Кулунлар
1-категория	Танаси бочкасимон, мускул тўқималари яхши ривожланган, Кўкрак кураклари, бели, сағриси, сони яхши тўлишган, орқа ва бел умуртқаларининг ўткир ўсимталари буртиб турмайди. Қовурғалар ўзоқдан сезилмайди, пайпаслаганда озроқ билинади. Ёғ тўпланиши ушланганда билинади ва дум атрофига ёғ тўпланади.	Танаси бочкасимон, мускул тўқималари яхши ривожланган, орқа ва бел умуртқаларининг ўсимталари буртиб турмайди. Ўтирғич думбоқлар ёнбошлари бироз билинади. Бўйин ва елини ушлаб кўрилганда қайишроқ бўлади.	Танаси бочкасимон, бироз бурчаксимон, мускул тўқималари яхши ривожланган, баъзан ўртача елка қирқувчи бўғинлари қирқувчи қирралари орқа ва бел умуртқаларининг ўткир ўсимталари, ўтирғич думбоқлари ва ёнбошлари бироз буртиб туради. Қовурғалари қаралганда озроқ билинади. Бўйин ёлининг тери остида ёғ кам тўпланади.
2-категория	Танасининг шакли бироз бурчаксимон, мускул тўқималари ўртача ривожланган кўкраги, кураклари, орқаси ва сони ўртача тўлишган, орқа ва бел умуртқаларининг ўткир ўсимталари бироз буртиб туради. Қовурғалари қараганда билинади, ушлаб кўрганда оралиғига кўл қирмайди. Бўйни, ёли ушлаб кўрилганда ёғ кам тўпланган бўлади.	Танасининг шакли бироз бурчаксимон, мускул тўқималари ўртача ривожланган орқа бел умуртқаларининг елка курак бўғинлари ёнбош ва ўтирғич думбоқлари бироз буртиб чиқиб туради. Қовурғалари қараганда билинади, ушлаб кўрганда оралиғига кўл қирмайди. Бўйни, ёли ушлаб кўрилганда ёғ кам тўпланганлиги маълум бўлади.	

От ёғи диетик таом ҳисобланади, тўйинмаган ёғ кислоталари линол, линолен, гексадицин, тетрацин организмга холестерин моддасини алмашилишида яхши таъсир кўрсатади. Тўйинмаган ёғ кислоталарнинг умумий миқдори йод миқдorigа қараб аниқланади. Ёғда йод миқдори қанча кўп бўлса, тўйинмаган ёғ кислородларининг миқдори шунча кўп бўлади ва организмнинг нормал ривожланишида муҳим рол ўйнайди. От ёғи ўзининг химиявий таркиби, хусусиятлари билан қорамол ва қўй ёғидан бирмунча фарқ қилади. У тез эрийдиган бўлиб, сифати жиҳатидан парранда ва ўсимлик мойига яқин туради. Одатдаги уй хароратида от ёғининг эриши ярим суюқликда бўлиб, тоза қотмайди. Қулунларнинг ёғи 22⁰ Сда, катта ёшдаги отларнинг ёғи 32⁰ Сда эрийди. Нотўғри сақланган от ёғи ачиган ёки тахиррок бўлади. Тўйинмаган ёғ кислоталари организмда холестерин моддасининг алмашилишини кучайтиради, қон томирлари деворларида қотиб чўкма ҳосил қилган моддаларни эритади.

Г.Архангельский ўзининг 1869 йилда «От гўштини ҳозирги ва келажакдаги рус халқининг иқтисодий ҳаётида озук овқат материали» деб номланган мақоласида от гўштига нисбатан қимматли ва арзонга тушадиган шифобахш доривор сифатида қараш кераклигини уқтирган эди. Франция врачлари ҳам от гўштини сил касаллигини даволаш учун тавсия этади. Айниқса ёш болалар организми учун жуда зарур бўлган аргенин аминокислоталари от гўштида кўпроқ учрайди.

Маълум бўлишича, тўйинмаган ёғ кислоталари қорамол ёғида 38,5 %, чўчка ёғида 50 %, от ёғида 65,5 % ни ташкил қилади. От ёғида қорамол ва чўчка ёғига нисбатан линол ва линолен ёғ кислотаси кўпроқ бўлади (20%). Лекин шунини айтиш керакки, от ёғининг биохимик ва таомлилиқ хусусияти ҳали тўлиқ ўрганилган эмас.

От ёғи диетик таом сифатида инсон организмда липоид моддаларининг алмашилишига катта таъсир кўрсатади. Тўйинмаган ёғ кислоталари қон томирларининг холестерин моддасининг чўкиб қолишига йўл қўймасдан эритиб юборади. Шунинг учун бу кислоталардан артеросклероз касаллигини олдини олувчи профилактик модда сифатида кенг фойдаланиш мумкин.

Тирик организмда оксиллар азот манбаи ҳисобланади. Алмаштириб бўлмайдиган қимматли, триптофан, лейцин, изолейцин, валин, треонин, лизин, метионин фениланин каби аминокислоталар ҳайвон организмга турли озуклар орқали ўтади. Булардан ташқари, ёш болалар организми учун жуда зарур бўлган аргенин аминокислоталари от гўштида кўп миқдорда учрайди. Шу жиҳатдан от гўшти биологик қиммати бўйича бошқа қишлоқ ҳўжалиқ ҳайвонларидан устун туради. Блок, Павловский ва Шўт каби олимларнинг маълумотига кўра турли қишлоқ ҳўжалиқ ҳайвонларининг қуйидаги аминокислоталар мавжуд.

Аминокислоталарнинг миқдори бўйича от гўшти тухумга яқин туради, фақат аргенин, валин ва лейцин миқдори бўйича ундан орқада қолади.

Яйлов шароитида сақланган ҳар хил зотга мансуб биринчи категория

семизликда бўлган отларнинг тирик вазни ва сўйим чиқими 2 – жадвалда келтирилган.

2 – жадвал.

Ҳар хил зотли отларнинг сўйим чиқими.

Зотлар	Сўйишдан олдинги тирик вазни, кг	Сўйим чиқими, %	Тадқиқотчилар
Қозоқ зоти (Жабе тип)	480	58	Барминцев Ю.Н.
Якўт	450	55-62	Андреев Н.
Кушум	540	56	Барисов М.Рязабоев С.
Бурят	450	54	Барминцев Ю.Н.
Бошқирд	420	54	Сайгин И.А.
Қирғиз	380	51	Каштанов В.Б.
Янги қирғиз	470-510	50-54	Толегенов Д.
Қорабайир	419	54	Холмирзаев Д.
Дон	490-560	54-55	Нечаев И.Н.

Гўшт чиқими отларнинг семизлик категориясига қараб ёши, зоти ва табиий хўжалик зоналарини ҳисобга олиб, 1-категория семизликда бўлганда 50% дан 63% гача, 2-категория семизликда 47% дан 54% гача. Талабга жавоб бермайдиган стандартсиз 42-48% гача бўлади. От сўйилгандан сўнг гўштининг миқдори ва сифати аниқланади. Гўшт миқдори отнинг катта-кичиклигига, зоти, ёши, яйлов ёки қўлда бўрдоқига боқилганда ейилган озуқанинг миқдори ва унинг тўйимлилиги ва ниҳоят семизлик даражасига боғлиқдир.

Гўштнинг сифати эса гўштнинг ейиладиган (гўшт ва гўшт ёғи) ва ейилмайдиган қисми (суяк ва пайлар)нинг бир-бирига фоиз ҳисобида нисбати ва ўзига хос ёғ қатламлари ва унинг калориясига, отнинг ёшига озуқанинг турига боғлиқдир.

От гўштининг кимёвия ва морфологик таркиби

От гўштининг кимёвий таркиби нимтанинг қайси қисмидан олиб текширилганлигига боғлиқ. От гўштининг нимталарида ёғнинг топографик тўпланиши қорамолларникидан кам даражада фарқ қилади. Айниқса, бўйиннинг устки қисмида (тожида 6-8 см) қорин бўшлиғи деворлариники 4-5 см, коворғаси орасига 2-3 см, дум атрофида ва ички органларда яхши тўпланади.

Олиб борилган кўзатиш натижаларига қараганда шундай хулосага келинди; ўрта ҳисобда 74,2% сув, 21,6% оксил, 2,5% ёғ ва 1% кул моддаси сақланади.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, яйловда ва боғлаб бўрдоқига боқилган отларнинг гўшти кимёвий таркиби бўйича қорамол гўшtidан кам фарқ қилади.

3 – жадвал.

Ҳар хил зотдаги от гўштининг кимёвий таркиби.

Отзотлари	Семизликка тегорияси	Таркиби ,%				кг/лаҳмкатег орияси
		сув	оқсил	ёғ	кул	
Қирғиз	1	69,58	19,25	8,3	1,40	1561
Қозоқ	1	68,6	18,9	11,4	1	1797
Якўт	1	60-63	17-20	16-21	1,5	2521
Кушум	1	66-68	18-20	12	0,8	1640
Қорабайир	1	69-70	18,8	10,9	1,1	1784

31 – жадвалдан маълумки от гўштининг кимёвий таркибида ёғининг кўплиги, сувнинг камлиги ва калориясининг зиёдлиги билан фарқ қилади.

От гўштининг сортлари.(навлари)

От гўштининг сортларга бўлишнинг ягона давлат сдандарти йўқ. От гўштини сортлашда МДХда гўшт саноатида қабул қилинган техник кўрсаткичлардан фойдаланилади. От гўшти нимталарини Ленинград, Қозоғистон, Семипалатинск савдо системаси, ВНИИК вариантида чопиш схемасидан фойдаланиш мумкин.

Қозоғистон савдо системасида от нимталари 9 бўлакка бўлинади. (725-72). Қазиси, ёли алоҳида ажратилади ва сортларга бўлинмайди.

Биринчи сортга - нимтанинг орқа ва бел, орқа сон қисмлари киради. Орқа бел қисми олдинги томондан олтинчи ва еттинчи қовурға оралиғидан, орқа томондан 17 ва 19 қовурға оралиғида ажралади, пастки томонда эса қовурға ўзунлигининг учдан бир қисми ўзунлигида кўндалангига чопилади. Орқа сон қисми олдинги томондан 17 ва 18 қовурға оралиғидан, орқа томондан эса тизза бўғинидан ажратилади.

Иккинчи сортга – қирқувчи қисми ва сон ости киради. Қирқувчи қисми олдинги томондан 2-3 бўйин умуртқаси оралиғидан, орқа томондан 6 ва 7 қовурға оралиғидан ажратилади. Шунингдек қирқувчи қисми пастки томондан билак суягининг ўртасидан, сон қисми юқоридан тизза бўғини, пастдан болдир суягининг ўртасидан чопилади.

Учинчи сортга – бўғизлоқ, тирсак ва билак қолдиғи (рулка) ва болдир қолдиғи (голяшка) киради. Бўғизлоқ қисмига биринчи (атлант) иккинчи (эфистрофия) бўйин умуртқалари киради. Тирсак ва билак қолдиғи олдинги томондан тирсак ва билак суяқларининг ўртаси, яъни тирсак ва билак суяқларининг пастки ярим ва билакўзук бўғимлари киради.

Болдир қолдиғи (голяшка) – болдир суягининг кўндалангига 2 см юқори- ахилла пайтида ажратилади.

Кейинги (голяшка) – болдир суягининг пастки ярим қисми ва сакраш бўғимининг суяги киради.

**От гўшtidан тайёрланган тансиқ таомларни
тайёрлаш технологияси**

От гўшtidан тансиқ гўшт махсулотлари тайёрлаш гўшти саноати ва парранда гўштини қайта ишлаш саноати ветеринария ва санитария қонун-қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

От гўштидан тайёрланадиган тансиқ таомлар учун қуйидаги нимлар ва навлар ишлаб чиқарилган: от гўштидан дудлаб пиширилган олий навли қазӣ, дудлаб пиширилган олий навли самарқанд қазиси, от гўштидан дудлаб пиширилган биринчи навли бўйин тожиси, дудлаб пиширилган биринчи навли хасип «карта».

Отларнинг мамлакатларга экспорт қилиниши

МДХ.дан чет мамлакатларга, асосан Италия, Голландия, Австрия, Франция ва бошқа мамлакатларга отларни сотиш 1962 йилдан бошлаб амалга оширилиб келинмоқда. Бунда асосан чет мамлакатларнинг гўшtdор отларни сотиш ошиб бораётганлиги кўзатилмоқда. Чет мамлакатлик харидорлар гўшт учун тирик вазни 360 кг дан кам бўлмаган юқори семизлик даражасига эга бўлган отларни яхши сотиб оладилар. Отларни гўшт учун чет мамлакатларга экспорт қилинганда пучак қилинган отларни махсус бўрдоқлаш ва ёш отларни уларда семиртириш муҳим аҳамиятга эга.

Отларни чет мамлакатларга экспорт қилишни амалга оширишда чегара экспорт-импорт пунктида сотувчи ва харидорлар томонидан тўзилган назорат (экспорт) комиссияси ходимлари томонидан отлар яхшилаб кўрикдан ўтказилади, баҳоланади ва тирик вазни тарозига тортиб аниқланади.

Бунда отлар яхшилаб озуклантириб суғорилиб бўлгандан 3-4 соат кейин индивидуал ҳар бири тортилади ва савдо палатаси томонидан ҳужжатлар расмийлаштирилади.

Савдо палатаси отларни тирик вазнини аниқлашда ошқозон-ичак системасида ахлат учун ҳақиқий тирик вазнидан 5% чиқимни эътиборга олиб шартнома тўзади.

Техник талаблар

1. Катта ёшли отлар 3 ёшдан ва қулунлар 6 ойдан 2 ёшгача четга экспорт қилишга рухсат берилади.

2. Четга сотиш (экспорт) учун мўлжалланган отлар ветеринария қонунлари талабига жавоб бериши лозим.

3. Четга сотиладиган отлар жун қопламаси тоза, тақасизланган, ёл ва думи таралган бўлиши керак.

4. Отларда қуйидаги камчилик ва касалликлар учраса четга сотиш умуман рухсат берилмайди.

Инфекцион касалликлар, оёқларида травматик – жароҳатлар бўлса, ўпка эмфиземаси, мастит, мелломасаркома, кур, терини травматик жароҳатлари, ўта хуркак ва бадхулқ бўлса, ориқ, бўғоз ва янги туққан биялар, дум ва ёллари кесилган бўлса, тойлар (ёш отлар) 2–ёшдан 3 ёшгача.

Отларни тамғалаш ва манзилга етказиш (ташиш)

Отларни тамғалаш 4x5 см ҳажмида кичик бўлмаган тахта ёрлиғига индивидуал тартиб рақамлари туш билан кўзга яққол ташланадиган қилиб ёзилиб, отнинг ёлига ва думига боғлаб қўйилади. Отларнинг тартиб рақамлари уларнинг жун қопламасига ёки туёғига қуйдириш йўли билан ҳам тамғаланиши мумкин.

Отлар барча ташиш қоидаларига тўлиқ амал қилинган ҳолда турли транспорт воситалари (ҳаво, темир йўл, сув ва автотранспорт) орқали

манзилга етказилиши мумкин.

Ҳар бир от учун чегара пунктига етказилганга қадар йўлда сарфланадиган озуқалар, арқон, дориворлар турли хил керак бўладиган анжомлар бўлиши керак. Бунда бир суткага ҳар бир ой учун 10 кг пичан ва 6 кг омихта ем сарфланиши ҳисобга олинади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Қачон отлардан маҳсулот олиш мақсадида уй ҳайвониға айлантйрилган аммо гўштидан озуқ-овқат сифатида фойдаланилган.
2. Нечанчи асрдан бошлаб Европанинг ҳамма халқлари от гўштини истеъмол қилиб келдилар.
3. Нечанчи асрдан бошлаб от гўштини ейиш мумкин эмас деб қонунлар чиқарилди.
4. Қайси йиллардан бошлаб қайси мамлакатларда от гўштини истеъмол қилишга рухсат берилди.
5. Отларнинг семизлик категориялари неча гуруҳга бўлинади?
6. Хозир дунё микёсида қанча минг тонна сўйим вазнда от гўшти ишлаб чиқарилади?
7. МДХ.да қанча минг тонна тирик вазнда от гўшти ишлаб чиқарилади?
8. Гўштнинг миқдори ва сифати дейилганда нима тушинилади?
9. От гўштидан тайёрланадиган миллий ноёб таомларга нима киради?
10. Суякли қазй деганда нимани тушинасиз? Ажратиш чегарасини айтинг.
11. От гўштининг органолептик кўрсаткичлари деганда нимани тушунасиз?
12. Собик СССР да от гўштини сортларга бўлишнинг ягона давлат стандарти бўлганми?
13. МДХ.лигида от гўштининг сортларга бўлишнинг қанақа усуллари мавжуд?
14. Қозоғистон давлат системасида от гўштининг нимталари неча бўлак ва неча сортга бўлинади?
15. От гўшти ва ёғининг кимёвий таркибини тушинтиринг.
16. От ёғи олинмаган ёғ кислоталари бўйича қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ёғидан фарқини тушинтиринг.
17. Отларнинг гўшт чикими қандай аниқланади?
18. Суяксиз қазй тайёрлаш технологиясини қисқача тушинтиринг.
19. Отнинг тўғри ичагидан тайёрланадиган қартаси ҳақида айтинг.
20. Чет мамлакатларга отларни экспорт қилиш ҳақида тушинтиринг.

БИЯЛАРНИНГ СУТ МАҲСУЛДОРЛИГИ

Р Е Ж А

1. Бия сутининг озиқ-овқат сифатида ишлатилиши, сутнинг кимёвий таркиби ва хусусиятлари.
2. Бия елинининг анатомик тузилиши, сут бериши.
3. Ҳар хил зот биялар сутининг маҳсулдорлиги ва уни ҳисобга олиш усуллари.
4. Сут маҳсулдорлигини ошириш йўллари.
5. Буғоз ва соғин бияларни сақлаш ва озиқлантириш.
6. Соғин бияларни танлаш ва соғиш усуллари.
7. Қимизнинг кимёвий таркиби, унинг пархез ва даволанишдаги шифобахш аҳамияти.

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати.

1. Свечин. К.Б, Бобылев И.Ф., Гопка. Б.М Коневодства Москва Колос. 1992 г.
2. Туракулов З.Т., А.З., Мухтаров А.З., Холмирзаев Д. Йилкичилик Т.Мехнат 1985 й.
6. Холмирзаев. Д Йилкичиликдан амалий машғулотлар Т.Мехнат 1988 й.
7. Фаннинг дискетага ёзилган маърузалар матни

Бия сутидан озуқ-овқат сифатида фойдаланиши ва кимёвий таркиби.

Қишилар бия сутини эрамиздан олдин V асрда озуқ-овқат сифатида истеъмол қилганликлари тўғрисида Геродот (қадимги юнон тарихчиси) томонидан тилга олинган. Шарқ мамлакатлари бия сутидан қимиз тайёрлаганлар. Қимиз турк сўзидан келиб чиққан бўлиб, у бия сутини ачитиш натижасида ҳосил қилинади.

Бия сутининг кимёвий таркиби.

Бия сути сут қанди, сут ёғи, оқсил, тўзлар, фосфотидлар, ферментлар, витаминлар, микроэлементлар, гормонлар, пигментлар ва газлардан таркиб топган. Буларнинг ичида оқсил, сут ёғи, сут қанди асосий компонентлар ҳисобланади. Баъзи бир қишлоқ хўжалик ҳайвонлари сутининг кимёвий таркиби куйидагича характерланади (фоиз ҳисобида).

Сут ёғи – биянинг сут ёғи тез ачийди, чунки таркибида тўйинмаган ёғ кислоталарининг бўлишидир. Шулардан энг асосийси линолевой ва линоленовойлардир. Бия сутининг ёғи махсус бактерицид хусусиятига эга. Профессор П.Ю.Берлин сигир сути ёғини ва бия сути ёғини сил касаллик бактерияси билан зарарлантиради ва шуни аниқлайдики, бия сутининг ёғида

сил касаллигининг бактериялари ривожланишдан тўхтайди, сигир сутининг ёғида эса аксинча жадал ўсади.

Сут ёғи бошқа ҳайвонларнинг сутининг ёғига нисбатан тез эрувчан, эриш ҳарорати 21-23⁰Сга тенг, ёғнинг йод миқдори бия сутида 80-108 ни ташкил этса у сигир ёғиникида эса 25-40 ни ташкил қилади.

1-жадвал.

Ҳайвонлар сутининг кимёвий таркиби.

Ҳайвонларсут и	жамио қсил	Жами оксилга нисбатан %		Сутқа нди	Ёғ	Кул	Қурук модда
		казеин	Альбумин глобулин				
бия сут	2	50,7	49,3	6,7	2	0,3	11
эшак сути	1,9	35,7	64,3	6,2	1,4	0,4	9,9
сигир сути	3,3	85	15	4,7	3,7	0,7	12,5
эчки сути	3,4	75,4	24,6	4,6	4,4	0,9	13,1
куй сути	5,8	77,1	22,9	4,6	6,7	0,8	7,1
бўйвол сути	4,7	89,7	10,3	4,5	7,8	0,8	17,8
туя сути	3,5	89,8	10,2	4,9	4,5	0,7	13,6

Бия сутида оксил 2%ни ташкил этади, сигир сутидаги оксилга нисбатан 1,5 баробар камдир.

Оқсил – альбумин, глобулин ва казеиндан ташкил топган мураккаб полимер бирикма. Бия сутида альбумин оксилни 50%ни ташкил этса, сигирлар сутида эса оксилни 20 % ни ташкил этади. Альбумин ва глобулин инсон организмида тўлиқ ҳазм бўлиш хусусиятига эга. Сигир сути казеинли, бия сути альбуминли деб ҳам айтилади. Казеин моддаси сутни ивитиш хусусиятига эга бўлиб, оксил моддасининг 50%игача ташкил этади. Бия сутидаги оксил қимматли аминокислоталардан (лизин, триптофан, цистеиндан) ташкил топган. Бия сутининг ёғи майда зарраларга бўлинган ва тез эрийдиган майда шарикчалардан ташкил топган.

Шунингдек тўйинмаган паст молекулали ёғ кислоталардан иборатдир. Шунинг учун ҳам бия сутидан ёғ тайёрлаб бўлмайди. Сут ёғида ўрин алмаштириб бўлмайдиган ёғ кислоталаридан линолевой, линоленовой, арахиононойлардир. Улар сил касаллиги таёқчаларининг ривожланишига йўл қўймайди. 1 литр бия сутида ўртача 20 г ёғ ва оксил, 70 г сут қанди, 800 мг кальций, 50 мг Р ва кўпинча микроэлементлар ва витаминлар мавжуддир.

Сут қанди – лактоза тариқасида учрайди ва у ичакларда ачимайди. Лактоза фермент таъсирида глюкоза ва галактозага парчаланади, бу қимиз тайёрлашда бактерияларнинг ривожланиши учун қулай шароит яратади. Сут қанди лактация давомида кам ўзгаради.

Сут қанди сигир сутидаги қандга нисбатан тез парчаланади. Бияларнинг сут қанди сигир сутининг таркибидаги қандга нисбатан 1,5 баробар кўпдир. Бия сути кўп витаминларнинг бўлиши билан фарқ қилади.

Витамин С – витаминлар ичида энг муҳими ҳисобланади. Бир литр бия сути 72-112 мг аскорбин кислота (витамин С) бўлиши мумкин. Оғиз

сутининг бир литрида 40 мг витамин С бўлади. 3 суткадан кейин витамин С нинг миқдори 64 мг га етади. Сил касаллигини даволашда витамин С нинг роли каттадир. У қимизга даволовчи хусусият бахш этади. Витамин С нинг миқдори бияларнинг туғиш мавсумига боғлиқ.

Витамин А – организмда озук орқали олинадиган каротиндан ҳосил бўлиб, уни организм синтез қилмайди. Витамин А эпителиал тўқималарни, ўпка ва сийдик йўллари, озук ҳазм қилиш трактини турли касалликлардан сақлашда муҳим аҳамиятига эга.

Витамин Е – бир литр бия сутида 0,65-1,05 мг бўлади. Шунингдек, бия сутида В₁, В₂, В₆, В₁₂, Е витаминлар ҳам мавжуд. Витамин Е холестерин моддаси алмашилишида қатнашади.

Минерал моддалар. Биялар сутида натрий, калий, кальций, фосфор каби минерал моддалар айниқса кўп бўлади.

Бия сути бактерицидлик хусусиятига эга. Янги соғилган бия сутида бактерицид моддалар ҳам учрайди. Бактерицидлик фазаси 37⁰Сда 2-5 соат давом этади, паст ҳароратда бу хусусият янада кўпроқ чўзилиши мумкин.

Турли зот биялар сутининг кимёвий таркиби.

Бияларнинг сутининг таркиби ва хусусиятлари турличадир. Бу хусусиятларга турли омиллар таъсир этади. Аммо омилларнинг қанчалик таъсири (зоти, сақлаш, озуклантириш ва бошқалар) борлиги тўғрисида аниқ фикрлар йўқ.

Бияларнинг сутини таркибига уларнинг зотини таъсирини ўрганиш мақсадида уларни бир хил озуклантириш ва сақлаш шароитида ўрганилади. Бу курсатгичлар2 жадвалда кўрсатилган.

2– Жадвал

Турли зотдаги биялар сутининг кимёвий таркиби

Зотлар	Ёғ	Оқсил	Қанд	Минерал модда	Курук модда	Тадқиқотчилар
Қирғиз	1,8	2,1	6,9	0,35	11,2	М.С. Мироненко
Янги қирғиз	1,7	2,2	6,9	0,32	11,3	М.С.Мироненко
Қозоқ	1,4	2,3	-	-	10,5	П.А.Федотов
Бошқирд	2,3	2,1	6,2	0,3	9,8	И.А.Сайгин
Қорабайир	2,1	1,9	6,8	0,31	11,1	М.Соқтаев, Д Холмирзаев
Лоқай	1,8	2,1	6,1	0,33	10,5	Н.М.Аллагумин
Совет оғир юк тортувчи	1,5	2	7,4	0,32	10,8	М.С.Мироненко
Рус оғир юк тортувчи	1,3	2	7	0,33	10,7	М.С.Мироненко
Бурят	2	2,3	6,6	0,43	10,1	Р.Б.Хигжитов
Буденний	1,2	1,9	7,1	0,29	10,5	М.С.Мироненко
Якўт	1,2	2,3	7,2	0,31	10,1	Т.В.Аммосова
Орлов	1,5	1,9	7,2	0,33	11,0	М.С.Мироненко
Дон	1,6	1,9	6,9	0,27	10,8	М.С.Мироненко

Соф қонли салт минилувчи	1,6	1,9	7,2	0,29	10,9	М.С.Мироненко
--------------------------	-----	-----	-----	------	------	---------------

Жадвалдан маълумки, Бошқирд зотидаги сут таркибида 2,3%, Қорабайир зотида 2,1%, Бурят зотида 2% эканлиги аниқланган.

Сутнинг ёғи кам зотларга қозоқ, совет, рус оғир юк тортувчи от зотлари кириши аниқланган. Сутнинг таркибидаги оқсил моддасига келганимизда қуйидагича аниқланган: қозоқ, бурят от зотларида 2,3%, қирғиз, бошқирд, лоқай зотларида 2,1%ни ташкил этган.

Сутнинг таркибидаги қанд моддасига келганимизда совет оғир юк тортувчи, рус оғир юк тортувчи от зотлари (7,4; 7,1) қирғиз, Қорабайир от зотлари (6,9; 6,8%)ни ташкил этади. Сутнинг кимёвий таркиби от зотларига боғлиқ экан.

Бия елинининг анотомик ва морфологик тўзилиши

Бияларнинг сут маҳсулдорлигини оширишда елинининг тўзилиши, шакли ва ишлаб чиқариш физиологиясига алоҳида эътибор бериш лозим. Биялар елини ўзининг анотомик – физиологик тўзилиши ҳамда сут ажратиш физиологияси билан бошқа кишлоқ хўжалик ҳайвонлари елинидан тубдан фарқ қилади. Елин иккита асосий палладан иборат бўлиб, иккиласини қўшиб ўлчаганда айланаси 54-72 см, чуқурлиги 10-15 см, елинининг ёнбош ўзунлиги 26-30 см, ўрта чизик ўзунлиги 23-28 см, сўрғичларининг ўзунлиги 3-5 см, сўрғич айланаси 9-12 см. Сўрғичлар ўртасидаги оралик 3-7,5 см. Сут берадиган вақтида елин оғирлиги 1300-3000 г, сутдан чиққан пайтда 300-550 г. Паллалари бир-биридан бириктирувчи тўқималар орқали ажралади. Улар ўзаро нерв толалари ва қон томирлари орқали боғланиб, сут йўллари ва сут ишлаб чиқариб берувчи тўқималар бошқа ҳайвонлар елини сингари бир-бирига қўшилиб кетмайди. Ҳар бир палланинг ўзини икки бўлакка олдинги ва кейинги бўлақларга бўлинади.

Ҳар бир булак ўз сут идиши ва сўрғич каналидан иборат. Шунинг учун бия елини икки сўрғичдан иборат бўлиб, ҳар бир сўрғичдан иккитадан сут ажралиш тешиги мавжуддир. Елиннинг ҳар қайси бўлими мустақил ривожланади. Биялар елини сут идишларининг шакли бўйича кичик бўлсада, тўқималар эса сут безларига бойдир. Сигирлар елини қанча сут ишлаб чиқарса биялар елини ҳам шунча сут ишлаб чиқариш қобилиятига эгадир. Бия елинининг ривожланмаган сут идишлари бўлмаганлиги сабабли сут идиши ва сут йўллари сутга тўлгандан кейин майда сут каналчаларига, каналчаларнинг охири алвеолаларга бориб этади. Алвеолаларда босим кучайиб сўнгра хабар эпителиал тўқималарга бориб этади. Тўлгандан кейин, натижада сутнинг ҳосил бўлиши тўхтайдди. Шунинг учун ҳам ҳар 2-3 соатда соғиб туриш керак. Сут йўллариининг атрофи силлиқ мускул толаларидан иборат бўлиб, соғилаётган ва қулун эмаётган силлиқ мускуллар қисқаради ва сутнинг ажралиб чиқишига ёрдам беради.

Елинининг ҳар қайси бўлаги мустақил ривожланади. Кўпинча олдингилари орқа бўлақларига нисбатан яхшироқ тараққий этади. Айрим

ҳолларда паллада 3 бўлма бўлиб, сут ажратиш тешиги ҳам 3 та бўлади, лекин учинчи бўлак яхши ривожланмаган, кам сут беради. Паллада тешикнинг учта бўлиши соғиш талабини бирмунча ўзгартиради.

Биялар соғиладиган сут идишлари сигирларникига қараганда бирмунча кичик бўлиб, унга кам миқдорда сут сиғади (3-4 литр). Лекин сут идишларидан сут безлари томон кетган сут йўллариининг диаметри сигирларникига нисбатан анча каттадир.

Бияларнинг елини ҳам шакли жиҳатидан косасимон, айланасимон, эчки елин бўлади. Косасимон елинининг катта сўрғичлари симметрик жойлашган ва шакли цилиндрсимон бўлади.

Биялар машинада соғилганда пульсация ҳар минўтига 120-170 ни ташкил этади. Суткасига неча марта соғиш кераклиги лактациясининг ойига қараб аниқланади.

Ҳар хил зотли бияларнинг сути ва уни ҳисобга олиш

Охирги йилларда дунё миқёсида жуда кўп мамлакатларда ҳар хил зотга мансуб бияларнинг сут маҳсулдорлиги ўрганилган. Биялардан соғиб олинадиган сутнинг миқдори лактация даврининг ўзун-қискалигига боғлиқ. Биялар яйловда ва отхона шароитида боқилганда 5-7 ой соғилади. Айрим медицина корхоналарига қарашли хўжаликларда эса 8-9 (ноябр-декабргача) ой соғилиши мумкин. Ўзбекистон шароитида бияларни соғиш мавсумий характерга эга бўлиб, улар 5-6 ой (майдан октябр ойининг охиригача) соғилади.

Кам сут берадиган бияларнинг лактация даври кўп сут берадиган бияларникига нисбатан қискалиги билан фарқ қилади. Баъзи биялар туғишига 2-3 ой қолганда судан чиқади, баъзилари эса тукқунга қадар сут бераверади.

Бияларнинг сут маҳсулдорлиги одатда 5-6 ой лактацияси бўйича баҳоланади. Бияларнинг сут маҳсулдорлиги жуда кўп омилларга боғлиқ бўлиб, булардан асосийси уларнинг келиб чиқиши, яъни зотига боғлиқ. Лактация даврида сут беришига қараб биялар уч гуруҳга бўлинади. Энг кам сут берадиган 700-1500 литргача, ўртача сут берадиган 1500-2000 литргача, кўп сут берадиган 2500-3000 литргача собиқ бўтуниттифоқ йилқичилик илмий тадқиқот институтининг тажриба от заводида серсутлиги бўйича Рябина лақабли 7 яшар совет оғир юк тортувчи зот бия рекорд қўйган. У 348 кунлик лактация даврида 6173 литр сут берган. Ҳар хил зотга мансуб бияларнинг сут маҳсулдорлиги жадвалда берилган.

Турли зотга мансуб бияларнинг сут маҳсулдорлиги ҳар-хилдир. Ҳатто бир зотга мансуб бияларнинг сут маҳсулдорлиги ўртасида анча фарқ бўлиб, бу кўрсаткич зотнинг сут маҳсулдорлигини оширишда қўлланиладиган селекцион кўрсаткич бўлиб хизмат қилади.

Сутдор йилқичиликда бияларнинг ҳар 100 кг тирик вазнига берадиган сут маҳсулдорлиги муҳим кўрсаткич (сутдорлик индекси) ҳисобланади. Ҳар 100 кг тирик вазнга биялар қанча кўп сут берса, уларни озукани қоплаш хусусияти шунча юқори бўлади.

Сутдорлик индекси кўрсаткичи биялар отхона ва отхона-яйлов

системасида асралганда мунтазам равишда аниқланиши муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Чунки бундай усулларда биялар асралганда турли ҳаражатларни, айниқса ишчи кучи ва озуқаларни ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Турли зотга мансуб бияларнинг сут маҳсулдорлиги 3 – жадвалда келтирилган.

3 – жадвал.

Турли зотга мансуб бияларнинг сут маҳсулдорлиги.

Бия зотлари	5 ойлик сути, л	Суткада, л	Тадқиқотчилар
Қирғиз	1937	12,6	М.С.Мироненко
Янги қирғиз	2586	16,9	Ю.Н.Барминцев
Қозоқ (жабе тип)	2173	14,2	Ю.Н.Барминцев
Оғир юк тортувчи	2529	16,5	Ю.Н.Барминцев
Бошқирд	1780	11,3	И.А.Сайгин
Қорабайир	1750	11,5	Д.Х.Холмиров
Лоқай	1518	10,1	А.М.Аллагунов
Совет оғир юк тортувчи	2424	16,2	М.С.Мироненко
Рус оғир юк тортувчи	2407	9-14	М.С.Мироненко
Қозоқи дурағай	2520	12-25	Ю.Н.Барминцев
Бурят	1730	--	С.Б.Жигитов
Буденний	1955	9-17	М.С.Мироненко
Кушум	2310	14-22	С.Ризабоев
Якўт	1536	5-15	Т.В.Аммасова
Дон	1727	8-16	М.С.Мироненко
Орлов	1776	8-16	М.С.Мироненко

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, завод зотли ва дурағайларнинг сут маҳсулдорлиги, маҳаллий бияларнинг яйловда сақлангандаги сут маҳсулдорлигидан юқоридир. Бунда соғим миқдори лактация ойларида қарийиб бир хилда камайиши мумкин.

Жадвалдан кўриниб турибдики, бияларни сут бериши дастлабки 3 ойда жуда кам миқдорда ўзгарган эди. Агар лактация даврининг биринчи ойида соғиб олинган сут миқдорини 100% деб олсак, иккинчи ойда 95-99% ни, учинчи ойда 90-94% ни, тўртинчи ойда 85-90, олтинчи ойда 40-50, еттинчи ойда 30-35, саккизинчи ойда 5-15 % ни ташкил қилади.

Бияларнинг сут маҳсулдорлигига таъсир қилувчи омиллар

Бияларнинг сут маҳсулдорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири уларни тўйимли озуқалар билан озуклантириш ҳисобланади.

Биялар сут маҳсулдорлигини ошириш омилларидан бири уларни тўйимли, концентрат озуқалар билан боқишдир. Янги туққан биялар ўрта ва ўртадан паст семизликда бўлса, қандай озуклантиришдан қатъий назар семиз бияларга нисбатан кам сут беради.

Агар бия ориқ бўлса, қўшимча берилган озуққа яраша сут бера олмайди. Чунки қўшимча озуқ биринчи навбатда биянинг семизлигини

меъёрлаштириш (ёғ тўплаш) учун сарфланади. Демак, биялардан кўп сут соғиб олиш учун уларни буғозлик давридан маълум рацион асосида боқиш керак.

Биялар сут маҳсулдорлигини ошириш комплекс зоотехник тадбирларни қўллашга боғлиқ. Қимизчилик фермалари учун биялар танланганда ҳар 100 кг тирик вазнига нисбатан берган сут миқдори ҳисобга олинади. Чунки бия қанча кичик бўлса, шунча озук бирлиги кам сарфланади. Бияларнинг сут маҳсулдорлиги уларнинг зотига боғлиқ.

Оғир юк тортувчи, қирғиз, қозоқи зотлар ва уларнинг дурагайлари, жабе типли қозоқи биялар, бошқирд, бурят бошқа зотга нисбатан бирмунча серсут ҳисобланади.

Бияларни аниқ муддатларда тез-тез соғиб туриш керак. Соғиш (суткасига) сони лактациянинг ойига, бериладиган озук миқдorigа ва унинг тўйимлилигига боғлиқ.

Соғилаётган биянинг семизлиги II категориядан паст бўлмаслиги керак. Соғилаётган бия ориқ бўлса, берилган қўшимча озук аввало унинг организмини тиклашга сарфланади. Буғозлик давридан бошлаб биялар қатъий рацион асосида озукланиши керак. Биялар сутини ийдириш йўли билан ҳам амалга ошириш мумкин. Чунки биянинг елини кўпроқ қулунни эмизишга асосланган.

Ийдириш – елинни массаж қилдириш усули бўлиб, сут ишлаб чиқарувчи безларни яхши ривожлантиради. Тенг вақтлар орасида тез-тез соғиб туриш сут маҳсулдорлигини оширишга ёрдам беради. Ўз вақтида суғориш, озуклантириш тартибига риоя қилиш ийдиришнинг элементи ҳисобланади.

Бияларнинг сут маҳсулдорлиги уларнинг ёшига ҳам боғлиқ. Ёш биялар, катталарига нисбатан кам сут беради. Физиологик етилмаган биялар уруғлантирилса, улар лактациясининг биринчи даврида кам сут беради ва иккинчи йили қисир қолади. Тажрибалардан маълумки, бияларнинг сут маҳсулдорлиги 16 ёшдан сўнг жуда камайиб кетади.

Наслчилик ишларини тўғри йўлга қўйиш билан бияларнинг сут маҳсулдорлигини максимал даражада ошириш мумкин. Табиий ва иқтисодий шароитни ҳисобга олган олда наслчилик ишларини соғиладиган бияларни иккита типини яратишга қаратмоқ лозим. Бияларнинг биринчи типи интенсив озукланиш шароитида шаклланиб, суткалик соғими 20-30 литрни ташкил қилиши керак.

Серсут биялар гуруҳини ташкил қилиш учун серсут биялардан олинган наслдор айғирларни тўғри танлаш, уларнинг маҳсулдорлигига қараб баҳолаш, зоотехника ҳисоботини тўғри йўлга қўйиш, наслдор отларни бонитировка қилиш катта аҳамиятга эгадир.

Бияларнинг сут маҳсулдорлигини аниқ ҳисоблаш қийин. Чунки уларни соғишдан ташқари қулунлар ҳам эмади, қулун эмган сутни фақат тахминий аниқлаш мумкин. Шунинг учун бияларнинг сут маҳсулдорлиги тахминий аниқланади. Айрим ҳолларда қулунни эмизмасдан биянинг суткалик сути соғиб олинади, лекин бу усулни ишлаб чиқаришда қўллаш

мумкин эмас. Қимизчилик фермалари учун биялар танланганда ҳар 100 кг тирик вазнига нисбатан берган сут миқдори ҳисобга олинади. Сутдор бияларнинг кўкраги кенг, танага нисбатан оёқлари калта, сўрғичлари ўзун, елини косасимон бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Чунки бия кичик бўлса, шунча озук бирлиги камроқ сарфланади. Бияларнинг сут маҳсулдорлигининг оз ва кўплиги озукланиш даражасига, асраш шароитига, зот хусусиятига, ёшига, елинининг шаклига, шахсий хусусиятларига, соғиш мавсумий характериға, сервис даврининг ўзун, қисқалиғига, конституциясига боғлиқдир.

Бияларнинг сут маҳсулдорлигини ҳисоблашнинг энг тўғри усули текширув соғимлар асосида уларнинг сут маҳсулдорлигини ҳар 2-3 соат мобайнида соғиш йўли билан аниқланади.

1937-1939 йиллари профессор В.П.Добринин катта ишчи зотли бияларнинг сут бериш хусусиятларини ўрганишда қулунларни тортиш усулини тавсия қилган. Бунда ҳар икки соатда қулунларни эмизишдан олдин ва эмизишдан кейин тортиб, қўшилган оғирликни эса ичилган сут деб қабул қилган.

Бунда ҳар икки соатда қулунларни эмизишдан олдин ва эмизишдан кейин тартиб, қўшилган оғирликни эса ичилган сут деб қабул қилган.

Аниқланиши бўйича то 2 ойликкача туғилгандан сўнг 1 кг семириш учун қулунга 10 л она сути сарф бўлади деб ҳулосага келган. Текширув соғим ўтказишда биринчи куни елиннинг бир палласи соғилиб иккинчи палласи қулунга эмизилади. Иккинчи куни иккинчи палласи соғилиб биринчи палласи қулунга эмизилади. Сўнгра иккала палласидан соғиб олинган сут миқдори жамланиб, биянинг суткалик сут маҳсулдорлиги аниқланади. Текширув соғимлар орқали бияларни суткалик сут миқдорини аниқлашда профессор И.А.Сайгин формуласидан фойдаланиш мумкин. Қулун биядан ажратилиб боғланади ёки махсус ясалган панжара тўсиқ ичига қамаб қўйилади ва ҳар соатда, яъни 2 соатда бия соғиб турилади. 12 соат давомида 6 марта ёки 4 марта соғилгач, соғиб олинган сутнинг миқдори жамланади, бу миқдор 2 ёки 3 га кўпайтирилса, биянинг суткалик сути аниқланади.

$$\begin{aligned} & \text{СС} \times 24 \\ & \text{СС} = \frac{\quad}{\quad} \\ & \text{В} \end{aligned}$$

Бунда: СС – биянинг суткалик сути (литр)

СХ – ҳақиқий соғиб олинган сут (литр)

В – жами сутни соғиб олиш учун кетган вақт (соат).

Масалан, назарий соғишда қулунга эмизмасдан 14 соат давомида биядан 9 литр сут соғиб олинган. Биянинг суткалик сут миқдорини қуйидагича аниқланади: $\text{СХ} (9 \text{ литр} \times 24) = 216$, $216/14 = 15,4$ демак биянинг суткалик сут миқдори 15,4 литр экан.

Бияларни соғиш усуллари.

Биялар икки усулда қўлда ва машинада соғилади. Ҳар иккала усулда ҳам бияларнинг индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда соғишга

ўргатилади. Чунки бияларни ўргатиш бошқа қишлоқ хўжалик ҳайвонларига нисбатан анча қийин, сал кўпол ҳаракат ҳам соғувчини ёки бияни қаттиқ шикастлантириши мумкин. Биринчи тукқан биялар 2-3 ҳафтада арқонга ўргатилади. Боғлашга ўргатилган бияларни соғишдан олдин олдинги чап оёғининг билакўзук буғимидан букиб ёки орқа ўнг оёғини сакраш буғимидан бўйнига тортиб боғланади. Бияни чап томондан соғиш керак. Бунда бия асосий оғирлигини чап оёғига солиб туради ва бу ҳол соғувчини тўсатдан тепиб юборишдан сақлайди.

Биялар учта оёқда туришни ўргангандан кейин уларни соғишга киришилади. Елинининг бир сўргичи кўл билан соғилиб, иккинчиси қулунга эмизилади. Шу ҳолат 5-6 марта такрорланганч, қулунни бия олдида сақлаган ҳолда иккала сўргичини ҳам соғишга киришилади. Бияларни соғишга тўлиқ ўргатиш 10-14 кун давом этади, кўлда соғилганда бир соғувчига 15-20 бош бия беркитилади.

Отхонада асраладиган ва ишлатиладиган биялар соғишга осон ўргатилади. Бунда қулунлар 2-3 соат биялардан ажратилиб, биялар соғиш майдончасига чиқарилади, қулунга эмизилади ва яна биядан ажратилиб, алоҳида боғланади. Бу ҳолат 2-3 кун давомида бир неча марта такрорлангач, бия ва қулун алоҳида-алоҳида туришга одатлана бошлайди. Бунда ҳам биянинг бир сўргичи кўл билан соғилиб. Иккинчи сўргич қулунга эмизилади, кейинчалик иккала сўргич ҳам кўл билан соғилади.

Махсус қимизчилик фермаларида биялар қулунсиз соғишга ўргатилади. Бунга қулунни бия олдида қўйиш муддатини қисқартириб бориш билан эришилади. Бия қулун ўрнига бирор шартли рефлексга ўргатилиши мумкин.

Биялар турли республикаларда турли усулда соғилади. Қозоғистон ва Қирғизистонда соғувчи биянинг чап томонига ўнг тиззаси билан чўкаллаб, челакни чап кўлига олган ҳолда чап тиззасини челакнинг остига тақайди, сўнг чап қўилан чап сўргични, ўнг кўли билан ўнг сўргични соғади. Қрим ва Бурят автоном республикаларида эса бияларни табуреткага ўтириб чап томонидан соғиш одат тусига кирган. Бошқирдистон автоном республикасининг қимизчилик фермаларида биялар махсус станоклар ёрдамида соғилади. Соғиш машинасида соғилганда ҳар бир соғувчига 50 бош ва ундан ортиқроқ бия беркитилади. Машинада соғиш меҳнат кучини 2-3 марта, соғиб олинаётган сутни 20-25% кўпайтиради ва санитария қоидалари асосида сутнинг сифати яхшиланади. Собиқ Бўтуниттифок қишлоқ хўжалигини электрлаштириш институти собиқ Бўтуниттифок йилқичилик илмий тадқиқот институти билан ҳамкорликда янги ДПУ-2 маркали соғиш аппаратини яратди. ДПУ-2 агрегати 20-25⁰ қия жойлашган иккита стакандан иборат бўлиб, унинг оралиғида соғувчи ўтирадиган махсус жой қилинади. Соғувчи ўтирган жойида, ўнг ва чап соғиш аппаратининг стакан-сўргичларини биянинг елинига кийгизиб қўяди. Стакан сўргичларни елин сўргичларига кийгизишдан олдин қулунларни қўйиб, бироз ийдириб олиш керак. Бу билан бияларни 100% соғиш имкониятига эга бўлади. Бияларнинг сут маҳсулдорлигини оширишда буғоз бияларни тўғри озуклантириш, тўйимли ҳар хил озукалар

бериш, оғир ишлардан мўтлақо озод этиш мақсадга мувофиқдир. Туғишга 2-3 ой қолганда сутни соғиб олишни тўхтатиш керак.

Соғувчилар ишини енгиллаштириш ва меҳнат унумдорлигини оширишда соғиш аппаратларининг қўлланилиши катта аҳамиятга эга. Ҳозир Қозоғистон, Бошқирдистон, Қирғизистон, Ўзбекистоннинг баъзи хўжаликларида биялар Россия йилқичилик илмий тадқиқот институти томонидан яратилган икки тактли ДА-3М маркали аппарат ёрдамида соғилмоқда. Бу агрегат сўрғичларининг енгиллиги ва калтали билан сигирларни соғишда ишлатиладиган агрегатлардан фарқ қилади.

Биялар машинада соғиладиган майдонча «ципочка» типда қурилиб, у 5-6 актнинг ўзида соғишга мўлжалланган. Агар биялар олдиндан машинада соғиб юрилмаган бўлса, 2-3 кун қўл билан соғилиб, моторнинг товушига ўргатилади ва ундан кейин машинада соғишга киришилади. Ўзбекистонда биялар асосан «темп» ва «стимул» маркали машиналарда соғилади. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, «темп» маркали машина «стимул»га қараганда биялар елинига кўпроқ мос келади, унинг меҳнат унумдорлиги ҳам анча юқори.

ДА-3М маркали машинада соғиш яхши натижа бермоқда, чунки бу машинага биялар тез ўрганади. Бу машинанинг қулайлиги яна шундаки, у жуда оддий тўзилган, бир яйловда ўт кам қолганда иккинчи яйловга осонлик билан кўчириш мумкин. Соғиб олинган сут 2-3 қават доқадан ўтказилиб тозаланади. Агар қимиз тайёрланадиган жой яқин бўлса, шу заҳоти қимиз тайёрлашга киришилади. Агар жой ўзоқ бўлса, сут тўлдирилган идиш мўз солинган ёки оқар сувга қўйилади ва 20⁰Сгача совитилади. Сўнгра қимиз тайёрланадиган корхонага жўнатилади.

4- жадвал

Қимиз турларининг давлат стандарти.

Қимиз тури	Қимизнинг етилиши	Кислоталиги тернер граду-си бўй-ича	10 мл қимизда сут кислота-сининг миқдори г.	Спирт мик-дори %	Таъми	Қонсистенцияси	Ранги
Қучсиз	5-6 соатдан 1 суткагача	70-80	0,540-0,720	1 гача	Ширин-роқ	Суюқ	Сутсимон
Уртача	1-2 суткагача	81-100	0,730-0,946	1-1,5	Хушбўй	Уртача газли	Сутсимон
Ўткир	2-3 суткагача	101-120	0,954-1,080	2,5-3	Нордон	Қўпирадиган	Сутсимон

Қучсиз қимиз қуюқ, газли кам бўлади, чайкатилганда ҳосил бўлган кўпик тез чукади, стакан деворларида майда казеин булакчалари ёпишиб қолади. Чайкатилмасдан қўйилганда казеин идиш остига чуқиб, зардоб идишнинг юқорисига кўтарилади.

Уртача қимизнинг газли яхши, бижиллайди, чайкатилганда ҳосил бўлган

кўпик тезда чукмайди, таъми ўткирроқ бўлади, стакан деворларида майда ёпишқоқ чукма қолади, казеин булакчалари билинмайди, чайкатилмасдан қўйилганда казеин чукмага тушмайди, зардоб ажралмайди.

Ўткир қимиз ўткир нордон таъмга эга бўлиб, стакан деворида ҳеч қандай колдик колдирмайди, кам кўпиради, пуфакчалар оз чиқади, чайкатилмасдан қўйилганда казеин чукмаси тушмайди, зардоб ажралмайди.

Қимиз комплекс баҳо (таъми, хиди, қонсистенцияси, газлилиги, ранги, упаковки) асосида навга булинади. Баҳолаш балл бериш таркибида олиб борилади. Ҳар қайси белги қуйидагича максимал балл олиш мумкин: таъми ва хиди бўйича –70, қонсистенцияси бўйича – 10, газлилиги бўйича – 10, ранги бўйича – 5, ўраш бўйича – 5; хаммаси бўлиб 100 балл.

Қуйидаги камчиликлари бўлган қимиз истеъмол учун яроқсиз ҳисобланади. Таъми ва хиди бўйича: таъми бемаза, хиди аччиқ ёки жуда ўткир, нордон, сирка ёки ачитки хидли, қонсистенцияси ва қуриниши бўйича: ёпишқоқ йирик оқсил булакчалари, газ пуфакчалари булмайди, ёғ томчиси бор, ранги тез чукмага тушаётган янги соғилган сутни эслатади.

Бия сути ачиб қимизга айланиши жараёнида қатор қимиявий ўзгаришларга учрайди. Шунинг учун сут билан қимизнинг қимиявий таркиби бир-бирига тўғри келмайди. Қимиявий процессда қимиз таркибидаги қанд моддаси кескин камайиб, сут кислотаси, карбонад ангидрид, спирт ва бошқа хушбўй моддалар кўпаяди.

Жами қуруқ модда бия сутида 10-11,4% бўлгани ҳолда қимизда 6,8-8,6%, қанд моддаси 6-7%, қимиз эса 1,4-4% бўлади. Оқсил, ёғ ва қул миқдори сутда ва қимизда деярли бир хил бўлади.

1 литр қимизнинг калорияси 300-400 килокалорияга тенг. Ҳазм булувчи оқсилнинг миқдори 1 литр қимизда 20 граммни ташкил қилади, бу миқдордаги оқсил фақат 100 грамм мол гўштининг таркибидагина бўлиши мумкин. Қимизнинг 1 литрида 70-150 мг кальций, сут кислотаси, С, В, А, В₂, В₁₂, РР, У витаминлари, вино спирти, чиритувчи микробларни улдирувчи антибиотиклар моддалари бўлади.

Қимизни шифобахшлик хусусиятлари.

Қимиз - қимматли озуқ-овқат маҳсулот бўлиб, чанқокни қондиради, ўзининг туйимлиги жихатидан ва калорияси бўйича бошқа кўпгина озуқ овқат маҳсулотларидан устун туради.

Биялар сути ўзининг қимиявий таркиби ва иммунобиологик хусусиятлари билан аёллар сутига жуда яқин туради. Биялар сути фақат бир хил формада қимиз сифатида ишлатилади.

Қимиз сил касаллигини даволашда табиат инъом этган энг яхши дори сифатида мувоффақиятли қулланиб келинмоқда. У ўзининг шифобахш хусусиятлари билан формацевтикада тайёрланаётган барча антибиотиклардан устун туради.

Қимиз овқат ҳазм қилувчи безлар фаолиятини кучайтириш ва қонга сурилиш билан ошқозон ичак системасининг қисқарувчанлик функциясини меъёрлаштиради, гемоглобин молекуласини буёвчи моддалар билан бойитади, асаб системасини меъёрлаштиради.

Қимизнинг шифобахш хусусияти фақат бия сути таркибида бўлган компонентларгагина боғлиқ булмай, балки қимизни тайёрлаш жараёнида хосил бўлган янги моддаларга ҳам боғлиқдир.

Кадимдан қирғизлар, бошқирдлар, татар ва бошқа халқлар бақувватлик, цинга, камқонлик ҳамда ошқозон ичак йўллари ва ўпка касалликларини даволашда қимизни истеъмол қилишган. XVIII асрда врачлар қимиз билан кизикиб қолишди. Масалан, академик П.С. Паллас 1770 йилда Бошқирдистон чўлига қимиз ичиш учун Москва ва Дон томонлардан беморлар келишар эди. 1858 йили Н.В.Постников Россияда биринчи марта қимиз билан даволаш муассасасини очди. У қимизнинг киши организмига таъсирини кўзата бориб. «бақувват қилади, семиртиради ва табиатини янгилайди» деб ёзган эди. 1870 йилларда Самара губернияси кулларида Л.Н.Толстой ҳам қимиз билан даволанган. Ёзувчининг угли шундай деб ёзади. «Қимиз дадамнинг саломатлигига катта фойда берарди. У Бошқирия хонадонида Робинзон каби кечирган ҳаётини улкан кувонч билан сўзлаб берар эди».

А.П.Чехов 1901 йилда Бошқириядан туриб ўзининг дустларига ёзган мактубида «Мен қимиз ичаяпман, тасаввур килинглари бир ҳафтада 8 кадок семирибман» деб ёзган эди. Ёзувчи С.Т.Асаков «Оилавий хроникасида» қимиз хақида шундай деб ёзган эди. «Ичиш қобиляти бўлган ҳамма, ҳар ҳолда эмизикли боладан тортиб то мункайган чолгача маст бўлган шифобахш, хушхур, баходирлар ичимлигидан бахраманд бўлсалар, кахратон қишдан қолган асорат ва хатто бир зумда йуқолиб кетади, бужмайган башара тўлишиб силликланади, яноқларга ранг киради» деб ёзган эди.

1843 йили В.Даль қимизга урган қиши уни барча ичимликлардан устун кўриб қолади: « У салкинлик беради. Айни пайтда чаоқоқ босади, ҳам очликдан саклайди, қиши организмига алоҳида тетиклик бағишлайди, бунда ошқозон хаддан ташқари тўлиб кетмайди, қорин шишмайди. Қимиз ича бошлагандан сўнг бир ҳафтадан сўнг тетиклик сезади, соғлом бўлади, нафас олиш осонлаштиради, юзга ёкимли ва чиройли ранг киради» деб ёзади.

Илгари замонлардаёқ қимиз қишининг мускулларига куч, аскарларга мардлик ва жасорат берадиган ичимлик эканлиги хақида айтиб ўтишган. Шу сабабли уни баходирлар ичимлиги деб аташган.

Россия фанлар академиясининг ишлаб чиқариш кучларини урганиш бўйича комиссияси 1918-1919 йилларда қимизни миллий бойлик деб тан олган. Қимизни микроорганизмлар фаолияти натижасида бунёдга келадиган низин деб аталадиган антибиотиклар мавжудлиги маълум булди. Низин сил касаллиги тайёкчаларининг ривожланишига барҳам беради, шу сабабли сил касаллигини даволашда кенг қулланилади. Қимиз тўзи. Витамин А, С ва В гуруҳидаги витаминларга бой ичимликдир. У қишининг асаб системаларини мустаҳкамлайди. Иштаҳасини очади, шунингдек камқонлик ва меъда касалликларини даволашда яхши ёрдам беради.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Қишилар бия сутини эрамиздан олдинги нечанчи асрда озук-овкат сифатида истеъмол қилганлар?
2. Нима учун кўп вақтгача қимиз тайёрлаш усулини сир саклаб

келинди?

3. Кайси асрда қимиз тайёрлаш хакидаги хабар Гарбий Европага етиб борган?
4. Қадимдан ва ҳозир ҳам кайси халқлар қимизни миллий ичимлик деб ҳисоблайдилан?
5. Бия сути ўзининг кайси хусусиятлари билан аёл сутига яқин туради?
6. Биянинг сутининг эриш ҳарорати неча градусни ташкил этади?
7. Бия сутининг ёғи бактрацид хусусиятига эга эканлигини ким аниқлаган?
8. Бия сутининг ёғи бошқа ҳайвонларнинг сутининг ёғидан нимаси билан фарқ қилади?
9. Бия сутининг химиявий таркиби. Сигир сутининг химиявий таркибидан фарқи?
10. Нима учун бия сутидан ёғ олинмайди?
11. Бия сути витаминлари ичида энг муҳими кайсидир?
12. Лактация даврида сут беришга қараб биялар нечагурухга бўлинади?
13. Биялар елин айланаси неча см бўлади? Елин сўрғичларнинг ўзунлигичи?
14. Биялар елин сўрғичлар ораси неча смга ва соғлом биялар елинининг массаси неча кгни ташкил этади?
15. Биялар кайси маркали соғиш аппаратларида соғилади?
16. Машинада соғишда бир соғувчига неча бия тўғри келади?
17. Кайси от зотлари серсут ҳисобланади?
18. Сут маҳсулдорлигини ҳисоблашнинг кайси усуллари мавжуд?
19. Қулунларнинг бир кг семириши неча литр сув сарфланади ва бу усулни ким аниқлаган?
20. Биялар туғишга неча ой қолганда сут соғиб олишни тўхтатиш керак?
21. Буғоз бияларни 100 кг тирик вазнига неча озуқа бирлиги сарфланади? Она корнида болани ривожланиши учун канча озуқа сарфланади?
22. Кайси от зотлари 100 кг тирик вазнини ҳисобга олганда серсут ҳисобланади?
23. МДХ кайси олимлар қимизни организмга таъсирини урганганлар?
24. Россия фанлар академиясининг ишлаб чиқариш кучларини урганиш бўйича комиссияга нечанчи йиллари қимизни миллий бойлик деб тан олди?

ЯЙЛОВ ЙИЛҚИЧИЛИГИ

Р Е Ж А

1. Яйлов йилқичилиги ҳақида тушунча.
2. Яйлов чорвачилиги ходимларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг қўшимча тадбирлари тўғрисида Президентнинг фармони.
3. Яйлов йилқичилигининг жуғрофик минтақалар бўйича жойлашиши.
4. Яйловда боқиш усуллари.
5. Яйлов йилқичилиги учун зарур иншоотлар-яйловда отларни боқишни ва суғоришни ташкил қилиш.

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати.

1. Свечин. К.Б, Бобылев И.Ф., Гопка. Б.М Коневодства Москва Колос. 1992 г.
2. Туракулов З.Т., А.З., Мухтаров А.З., Холмирзаев Д. Йилкичилик Т.Мехнат 1985 й.
3. Холмирзаев. Д Йилкичиликдан амалий машғулотлар Т.Мехнат 1988 й.
7. Фаннинг дискетага ёзилган маърузалар матни
8. Сайтлар
[www.zio net.](http://www.zio.net)
[.http://vvvvvvv// uralri.ru.](http://vvvvvvv// uralri.ru)

Яйлов йилқичилиги тўғрисида тушинча.

Халқимизни озук-овқат билан таъминлаш учун, умумман халқ хўжалигимизни тангликдан чиқариш сиёсатини тадбиқ қилишда, авваламбор қишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантиришга устуворлик беришимиз лозим. Гўшт махсулотларини кўпайтиришда от гўшти ҳам муҳимдир. Тансиқ таомлар тайёрлашда халқимизни дастурхонини тўла-тўқис бўлишида ҳамда уларнинг саломатлигини яхшилашда от гўтининг туган ўрни бекиёр. Пировардида булар бештахталарни тулдиради, дастурхонимиз тула-туқис бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Яйлов чорвачилиги (қоракўлчилик, қўйчилик, уюр йилқичилиги ва туячилиги) ходимларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг қўшимча тадбирлари тўғрисида 1992 йил 7.01 фармони катта аҳамиятга эгадир. Бу фаомонда шу соҳаларда банд бўлган ходимларнинг ғоят оғир меҳнат шароитини, ноқулай об-ҳаво ва иқлим шароитида ўзоқ муддат бўлишларини ҳисобга олиб ҳамда уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида фармон 8 банддан иборат:

1) яйлов чорвачилиги чупонлари, йилқичилари, туячилари, механизаторлари, ветеринария врачлари ва техниклари, бошқа мўтахассислари ва ишчилари 1992 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалик солиғи

тўлашдан озод қилинганлиги;

2) яйлов чорвачилиги ходимлари учун ҳар йилги меҳнат таътили муддати 36 иш куни қилиб белгилансин.

3) ходимларнинг иш ҳақига қўшимча коэффицент берилиши ва бошқалар.

4) республиканинг яйлов чорвачилиги хўжаликларида камида 5 йил ўзлуксиз иш стажига эга бўлган ходимларга қишлоқ аҳоли манзилгоҳларидаги давлат уй-жой фондининг улар яшаб турган уйлар ёки квартираларини шахсий мулк қилиб бепул берилиши;

5 Ёш чупонларнинг оилаларига шахсий ёрдамчи хўжаликни ташкил этиш учун имтиёзли шартларда сигирлар, отлар, туялар ва қўйлар бериб, уларни ем-хашак билан таъминлашда ёрдам кўрсатилсин.

6 тармоқда камида 5 йил ўзлуксиз иш стажига эга бўлган ходимларга енгил автомобиллар, мотоцикллар, холодильниклар, телевизорлар ва бошқа хўжалик молларини биринчи галда сотиб олиш ҳукуқи берилганлиги;

7 Шунингдек сангаторияларда дам олиши, уйларида қўшимча равишда йўлланмалар ажратиш;

8. тармоқнинг алоҳида урнатилган ходимларини рағбатлантириш учун Ўзбекистон Республикасида хизмат қилган қорақулчи фахрий унвонини таъсис этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин ва бошқа имтиёзлар бериш кўрсатилган.

Яйлов йилқичилиги қадимги усуллардан ҳисобланиб, эрамыздан олдин VII асрда яшаган скифлар томонидан амалга оширилган. Унинг асосий ҳулосаси йил бўйи отларни яйлов шароитида сақалтириш демакдир. Мақсад арзон от гўшти етиштиришдир.

Отларни йил бўйи яйловда асраш жуда арзонга тушиб, сахро, ярим сахро ва тоғли ерларни ўзлаштириш учун ҳам яхши омил ҳисобланади, чунки бу яйловларни бошқа турдаги қишлоқ хўжалик ҳайвонлари тулик ўзлаштириш олмайди. Ҳозирги кунда мустақил давлатлар ҳамдустлигида яйлов шароитида 1,5 млн. от сақланмоқда. Шундан 650 минг боши Қозғистон республикасида, Ўзбекистон республикасида 40 мингдан зиёд боқилмоқда.

Отларни яйловда боқиш усуллари.

Отларни яйловда сақлашнинг бошқа ҳайвонлардан асосий хусусиятли томони уларни уюр-уюр бўлиб юришидир.

Отларни яйловда сақлашнинг 3 та усули мавжуд: 1) Яйловда йил бўйи, 2) отхона-яйловда, 3) маданий уюр қилиб асраш усуллари кенг тарқалган.

Отларни йил бўйи яйловда асраш усули от гўшти етиштириладиган районларда отхона-яйлов усули ишчи отларни, маданий уюр усули наслдор отларни асрашга қаратилган. Отларни йил бўйи яйловда асрашдан мақсад арзон от гўштини етиштиришдир. Бундан ташқари яйлов шароитида сут йўналишидаги отларни кўпайтиришдир. Отларни йил бўйи яйловда асраш усули қоқ экстенсив усул ҳисобланиб, бунда ёшидан қатъий назар отлар бир уюрга бирлаштирилиб боқилади.

Отларни ана шу хилдаги шароитда боқиш яйловларни алмаштириб туриш, зооветеринария тадбирларини ўтказиш ва уюрни қуриқлаб туришдан

иборат. Ер мўзлаб ёки кор босган, шунингдек қаттиқ совуқ тушган пайтларида уюлдаги отларга кулдан озук бериб борилади. Қаттиқ шамол ва совуқ пайтида отлар уюри чуқурлик ерларга, тоғли жойларда, дарахтли, камишли ерларга пана қилиш учун ҳайдалади. Фақат наслдор айғир ва ишчи отлар учун отхона курилади.

Зооветеринария тадбирларини ўтказиш учун тор курилган база (раскколлар) дан фойдаланилади. Отларни бу усулда боқиш натижалари табиий иқлим ва озук шароитларига боғлиқ бўлади. Шунинг ҳам айтиш керакки, отлар бу усулда боқилганда физиологик жихатдан етишмаган ёш биялар бўғоз бўлиб қолиши мумкин.

Отларни бу усулда боқишда маҳаллий от зотлари (қозоқи, жабе, ёқўт, бошқирд, бурят ва бошқаларни) ва уларни маданий зотлар билан чатиштиришдан олинган биринчи бугин дурағайларини урчитишда фойдаланиш мувофиқдир.

Қиш пайтлари уюлдаги отларни кулдан боқиш учун ҳарбир бош от ҳисобига сахро зонасида 1 ц, ярим сахро зонасида 2 ц, қуруқ чўл ва тайга зонасида 8-10 ц хашак ғамланиши керак.

Отхона-яйлов усули – насли ва насли бўлмаган отларни устиришда кулланилади. Об-хаво яхши бўлган шароитларда отларни яйловда боқилади, қишда отхонада сакланади, об-хаво шароитига қараб концентрат озукалар билан озуклантирилади.

Маданий уюр усули – яйлов йилқичилигида отларни маданий уюр усулида асраш прогрессив усул ҳисобланади. Чўл ва тоғ яйловлари шароити бу усул ишчи отлар ва ғўшт йуналишидаги наслдор отларни урчитиш имконини беради. Бу усул дон, қабардин зотларини такомиллаштиришда ва буденний, кустанай, қушум, янги қирғиз қаби зотларни яратишда катта рол уйнайди.

Маданий уюр усули отларни асраш, боқиш, отларни қўпайтириш, ёш отларни (қулун ва тойларни) устириш ва наслчилик ишларини тўғри юритиш қаби комплекс тадбирларни ўз ичига олади. Хаво совуқ пайтларида отлар базаларда кулдан озук бериб боқилади. Қиш ва яйлов ўти қам, барчаси сўлиб қолган вақтда ёз даврида отларга қушимча равишда концентрат озуқа берилади.

Қулунлар онасидан 6-8 ойлигида ажратилади ва алоҳида гуруҳ қилиб асралади. Улар тучун совуқ ва шамолдан пана базалар курилади. Хаво яхши пайтда улар яйловда боқилиб, ишда совуқ ва тунда база ичида сакланади. Уларнинг ана шу пайтдаги суткалик рационини 6-8 кг яхши пичан ва 3,5 кг концентрат озукадан иборат. Онасилан ажратилган эркак қулунлар, ургочи қулунлар алоҳида гуруҳга беркитилади ва алоҳида боқилади.

Ёзнинг иссиқ кунларида улар салқин тоғ яйловларида боқилади. Бу усулда маҳаллий бияларни зотларни яхшиловчи айғирлар билан ишлаб чиқариш шароитида чатиштириш мумкин. Бунда отларнинг иш сифатини уларни маҳсулдорлигини оширишда биялардан қулунлар олишда ва қўпайтиришда муҳим рол уйнайди.

Яйловда боқиладиган отларнинг биологик хусусиятлари

Экологик шароит ва озукланиш муҳити шароитида яйловда асралган отларда қатор биологик хусусиятлар шаклланади. Мустаҳкам конституция яхши соғлиқ, шароитга чидамлилиқ, пишиқлик, иқлим ва озук шароитга мослашганлик кабиларни кириўтиш мумкин. Бу биологик хусусиятлар уларнинг экстеръери ва интерьери билан чамбарчас боғлиқдир. Терисининг калин ва зич бўлиши билан характерланади. Иссиқ кунлари иссиқдан, қишда қаттиқ совуқдан саклайди. Қиш даврида уларнинг танасини коплаб турган жунлари интенсив ушиб, жун таркибидаги майин тола кўп бўлади. Ёз кунлари эса жунлари калта бўлиб пух деярли булмайди.

Яйловда асраладиган маҳаллий от зотлари қишда 40-50 см калинликдаги корни оёқлари билан титиб шура, шувоқ, ажрик каби усимликларни бемалол истеъмол қилади. Тез семиради, озук етишмаса организмда тупланган ёғни аста-секин сарфлайди.

Отларни организмда 15-20 % гача ёғ тупланади, бу уларда юқори даражада ҳаёт тонусини тўтишда, қишда эса очликдан сақлашда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Фақат тери остига тупланмасдан қорин бушлигида, ички органларда, қовурға ичида то 3 см.гача, қорин бушлиги деворлариники 4-5 см, ёл ости 6-8 см бўлади.

Қиш вақтининг охирига келиб 30 % гача камаяди, жуда кам бола ташлайдилар. Тугиш жараёни меъёрл ўтади. Тез семиради, қулунни номал усишини таъминлайди. Турли зотга мансуб бўлган отлар турли хил шароитда устирилганда бир хилда ривожланмайди. Маданий зот қулунлари яхши озукланиш шароитида интенсив ўсади, ёши ушиб бориши билан усиш тезлиги сусайиб боради. Яйлов йилқичилигида эса қулунлар мавсумий озукланиш шароитига караб кескин ўзгарувчан холда ўсадилар. Баҳор вақтларида уларнинг усиши интенсив боради, қишда жуда суст бўлади, айрим холларда умуман тухтаб қолади. Бу критик фаза деб аталади. Яйловда асраладиган маҳаллий зот отлар кеч етилувчан бўлиб, уларнинг ирвожланиши 5-6 ёшлигида тухтайди. Шунинг учун ҳам қиш даврида уларга мумкин қадар кулда озук бериб ривожланишини тухтатиб қўймаслик керак.

Яйлов йилқичилигида отларни тўғри ўстириш технологияси.

Яйлов шароитида отларни устириш технологияси бош сонини ҳисобга олиш, қулунларни онасидан ажратиш, бонитировка ўтказиш, уюрни ташкил қилиш, тойларни нухталаш, минишга ўргатиш каби тадбирлар қиради.

Ҳисобга олиш – тўғри ҳисобга олиш ва ҳисоб ишларини юритиш, зооветеринария тадбирларини ўз вақтида ўтказиб бориш.

Танлаш ва жуфтлашни тўғри олиб бориш, уюрларни ташкил қилиш, қочириш ва тугишни ривожлантириш, отларни яйловга бўрдоқига қўйиш, бияларни соғиш учун танлаш катта аҳамиятга эга. Отбоқарларга ҳақ тулашни тўғри ташкил қилиш учун отларни яйловга кушишдан олдин ва бўрдоқилаш тамом бўлгандан кейин олдин тортилади ва олинган вазнига караб иш ҳақи белгиланади.

Катта отбоқарда ҳамма ҳисоб-китоб ишлари бўлиши шарт: отларнинг бош сони, ҳар бир отнинг зоти, жинси, лақаби, туси, белгиси, келиб чиқиши

тўғрисида маълумотлар, ёши, семизлик даражаси ҳатто ҳар бир отнинг феъл атворини билиши керак.

Наслчилик хўжалик бўлса, уюр дафтарча йилқичиликда наслчиликнинг бирламчи ҳисобот формалари, журналлари ва наслчилик гувоҳномаси, қулун олиш акти бўлмоғи зарур.

Тамгалаш – отларни тамгалаш йилқичиликда муҳим, ҳар бир отни ҳисоб-китоб қилишда муҳими тадбирлардан бири ҳисобланади. Унга қараб отларнинг ёши бухгалтерия, зоотехникавий, ветеринария ҳисобида юргизилади, сотилган, ўлган, ветеринария эмлашдан ўтган отлар акт қилиб борилади. Наслчилик ишларини тўғри ташкил қилишда отларни тамгалашнинг аҳамияти гоёта каттадир. Асосан пашша кам, ҳаво салкин бўлган вақтларда 6-7 ойликларида ўтказилади. Қулунларни алоҳида тамгалашни ҳисобга олиш № 14-л формага мувофиқ амалга оширилар, журналда тартиб номери, инвентар номери, қулунларнинг (қичкаси) лақаби, тугилган вақти, туси ва белгилари, ота-онасининг келиб чиқиши ёзилган бўлиши керак. Тамга отларнинг чап орқасига ва чап сонига босилади. Сонига хўжаликнинг эмблемаси ва тугилган йилнинг охириги икки рақами, чап орқасига эса отнинг инвентар номери босилади. Хўжалик эмблемаси солинган темирдан ясаиб унинг ичига 30-40 см ўзунликда ёғоч даста урнатилади. Тамга махсус қилинган раскал ичида босилади. Тамгалашнинг «Иссиқ» ва «Совуқ» усуллари мавжуд. Тамгалаш олдидан тамга босиладиган жойдаги жунлар олинади. «Иссиқ» усулда клеймо махсус киздирилган темир 600-650 олча рангида бўлиб, 2-4 см тухтаб босилади. Тамгалашда от каттиқ оғриқ сезади, белгилар катта бўлиб қуринмайди, тери сифати ва ташқи кийёфаси бўзилади. «Совуқ» усулда тамгалашда металл тамга суюқ азотда минус 196⁰ гача совитилади, кейин тери устига босилади. Бунда пигмент ҳосил қиладиган тўқималар парчаланади, натижада тамга босилган жойдан пигментсиз оқ жунлар ушиб чиқади. Тамгалаш махсус асбоб ёрдамида бажарилади. Бунда тамга жуда аниқ кўринади, терининг сифати бўзилмайди. Тамгалар раскол ичида амалга оширилиб, бунда от кимирламай туриши керак.

Тамгалаш олдидан тамга босиладиган жойдаги жунлар қирқилади ва 96% ли спирт билан хулланади. Совитилган тамга ва суюқ азот махсус термос (Дюар идиши) да сақланади, тамга идишдан олиниши билан термос копоғи ёпилади. Совитилган тамга дурагай 6-7 ойлик қулунларни тамгалашда 25-30 сек, маҳаллий ва оғир юк тортувчи зот қулунларида 35-40 сек ва катта ёшдаги отларда 40-50 сек тўтиб турилади.

Тамгалаш вақтида тамга босадиган қиши ҳалат ёки комбинезон ва қулига тўқимали қулқоп кийиши ҳамда химоя кўзойнагини тақиши зарур.

Тойларни нухталаш. Яйлов йилқичилигида кўпчилик отлар нухтага ургатилмасдан асов бўлиб қолади. Шунга қура уларни нухтага ургатилмасдан раскол ичида олиб борилади. Раскол ичида тойлар арқон ёрдамида ушланиб нухта қийғизилади ва нухтага ўзун арқон боғлаб етаклашга, остини тозалашга ва одамдан қурқмасликка ургатилади. Наслчилик хўжаликларида тойларни нухтага ўргатиш уларни сотишдан олдин кўзда онасидан ажратилган даврда амалга оширилади. Гўшт йуналишидаги яйлов йилқичилигида фақат уюрни

тулдириш учун колдирилган наслдор айғирларгина нухтага ургатилади.

Тойларни нухтага ўргатиш махсус база ичида амалга оширилади. База ичида улар охирларига 1 метр ўзунликда боғланади. Етаклашга ўргатишда эса урталиikka урнатилган махсус якка козуққа 6 метр ўзунликда темир халқа орқали боғланади. Бунда улар аста-секин хайдалиб етаклашга ургатилади. Ўргатиш даврида ҳар қайси тойга суткасига 2-3 кг концентрат озук ва 4-6 кг пичан берилади.

Минишга ўргатиш. Тойлар нухтага ва етаклашга ургатилгандан сўнг эгарлашга ва минишга ургатилади. Бунинг учун той дастлаб той чилги уришга, эгар қўйишга ва айил тортишга ургатилади. Тойларнинг эгар ва жиловга ўргатиш процесси нерв системасининг типига қараб кечади. Масалан, юаош тойлар, тез, чарс ва хуркак тойлар секин ўрганади. Ўсиш ва ривожланишини тугатмаган ёш тойларни минишга ўргатадиган одамнинг оғирлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ёш тойларни оғирлиги 40-45 кг келадиган ёш болалар ўргатиши керак.

Чавандоз эгар устига ўтиргандан сўнг икки одам нухтадан арқон ўтказиб етаклайди. Бу ҳолат 1-2 марта такрорлангандан сўнг отни чандозни ўзи бошқаради. Аввал одимлаб юришга, сўнгра йуришга ва турт оёклаб чопишга ургатилади. Минишга ўргатиш даврида тойга суткасига 4 кг концентрат озук ва 8 кг дан сифатли пичан берилади.

Отларни тўтиш. Яйловда асраладиган кулга ургатилмаган асов отлар арқондан қилинган махсус тўтгичлар (укрюк) орқали ёки расколга киритилган вақтда тўтилади. Бунинг учун чавандоз от минган ҳолда тўтиладиган отни тудадан ажратади ва уни кувиб етиб махсус тўтгични иргитиб отни бўйнига киритади.

Туёқ, ёл ва думни парвариш. Бу ишлар билан баҳорда ёки кўзда шугулланилади. Бу ишлар уюр ва тудаларни ташкил қилиш даврида отларни раскол ичидан ўтказиш пайтида амалга оширилади. Отларнинг ёли ва думи ётигига таралади. Ёли ўзун бўлса, ўткир пичоқ билан калта қилиб қирқилади. Думлари ҳам сакраш бўғимидан юқори қилиб қирқилади.

Баҳорда буғоз биялар ва эмадиган қулунлари бўлган отлардан ташқари ҳамма отларнинг туёқлари тозаланиб махсус пичоқ ёрдамида қирқилади ва ёғоч болга билан уриб текисланади. Бияларнинг туёқлари тукқандан ва эмизадиган бияларники тойларни ажратгандан сўнг қирқилади. Отларнинг туёқлари иккинчи марта кўзда қишки мавсумга кириш олдидан қирқилади ва тозаланади.

Уюр ва йилқи тудалари. Уюр ва йилқи тудалари йилқичиликнинг йуналиши, хўжаликдаги отларнинг сони, уларни яйловда боқиш ва сугориш шароитлари, жинси ва ёшига қараб белгиланади. От заводларида, хўжаликларда наслчилик фермаларида ёш наслдор ва спорт биялари ва уларнинг катта ёшдагилари, қулунли биялар, онасидан ажратилган айғирчалар ва биялар, бир ёшли айғирчалар ва биячалар, икки ёшли эркак қулунлар ва ўрғочи қулунлар алоҳида-алоҳида гуруҳланади.

Наслдор ва спорт отлари биялари 100 бошдан, тойлари 120 бошдан қилиб тудага бириктирилади. Гўшт йуналишидаги яйлов йилқичилигида бия

тудалари 400-600 бошдан (1 ёшли тойлар ҳам киради) ташкил қилади. Йирик товар хўжаликларида қочириш компанияси тамом бўлгандан сўнг наслдор айғирлар тудаси 50 бошдан қилиб ташкил килинади.

Гўшт йуналишидаги яйлов йилқичилиги

Отларнинг жинси ва ёши билан боғлиқ бўлган структураси белгиланади. Бунда гўшт учун реализация килинадиган отларнинг ёши катта аҳамиятга эга. Хўжаликнинг яйлов ва иклим шароити, озуқа базаси ва бошқа факторларни ҳисобга олган ҳолда ёш отлар гўшт учун асосан 2,5 ёшда, қисман 1-1,5 ёшда ва 6-9 ойлигида килинади.

Шунга кура гўшт йуналишидаги яйлов йилқичилигини юқори рентабеллигини таъминлайдиган отлар уюрларини ташкил қилиш асосий масала ҳисобланади.

Агар хўжаликда яйлов майдони кенг бўлса тойларни 2,5 ёшгача устириш иқтисодий жихатдан самара беради, чунки улар 2 марта баҳорги яйловни ўзлаштиради. Икклими оғир шароитли зоналарда (Якўтия) тойлар гўшт учун 5,-6 ойлигида реализация килинади, чунки уларни катта ёшгача устириш озуқа шароити ёмон бўлганлиги сабабли иқтисодий жихатдан ўзини оқламайди.

Яйловдаги отларни пучак қилиш.

Отларнинг ёши ошиб бориши билан биологик хусусиятлари ҳам ўзгариб боради; моддалар алмашинув процесси ва яйлов шароитига мослашиш сусаяди, организмнинг ҳаётчанлик қобиляти пасаяди, серпуштлиги ва махсулдорлиги камаёди, хўжаликда ишлатиш муддати қисқаради ва ҳоказолар.

Масалан, Қозоғистон яйлов йилқичилигида биялар 12-13 ёшга қадар меъёрл равишда қулунлайди, 13 ёшдан сўнг улар хатто яхши озуқа шароитида ҳам ориқлайди, сут махсулдорлиги камаёди, қисир қолади, бола ташлайди, қиш даврида кўплаб нобуд бўлади.

Ўзбекистон шароитида биялар 18 ёшгача нормал равишда қулунлайди.

Шуни ҳисобга олиб яйлов йилқичилигида отлар уртача 12-14 ёшлигида, наслдорлик ва хўжалик жихатидан жуда яхшилари 16-18 ёшда пучок килинади.

Тажрибаларга караганда, яйлов йилқичилигида отлар уюрдан ҳар йили 7-10% бия ва 10-12% наслдор айғирлар брак қилиб борилса меъёрл ҳисобланади.

Отларни яйловда боқиш мавсумлари.

Отларни яйловда боқиш мавсумлари – яйлов йилқичилигининг ўзига хос хусусиятларидан бири турли зоналарнинг географик ва иклим шароитларини ҳисобга олган ҳолда йил давомида баҳор, ёз, кўз ва қиш фаслларида фойдаланишдан иборатдир.

Отларни яйловда энг муҳим зоотехник тадбирларни амалга ошириб ўтлатиб боқишни тўғри ташкил қилиш, гўштини миқдори ва сифатини кўпайтиришга отларни яйловда бўрдоқлаш дейилади (нагул).

Баҳор фасли яйлов йилқичилиги учун озуқанинг муллиги билан характерланади. Бу даврда отлардан энг кўп махсулот олиш имкониятлар

даражаси ошади, биялар кочирилади ва кулунлар олинади. Отларни яйловда бурлдоқилаш даври бошланади. Биялар соғилади.

Ёз ойларида от уюрларини хашоротлардан сақлаш учун уларни 20-30 бошдан қилиб гурухланади ва шамол эсиб турадиган майдонларда хайдаб боқилади. Отлар шамолнинг эсишига ҚАРШИ секин одимлатиб ўтлатилади. Ўтлайтиш эрталаб салкинда ва кечкурун ҳамда кечаси амалга оширилади. Кундўзи отлар тупланиб, бошларини бир-бирига каратиб доира ҳосил қиладилар ва ўзларини хашоротлардан паналайдилар. Тогли районларда бу давр учун энг баланд яйлов ажратилади. Чунки бундай яйловларда ёзда ҳам кун хаддан ташқари иситмайди, хашоротлар кам бўлади, доимо кук ўтлар мавжуд бўлади.

Қиши қаттиқ яйловларда отларни ўтлайтиш учун камиш, буғдойик, ялирбош, мушуккуйрук каби усимликлар сероб бўлган майдонлар ажратилади.

Кўзги мавсумда отларни яйловда боқишдан мақсад уларни қишга тайёрлаш ва семиртиришдан иборатдир. Дастлабки совуқ ва ёмгирдан сўнг яйловлардаги шувок ва шураларни отлар иштаха билан истеъмол қила бошлайдилар. Бу даврда хашоротлар йуқолади, хаво салкинлашади, отлар учун яйловдан максимал фойдаланиш имконияти тугилади.

Ярим чўл зоналарда кўзги яйлов учун отларга қора шувок, турли хилдаги шуралар, изен каби усимликлар ўсадиган майдонлар ва чўл зоналарда чалов, бетага, буғдойик усимликлар ўсадиган майдонлар ажратилади. Шунингдек пичани уриб олинган майдонлар ҳам отларни ўтлаши учун ярайди. Кўзда отларни яйловда боқишни шундай ташкил этиш керакки, улар навбат билан турли хилдаги усимликларни истеъмол қилсин. Агар отлар фақат бир хил усимлик усган майдонларда боқилса, уларнинг иштахаси йуқолиб яхши семирмаслиги мумкин. Айниқса, ёш той ва кулунли биялар бунга сезгир бўладилар. Булар учун сувга яқин, шамол кам эсадиган, турли хилдаги усимликларга бой бўлган яйловлар ажратилади. Ана шу даврда отлар суткада 2 марта сугорилади.

Отларни яйловда, қишда асрашдаги асосий вазифа уларни семизлигини сақлаб қолишдан иборатдир. Қиш даврида орик отларга қулда пичан ва ем бериш ташкил қилинади. Қишки яйлов учун чўл зоналарида галладошлар, шувок ва шурали усимликлар ўсадиган майдонлар ажратилади. Чунки бу хилдаги усимликлар қор тагида яхши сақланади ва уларни отлар иштаха билан истеъмол қиллади. Қор калинлиги 50 см дан ошмаса отлар олдинги оёқлари билан қорни суриб бемалол ўтлай оладилар. Тойлар бундай ўтларни 20-25 см калинликдаги қор остидан топиб олишлари мумкин.

Қиш бошида чуқурлик ва камарларда жойлашган яйловлардан фойдаланилади, чунки қор калин ёққанда ва шамол бўлганда бу чуқурликлар қор билан тўлиб улардан фойдаланиб бўлмайди.

Яйловда бияларни қочириш ва улардан қулун олиш.

Яйловда асраладиган отларни отларни қочиришга шундай тайёрлаш керакки, ҳамма буғоз биялар баҳор фаслида қулунлаб бўлсин. Иклим шароити

ва хўжаликнинг тайёргарлигига караб бияларни қочириш компанияси апрел ойдан бошланиб август ойида тугалланиши керак. Қочириш усули хўжаликнинг озуқа билан канчалик таъминланганлигига айғирларнинг таркибига, бияларнинг ҳолатига, иморатлар мавжудлигига ва кадрлар билан таъминланганлигига караб танланади.

Яйлов йилқичилигида биялар одатда уюрда қочирилади. Уюр учун танланган айғирлар юқори классли соф зотли, экстеръери келишган бўлиши керак. Ёш ва қари (биялар) айғирлар урта ёшли биялар уюрига қушилиши керак. Биялар уюрини ташкил қилишда улар 25-30 бошдан қилиб база булимларига киритилади, сўнг улар саркол ичидан ўтказилиб уюрларга булинади. Шундан кейин ҳар бир уюр учун айғир танланади. Биринчи қочиришга қуйиладиган айғирга 12-15 бия, шунингдек қари айғирларга ҳам урта ёшли айғир учун эса 20-25 бия танланади. Қуюкка келганлигини дарҳол қочириб биттасини, сўнг уюр ичига қушилиб, яйловга хайдаб кетилади. Қочиришга 3 ёшли ёки ундан катта ёшдаги соғлом биялар яроқли ҳисобланади. Қочириш компаниясидан олдин бияларни синчиклаб қурилиб, ориклари кулдан озуклантирилгандан кейин қочирилса мақсадга мувофиқдир. Қочиришга қўйишдан олдин айғирларнинг уруги сифати жихатидан текширилади. Тугишни режалаштириш учун ҳар бир уюрдаги қочган бияларнинг ҳисоби айғир ҳар бир бияни неча марта отлантирилгани мхсус дафтарга ёзиб борилади. Яйлов йилқичилигида бияларнинг қулунлашини тўғри ташкил қилиш жуда муҳим давр ҳисобланади. Канчалик яхши ўтиши йил мавсумининг қандай келишига боғлиқ. Бияларнинг қулунлашининг энг яхши даври баҳорнинг апрел ва май ойлари ҳисобланади. Бияларнинг баҳорда қулунлаши одатда яйлов шароитида амалга оширилади. Агар совуқроқ бўлса махсус сарой ва базаларда ўтказилади.

Тугишда бачадан мускуллари қисқариб тулгоқ бошланади. 1-1,5 минўт 2-3 минўтда қайтарилади. Тугиш 10-30 минўт давом этади. Қулунларнинг 80-85 фоизи кечаси жим-жит вақтда бўлади. Кечаси тугиши яқинлашган биялар устидан назорат урнатилади.

Яйлов йилқичилиги учун зарур иншоотлар.

Яйлов йилқичилигида махсус иншоотлар (қурилишлар) қилинади. Улардан энг муҳимлари пана жой (тўсиқ) базалар, саройлар ҳисобланади. Бундан ташқари отлар учун махсус жихозланган сув ичадиган жой қурилади.

1. Пана жой-тўсиқлар отларни кучли бурон ва шамоллардан муҳофаза қилиш учун хизмат қилади. Табиий пана жой, тўсиқлар, чуқурликлар, тоғ ёнбағирлари, урмон бўтазорлар қиради.
2. Отларни асраш учун, расколли базалар эса зоотехника-ветринария тадбирларини амалга ошириш учун хизмат қилади. Расколли базалар туртбурчак ёки доира шаклдаги иккита хонадан иборат бўлиб, улар бири-бири билан тўташган бўлади.

Булардан биринчиси ичида варонкасимон кичик кабудхонаси қурилади. Бу хонанинг охири торайиб бориб раскол панжараси билан тугайди. Аввало катта хонага киритилади, бу ерда 8-10 бошдан қилинган майда хоналарага булинади, кабулхонаси ва булувчи хона дорвоза билан тўташтирилади. Керак

бўлганда хоналардан чиқариб расколга ёки далага хайдалади. Кабулхонанинг диаметри 28-30 м, булувчи хонанинг ўзунлиги 12-15 м, кенглиги 10 м, баландлиги 1,8 метр бўлади.

Саройлар: отларни маълум даврда асраш учун хизмат қилади. Саройларда касал орик, отлар кулда озуклантирилади, эрта тугиладиган биялар қулунлайди ва ёш тойлар нухтага ургатилади. Усти сомон лой билан сувалади. Саройнинг ичи табиий ер холида колдирилади.

Саройларни куришда ҳар бир бош бияга 15-20 м² айғирга 10 м² – қулунларга 6 м² майдон бўлиши, баландлиги 3 м дан кам булмаслиги керак.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Яйлов йилқичилиги ҳақида тушунча беринг.
2. Яйлов чорвачилиги ходимларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг қўшимча тадбирлари тўғрисида Президентнинг фармони қайси вақтда чиқарилган нима мақсадда ёзилган.
3. Яйлов йилқичилигининг жуғрофик минтақалар бўйича жойлашишини айтинг.
4. Йилқиларни қанақа боқиш усуллари бор?
5. Сахро минтақасида қишда 1 отга қанча озуқа жамғариш керак.
6. Ярим сахро минтақасида-чи?

Йилқичиликда наслчилик ишлари

Р Е Ж А

1. Йилқичиликни ривожлантириш от заводларидаги наслчилик - оммавий ишларнинг мақсади ва вазифалари.
2. Соф қонли урчитиш.
3. Чатиштириш.
4. Наслдор отларни бонитировка қилиш.

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати.

1. Свечин. К.Б, Бобылев И.Ф., Гопка. Б.М Коневодства Москва Колос. 1992 г.
2. Туракулов З.Т., А.З., Мухтаров А.З., Холмирзаев Д. Йилқичилик Т.Мехнат 1985 й.
3. Холмирзаев. Д Йилқичиликдан амалий машғулотлар Т.Мехнат 1988 й.
7. Фаннинг дискетага ёзилган маърузалар матни
8. Сайтлар
www.zio net.
.http://vvvvvv// uralri/ru.

Йилқичиликда наслчилик ишларининг ахамияти.

МДХ да йилқичиликда ишлари илмий асосда амалга оширилган, 1930 йилда МДХ да йилқичилик илмий текшириш институти ташкил топиб, ишлмий асосда наслчилик ишларини йўлга қўйишда муҳим муаммоларни ишлаб чиққан. Йилқичилик соҳасида МДХ да катта олимлар П.Н. Кулешов, М.Н. Придорогин, Н.А. Юрасов, В.О. Виттларни хизматлари катта бўлган.

Отларнинг наслдорлик хусусиятларини яхшилашга қаратилган комплекс ташкилий ва зоотехник тадбирларга наслчилик ишлари дейилади.

Наслчилик ишларининг мақсади.

Йилқичиликда наслчилик ишларининг мақсади танлаш, жуфтлаш усуллари билан уларнинг сифат курсаткичларини ошириш ҳамда отларнинг насл сифатини яхшилаш, кўпайтириш, зарур бўлган типдаги зотларни саклаб қолиш ва янги зотларнинг яратилишидан иборатдир.

Наслчилик ишларининг асосий вазифалари.

Отларнинг сифатини яхшилаш, уларнинг сони ва махсулдорлиги оширишдан иборат. Наслчилик ишларини самарадорлиги кўп жихатдан танлаш, хиллаш, мақсадга мувофиқ урчитиш усуллари куллаш, яхши озуклантириш ва асраш, ёш отларни машқ қилдириш ҳамда синашга боғлиқ бўлади.

Хозирги вақтда йилқичиликда наслчилик ишининг энг асосий вазифаси режа асосида маълум мақсадга илмий ютуқларни, илғор тажрибаларни амалда

куллаб, ҳар хил йуналишдаги от зотларининг сифатини яхшилашга қаратилгандир. Салт минилувчи ва йуртоқи от зотларининг чаққонлиги, тезлигини ошириш учун уларнинг спорт ишидаги кобилиятчанлигини (классик ўйинларда -олий даражада машқ қилиш, тўсиқлардан ўтиш ва уч кураш бўйича) оғир юк тортувчи от зотларини юк тортиш даражасини ва чидамлилигини оширишга, маълум йўналишдаги от зотлари эса шу йўналишдаги махсуддорлигини оширишга қаратиш керак. Маълум йуналишдаги от зотларини эса шу йуналишдаги махсуддорлигини оширишдир.

Йилқичиликнинг йуналиши қайси мақсадда урчитилишига қараб наслчилик ишларининг усуллари ва йуналиши ҳар хил бўлади. Наслчилик ишлари фақат бир зотларни такомиллаштириш эмас, янги юқори махсулотли зотларни линияларини, оилаларини яратишга қаратилгандир.

Отларни йуналишда сақлаш ва уларни урчитиш усуллари хўжалик ва йилқичилик заводларининг шароитига боғлиқ. Шундай қилиб йиличиликдаги наслчилик ишлари деганда отларни урчитиш усуллари, танлаш, саралаш, боқиш, машқ қилдириш, синаш технологиялари ва отларга баҳо бериш ва бошқалар тушинилади.

Йилқичиликда урчитиш усуллари асосан соф зотли урчитиш ва чатиштириш усуллари кулланилади.

Соф зотли урчитиш.

Соф зотли урчитиш – бир зотга мансуб бўлган отларни ўзаро урчитишга соф зотли урчитиш дейилади. Соф зотли урчитиш бирор зотни янада такомиллаштириш, ирсий хусусиятларини мустаҳкамлаш, янги линия ва оилаларни ташкил қилиш мақсадида олиб борилади. Асосийси эса танлаш, хиллаш, яхши озуклантириш, асраш, ёш тойларни мақсадга мувофиқ устириш, уларни машқ қилдириш ва синаш ташкил этади. Отлар қариндошлик урчитишга жуда чидамсиздир. Айниқса экстеръерида отларни қариндошлик урчитиш мумкин эмас.

Янги зотни яратиш даврида кулга киритилган яхши хусусиятларни мустаҳкамлаш мақсадида қариндошлик урчитилиши мумкин.

Ҳар бир наслчилик хужалигида танлаш, энг аввало биялар ичида олиб борилиши керак. Бияларнинг конституцияси бир хил типдаги эканлигига, соғлигига, серпуштлигига, бола кўтаришига, қулунларнинг ривожланишига алоҳида эътибор бериш зарур. Ёш бия билан тулдиришда уларнинг ирсий хусусиятларига қаралади.

Хўжаликдаги бияларнинг бир типда булишлиги хиллаш ва жуфтлаш ишларини бирмунча осонлаштиради. Наслчилик хўжаликларида наслдор айғирларни танлашга бўлган талаб бияларни танлашга бўлган талабдан устун туради. Танланган айғир ўзининг препотентлиги, болаларига хусусиятларини яхши ўтказиши жихатидан синалган бўлиши, айниқса, ёш айғирларни танлашда уларнинг экстеръер тўзилиши ва иш кобилиятидан ташқари, отасининг сифатига эътибор бериши керак.

Соф зотли урчитишдан танлашдан ташқари жуфтлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Жуфтлаш танлашнинг давоми бўлиб, танлашни

мустаҳкамлайди, от зотларининг шаклланишида асосий омилкорлик ролини уйнайди. Айғир ва бияларни пухта урганиб, тўғри жуфтлаш натижасида уларнинг авлодлар ичида кимматли хусусиятларни вужудга келтириш мумкин.

Йилқичиликда гомоген ва гетероген жуфтлашлар фарқ қилинади. Гомоген жуфтланадиган ҳайвонлар махсулдорлиги, типиклиги, экстеръери, конституцияси жихатидан бир-бирига яқин туради. Гетероген жуфтланадиган ҳайвонлар эса белгилари билан бир-биридан фарқ қилодилар.

Гомоген жуфтлаш кўпинча от заводларида, наслчилик фермаларида от зотларини такомиллаштириш ва янги зот яратишда қулланилади. У асосан линиялараро урчитишга асосланган. Гетероген жуфтлаш бир авлодда икки зотнинг хусусиятларини жамлашда, бир зотни иккинчи зот билан яхшилашда кўпинча чатиштиришдан қулланилади.

Булардан ташқари, йилқичиликда индивидуал гуруҳ асосида жуфтлаш ҳам мавжуд. Бунда бир айғирга бир гуруҳ бия беркитилади. Бу хилдаги жуфтлашдан давлат от заводларига, наслчилик фермаларида фойдаланилмоқда. Жуфтлашнинг барча турлари қуланилган тақдирда ҳам қуйидаги умумий қоидаларга риоя қилиш керак: танлашда қандай мақсад кўзда тутилган бўлса, жуфтлашда ҳам шу мақсад кўзда тутилади; наслдор айғир зотдорлиги типи ва сифати билан хўжаликнинг наслчилик ишларини йуналишига жавоб бериши шарт, наслдор бияларга улардан сифати жихатидан юқорироқ бўлган айғирлар беркитилади; бир хил камчиликка эга бўлган айғир ва биялар ўзаро жуфтланмайди; талаб қилинмаган пайтда яқин қариндошлараро урчитишга йўл қўймаслик лозим; жуфтлашда бия ва айғирнинг ёшига қаралади, яъни қари айғир билан қари бия ўзаро жуфтланмайди. Ёш бияларга сифати жихатидан текширилган катта ёшли айғирлар, катта ёшли бияларга ёш айғирлар беркитилади.

Шуни айтиш керакки, гомоген ва гетероген жуфтлашни бир хўжаликда алоҳида-алоҳида ўзоқ вақт қуллаш мумкин эмас. Бир хўжалик микёсида гомоген жуфтлаш ўзоқ қулланилганда отларнинг ҳаётчанлиги сустлашади, серпуштлилиги камаяди, конституцияси бушаши ва хоқазо. Бундай вақтда хўжаликдаги наслдор айғирлар бошқа хўжалик шароитида тарбияланган, лекин шу зотга мансуб бўлган наслдор айғирлар билан алмаштирилади. Бунга наслчилик ишларида «қон тозалаш» усули дейилади. Ўзоқ вақт гетероген жуфтлаш қулланилганда авлодларнинг ҳаётчанлиги ошсада, уларнинг бир хил типлилиги бўзилиши мумкин. Бунинг натижасида уларнинг экстеръер жихатидан ҳар хил шаклланади, танлаш ва жуфтлаш ишлари қийинлашади.

От заводларида ёш наслдор айғирларга бияларни танлаб жуфтлаш муҳим аҳамиятга эга. Агар айғирга биялар тўғри жуфтланган бўлса, бир ёки икки бугиндаёқ айғирнинг сифатли эканлиги билинади. Агар нотўғри жуфтланган бўлса, гарчи айғир юқори сифатли бўлсада, олинган авлодларга қараб у ноҳақ пучоқ қилиб юборилиши мумкин.

Булардан ташқари, айғирнинг зотни яхшиловчи сифатида танилишида унинг болаларини яхши озук шароитида боқиш ва асраш, систематик машқ қилдириш, отчопарларда синаш катта аҳамиятга эга. Айғирнинг насл

колдириш жихатидан энг кучга тўлган даври 8 ёшдан 16 ёшгача давом этади. Шу даврда ундан максимал фойдаланишга ҳаракат килмоқ лозим. Агар 8-12 ёшли бияларни 3-4 ёшли айғир билан жуфтланса, авлодларда бияларнинг хусусияти айғирникига караганда устун бўлади. шунингдек, бия ва айғирнинг ёши жуфтлаш даврида энг кучга тўлган даврга тўғри келса, улардан жуда сифатли эркак қулун олинади.

Қариндошлараро урчитиш (инбридинг).

Инбридинг немисча инцухт сўзидан олинган бўлиб, қариндош бўлган ҳайвонларни ўзаро урчитиш демакдир. У урчитиладиган ҳайвонларнинг қариндошчилик даражасига караб бир неча типга булинади:

1. Жуда якин қариндошлик урчитиш («қон аралаштиш») – бунда урчитилаётган ҳайвонларнинг қариндошлик даражаси биринчи уч бугин атрофида бўлади, яъни отаси кизи билан (II-I), угли онаси билан (I-II), акаси синглиси билан (II-II), невараси бобоси билан (I-III), момоси невараси билан (III-I) жуфтланади.
2. Якин қариндошлик урчитишда қариндошлик даражаси иккинчи туртинчи бугингача (II-II; II-III; III-III; III-IV).
3. уртача қариндошлик урчитишда қариндошлик даражаси учинчидан бешинчи бугингача (III-IV; IV-III; IV-IV; III-III).
4. ўзоқ қариндошлик урчитишда қариндошлик даражаси бешинчи бугиндан юқори бўлади.

Тажриба шу нарса аниқланганки. Қариндошлик урчитишда авлодларнинг ҳаётчанлиги сустлашади, улар меъёрл тугилмайди, яхши ривожланмайди. Қариндошлик урчитишда ҳайвонлар бир хил жинсий тўқимага эга бўлиб, бу тўқималарнинг ўзаро ассимиляцияси даврида янги организм учун зарур бўлган ҳаётчанликни таъминлай олмайди.

Отлар қариндошлик урчитишга жуда чидамсиздир. Айниқса, экстерьеда камчилиги бўлган, конституцияси нозик отларни қариндошлик урчитиш мумкин эмас. Янги зот яратиш даврида кулга киритилган яхши хусусиятларни мустаҳкамлаш натижасида қариндошлик урчитилиш мумкин, лекин шунда ҳам қариндошлик урчитишни кулламаслик керак. Қариндошлик урчитиш учун танланган отларнинг конституцияси мустаҳкам, яхши озук шароитида боқилган бўлиши лозим.

Зоотехник – селекционерлар ҳар бир линия ва оиланинг хусусиятларини урганиб, унинг яхши томонларини сақлаб қолган ҳолда талабга жавоб бермайдиган томонларини тўзатиб боришлари лозим.

Зот ичида линиялараро урчитиш зотнинг такомиллашиб боришида ва янги линиялар билан бойиётишда асосий йўл ҳисобланади.

Линиялараро урчитиш.

Соф зотли урчитишда линиялараро урчитиш кенг тарқалган. Линия деб бирорта типик хусусиятга эга бўлган айғирлардан тарқалган ва шу айғирнинг яхши хусусиятларини икки-уч бугингача ўзида сақлаб қоладиган отлар гуруҳига айтилади. Линиялараро юқори даражада наслчилик ишлари олиб борилган хўжаликларда ташкил этилади. Линияни ташкил қилишда яхши озуклантириш. Сақлаш, системали машқ қилдириш ва синаш муҳим рол

уйнайди. Линиялар бўйича наслчилик ишларини икки йўл билан олиб бориш мумкин.

1. Наслчилик хўжаликларида линияни давом эттирувчиларнинг етиштириб линия такомиллашиб борилади, бундай вақтда кариндошлик урчитишга йўл қуйилади.
2. Линиялар кросси ташкил қилинади. Бунда турли линияларга мансуб отлар ўзаро жуфтланади. Жуфтлаш гетероген асосида бўлиб, бир линиянинг камчилиги, иккинчи линиянинг яхши хусусиятлари эвазига тўзатилади, линиялар кросси авлодларнинг ҳаётчанлигини оширади.

Линиялар кроссида янги линия яратилиши мумкин. Масалан удалий лақабли буш йирик кучли айғир линияси курик яхши югурувчан Летучий лақабли айғир линияси билан кросс қилинганда, кейинчалик бўтун Россия от кургазмасининг чемпиони бўлган. Громадний лақабли айғир олинган. Бу айғир жуда чопкир йуртоқи отлар линиясининг яратилишига асос бўлди. Бу линиядан Крепиш (2.08.5), Удачный (2,28) каби рекордчи айғирлар етишган. Шундай қилиб, линиялар кросси авлодларининг ҳаётчанлигини оширади.

Отларнинг оиласи – йилқичиликнинг наслчилик ишида оиланинг роли катта ахамиятга эга зотни яратишда баъзан лингиялардан унинг хиссаси кам эмас аксинча кўп бўлиши мумкин.

Оила деб – бирор типик хусусиятли биялардан туғилган, унинг хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган, бир гуруҳ отларга айтилади. Машхур оиладан тарқалган биялар от заводларида йилқичиликнинг асосий ядросини ташкил этади. Масалан: соф қонли Англия от зоти оилалари билан якин алоқада бўлиб, айниқса Кантип, Леди, Мумтоз, Махоли шу оилалардан Англия, Франция, АҚШ ва бошқа мамлакатларда энг рекорд қуйган айғир ва биялар етишиб чиққан.

Профессор В.О.Витт фикрича тоза соф қонли Англия бияларидан энг катта совринларнинг 90% ни энг юқори оилалардан ташкил топган.

Чатиштириш.

Йилқичиликда чатиштириш майда маҳаллий зотларнинг зотдорлигини яхшилаш, зот ичида янги типларни ҳосил қилиш ва янги зотларни яратиш мақсадида қулланилади. Чатиштиришда икки зотнинг ирсий хусусиятлари бирлашиб, тургун бўлмаган янги сифатлар вужудга келади. Дурагайларни яхши боқиш, асраш, машқ қилдириш ва синаш натижасида янги сифатлар мақсадга мувофиқ томонга қараб ўзгаради, мустаҳкамланади. Икки зотни чатиштириш натижасида олинган дурагайларда гетерозис ходисаси руй беради, яъни улар яхши шароитда устирилганда ривожланиши, озукни истеъмол қилиши, шароитга мослашиши ота ва онасига нисбатан устун бўлади. чатиштирилган зотни қайси бири шу шароитга яхши мослашган бўлса, олинган дурагайларда уша зотнинг хусусиятлари яхши ривожланади.

Йилқичиликда қуйидаги чатиштириш усуллари қулланилади.

Қон сингдириб чатиштириш – маҳаллий зотларни тубдан яхшилаш учун яхшиловчи зотнинг айғири билан бир неча бугин чатиштирилади. Бундай чатиштириш туфайли олинган дурагайлар яхши шароитда боқилиб асралгандагина яхши натижа беради. Лекин қозоқ отларни соф қонли салт

минилувчи зот билан шу типда чатиштириб, дурагайлар яйловда боқилганда ва шунингдек маҳаллий отларни Орлов йуртоқи билан бир неча бугин чатиштириб, дурагайлар уларда уртача шароитда боқилганда яхши натижа бермаган. Қон сингдириб чатиштириш отлар яхши шароитда боқиладиган наслчилик хўжаликларидагина яхши натижа беради.

Ишлаб чиқариш асосида чатиштириш – йилқичиликни янги зот ва типларини яратиш учун кулланилади. Бу типда чатиштиришдан олдин чатиштириш режаси тўзилади, сўнгра чатиштириш учун зот танланади. Зотларни шундай танлаш керакки, уларни ўзаро жуфтлашдан олинган дурагайлар маълум иклим ва озук шароитида қўйилган талабга тулик жавоб берсин.

Агар бу типдаги чатиштиришда иккита зот катнашса, оддий ишлаб чиқариш чатиштириши, учта ва кўп зот катнашса, мураккаб ишлаб чиқариш чатиштириши дейилади. Агар икки зотни чатиштиришдан олинган бугин дурагайлар талабга жавоб берса, улар «ўз ичида» урчитилади, яъни биринчи бугин яхши айғирлар биринчи бугин яхши биялар билан урчитилади. Биринчи бугин дурагайлар талабга талабга жавоб бермаса, уларни учинчи зотнинг айғири билан чатиштириш керак.

Буденний, Орлов йуртоқиси, Торий, Янги қирғиз каби қатор зотлар ишлаб чиқариш чатиштириши натижасида яратилган. Бу типдаги чатиштиришнинг ҳсамарадорлиги ҳам кўп жихатдан дурагайларни яхши боқиш ва асрашга боғлиқдир.

Саноат асосида чатиштириш – турли мақсадларда ишлатиладиган отларни етиштиришда кулланилади. Масалан, оғир юк тортувчи зотларни йуртоқи зотлар билан чатиштириб, қишлоқ хўжалик ишларига мос бўлган арава тортувчи типдаги отлар олинади. Салт минилувчи зотларни ўзаро йуртоқи зотлар билан чатиштириш туофайли яхши спорт отларини етиштириш мумкин. Санорат типдаги чатиштириш гетерозисга асосланган бўлиб, фақат биринчи бугин дурагайлар олинади ва улар яхши озуқа шароитида тарбияланади.

Саноат типдаги чатиштириш йилқичиликнинг махсулдорлигини оширишда ҳам катта аҳамиятга эга маҳаллий Қорабайир отларни рус, Владимир оғир юк торувчи зотлар билан чатиштириш туфайли олинган биринчи дурагайлар усиш ва ривожланиши бўйича Қорабайир зотига нисбатан анча устун туради. Ўзбекистон шароитда гўштдор отлар етиштиришда мана шу типдаги чатиштиришдан фойдаланмоқ лозим.

Наслдорлик йуналишига эга бўлмаган хўжалик йилқичилигида гўштдор ҳамда серсут отлар яратишда саноат типдаги чатиштиришни кенг куллаш мақсадга мувофиқдир.

Бошлангич («қон қўйиш») типдаги чатиштириш – зотнинг асосий хусусиятларини саклаб қолган ҳолда айрим камчиликларини тўзаўтиш мақсадида кулланилади.

Яхшиловчи сифатида танланган айғир биядаги мавжуд камчиликлардан холи бўлиши керак. Акс ҳолда зотнинг бир камчилигини тўзатиб, бошқа типдаги камчиликларни вужудга келтириш мумкин.

Қорабайир зотини отлари шароитга яхши мослашганлиги, пишиклиги жихатидан яхши баҳоланади. Лекин, классик ўйинларда ўйнаши учун болдир, бақай суягининг калталиги, бўйнининг узун эмаслиги, жағ оралиғининг унча катта эмаслиги, танага нисбаттан суякдорлиги ва энса суягининг калталиги тасир қилади.

Қорабайир зотининг шу камчиликларини йўқотиш унинг ҳозирги А.Навоий номли ҳарбий хужалигида соф қонли салт минилувчи зот айғири билан Қорабайир зотининг бияларини саноат асосида чатиштириб олинган дурагайлар яхши натижаларга эришмоқда.

Олинган баланд қарчиғайли дурагайлар спорт курсатгичлари билан соф қонли Қорабайирлардан анча устун туради ва мақсадга мувофиқ деб топилди.

Чоғиштира чатиштириш – кўпинча наслчилик йуналишига эга бўлган йилқичиликда гетерозис олиш ва шароитга яхши мослашган отлар етиштиришда ишлатилади.

Йилқичиликда танлаш ва жуфтлаш.

Наслчиликда муҳим қабул қилинадиган ишлардан бири танлаш ва жуфтлаштиришдир. Танлашнинг асосий вазифаси – хўжалик насли отларнинг фойдалини сифатини тухтовсиз яхшилашдан иборатдир. Отларни танлашдаги тадбирларга уларнинг виранжировкаси ва брак қилишлари ҳам киради.

Виранжировка – бу мазкур хўжаликнинг талабига жавоб бермайдиган отлардан наслдор отлар чиқаришдир. Бу хилдаги отлардан бошқа наслчилик хўжаликларида фойдаланиш мумкин. Агар отлар қарилиги ёки насл бериш қобилятини йукотган бўлса, улар наслдор отлар таркибидан чиқариб юборилади (брак қилинади). Наслчилик хўжаликларида наслдор айғирларни танлашга бўлган талаб бияларни танлашга бўлган талабдан устун туради. Танланган айғир ўзининг препотентлиги болаларига хусусиятларини яхши ўтказиши жихатдан синалган бўлиши айниқса, ёш айғирларни танлашда уларнинг экстеръери тўзилиши ва иш қобилятидан ташқари отасининг сифатига эътибор бериши керак. Соф зотли урчитишда танлашдан ташқари жуфтлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Жуфтлаш танлашнинг давоми бўлиб, танлашни мустаҳкамлайди. От зотларининг шаклланишида асосий омилкорлик ролини уйнайди. Айғир ва бияларни пухта урганиб тўғри жуфтлаш натижасида уларнинг авлодлари ичида қимматли хусусиятларни вужудга келтириш мумкин.

Жуфтлаш – наслчилик ишидаги энг муҳим тадбирлардан ҳисобланиб, бу олдиндан танланган отлар ичида жуфтлаш учун бир-бирига тўғри келадиган айғир ва биялар ажратиб олишдан иборат. Хиллашнинг асосий принципи «Яхшидан яхшига». Лекин завод типидagi йилқичилик амалиёти шуни курсатадики, хатто экстеръери ва генетик жихатдан бир-бирига тўғри келадиган энг яхши айғир ва биялар ҳам яхши насл бермайди. Айрим айғир ўзининг нихоятда яхши наслини эркак жинсига ўтказади. Бошқа айғирлар эса, аксинча ўзининг яхши хусусиятларини бияларига қолдиради.

Насл сифатини яхшилаш мақсадида жуфтланаётганда бия билан

айғирни яни айғир бияга нисбатан бир класс юқори бўлмоқ керак. Барча хўжаликлардаги сара (элита) ва I класс айғирларидан табиий қочиришда ёки сунъий урчитишда кенгроқ фойдаланиши тавсия қилинади.

Йилқичиликда гомоген ва гетероген жуфтлашлар фарқ қилинади. Гомоген жуфтланадиган ҳайвонлар махсулдорлигини, типиклигини, экстерьерини, конституцияси жиҳатидан бир-бирига яқин туради. Гетероген жуфтланадиган ҳайвонлар эса белгилари билан бир-биридан фарқ қиладилар. Гомоген жуфтлаш кўпинча от заводларида наслчилик фермаларида от зотларни такомиллаштириш ва янги зот яратишда қулланилади. У асосан линиялараро урчитишга асосланган.

Гетероген жуфтлаш бир авлод икки зотнинг хусусиятларини жамлашда бир зотни иккинчи зот билан яхшилашда кўпинча чатиштиришда қулланилади.

Булардан ташқари йилқичиликда яқка ҳолда гуруҳ асосида жуфтлаш ҳам мавжуд. Бунда бир айғирга бир гуруҳ бия беркитилади. Бу ҳилдаги жуфтлашишдан давлат от заводларига наслчилик фермаларида фойдаланилмоқда. Жуфтлашишнинг барча турлари қулланилган тақдирда ҳам қуйидаги умумий қоидаларга риоя қилиш керак.

Танлашда қандай мақсад кўзда тутилган бўлса жуфтлашишда ҳам шу мақсад кўзда тутилади; Наслдор айғир зотдорлиги типи ва сифати билан хўжаликнинг наслчидлик ишларини йўналишига жавоб бериши шарт. Ёш бияларга сифати жиҳатидан текширилган катта ёшли айғирлар катта ёшли бияларга ёш айғирлар беркитилади. Шунини айтиш керакки гомоген ва гетероген жуфтлашни бир хўжаликда алоҳида алоҳида узоқ вақт қўллаш мумкин эмас.

Узоқ вақт қўланилса отларни ҳаётчанлиги кучаяди серпуштлиги камаяди, конституцияси бўшашади, бундай вақтда хўжаликдаги наслдор айғирлар бошқа хўжалик шароитида тарбияланган лекин шу зотга мансуб бўлган наслдор айғирлар билан алмаштирилади.

Бунга наслчилик ишларида “Қон тозалаш усули” дейилади. Узоқ вақт гетероген жуфтлаш қўлланилганда авлодларнинг ҳаётчанлиги ошсада, уларнинг бир хил типлилиги бузилиши мумкин. Бунинг натижасида уларнинг экстрем жиҳатидан ҳар хил шаклланади танлаш ва жуфтлаш ишлари қийинлашади.

Жуфтлашда бия ва айғирнинг ёшига қаралади, яъни қари айғир билан қари бия жуфтланмайди. Дурагайлаш йилқичиликда қадимдан қулланиб келинган. Бия билан эшакни чатиштиришдан олинган дурагай ҳачир (мўт). Айғир билан ургочи эшакни чатиштиришдан олинган дурагай (от ҳачир). Зебра – ёввойи ҳолда Африкада тарқалиб кетган. Зебра – от билан чатиштирилиб наслсиз авлод бўлади, улар зеброидлар дейилади. Ҳачирлар эразмиздан 2 минг йил илгари қулланиб келинган. Ўзининг қучлилиги, озукка талабчан эмаслиги, кўп яшаши билан фарқ қилади. Иссиққа чидамли тоғларда фойдаланиш учун қулланилади. Ҳозир ҳам Мексика, Бразилия, АҚШ, Алжир, Италия, Грецияда кўпдир.

Наслдор отларни бонитировка қилиш.

Отларни наслдорлик кийматига курсатгичлари комплексига асосан баҳолаш, қайси классга мансублигини аниқлаш уларни бонитировка қилиш дейилади. Наслдорлигини баҳолаш – инструкция ва наслчилик китобида келтирилган маълумотларга асосланиб, элита, I класс, II классларни аниқлашдан иборат. МДХ да тасдиқланган инструкцияга бонитировка сентябр-октябр ойларида ўтказилади. Бунда отнинг келиб чиқиши билан типиклиги, тана улчамлари, экстеръери, иш қобилияти ва болаларининг сифатига қараб 10 баллли система асосида баҳоланади.

Биринчи бонитировка 1,5-3,5 ёшда (келиб чиқиши, тана улчамлари ва экстеръерига қараб), иккинчи бонитировка келиб чиқиши, тана улчамлари, иш қобилиятига қараб 3,5-7,5 оралигида ва учинчи бонитировка 7,5 ёшдан ўтқандан кейин ўтказилиб, бунга болаларининг сифат курсатгичлари ҳам курсатилади.

Бундан ташқари ҳар йили 6-8 ойлик қулунларни экстеръери ва ривожланиши бўйича бонитировка қилиш мақсадга мувофиқдир. Хамма хўжаликдаги наслдор отлар ва уларнинг дурагайлари бонитировка қилинади. Бонитировкани ўтказишда малакали мўтахассис ходимлари таклиф қилинади.

Бонитировкачи – зотехник ҳар бир бонитировка қилинган от учун шахсий бланкалар тулдиради, хўжалик учун бонитировка яқунлари ведимостини тўзади.

Наслдор отлар бонитировка яқуни бўйича қуйидаги элита биринчи ва иккинчи классларга бўлинади.

Зотларнинг келиб чиқиши ва типиклиги уларни табиий ҳолда кўриб чиқиш зотдорлик ҳужжатлари асосида аниқланади.

Отларнинг зотдорлиги ва дурагайларнинг келиб чиқиши ҳақида ҳужжатлар бўлмаса, экстеръерига, типиклигига, иш қобилиятига, тамгаларига қараб ва шу отнинг келиб чиқишини биладиган қишиларнинг маълумотларига асосланиб аниқланади.

Зотда ифодааланган маъқул типни баҳолашда бонитировкачи-зоотехник ҳар бир зотнинг хусусиятини ва шу зотга бўлган талабни ҳисобга олиши керак.

Туртинчи бўғинга ёки тоза зотга ўтказиш учун дурагайлар ажратиб олинади. 1 – жадвал.

Наслдор отлар класслари (баллар бўйича)

1 – жадвал.

Курсатгичлар	Элита		I класс		II класс	
	айғирлар	биялар	айғирлар	биялар	айғирлар	Биялар
Келиб чиқиши ва типиклиги	8	7	6	5	4	3
Тана улчамлари	8	7	6	5	4	3
Экстеръер тана қисмлари	8	7	6	5	4	3
Иш қобилияти	6	4	5	3	2	-

Боларининг сифати	8	7	6	5	4	3
-------------------	---	---	---	---	---	---

2 – жадвал

Бу классларга кирмаган отлар наслдор отлар қаторига киритилмайди.

Ифодаланган маъкул типига кура зотларнинг бахоси.

Зотдорлиги	Ифодаланган маъкул тип		
	Аъло	Яхши	Урта
Соф зотли 4-бугин дурагайи қони 15-16			
Дурагайлар:	8	7	6
3-бугин қони 7 \8	7	6	6
2 бугин қони 3\4	6	5	4
1-бугин қони 1\2	4	3	2

3 – жадвал

Қорабайир от зотлари (улчамлари см).

Айғирлар			Биялар			Балл
Қарчиғайи баландлиги	Кўкрак, қирқувчи айланаси	Кафт айланаси	Қарчиғайи баландлиги	Кўкрак, қирқувчи айланаси	Кафт айланаси	
158	179	20,5	156	180	20	9
156	177	20	154	178	19,5	8
154	176	19,5	152	177	19	7
152	174	19	150	176	19	6
151	173	19	149	175	19	5
150	172	19	148	174	18,5	3-4

Дурагайлар от тана улчамлари ва иш қобилияти бўйича элита ва биринчи класс талабига жавоб бериш керак. Бу ишни вилоят агросаноат комитети томонидан тасдиқланган комиссия ўтказади.

Иккинчи зотни ўзаро чапиштириш туфайли олинган биринчи бугин дурагайлар яхшиловчи зот шкаласи бўйича бонитировка қилинади.

Агар соф қонли, соф зотли отлар ва уларнинг дурагайларини 3-4 авлодлари аъло ва яхши натижага эришса отаси ёки онаси элита бўлса, келиб чиқиши бўйича ота-онасига I баллдан қушилади.

Улчамлари бўйича баҳолаш ҳар бир зот учун белгиланган шкалалар бўйича ўтказиладиган ва ёши бўйича қушимчалар киритилади.

Агар гавданинг қия ўзунлиги қарчиғай баландлигига нисбатан 3 см ва ундан ҳам камроқ бўлса баҳолашда I балл қамайтирилади.

Турт ёш ва ундан катта отлар учун қарчиғай баландлигига нисбатан 1 см кам бўлиши ҳисобга олинмайди.

Агар ҳисобдаги тана улчамларидан бирортаси белгиланган энг кичик

белгисидан ошикча бўлса, қолганлари учун куйидаги тартибда қушимча балл берилади: кўкрак айланаси 5 см ошгани учун 1 балл, 10 см га 2 балл, кафт айланаси 1 смдан ошса 1 балл.

Ташқи тўзилиши ва конституциясини баҳолаш: кадди комати бўйича уч гуруҳга ажратилади: I – бош, бўйин, танаси; II-оёқлар, III конституция, жусса, мускуллар, пайлари, мижоз. Ташқи тўзилиши гавдаларни таърифлаш билан бажарилади. Ташқи тўзилиши «яхши», «қоникарли», «ёмон» системаси бўйича баҳоланади. «Яхши» баҳо олган ташқи тўзилишига 2 балл, «қоникарли» га I балл ва «ёмон» баҳо олганига 0 балл берилади. Бу баҳолар жами белгилар гуруҳси учун балл ҳисобланади.

Агар отларда куйидаги нуқсонлар жабка, шпат, козинец, рарер бонитировка қилиш даврида учраса фақат II классга ўтказиш мумкин. Ёуртоқи отлар.

4 – жадвал

Орлов йуртоқиси..

Балл	1600 м орасидаги энг яхши чаққонлиги бўйича			
	2,5 ёш	3 ёш	4 ёш	Катта ёшдаги
3	2,49	2,37	2,29	2,24
4	2,45	2,32	2,24	2,19
5	2,40	2,27	2,19	2,15
6	2,37	2,22	2,15	2,12
7	2,33	2,17	2,10	2,08

5 – жадвал.

Оғир юк тортувчи от зотлари

Ўуртиб 2 км га (мин/с)	Кадамлаб 2 км га (мин/с)	3 ва ундан ортиқ ёшли отларни метр ҳисобида тор-ўтишга бардо-шлиги	Балл ҳисобида
5,20 ва юқори	15,30 ва юқори	450 ва юқори	10
5,30	16,00	400	9
5,45	16,30	350	8
6,05	17,00	300	7
6,30	17,30	250	6
7,00	18,00	200	5
7,30	18,30	150	4
8,00	19,00	100	3
8,30	19,30	50	2

Иш қобилиятини баҳолаш. Отларни иш қобилиятини баҳолаш асосан ҳужжатлар орқали отчопарда ва спорт мусобақаларида ўтказилган соновлар яқунлари орқали аниқланади. Масалан, ёуртоқи зотларга чопқирлик

бўйича балл шкаласи белгиланади.

Оғир юк тортувчи отлар маълум масофагача йуртиб, одимлаб юк тортиши билан бахоланади.

Отларнинг иш қобилияти бўйича умумий балл 2 ёшдаги отлар учун 2 хил синов бўйича энг кам баллар курсатгичи билан 3 ва ундан катта ёшдаги отлар учун эса учта синов турининг энг кам курсатгичи билан белгиланади.

Насл сифати бўйича баҳолаш. Отлар меъёрл шароитда устирилган болаларига кура бахоланади.

Наслчилик хўжаликларнинг айғир ва наслдор биялари қуйидагича балл оладилар: асосан элита ва I классга мансуб, қулуни 7-10 балл, асосан I класс ва қисман II класс отга мансуб, қулуни 5-6 балл, асосан II класс отга мансуб, қулуни 3-4 балл.

Наслли отларни авлодларини сифатига қараб баҳолаш. Наслли отларнинг ва бияларнинг махсулдорлик бўйича юқори курсатгичларини авлоддан-авлодга ўтказиш қобилиятини ўз вақтида аниқлаш уларнинг зотини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Наслли ва айғирларни авлодларини сифатига қараб баҳолаш учун ҳар хил методика ва усуллар қулланилади. Бу усуллар қанчалик кўп бўлса ҳам асл мақсад битта наслли отлар генетик сифатларини авлоддан-авлодга ўтказилиши ва бу сифатларидан зотларни яхшилаш учун оқилона фойдаланишдир.

Салт минилувчи ва йуртоқи отларни баҳолаш уларнинг авлодларининг иш қобилиятига (тезлиги, мусобакаларда олган юқори уринлари ва совринлар сони) қараб бахоланади. Қайси зотдан бўлишидан қатъий назар наслли отлар наслли бияларга нисбатан жуда кўп авлод қолдиради. Шунинг учун қайси наслли отнинг авлодлари биринчи бўлиб ўзининг яхши хислатларини биринчи бўлиб намоён қилса, уша наслли от уша зотни такомиллаштириш учун муҳим аҳамиятга эга.

МДХ да наслли отларни авлодларини сифатига қараб баҳолаш учун энг муҳим курсатгичлардан бири бу авлодларини ишчанлик индекси (тезлиги, совринли уринларни олиш). Бу курсатгични ҳисоблаш учун битта ойининг авлодининг уртача ютуғини 2.10. ва ундан тез сифатли (класс) авлодларнинг пайдо бўлиши сонига кўпайтириш керак. 20 ва ундан юқори индексга эга бўлган отлар яхши 10,0 ва 1999 индексга эга наслли отлар уртача 10 ва ундан кам индексли наслли отлар қоникарсиз ҳисобланади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Йилқичиликни ривожлантириш от заводларидаги наслчилик оммавий ишларнинг мақсади ва вазифалари.
2. Соф қонли урчитиш.
3. Инбридинг деганда нимани тушунасиш.
4. Линия тўғрисида тушунча беринг .
5. Чатиштириш деб нимага айтилади.
6. Наслдор отларни бонитировка қилиш деб нимага айтилади.
7. Йилқичиликда чатиштириш деганда нимани тушунасиш.

ОТЛАРНИ МАШҚ ҚИЛДИРИШ ВА СИНАШ

Р Е Ж А

1. Машқ қилдириш ва синашнинг аҳамияти.
2. Завод типигаги ҳар хил от зотларини отчопарда машқ қилдириб синашнинг вазифаси ва турлари.
3. Тойларни минишга ўргатиш.
4. Ёуртоқи отларнинг отчопарда машқ қилдириш ва синаш.
5. Салт минувчи отларни машқ қилдириш ва синаш.
6. Оғир юк тортувчи отларни машқ қилдириш ва синаш.

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати.

1. Свечин. К.Б, Бобылев И.Ф., Гопка. Б.М Коневодства Москва Колос. 1992 г.
7. Туракулов З.Т., А.З., Мухтаров А.З., Холмирзаев Д. Ёилкичилик Т.Мехнат 1985 й.
4. Холмирзаев. Д Ёилкичиликдан амалий машгулотлар Т.Мехнат 1988 й.
4. Кугенов П.В. Верблюдоводство.М.1982.

Қўшимча адабиётлар

5. Бегунова А.В. Звонком топоте копыт М.1989
6. Бабылов Ф. Конный игры. М. Колос. 1989 г.
- 7.Фаннинг дискетага ёзилган маърузалар матни
8. Сайтлар
[www.zio net.](http://www.zio.net)
[http://vvvvvv// uralri.ru.](http://vvvvvv// uralri.ru)

Отларни машқ қилдириш ва синаш тартиби бўйича тушунча.

Отларни машқ қилдириш ва синаб кўриш инсон тафак-курининг ва меҳнатининг маҳсули сифатида қадим замонларда пайдо бўлган бўлиб, 3 системага яъни тартибга бўлинади: шарқона, қадимий ва XVIII асрда Англияда соф қонли миниладиган отлар зотини яратилиши билан боғлиқ бўлиб – антиқа тартибдир.

Машқ қилдиришнинг шарқона тартиби. Ўзида отга бўлган муносабат ва уни турли хил мусобақаларга тайёрлашдаги халқ доншмандлигининг кўпгина қийматли томонларини олган. Бироқ бу тартибда эскириб қолган усуллар кўпроқдир.

Қадимий тартиби ўзида кўпроқ ҳарбий отларни машқ қилдириш усулларини қамраб олган. Ҳозирги даврдаги антиқа тартиб юқоридаги икки

тартибга асосланган бўлиб, асрлар Оша такомиллашиб борган бўлиб, отларни ҳозирги тезкор зоотехния томонидан синашларга тайёрлашга қаратилган. Бу усул отларни иложи борица ишчанлигини аниқлаш ва уларни устиришдаги лаборатория сифатида махсус тайёрланган от чопарларда ўтказилади, отчопарни ўз ишчилари пойгачи отлар учун турлича узунликдаги (1600 дан 3000 метргача) параллелопипед шаклидаги белгилари бўлган йўлакчалари бўлади. Йўлакчаларни тупроғи юмшоқ, отлар ҳаракат қилиши учун егил бўлиши керак. Баъзи жойларда отлар чопиши енгил бўлиши учун ўтлар билан қопланган яшил йўлакчалар тайёрланади. Бироқ бундай йўлакчалар нам иқлимни ва ҳар ҳафтада тикловчи ишлари талаб этади. Ҳар бир доиранинг йўлакчалари метрлар ҳисобида аниқ ўлчаниб устундан белгилар қўйилади. Бу йўлакчаларда машқлар ва отларни текис, тўсиқлар оша пойчаларда ва СТИПЛ-ЧЕЗ усулида (3-7 км келадиган айланма тўсиқлардан ўтиш) синаб кўрилади.

Ундан биров нарроқда отлар қураси жойлашади ва уни ёнида эса отларни эркин сайр қилиб юриши учун майсазор майдон бўлади (майсазор майдонда ўтла қуруган бўлади ва отлар у отлар билан озиқланади, бундай майдон отхона ёнида ёки ундан узоқроқ жойда бўлиши мумкин).

Отларни синаш ҳамкорлик мамлакатларида соат миллари йўналишига қарши олиб борилади ва бу усул «ҳақиқий» томони деб ҳисобланади, чет элларда эса икки томонида, яъни «терс томон» деб ҳисобланиб соат юриши бўйича олиб борилади.

Томоша қиладиган қисми марра тўғрисида, ҳакамлар жойи эса маррага қарши томонда жойлашади. Энг яхши отчопарлар бутун доира бўлиб фотомарра ва телекузатишлар билан жиҳозланган бўлиши керак.

Старт бериш старт берувчи назоратчи – старт берувчи ёрда-мида ва старт тури ёки старт берувчи машина билан олиб борилади.

Наслдор тойчалар 2 ёшидан 6 ёшгача синаб кўрилади. Чопиш масофаси отларни ёшига боғлиқ равишда 1000 метрдан 4000 метр оралиғида бўлади.

Узоқроқ масофаларга ва стиль-чез усулида югуришлар равон кўчаларда ўтказилади. Чавандоз эгар билан оғирлиги от жинси ва ёшига боғлиқ равишда 53 дан 64 кг гача меъёрланади.

Спорт мусобақалари йирик отлар иштирокида махсус майдонлар- отлар машқ қиладиган майдонларда ўтказилади.

Мусобақадаги ва синаб кўришдаги натижалар наслчилик ишларида юқори баҳоланади. Мусобақадан синаб кўришдан аввал ёш отлар ўзига ҳос тайёргарлик машқларини ўтадилар.

Ҳозирда отларни машқ қилдиришда қўлланиладиган тартибда катор қарама-қаршилиқлар мавжуд бўлиб, илм-фан ва техника ривожланган шароитда ислоҳ талаб бўлиш турибди. Мавжуд тартиб қачонлардир қабўл қилинган иш усуллари, озиқлан-тиришни ва боқишни расмий ҳолатга амал қилишни талаб қиладиган ҳозирги замон биологик йўлидан ривожланишга имкон бермайди.

Кўпдан-кўп тренерларнинг амалий ишларида у нотабиий шаклга айланиб кетади ва шунинг учун ҳам от спортини мақтай-диганлар ўртасида

спорт йўналишидаги отларга машқ қилдириш ва синаб кўришлар зарарлидир деган фикрлар юришига сабаб бўлади.

Бирок, наслчилик машқлар ва синаб кўришлар энг яхши от зотларини ва спортчи отларни берганлигини унутмаслик керак.

Амалиётдаги отларни машқ қилдиришни камчиликларидан бири уларни назария билан алоқаси бўлмай. Ишларни бир ҳилда олиб боришда, бир томонлама озиклантиришда ва отларни кўпинча отхоналарда кўпроқ ушлаб туришдадир.

Бундай қилишлар табиатдан юқори сифатли кўпгина отлар бир томонлама парваришларни ва боқишни кўтара олмайдиларда машқлардан ўртача от сингари, баъзида майиб ҳолда чиқиб кетдилар.

Озиқавий рационларда хаддан ташқари дон озикларни кўпроқ бўлиши, бир томонлама озиклантириш хазм қилиш аъзоларини ишини қийинлаштиради, модда алмашинуви бузилади ва турлича қилиқларни келтириб чиқаради ва оқибатда ёш отларни юқори даражада ишчан ва яхши ривожланган бўлишига эришиш қийин бўлади.

Ёш отларни қатъий равишда отхоналарда парваришлашда улар табиий мавжудлигидаги икки асосий омилдир: ўз тўдасидан ва сайр қилиши, тоза ҳаво олишдан ажралиб қоладилар.

Ишлар яхши йўлга қўйилганда бир кеча-кундузда отлар бир соат давомида машқ қилдириладилар ва кечқурун шунча вақт давомида чавандоз миниб юрадиган 22 соат отхона оғилида туради. Бундай ҳолда боғловчи пайларини чиниқиши, мускулларни бакувватлашуви, қон алмашинуви пасаяди ва отларни ташқи муҳит тоза ҳавосидан, куёш нуридан махрум этади ва умумий мода алмашинуви сусаяди.

Отларни ўз тўдасидан ва табиий таъсир этувчи ташқи муҳитдан ажратиб қўйилганда улар хужумкор бўлиб қоладилар, тўғрироғи тушуниш қобулиятини йўқотадилар, феъли бузилади, табиий ҳолати ўзгаради ва меъёрдан ортиқроқ таъсирчан ва қўрқадиган бўлиб қоладилар.

Бирданига отларни синашда ҳозирда мавжуд бўлган старт беришни ҳам таҳлил қилиш керак деб ҳисоблаш керак.

Старт – отларни синашдаги муҳим омил ҳисобланиб, бирданига ҳаракатни бошланишидир. Бирок секин ҳаракатдан сўнг тўсатдан тез ҳаракатни бошланиши от асабига салбий таъсир этади.

Физиологик нуқтаи назардан қараганда старт берувчи ва назоратчи стартчи иштирокида очик старт бериш бирмунча кулласа бўладиган усулдир. Бундай ҳолда от аста-секин тезликни ошириб керакли вақтда тайёргарликка улгуради.

Лекин бундай старт беришни қўллаш чавандозларда камдан-кам бўладиган интизомни ва старт берувчиларни бегаразлигини талаб этади. Бундай ҳолатлардаги рухсатдан олдинроқ старт олишдир (фальстарт) отларни янада асабийлаштиради. У шошиб юрадиган чавандозларни старт чизиғидаги устун томон юришдан етарлича оғохлантира олмайди ва турдан маълум масофада турган интизомли чавандозларга эса старт олиш учун қоидадагидек шароит яратади.

Старт берувчи машина чавандозларни мажбуран интизомли қилади ва стартни қоидадагидек бўлишига ёрдам беради. Бирок от юрувчи майдонда хоналарни бирданига очилиши ва тўсатдан жойидан чопиш отларни олий асаб марказларида хаяжонланишга олиб келади. Шунинг учун ҳам старт берувчи машина отларга зарарлидир.

Барча тирик ҳатто қариндошроқ бўлганларни ҳам танаси кўпгина белгилари билан фарқ қилади. Бундай жараён отларга ҳам тегишлидир. Шунинг учун ҳам ҳар бир отга ҳар томонлама алоҳида-алоҳида ёндашиш йўлларини изланиш биологик томондан асосланган, отларни парваришlash, машқ қилдириш ва синашда самарали ўзгаришлар кераклигини талаб этмоқда. Бундай ижобий муҳим иш, ижобий ҳал этилганда санъатга айланади.

Йўртоқи отларни машқ қилдириш

Йўртоқи зот тойлар ҳали хўжалик шароитидаёқ маълум белгиларинган машқни ўтиши керак. Аввалол кулунларни одамлар бўлган ишончли рефлексларни ҳосил қилиш керак. Кулунларни эмиб юрган давридаёқ эркалаб чакириб, кулдан қанд, нон, сабзи ва шунга ўхшаш нарсаларни бериб, ўргатиб борилади. уларга бакириб ёки хивчин билан уриб муамала қилмаслик керак.

Кулунларни киши ўзига тамоман ўрганганлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг, аста – секин унинг бошига нухта кийгизилади. Сўнгга вақт ўтиши билан нухтага ўзун тасма боғланиб, тойни бир ерда қимирламай туришга ўргатилади. Ундан кейин уни кашлагич билан тозалашга, оёқларини кутаришга, туёқ остларини тозалашга ва бошқаларга ўргатилади.

Кулунлар онасидан ажратилгандан сўнг кўпроқ тоза хавода махсус ажратилган тўсикли майдончада эркин ҳаракат қилиб юриши керак. Уларни юришга ва аравада доимий машқга ўргатишдан олдин гуруҳ – гуруҳ қилиб, одимлаб, йўртиб ва тўрт оёқлаб юриш ва чопишга ўргатилади. Гуруҳ – гуруҳ қилиб машқ қилдириш от чопарда ёки очик майдонда олиб борилади.

Онасидан ажратилган кулунлар отхона ёки яйловда асралишидан қатъий назар, жуда лойли ва об – хавонинг ёмон кунларидан ташқари ҳар куни гуруҳ – гуруҳ қилиб машқ қилдирилиши керак. Бунинг учун бир йилқибокар отланиб гуруҳнинг олдида ва икки йилқибокар от миниб гуруҳ орқасида ва ёнбошидан кувиб бориши керак. Гуруҳ аввад 2 – 3 км тез одимлаб, сўнгга 2 – 4 км йўртиб ва охирида 2 – 3 км одимлаб машқ қилдирилиши керак.

Ёш отларни ўсиш ва ривожланишига уларнинг оёқ пайлари мускулларини, юрак ва нафас олиш системасини ривожланишига қараб машқ қилдириш даражаси ва унинг тезлиги ошириб борилади. уларни юрганда алоҳида – алоҳида машқ қилдириш даражасига етганда, яъни бир ёшга тўлганда гуруҳ қилиб машқ қилдириш масофаси 10 км.га бориши мумкин.

Оғир юк тортувчи отларни машқ қилдириш ва синаш.

Оғир юк тортувчи отларни машқ қилдириш баъзи бир томонлар билан бошқа зотдаги отларни машқ қилдиришдан ажралиб туради. Масалан, бу зотдаги отларни машқ қилдиришда эътибор асосан уларнинг иш қобилятини оширишга қаратилгандир.

Оғир юк тортувчи зотларини систематик машқ қилдириш илк бор 1926 йилда бошланди ва 1930 йилда Россия йилкичилик илмий – тадқиқот

институту томонидан систематик машқ қилдиришнинг муайян схемаси ишлаб чиқилди. Бу схемада оғир юк тортувчи отларнинг иш қобилиятини ошириш, пишиқлигини, одимлаб ва йўртиб юк тортишини ривожлантириш кераклиги аниқ қурсатилган эди. Хозир от заводларида оғир юк тортувчи отлар манна шу инструкция бўйича машқ қилдирилмоқда.

Кулунлар онасидан ажратилгач, биринчи йилги гуруҳларга бўлиниб, эркаги ва урғочилари билан бир муддатда иккинчи йили алохида – алохида машқ қилдирилади. Оғир юк тортувчи отларнинг текис йулларда чаналар, турли типдаги араваларга қўшиб машқ қилдириш керак.

Машқ қилдиришнинг дастлабки 5 ойи мобайнида оғир юк тортувчи отларнинг 20 – 30 кг тортиш кучида одимлатиб ва секин йўрттирилади ой сайин оғирлик ва масофа кўпайтирилиб борилади. Отчопарларнинг машқ планида 2 ёшли отларни машқлар нихоясига етай деб қолганда икки кун 8км масофага кучли машқ қилдириш белгиланган. Машқ охирида тортиш кучи енгил отлар учун 170 кг га оғир отлар учун 230 кг га етказилиши лозим. 2,5 ёшли отлар машқ қилдириб бўлгандан кейин уларда иш қобилияти комплекс ривожланиши керак. Бу ўтказиладиган махсус синовларда текшириб қилади.

Оғир юк тортувчи насилдор отларнинг синашнинг қуйдаги усулари мавжуд: бу синаш маълум тортиш кучида отларнинг одимлаш ва йўртиш қобилиятини, 200м масофани 200 - 300кг тортиш кучида босиб ўтиш қобилиятини ва максимал тортиш кучининг ривожланиш даражасини аниқлаш ёрдам беради.

Россия йилқичилик илмий - текшириш институту томонидан дойими машқ билдиришнинг схемаси ишланди. Бу схемада асосан оғир юк тортувчи отлар кучлилиги, пишиқлиги, одимлар ва йўртиш, юк тортиши, юриш аниқлиги ва ишни бажариш тезлиги бўйича машқ қилдириши керак. Хозир от заво̀тларида шу инструкция бўйича оғир юк тортувчи отлар машқ қилдирилади.

Кулунлар онасидан ажратилгандан сўнг гуруҳпа қилиб машқ қилдирилади. Бир ёшга тулганга қадар айғирча ва биячаларни бир йилкмада машқ қилдирилади. Сўнгра уларнинг айғирчаларини ва биячаларини бири-биридан ажратиб, алохида йилқи ташкил қилинади.

Онасидан ажратилган ёш тойларни гуруҳпа – гуруҳпа қилиб очик майдондан махсус белгиланган маршрут бўйича йилқибокар бошчилигида машқ қилдирилади. Кўз даврига келиб 1,5 ёшли тойларни минишга ўргатилади. Сўнгра уларни систематик машқ қилдирилади бошланади. Хафтанинг 6 кунда тойлар турли нагрўзкада машқ қилдирилади, бир кун махсус майдончада дам берилади ва одимлатиб енгил машқ қилдирилади. Оғир юк тортувчи отларни чаналар, турли араваларга қўшиб машқ қилдирилади. Бунда машқ қилидрилдиган йул албатта текис бўлиши керак.

Дастлаб 5 ой мобайнида оғир юк тортувчи отларни ўзгармас иш нормасида 20 – 30 кг тортиб одимлатиб ва секин йўрттириб машқ қилдирилади. Ой сари кунлик машқ қилдириш масофани ўзайтириб борилади ва уни 10 – 11 км га етказилади. 2 ёшли отларни машқ охирида икки кун давомида 8 км масофага кучли машқ қилдирилади. Бунда охирги 100 метр

масофани босишда хафта сари тортиш кучини ошириб бориб, машқнинг охирида енгил отлар учун 170 кг ва оғир отлар учун 230 кг га етказилади. 2,5 ёшли отлар машқ системасини шундай тамомлаши керакки, бунда уларда комплекс иш қобилияти жуда яхши ривожланган бўлиши керак. Шундан сўнг уларни махсус синашда текширилади.

1 – жадвал

Оғир юк тортувчи от зотлари

Йўртиб 2 км га (мин. сек)	Қадамлаб 2 кмга (мин.сек)	3 ва ундан ортик ёшли отларни метр хисобига тортишга бар- дошлиги	Балл хисобида
5, 20 ва юқори	15, 30 ва юқори	450 ва юқори	10
5, 30	16,00	400	9
5, 45	16, 30	350	8
6, 05	17, 00	300	7
7, 00	18, 00	200	5
7, 30	18, 30	150	4
8, 00	19, 00	100	3
8, 30	19, 30	50	2

Оғир юк тортувчи наслдор отларни синаш турлари

Оғир юк тортувчи отларни 4 та хар хил тури бўйича синаш

Кадамлаб тезликда юк тортиши

1. Йўртиб тезликда юк тортиши
2. Юк тортишдаги чидамлилиги
3. Энг юқори тортиш кучи билан

Синаш шароитлари ва унинг турлари зотнинг танасининг катталигига қараб белгиланади. Тезлик бўйича синалганда масалан 10 балл хисобида амалга оширилади. 2 км масофани 5 минутда 20 секундда йўртиб босиб ўтса 10 балл, кадамлаб 15м 30 секундда босиб ўтса 10 балл берилади.

Агар шу масофани 6 минут 30 секундда кадамлаб 17 минут 30 секундда босиб ўтса 6 бал берилади. Балл хисобида баҳолаш 1 жадвалда берилган.

Шуни айтиш керакки, наслдор отлар оғир юк тортувчи отлар бўйича наслчилик ишларини ташкил этишда уларни систематик машқ килдиришга ва синашга кам эътибор бериб келинмоқда. Зотан, келгусида наслчилик ишлари даражасини яхшилашда ва синаш натижаларига қараб баҳолаш катта аҳамиятга эга. Наслдор оғир юк тортувчи отларнинг максимал тортиб кучини синаш А.В. Волков асбобидан фойдаланилади.

Тортиш кучи динамометр (куч улчагич) билан аниқланади. Динамометр пружина тарогига ухшаш бўлиб, унга ўзи ёзар асбоб ўрнатилган. Бу асбоб от юрганда (иш бажарганда) йулнинг айрим участкаларидаги тортиш кучини

ёзиб боради. Отнинг тортиш кучини аравага қўшилган пайтда улчашга эҳтиёж туғилса, у пайтда динометр от тортадиган валик билан арава ўртасига ўрнатилиши лозим. Динометр аниқ ўлчаш талаб қилинган илмий ишлардагина қўлланилади. Масалан, яхши машқ қилиб синалган совет оғир юк тортиш форс лакабли от 22991 кг ни маълум масофага энг юқори тотиш кучи билан тортган.

Салт миниладиган отларни машқ қилдириш ва синаш.

Отчопарда салт отларни машқ қилдиришнинг негизида маълум масофаларга, белгиланган вақт давомида кадамлаш, йўртиш, маълум вақтда маълум масофага чопиш каби ҳаракат машқларини бажаради.

Икки яшар отларнинг машқлари ундан катта ёшлардаги отларникига караганда анча жадал бажарилади.

Бу машқларни ўтказишдан мақсад отларни тобора мураккаблашиб борадиган синашга ва анча юқори даражада ишчанлик кўрсатишларига тайёрлашдан иборатдир. Бунинг учун машқ ўтказишнинг мавжуд усулларини такомиллаштирилиш ҳамда салт миниладиган отларни синашга анча мувоффақиятли тайёрлаш имконини берадиганянги машқ қоидалари ишлаб чиқилиши керак.

Отлар отчопарга келтирилган дастлабки кунларда фақат кадамлатиб юргизилади. Кейинчалик улар отчопар шароитига қуниқшганидан сўнг турли усулда лукиллашиб чоптиришлар, турли масофага пойга масофага ургатилади. Лукиллашиб чоптириш одатда бир ҳафтада бир марта амалга оширилади.

Номли ва анъанавий совринлар ҳар йили белгиланган муддатларда уйналади. Мусобакаларга чопиш тезлиги юқори бўлган отлар қуйилади.

Узун тизгин ёрдамида боғлаб,отларни машқ қилдириш.

От спорти амалиётлари шуни кўрсатадики отларни узун тизгинда ушлаган ҳолда айлантриб машқ қилдириш уларни жисмоний жиҳатдан яхши тайёрлашга ва махсус мураккаб машқларни бажаришлари учун керакли бўлган дастлабки тайёргарликдан ўтишлари учун энг самарали усуллардан бири ҳисобланади.

Отлар узун тизгинда ушлаб турган ҳолда айлантриб машқ қилдириш яъни айлана бўйлаб ҳаракатлантририш улардан инсонга нисбаттан ишонч ҳиссини оширади, унинг овозига ўрганиши билан бир вақтда унга тушуна бошлайди ва берилган барча буйруқларини дарҳол бажаради, ҳар хил ҳаракатларни текис ва бир маромда бажаришни ўрганади.

Бу усул айниқса ҳар хил сабабларга кўра (қарчиғай урилиши) миниш мумкун бўлмаган отларни машқ қилдиришда жуда қўл келади. Бундан ташқари отларни пойга олдиндан агар улар жуда сер ҳаракат бўлиб уларни бир жойда тўхтатиб туриш ва бошқариш қийин бўлган пайтларда уларни тинчлаштиришда, уларни ва ўзларини эркин тутишга ўргатишга машқ қилдирилади. Уларда тўсиқлардан сакраш олдиндан кузатиладиган хаяжонланиш ва асабларнинг тажангланиш ҳолатидан чиқариш ва ўзларини эркин тутишга ўргатишда, ёш отларда кузатиладиган ортиқча кучни сарф қилдиришда, ҳамда катта ёшдаги отларда уларни боқувдан чиқарган пайтда

эгарлаб минишдан олдин улардаги ортикча энергияни сарфлашда жуда қўл келади.

Отларни айлана бўйлаб машқ қилдириш фақат, юқори малакали чавандозларга топширилади. Машқ қилдириш махсус машқ қилдирувчи рахбарлар ости маълум индивидуал (алохида) режа асосида амалга оширилади аввал оддий усулдан бошланиб аста секин мураккаблаштирилиб борилади бу тажриба асосан ёш отлар учун қўлланилади жуда хуркак ва тез отларни машқ қилдиришда жуда хушёрлик ва хуш муомилаликни талаб қилади.

Отларнинг айлана бўйлаб машқ қилдириш хар бир отнинг индивидуал ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Жуда хуркак ва тез отларни машқ қилдириш жуда хушёрлик ва изчилликни иложи борица хушмуомулакни талаб қилади.

Аксинча жуда ювош ва секин ҳаракат қиладиган отларни машқ қилдирганда эса жуда баланд овозда агар бу ҳам фойда бермаса янада жиддийроқ усулларни қўллаш йўли билан уни олдинга тезроқ ҳаракат қилишга мажбурлаш лозим. Агар унинг ҳаракатлари машқ мабойнида яна секинлашса унга махсус қамчи билан тезроқ ҳаракат қилишига мажбурлаш керак. Тезлигини оширса уни ортикча мажбурлашнинг ҳожати йўқ.

Буларнинг ҳаммаси қисқа вақт ичида рўй бериши керак.

Отни ўйнатиш учун пишиқ арқонли ип узунлиги 5 м қалинлиги 5-6 см бўлган бир учига чарм қайшга ўрнатилга темир тўға зангламайдиган металдан бу тўға отнинг нўхтасига беркитилиб боғланади. Иккинчи учи эса қўлда ушлаш учун мослаштирилган.

Узун қамчи, дарра, отларни миёрида бажаришда ҳаракат тезлигини оширишда фойдаланилади. Узун қамчи одатда дастали ва узун тасма қайишдан ёки ёғочдан ясалган бўлади. Узунли 1.4-1.5 м гача, бази бир шахсий қамчиларни узунлиги 2.5 м гача бўлади. Бу қамчилар отни машқ қилдиришда жокей (от ўргатувчи) чавандозлар кенг фойдаланилади.

Отларни оёғига кийдириладиган мослама отларни туёқларини оёқларини тўсиқлардан сакраганда шкастланишдан сақлайди.

Ўта оғир тўсиқли жойларда олдинги оёғига тўлалигича пластик пралон кийдирилади. Шунингдек махсус бинтларга пахтани ўрама қўшиб, оёғига боғланади.

Бу мосламаларнинг тўғри ўрнатилганлиги яна бир карра кўздан кечирилиши керак.

Отларни машқ қилдиришни белгилашда асосан икки киши чавандоз ва унинг ёрдамчиси бўлиши керак. Ёрдамчи отни айлана бўйлаб керакли йўналишда етаклайди. Чавандоз эса арқоннинг учидан ушлаган ҳолда майдон марказид туради.

Арқонни қўлга ўраш, боғлаб олиш қатъий ман қилинади. Машқ қилдиришга чавандознинг ҳолати, майдончанинг қопламаси (қум, тўпроқ) ва бошқа омиллар муҳим аҳамиятга эга.

Чавандоз отни машқ қилдиришнинг дастлабки дақиқаларида майдон ўртасида кичик радиус бўйлаб отни бошини ва ҳаракатини назорат қилиб

боради. Отнинг ҳаракатининг тезлашиши билан ёрдамчи айлана бўйлаб ўз ҳаракатини давом эттирган ҳолда аста – секин отни қўйиб юборади. Ёрдамчи отни қўйиб юборгандан кейин отга ўгрилмаган ҳолда айлана бўйлаб ҳаракат қилиб отдан секин узоқлашади ва четга чиқади.

Агар от керакли жадалликда ҳаракат қилмаса бу ерда ёрдамчи уни қамчилаб турувчи вазифасини бажаради, бунда агар от айлана бўйлаб ўнг томонга ҳаракатланаётган бўлса қамчини чап қўлга ушлайди ва аксинча чап тарафга ҳаракатланаётган бўлса ўнг қўлга олинган ҳолда майдон марказидан отни тезроқ ҳаракат қилишга ундайди. Таҷрибали чавандозлар ёрдамсиз ҳам ишлай оладилар. Бундай чавандоз агар от айлана бўйлаб ўнг қўлга ушлаган ҳолда агар чап томонга ҳаракат қилаётган бўлса аксинча арқон чап қўлга қамчини эса ўнг қўлга ушлаган ҳолда ҳаракат қилинади.

Қамчини шундай ушлаш керакки унинг дасхини қалин учи катта, бориш томон чиқиб туриши, юмшоқ учи эса чавандоздан бир оз орқароқда ерга тегиб туриши керак. Қамчини шу ҳолатда ушлаганда, отлар асосан ёш отлар унчаликда кўрмайдилар. Отлар ҳаракатлана бошлагандан кейин эса қолганининг дастасини горизонтал ҳолатга отган томон йўналтирилган ҳолда ушланиб оғиз бўшлиғидан тил билан огохлантирувчи овоз чиқариш керак отларнинг ҳаракатини тезлаштириши учун шунинг ўзи кифоя қилади. Агар бу тадбир ёрдам бермаса яъни от бунга эътибор бермаса қамчини дастасини учи кичгина бармоқ томонга юмшоқ қисми эса отнинг сакрашбўғинидан бир оз баландироқга етадиган ҳолда ушланиди.

Аввал отни бўйсиндириш учун 4-4.5 м айлана бўйлаб ҳаракат қилдирилади. Бунда от орқа оёқлари билан тегиб юборишдан сақлайди.

Отларни айлана бўйлаб машқ қилдиришда аввал улани уч хил ҳаракатни бажаришга одимлаб, йўртиб ва қўш оёқлаб чопишга бу ҳаракатларни бажарганда от арқонни тортиб кетмаслиги яъни чавандозни тортиб кетмаслиги ва текис ҳаракат қилиши керак.

Отларни машқ қилдиришда юқорида айтиб ўтилган омилларни ҳисобга олиш керак. Айниқса отларни кавалеттидан фойдаланган ҳолда жуда интенсив машқ қилдиришда (тўсиқлардан сакраш ва бошқа мураккаб машқларни бажаришда).

Агар қум билан қопланган ёғоч қириндиси билан қопланган ёки утлоқ билан қопланган майдончалар мавжуд бўлса булардан энг яхшиси биринчиси икки майдонга ҳисобланади. Бу майдончалар юқори намликга эга бўлган ҳолда отлар умуман тоймайди. Хар сафар отларни машқ қилдиришнинг тугаши билан бу майдончаларнинг сатхи лопатка билан текислаб чиқилади ва енгил бораналарда юмшалади.

Спорт отларини машқ қилдириш учун мўлжалланган махсус мосламалар ва қурилмалар ичида кавалетти муҳим ўринни эгаллайди. Бу юпқа ёғочтахтадан ясалган махсус мослама бўлиб тўрт бурчак шаклида бўлади узунлиги 2-4 м гача бўлиши мумкин, иккинчи турига ёғочдан ясалган махсус мосламалардан иборат.

Бу мосламалар ёрдамада отларни машқ қилдириш ваўтида ярим айлана ёки хар хил ҳаракатларни бажариш учун махсус йўлакларга ёки тўсиқларга

барпо этилади.

Отларни кавалетти ёрдамида айлана бўйлаб машқ қилдирганда асосан 3 та йўлакча барпо этилади яъни ички, ўртанги ва сиртки. Бунда ички йўлакча кавалеттисиз ишлаш учун ўртанги йўлакчанинг кенглиги 80 см бўлиб, отларни одимлаб юришини ва сиртки йўлакча кенглиги 1.30 см бўлиб отларни йўртириб машқ қилдиришда фойдаланилади. Отларни машқ қилдиришдан олдин чавандоз (мастер) отларни экстерерини алоҳида хусусиятларини машқ қилдириш даражасини ғисобга олган ғолда кавалеттилар ёрдамида йўлакчаларнинг кенглигини ва радиусини белгилайди ва бу билан отларнинг ҳаракат доирасини кенгайтиради ёки аксинча қисқартиради. Отларни ички йўлакча бўйлаб 6-7 маротаба машқ қилдиргандан сўнг уларни ташқи йўлакчага ўтказилади ва яна 6-7 маротаба ташқи йўлакча машқ қилдиргандан сўнг яъни ички йўлакчага машқ қилгандан сўнг амалга оширилади. Отларни ўз вақтида буйруқлар асосида итоаткорликка ўргатиш машқни ўз вақтида бажаришга олиб келади. Отларни доимий равишда машқ қилдириш бутун организмни яхши ривожланишига, табиий ва сунъий оддий ва мураккаб машқларни тўғри бажаришга олиб келади. Чавандоз ҳеч қачон машқ қилдириш тартибини бузмаслиги оддий машқлардан аста секин мураккаб машқларга ўтиб бориши керак бу эса вақт ўтиши билан чавандоз ва от ўртасидаги муносабатларнинг жипслашиб боришига олиб келади.

Сакратиш

Спорт отларини тайёрлаш ва уларни такомиллаштириш муоммоси чавандоз ва спортчиларнинг олдида турган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади ва улар бу ишда доимий изланишда бўлишлари керак. Отларни айлана тўсиқлардан сакратиш уларнинг тўсиқлардан сакрашга диққатини оширади ва сакраш жараёнини яхшилашга олиб келади. Яйникса тўсиқлардан ўтиш ва уч кураш ўйинларига яхши натижаларга эришади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Машқ қилдириш деганда нимани тушунасиш.
2. Отларни синаш нима мақсадда ўтказилади.
3. Синашнинг қанақа турлари бўлади.
4. Тойларни минишга ўргатиш неча ёшдан бўлади.
5. Йуртоқи от деганда нимани тушунасиш.
6. Салт минувчи деганда нимани тушунасиш.
7. Оғир юк тортувчи отларни машқ қилдириш неча ёшдан бошланади.
8. Отларни машқ қилдириш ва синашни зоотехникнинг роли.

От спорти

Р Е Ж А

1. От спортининг келиб чиқиш тарихи.
2. Ҳозирги ҳолати ва келажакдаги ривожланиши.
3. От спортининг классик турлари.
4. Миллий спорт уйинлари.
5. От саёҳатлари, ҳамда баъзалари ва отлар клубининг вазифалари.

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати.

1. Свечин. К.Б, Бобылев И.Ф., Гопка. Б.М Коневодства Москва Колос. 1992 г.
2. Туракулов З.Т., А.З., Мухтаров А.З., Холмирзаев Д. Ўилкичилик Т.Мехнат 1985 й.
3. Холмирзаев. Д Ўилкичиликдан амалий машгулотлар Т.Мехнат 1988 й.
5. Бегунова А.В. Звонком топоте копыт М.1989
6. Бабылов Ф. Конный игры. М. Колос. 1989 г.
- 7.Фаннинг дискетага ёзилган маърузалар матни

ОТ СПОРТИ ВА САЙЁХАТЛАРИ

1. От спортининг келиб чиқиш тарихи ва тутган ўрни.

Спорт халқни улуғловчи мамлакатларни бирлаштирувчи қалбимизда орият уйғотувчи мукаддасдир. У халқ ва юртнинг дунё микёсидаги изи, салохиятидир. Спорт – миллат иродаси, кудрати ва заковати дир.

Спорт – миллий ғурур, ифтихор каби энг улуг ғазилатларни хар кайси шахсда уйғотади. Миллатимиз вақилалри дунё чемпиони бўлиб кайтса, бунинг нималигини тула тасаввур қила олмаймиз.

Юртбошимиз миллат келажаги ва равнаки учун спортнинг бош хомийси сифатида курсатилаётган ибратли барчасизга сабоқ бўлиши керак.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1992 йил парламентмиз «Жисмоний тарбия ва спорт тугрисидаги қонунни ва қатор қарорлар қабул қилинди ва соғлом авлод учун давлат дастури мавжуд.

Бундай ҳуқуқий ва дастурий ҳужатлар МДХ га мамлакатлари ичида биринчи бўлиб яратилди.

Мамлакатимизда бунёд этилган ҳашаматли теннис саройлари ва бошқа спорт иншоатлари юртимизда утказиб келинаётган йирик халқаро мусобақалар, биринчидан Ватанимизни дунёга танитаётган бўлса, 2 – чидан энг муҳим одамларимиз онгу тафаккурини узгартириб юбораяпти.

Ҳаммамизга маълумки, энг асосий мақсадлардан бири мамлакатимиз алоҳисини соғлом хар томонлам барқамол тарбиялашдир. Бизга ҳозир ҳам

келажакда ҳам соғлом забардаст ҳар томонлама етук уғил – қизлар керак. Бу боис бобомиз соҳибкирон Амир Темурнинг «Фарзандлари соғлом «Ватан кудратли булур» деган ибораси ёшларимизга айанган. Қадим замонларда ҳам авлод – аجدодларимиз фарзанднинг ҳар томонлама камол топишга катта эътибор билан қарашган. Мисол учун болани ёшликдан от миниб чавандоз килишга, кураш тушириб пахлавон бўлишига турли муосабақаларда катнаштириб ориятли куркмас забардаст чаққон ғолиб булишга ўргатишган.

От уйини инсондаги матонатлилиқнива жасоратни кучайтиради ҳар томонлама жисмоний тайёргарлиқнинг энг яхши воситаси хиосбланиб хизмат қилади. У билан шуғулланган инсон иродаси юксакликка шаклланади. 1- ичи жаҳон ва граждандар урушларидан кейин от спорти армия бимрлашмалари орасида ҳам ривожлана бошлади. 1928 йилда биринчи марта 400 (версей) – Ростов – Харьков шаҳарлари уртасидаги масофага пойга ташкил этилади. Шундай кейин от спорти Кизил Армия ҳаётида мустаҳкам урин эгаллаб жангчи ва кумондалар даслабки от спортчилари бўлиб қолишди. 1925 йилда Москва спортчиларидан кейин програмада Бутун Россия от спорти мусобақалари бўлиб ўтади, у ерда махсус гуруҳ мусобақалари (отиш, пойга, уч кураш, отипл – чез, 50 кг уртача ва мураккаб тўсиқларни утиш беллашувлари бўлади.

1952 йилдан МДХ да от спорти бўйича 1 – ичи чемпионати утказилади. 1946 йилдан бошлаб шахсий ва каманда биринчилиги учун мусобақа утказилди.

1952 йилдан бошлаб от спортчиларимиз олимпиада уйинларига катнашишни бошлади. 1956 йилдан калхоз, совхоз ва от заводларининг от спортчилари уртасида МДХ да от спорти федерациясининг 1952 йилда Халқаро от спорти федерацияси (ФЕН) га аъзо бўлиб кирган пайтдан бошлаб. Бу уйиннинг классик турлари ривож топди. Уша пайтдан бошлаб Ўзбекистонда миллий от спорти уйинлари билан бир қаторда бу уйиннинг классик турлари ҳам куп утказилмоқда.

Ўзбек халқи ҳам Қадимдан от спорти билан шуғулланган, шунинг учун ҳам республикада биронта ананавий халқ сайили ёки тантанаси миллий от уйинларисиз утмаган. Утган асрлар чуқур қилиб боради ва уша замонлардаги каби халқимизнинг жнг севимли уйини от спортиди. 1930 йилларнинг бошида ташкил этилган Республика от спорти клуби кизил армиянинг аскарлари қисмига чавандозлар етказиб бера бошлади сунг от спорти уйинлари утказилиши бошланди.

Ўзбек чавандозлари классик уйинлари бўйича халқаро спорт уйинларида катнашиб, халқаро спорт мастери унвонини олишган. Шундай экан бошқа спорт уйинлари катори миллатнинг, элнинг юртнинг ори – ғурури довуғи бўлган классик, миллий от спортининг тиклайлик, дунёга танитайлик бу халқ талаби.

1954 йили Таллинда утказилган МДХ лар от спорти мусобақаларида чавандозлар А.Киселев, Д.Аминов, В.Арефьев ва З.Боговутдиновлардан ташкил топган командамиз олтин кубогини кулга киритишда команда ҳисобида биринчи уринни эгаллайди.

М.Д.Х халкаларнинг урнига чикиб, команда аъзоси А.Белцкий карабин лакабли соф қонли Англия отда тусиклардан сакрашда олтин медалга Ю.Ламов Бунре лакабли ахалтага отида чикиш бўйича кумуш медалга сазовор булдилар.

1960 йилларда Республика вилоятлари район марказларида Андижон, Бухоро, Карши, Наманган, Нукус. Поп, Самарканд, Термиз, туйтепа, Урганч, Фаргона каби шаха рва кишлокларда куплаб клублар секциялар очилди, отчопарлар курилди, малакали тренерлар жалб килинди ва клуб ва мактаблар кклассли спорт оталри билан таъминланди. Б тадбирларнинг хаммаси оммавий от спортини янада ривожлантириш ва чавандозларнинг спортдаги махоратларини оширишга каратилган Эдики, у чавандозларнинг спортдаги катта ютуқларига эришишларини таъминлайди. 1974 йилда МДХ да чемпионатда уч кураш бўйича спорт мастерлари В.Дворяников, Н.Исмоиловларни И.Наркишларни команда хисобида спартакиада чемпиона бўлиб, олтин медаллар билан тақдирландилар.

Ўзбекистон спортчилари 1980 йилда Москва шахрида бўлиб утган XXII Олимпиада уйинларида МДХ да чавандозларининг умумий ютуқларига узларининг салмокли хиссаларини кушдилар. Ю.Ковенов Украина салт минилувчи от зотида «Играк» лакабли отда олий даражада салт миниб юриш элементларини бажаришда команда хисобида олтин, шахсий биринчилигида эса кумуш медал совриндори булди.

Республикамиз чавандозлари барча йирик собиқ Бутуниттифок мусобақаларида узлуксищ катнашиб, Республикалар Москва ва Ленинград шахарларининг терма командалари уртасида муносиб уринларни эгаллаб келдилар. От спортини – чиройли уйин бўлиб, чавандоз билан отнинг узок вақтлар машқ килишлари натижасида амалга ошириладиган хакикий санъатидир. От уйинлари хақидаги дастлабки маълумотлари Қадимги замонларга чуқур кириб боради. Қадимги Скифда масалан замонавий уйинларга ухшамайдиган чавандозлар мусобакаси кенг тарқалганлиги кайд килинган. Қадим замонларда яъни эрамыздан олдинги 650 йилларда Юнонистонда (Греция) Олимпия уйинларида чавандозлар мусобакаси утказилган. Аввал аравачаларга мусобакалашиб сунгра пойга бошлаган. Кавказ Марказий Осиё чунончи Ўзбекистон халкаларида миллий от уйинлари асрлар буйи авлодга мерос бўлиб, келмокда. XIV – XVII асрларда от спортининг марказий Италия, Франция ва Испания мамлакатлари хисобланади.

Чавандозлар классик уйинларда катнашиб собиқ МДХ кубоги ва биринчилигида Марказий Осиё Республикалари ва Козогистон Минстрлар Советининг совринлари учун утказиладиган мусобақаларда катнашиб собиқ МДХ кубоги ва биринчилигида Марказий Осиё Республикаси ва Козогистон Министар Советининг совринлари учун катзиладиган мусобақаларда катнашиб, 1956 йилдан бери хаммаси бўлиб, 65 та шу ужомладан 22 олтин, 20 кумуш ва 23 бронза медали олишига муясса булдилар. 1971, 1978 ва 1980 йилларда утказилган уч кураш бўйича терма камандамиз собиқ Совпет Иттифоки чемиони унвонини олди. Хозирги пайтда Республикамизда 27 от

спорт мактаби ва кулиблари, секциялари ишлаб турибди. Классик уйинлар бўйича 3 мингдан ортиқ у киши шугулланмоқда. У ташкилотлар ихтиёрида 700 дан ортиқ беркитилган улар асосан Ахалтака, соф қонли Англия, Инглиз – ахалтака, инглиз – корабайир араб – тракан отлардан иборат. Бу от спорт мусобақаларнинг марказидир.

У олий спорт маҳоратли мактаблари ҳамда собиқ МДХ терма камандасининг Олимпия резервлари тайёрлаш маркази тугрисидаги Низомларга мувофиқ иш олиб боради.

От спортчилари уртасида юксак натижаларга эришган республикамизнинг уч чавандоз М.Исмоилов, В.Двориников, А.Ахметшинлар халқаро спорт мастери 250 спорт Собиқ МДХ спорт мастери унвонига сазовор бўлишди. Буни 1- ч ива 2 – чи жаҳон урушларида қуриш мумкин, 2 – нчи жаҳон урушида немис фашистларига Қарши қурашда собиқ МДХ нинг отлик аскарларида 262 киши собиқ Иттифокнинг қаҳрамони бўлган. Отлик аскарлардан 100 мингдан ортиқ кишилар орден в медаллар билан мукофотландилар. Қуриниб тубидики, от муҳофаа қобилиятини қуриқлашда жангларда жасорат қурсатишда яроқ ҳисобланиб келинган. Бунинг учун ҳам бежизга қадам замонлардаёқ бронза ва тошдан қуқга санчилган учқур отларга ҳайкаллар қурилган.

От спортининг классик турлари 1896 йили Олимпия ўйинларининг режасига от спортининг мусобақа турлари, яъни классик турлари кирган.

Спорт отларни танлашдаги талаби.

От спортининг ҳар-бир тури спортда уйнаш учун отлардан маълум талаб қурсатқичларига эга бўлиши керак. Олий даражада салт миниб юришда асосан салт минилувчи типга ҳос бўлган отлар қиради. Ташқи қуриниши бўйича чиройли, тўзилиши бўйича монанд, темпераментли ҳаракати турли юришларда енгил. Бу зотлар катта, қарчиғай баландлиги 156-170см, кўкраги яхши ривожланган, қирқувчи айланаси 180-200см, бўйни ўзун, боши уртача кенгликда, жағ оралаги кенг, энса суяги ўзун, орқаси, сағриси мускул гўштлари билан яхши тулишган, кўкрак суяклари ўзун ва киё.

Қуйидаги от зотлари: соф қонли Англия зоти, Будённый, Украина салтминилувчиси, Тракен, Ахалтака ва Араб зотлари мувоффақиятларга эришиб келган. Турик, қора ва малла тусли отларга нисбаттан яхши ҳисобланади. Қонкурслар (тўсиқлардан ўтиш) ўйини тўзилиши катта, қарчиғай баландлиги 162-164см, кўкрак айланаси яхши ривожланган.(200)см, кафт айланаси(21-22см) Экстерьер буйича салт минилувчи тип от зотларига ҳос бўлиб, ўзун линияли, бўйни ўзун, ҳаракатчан, кўкраклар буйича ўзун ва киё, бели калта, гўштдор, сағриси ўзун, мускуллари кучли. Оёқлари тўғри тўзилган, мустаҳкам, нуксонлари бўлмаган чидамли, бардошли, тоқатли, ботирбўлган отлар бўлиши керак. Сакраш қобилиятчанлиги эга бўлган от зотлари қиради. Бундай талабга соф қонли Англия зоти, Тракен, Панноверский, Бденней, Украина салт минилувчиси қиради. Уч қураш ўйини тана тўзилиши бўйича салт минилувчи от зотларига ҳосдир, қарчиғай баландлиги(162-168см), кўкрак айланаси 180-190см, қуруқ конституцияси, ботир, темпераментли жонли, одамга тез урганадиган феъл атвори жуда яхши,

экстерьеры бўйича энг муҳими оёқлари тўғри қўйилган, мустаҳкам, пай аппаратлари яхши ривожланган, қарчиғай, кўкрак кисми мускуллари яхши тулишган. Улар тўғри жойлашган орқа ва бели мустаҳкам, қовурғалари яхши ривожланган.

Кўпинча бу ўйинга соф қонли Англия зоти, Тракен, Будённый ва ярим қонли зотлари киради.

От спортивнинг классик турлари

От спортивнинг классик турлари дунё миқёсида кенг ривожланган бўлиб шу юқорида айтилган ўйинлар халқларни бир бирига танитишда ҳамда ёшларни чиниқтиришда мамлакатларни дунё миқёсига чиқишига шунингдек ўйинларда ғолиб бўлган шахсий ва командалар ўртасидаги қўйилган катта мукофотлар халқларни ҳам қизиқтиришга олиб келган шу боис европа халқлари от спортивнинг классик ўйинларига биринчилардан бўлиб, дунё миқёсида олимпиада ўйинини ташкил этган.

1960 йили XVII Олимпия ўйинида Рим шаҳрида С.Филатов Абсент лақабли Ахалтака от зотида салт миниб олий даражада машқ қилдириш бўйича чемпион унвонига сазовор бўлди. 1968 йили Мексикада салт минилиб олий даражада машқ қилдириш бўйича Иван Казимов олтин мукофотни олиб чемпион бўлган. 1970 йили Елена Петушкова дунё ва Европа чемпионатида салт миниб олий даражада машқ қилдириш бўйича чемпион унвонига сазовор бўлган.

Олимпиада ўйинида от спорти мусобақасининг тўсиқлардан ўтиш (конкур)яъни классларга бўлиниши.

Тўсиқлардан ўтиш (Конкур)

чавандозлардан бардошликни, дадилликни, отларда эса яхши сакрашни талаб этади. Тўсиқларнинг баландлиги 150 см 2 м гача этади, тўсиқлардан ўтишда 4 классга бўлинади:

1. енгил класс
2. ўрта класс.
3. қийин класс.
4. олий класс.

Олимпиада ўйинида ўйналадиган от спорти мусобақасининг тўсиқлардан ўтиш (конкур) ўйини ўтказиш тавсифи 1 жадвалда беойилган.

1жадвал

Тўсиқлардан ўтиш (конкур) бўйича тавсиф.

Мусобақа класслари	Сакрашони	Тўсиқлар ҳажми, см		
		Баландлиги	Кенглиги	Орқа кенглиги
Енгил класс	8	90-100	100	200
Ўрта класс	12	100-110	150	250
Қийин класс	15	120-140	200	400
Олий класс	18	130-160	300	500

Мазкур мусобақалар класслар бўйича ўтказилиб, уларнинг ҳар қайси учун неча марта сакраш кераклиги, тўсиқларнинг катта кичиклиги белгилаб берилади. МДХ чемпионати, йирик халқаро мусобақалар, шу жумладан олимпия ўйинлари программалари икки томон командалар мусобақасини ўз ичига олади. МДХ кубоги, жаҳон от спорти мусобақаларида «Миллий соврин», «Олимпия соврини» учун кураш олиб борилади. Мусобақанинг ҳар бир қатнашчиси баландлиги 170 см гача эни 80-250 см келадиган 13-16 тўсиқ қўрилган маршрутдан икки марта ўтиши керак. XXII Олимпия ўйинида 1980 йили Москвада Николай Корольков олимпия чемпиони бўлди.

Тўсиқлардан ўтиш бўйича биринчи халқаро мусобақалар 1907 йилда Лондон шаҳрида бўлиб ўтган. Рус чавандозлари 1911 йилда катта халқаро мусобақалар голиблари бўлган. 1912 йили улар Канада совринини, миллатлараро совринининг ва Георг IV- қиролини олтин совринини қўлга киритдилар. 1952 йилдан бошлаб МДХ чавандозлари тўсиқлардан ўтиш бўйича ҳар хил халқаро мусобақаларда қатнашдилар. 1958 йилда спорт устаси Эрнест Шабайло Украина зотининг Бастой айғирида Гамбург дербисида иккинчи ўринни эгаллади. 1980 йили 22-олимпия ўйинларида Москвада ўтказилган миллатлар соврини учун мусобақаларда олтин медалларни олишга муваффақ бўлдилар. Николай Корольков Олимпия чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Уч кураш. От спортида уч кураш тарихи кўпгина мамлакатларда XIX аср охиридан бошланади. 1912 йилда от спортида уч кураш олимпиада ўйинлари дастурида киритилди вабу мусобақалар фақат ҳарбий хизматда бўлган офицерлар қатнашишлари мумкин эди. 1920 йилдан бошлаб от спортининг бу турига офицерлар билан бир қаторда барча лаёқатли эркеклар, 1956 йилдан бошлаб спортнинг бу турига қатнашиш ҳуқуқи аёлларга ҳам берилди. Уч кураш маълум қонун қоидаларга асосида уч кун давом этади. Биринчи кун ивездка (отлар билан турли хил чиқишлар ташкил қилиш) ва уларни баҳолаш.

Иккинчи кун ивездкаларни от чопарда синаш ва баҳолаш.

Учинчи кун ивездкаларни –конкуо иппак тўсиқлардан сакраб ўтиш ва баҳолаш.

Учкураш от спорти ўйинлари ичида энг мураккаб бўлиб учта мусобақадан манежга юриш олий даражада салт миниб машқ қилишдир. Дала шароитида синовдан ўтиш , тўсиқларни забт этиш. Ҳар учала мусобақа уч кун давомида бита от билан бир чавандоз бажаради. Учкурашнинг биринчи мусобақасида от манежда юриб ҳар хил фигуралар кўрсатади.

2 чи кун ивездкаларни дала шароитида чавандоз ва отнинг чидамлилигини синаб кўрилади. Хамма масофа 4 га бўлиниб узунлиги 10-20 км ни ташкил этадиган 1 чи ва 3 чи бўлакдан 240 метр тезликда чопиш керак. масофанинг 2 чи бўлими стипль-чез деб аталади. Узоқлиги 1800 м 4200 м гача бўлиб ҳар хил км жойга баландлиги 140, эни 2 м келадиган 3 та тўсиқ ўрнатилган бўлади. Ҳар қайси бўлаги учун алохидавақт нормаси белгиланади.

Тўсиқлардан ўтиш бўйича биринчи халқаро мусобақалар 1907- йилда Лондон шаҳрида бўлиб ўтган. Рус чавандозлари 1911- йилда катта халқаро мусобақалар голиблари бўлган. 1912- йили улар Канада совринини,

миллатлараро совринининг ва Георг IV- киролини олтин совринини кулга киритдилар. 1952-йилдан бошлаб МДХ чавондозлари тўсиқлардан ўтиш бўйича ҳар хил халқаро мусобакаларда катнашдилар. 1958- йилда спорт устаси Эрнест Шабайло Украина зотининг Бастой айғиррида Гамбург дербисида иккинчи уринни эгаллади. 1980-йили 22-олимпия ўйинларида Масквада ўтказилган миллатлар соврини учун мусобакаларда олтин медалларни олишга муваффақ бўлдилар. Николай Корольков Олимпия чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Учкураш от спорти ўйинлари ичида энг мураккаби бўлиб, учта мусобакадан: манежда юриш (олий даражада салт миниб машқ қилдириш), дала шароитида синовдан ўтиш, тўсиқларни забт этишдан иборат.

Ҳар учала мусобака уч кун давомида битта от билан бирч чавандоз бажаради. Уч курашнинг биринчи мусобакасида от манежда юриб ҳархил фигуралар курсатди.

Иккинчи куни дала шароитида чавандоз ва отнинг чидамлигининг синаб кирилади. Хамма масофа 4га булиниб ўзунлиги 10-20км ни ташкил этадиган 1чи ва 3чи булакда минўтига 240м тезликда чопиш керак. Масофанинг 2чи булими стипиль-чез деб аталади. Ўзоқлиги 1800-4200м гача бўлиб, ҳар бир км жойга баландлиги 140, эни 2м келадиган учта тўсиқ урнатилган бўлади. Ҳар қайси булаги учун алоҳида вақт меъёрсини белгиланади.

Туртинчи булак кросс ўзққа чопишда бир текис бўлмаган паст- баланд жойлар, баландлик ва пастга тушиш, жарлар, каналлар, хавзалар, урмонлар, бўтазорлар ва бошқа жойлар киритилади. Масофанинг давомлиги 4500км дан то 8100м гача ҳар бир км жойга 4 тадан баландлиги 120 см дан эни 2м бўлган тўсиқлар қуйилади.

Учинчи кун учкураш мусобакасининг тўсиқдан ўтиш тури ўтказилади. Баландлиги 120см, кенглиги 1,8м бўлган жойдан аниқ белгиланган кетма-кет 12 марта ўтиш керак. Мусобака жойи 750-900м ораликда бўлиб, тезлиги минўтига 400 метрни босиб ўтиш режалаштиради.

От спортида уч кураш тарихи кўпгина мамлакатларда аср охирларида бошланади. 1912 йилда от спортида уч кураш олимпияда ўйинлари дастурига киритилади ва бу мусобакага фақат ҳарбийхизматда бўлган офицерлар катнашишлари мумкин эди.

1920-йилда от спортини бу турига офицерлар билан бир қаторда барча лаёқатли эркеклар 1956- йилдан бошлаб спортнинг бу турига катнашиш ҳуқуқини аёлларга ҳам берилди. Уч кураш маълум қонун қоидалари асосида уч кун давом этади, биринчи куни виезетка (отлар билан турли хил чиқишлари ташкил қилиш) ва уларни баҳолаш. Иккинчи куни – отларни от чопарда синаш ва баҳолаш.

Учунчи куни – конкурс ипак тўсиқлардан сакраб ўтиш ва баҳолаш.

Собик «Совет чавондозлари» уч кураш бўйича биринчи марта 1952-йил Румиядабўлиб ўтган 11-олимпияда ўйинларида катнашдилар.

1953-йил Руминияда; 1954-йил Болгарияда; 1962-йил Болгариянинг Стемфорд шаҳрида Европа биринчилиги бўйича бўлган мусобакаларда

мувоффакиятли катнашдалар.

1975-йил Германия Федератив Республикасида бўлиб ўтган уч кураш бўйича Европа чемпионатида биринчи уринни эгаллади.

1980-йил Москвада бўлиб ўтган олимпияда ўйинларида ўзларини эришган муваффақиётлари тасодиф эмаслигини тасдиқлаб команда ҳисобида яна биринчи уринни эгаллашдилар.

От - аравалар мусобакаси ҳозирги пайтида ФЭИ да ўтказилиши шарт бўлган мусобакалардан бири ҳисобланади. Европа, Америка китъаларида машхур бўлиб бормоқда.

От пойгаси, стипль-чез, вольтижировка ўйинлари

От пойгаси - жуда кадимги ўйин бўлиб, кучманчи халқлар томонидан якка холда ва гуруҳ бўлиб, амалга оширилган. Бу ўйин амалий ва ҳарбий мақсадларда фойдаланилган. Кадимдан кизикарли от пойгаси ўтказилиб келинган.

1859-йили ёш М.В.Асеев Лубна шахридан Парижгача муваффакиятли от пойгасини амалга оширган. 1910-1911йиллари рус аёли А.Кудашева Мўғул отида Сибир йўлида Ҳарбиндан Петербурггача от пойгасида катнашиб дунёга ўзини жасурлигини намоён қилган.

Биринчи марта МДХда от пойгаси 1922-1923йиллари Ростовдан-Донгача ўтказилган. Масофа оралиги 100 км бўлиб, пойгачиларо орасида мисли қурилмаган лашкарбошилардан К.Е.Ворошилов, С.М.Будённый, И.В.Тюленевлар қатнашганлар.

Кечроқ чегара командирларидан 7 та аёл фин чегарасидан то Москвагача от пойгасида қатнашиб натижаларга эришган, 5 та колхозчи кизлар Қоракул кумларида 600 км масофани 15 кунда босиб ўтган. Жуда катта от пойгаси Ашхабоддан Москвагача ўтказилиб, унда Туркман колхозчилари катнашган, яхши натижаларга эришган. Иккинчи жаҳон уришидан кейин ҳар хил масофа бўйича от пойгаси ўтказилган. Собик СССР чавондозлари 100 км лик масофада отлар пойгасида дунё рекордларини урнатиб, 4 соат 01 минут, 05 секунд ва 50 км га бир соат 21 минут, 309 км ни бир суткада босиб ўтган. От пойгасини ўтказишдан мақсад отларни чаққонлиги, кучлилигини, чидамлилигини, чавондознинг маҳоратини яъни от кучини тўғри таксимлаш йўллари билишдан иборат. Мусобака пойгаси отни чаққонлигини, бардошлигини амалга оширади. От пойгаси 25, 50, 100 км масофа оралиғида, отларни кунлик ва кўп кунлик вақтларда ўтказилади. От пойгасига яхши тайёрланган ёши 6 ёшдан кичик бўлмаган ҳамма зотлар катнашиши мумкин. Пойга машрўти судиялар коллегияси ўйин ўтказишдан олдин кўздан кечирилиб улчанади. Назарат пунктлари урнатилади. Пойга натижаси умулаштириб баҳоланади: чаққонлиги, отларни ҳолати, пойга давомида тирик вазминини камайиши, клиник курсаткичлари. Пойгада катнашадиган отларни талабчанлик билан зооветеринария назорати ўтказилади. Ҳозирги вақтда халқаро от спорти федерацияси (ФЕИ), дунёда от пойгаси бўйича ўтказиладиган ҳар хил масофа оралиги бўйича қоидалар ишлаб чиқилган.

От фойтунлари мусобакаси – отларга қушилган чиройли араваларда юриш азалдан кўпгина европа мамлакатларида оммавий ҳисобланиб келган.

Отга кушилган араваларда халқаро мусобакалар ўтказиш Англия от спорти федерация бошлиги Ансел М, ҳамда Польша, Венгрия, Швецария, ГФР мўтахасислари томонидан таклиф килинди. Хозирги пайтда бу мусобакаларни ўтказиш учун маълум қонун қоидалар ишлаб чиқарилган. Бу мусобакаларда чавондоз аравага иккита йўловчи олади, араваларга бир ёки икки жуфт от кушилади. Мусобакалар турт кун давом этади:

-биринчи кун чавондоз аравани отга кушиш усулини курсатади ва баҳоланади.

-иккинчи кун отларни аравалар билан юриши намойиш қилинади ва баҳоланади.

-учунчи кун отларнинг иш қобилиятини намойиш қиладилар, яъни улар аравалари билан 36км масофани босиб ўтадилар ва баҳоланади.

-туртинчи кун отларни отчопарда синашда кейинги ҳолати кўздан кечирилади ва баҳоланади.

Вольтижировка - бу чавондоз ва отни бир-бирига уйғунлашган ҳолда маълум тезликда ҳар хил гимнастика машқларини айланасини 15см манежда бажарилишига айтилади. Вольтижировка тарихи олдинги асрларкаърига кетади. Вольтижировкани ўзига хос қонун-қоидалари мавжуд бўлиб, шу қонун қоидалар асосида мусобакалар ўтказилади. Вольтижировка билан шугулланадиган отлар жуда енгил бошқарилган чавондозни ҳамма хохоши жуда яхши бажариши, айлана бўйлаб текис ритмик ҳаракат қилиши қобилиятига эга бўлиши керак. Бундай отларни танлаш учун жуда ювош ,унча катта бўлмаган, лекин кўкраги ва сағриси кенг отларни ажратиб олинади. Ажратилган отларни ҳарқуни ҳар хил машқларни бажаришини ургатиб борилади ва натижада бир отгни устида 1тадан 3тагача вольтижерч чавондозлари эркин ҳаракат қилиб ҳар хил машқлари бажаришади. Вольтижировка жуда кўплаб мамлакатларда кенг тарқалган.

1983-йилдан бошлаб вольтижировка мусобакалари фен қонун қоидаларига асосан олиб брилади. Вольтижировка мусобакаларида ҳаракатлар муносиблигини, уларни соатини Волтжер чавондозини ҳар хил машқларини аниқ ва чиройли бажаришга эътибор берилади ва баҳоланади.

Миллий от спорти.

От спорти – ўйинларнинг энг оммавий турларидан бири миллий от ўйинидир. От минг-минг йиллар давомида ҳамма инсон мададкори бўлиб келди, меҳнатга ва жангавор жасоратларда унга кумакдош булди, спорт беллашувларида фидоқорона хизмат килди, халқ бахшиларига илҳом бағишлади.

Бу чиройли ўйин бўлиб, чавондоз билан отнинг ўзоқ вақтлар машқ қилишлари натижасида амалга ошириладиган хақикий турқона санъатдир.

Меҳнаткашларни жисмоний тарбиялаш мақсадида от спорти каттагина урин тўтади: инсонда матонатлилиқни, чаққонлиқни, катъийлиқни, дадиллиқни, фаросатлилиқни ва жасурлиқни ривожлантиради, ҳар томонлама жисмоний тайёргарлиқнинг энг яхши ва сираси бўлиб хизмат қилади, у билан шугулланган кишида юксак ирода шаклланади. Отда юриш инсонга зотетик роҳат бағишлайди. Киши организмига ижобий таъсир курсатади,

мускулларни, асаб тизимини мустаҳкамлайди.

От ўйинлари хакидаги дастлабки маълумотлар кадим замонларга, мозийга кириб боради. Кадимги Скифда, масалан, замонавий ўйинларга ухшайдиган чавондозлар мусобакаси кенг тарқалганлиги кайд килинади.

От ўйинида муваффақиятга эришиш чавондоз билан отнинг ўзоқ вақт машқ қилишлари натижасидир. Маълумки, маданий от зотларнинг келиб чиқишида хиллаш ва танлашнинг асосий ўйинлари машқ қилдириш ва синаш роли гоят каттадир.

Отларни машқ қилдириш бўтун организмни ривожлантириб, мускулларни пай ва богловчи аппаратларини нафас олиш ва юрак қон томир тизимларини мустаҳкамлайди. Мунтазам равишда машқ қилдириб ва синаб турилмаса, ҳар қандай отдаги яхши хусусиятларини ўзида саклаб қолмайди.

Чавондоз от бир-бирини яхши тушинишлари керак. Ана шундагина, уларнинг чиқишлари олқишланади.

Кадимги замонларда, яъни 680 йилларда бошланган Олимпия ўйинларида чавондозлар мусобакаси ўтказилган. Аввал аравада мусобакалашиб, сўнг пайга бошланган эди. Кавказ, Марказий Осиё, чунончи Ўзбекистон халқларида миллий от ўйинлари асрлар бўйи авлоддан – авлодга мерос бўлиб келмоқда

Марказий Осиё, Қозоғистон мамлакатлари ҳудудларида ўзоқ масофаларга чопиш (пайга), улоқ танасини тортиб олиш (кўпқари), чавондозларнинг от устида курашуви 9ағдариш, оғиш) киз қувмоқ, от устида туп ўйинаш (чолган) сингари мусобакалар халқ орасида кенг тарқалган ва шухрат қозонган. Бу ўйинларнинг ранго-ранглигича кадимги замонларда битилган «Шохномада» кайд қилинган, умуман олганда миллий от ўйинлари жаҳоннинг деярли ҳамма мамлакатларида бор.

Жумхуриятимизда ўзига хос миллий от ўйинлари оммавий тус бирорта бир байрам от ўйинсиз ўтмайди миллий от спорти мусобакалари отларнинг кучи ва ишчанлик хусусиятларини аниқлашга ёрдам беради. Ана шу хусусиятларга караб, Қорабайир от зоти бошқа зотлардан устун туради. Ўзбекистон чавондозлари ва томошабинлари уртасида шух от ўйинларидан киз қувмоқ, кўпқари, пойга, ағдариш. Бу ўйинлар ортикча харажат талаб қилади. Уларнинг оммавийлиги ҳам ана шундадир.

Миллий от ўйинлари халқ ижодида ҳам, эртақларда, мақолаларда, маталларда ва мусикаларда ҳам ўзаксини топган.

Хозиргида Озарбайжон, Гўрзия халқнинг цхенбурти (коптоқ ўйини), иссинди (найза улоқтириш) бюр папах (от баскетбол) ўйинлари оммавий тус олмоқда. Шунингдек ҳудудимизда бошқа ўйинлар катори бирон-бир рус халқининг миллий уч отли файтонида чопишсиз ўтмайди. Бу ўйинлар байрамлар чиройига чирой кушади. Хозирги Ўзбекистонда миллий от спорти ўйинларини янада кучлироқ ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Чунки вилоятларимизда, районларимизда, спорт мактаблари моддий техника базаси яратилган. Клублар, секциялар тўзилган.

Энг муҳими, халқимиз от ўйинлари билан севиб шугулланишади. Миллий от ўйини айниқса қишлоқ жойларда яхши ривож топган. Ўзбекистон

қишлоқ спортчилари ферма командаси биринчи марта 1958 йилда МДХ хўжаликларнинг чавандозлари мусобакасида катнашдилар. Уша пайтдан бери улар кўпқари бўйича – 10, човган бўйича – 7, бюр папах бўйича – 6, киз кувмоқ бўйича 2 марта СССР чемпиони деган фахрли номини кулга киритдилар. Сўнгги йилларда худудимизнинг 58 спортчиларига от спорти миллий, ўйинлари бўйича «Ўзбекистон спорт мастери» ўйинлари берилди.

Худудимиз от спорти ўйинлари бўйича ўзининг катта хизмат курсатган ветеранларига эга. Б.Муродкосимов, С.Асроров (Жиззах), А.Боборавшанов (Тошкент), К.Холмуродов, Ю.Суванов (Сурхандарё) каби улоқчопарлар шулар жумласидандир.

Хозирги кунда 4 мингга якин қиши миллий от ўйини билан шугулланиб келмоқда.

Миллий от ўйини туман, вилоят, худудлараро мусобакалари Республика Давлат спорти комитети Низомига асосан худуд мусобакаларнинг ягона календар режасига мувофиқ ўтказилади.

Мусобака – от спортини оммавийлаштириш ва спорт ютуқларини янада мустаҳкамлаш, жумхурият терма командасини кучли миллий от спорти билан шугулланувчилари билан тулдириш, от спортибилан шугулланувчи спортчиларини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Мусобака жараёнида куйидаги вазифалар хал этилади: вилоят республика терма командасига низомларнинг тайёргарлигини, МДХ расмий мусобакаларга тайёргарликни текшириш. Республика спорт комитетининг от спорти бўйича йиллик иш якунини чиқариш, мусобакани ўтказиш туманлараро бўлса, умумий раҳбарлик вилоятлараро ўтказилса, республика спорт комитети булимига юклатилади. Бунда ҳар бир мусобака умум бош хакамлар колледжи тўзилади.

Мусобака ўтказиладиган вилоят спорт комитети мусобака ўтадиган жойни тайёрлайди, бошқа шаҳарлардан, вилоятлардан қолган катнашувчиларни қабул қилади, жойлаштиради, овкатлантиришни ташкил қилади. Анъанада ўтказиладиган маданий-оммавий ишлари ташвиқот қилиш тадбирлари ўтказиш муносабати билан бажарилади.

Мусобака тамом бўлгшандан кейин кучма призлар, кимматбаҳо совгалар ва мукофотлар голибларга топширилганлиги хақида далолатнома тўзилиб, у ҳисобот билан бирга, республика спорт комитетига топширилади (кўпқари ўйини).

Кўпқари (улоқ тортиш, кук бури) кўпқари ўзига хос ўйин бўлиб, унинг тарихи ўтган зотларга чуқур кириб боради. Бу Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркаманистон ва Тожикистон худудлари халқларнинг севимли ўйинидир.

Ўтган даврларда чорва моллар подаси кечаю кундўз очик далаларда, чўлларда боқилар эди.

Бурилар анча зарар етказар эди, йўқотиш учун қуроллар етмас эди. Жасур йигитлар ўзларининг чаққон отлари билан буриларни холдан тойганича кувлар, таёклар билан савалашар, ердан илиб олиб тақимга босишар, бир-бири билан тортишар эдилар.

Кўпқари ўйини шундан келиб чиққан. Кейинчалик бури урнига суйлган улоқ танасини тортиши расм бўлган.

МДХ ва хуудларда кабул қилинган жойда бўйича ўйинда иккита команда уртасида уйнаиб, команда биринчилигида шахсий биринчилик учун ўтказилади. Кўпқари ўйини чавандоздан хуллас тажриба, куч, махорат, отни мохирлик билан бошқариш, жасурлик, зийраклик ва бардошликни талаб қилади. Кўпқарида қандай от билан уйнаш ҳам катта аҳамиятга эга. Мустаҳкам конституцияли, суяклари, мускулларини пай ва богловчи аппаратлари яхши ривожланган бўлиши, чаққон. Бақувват ва махсус машқ қилинган бўлиши керак. От билан чавандоз бир-бирини яхши тушинишлар, кўполлик килмасликлари зарур. Уйналадиган майдон текис, равон, бўйи тупроқли бўлиши керак. Ўзунлиги 500 метргача, эни 40 метргача ҳар командада 6-15 киши катнашади. Спорт комитетининг қоидаларига мувофиқ, ўйинни тўғри ташкил қилиш учун ҳар командадан отларни машқ килдирувчи, судья, бош судья, вакиллар ва ёрдамчи хизматчи бўлади. Икки томонга байроқча тикиб, дарвоза килинади. Дарвоза айлана диаметри 5 метр атрофида бўлиши керак.

Майдон уртасига диаметри 3 метрлик доира белгиланиб, оғирлиги 45 кг келадиган, калласи олинган, олдинги оёғининг билакўзук бугини, кейинги оёғининг сакраш бўғимига оёқлари олинган улоқ шу ерга ташланади. Команда аъзолари уша чизикда саф тортиб турилади.

Катнашадиган отларнинг оёқларига силлик така қоқилган бўлиши керак.

Судьянинг сигнали билан команданинг капитанлари майдон марказидаги доирага якин келиб, бир-бирлари билан саломлашади ва улоқни ердан олишга ҳаракат қилишади. Ердан улоқни кўтарган вақтида қайси команда капитани кўтаришидан катъий назар, ўйинда катнашувчи ҳамма чавандозлар улоқни олишга ҳаракат қиладилар.

Ўз дарвозасига энг кўп олиб борган команда эса, голиб деб эълон килинади. Ўйин 15-20 минўт уйнаиб, 5 минўт дам берилади.

Улоқ дарвозасига олиб ташлангандан сўнг, ўйин қайтадан, яъни марказдан бошланади. Агар 30 минўт, 40 минўт ичида командалар бир-биридан голиб чикмаса, 10-15 минўт шахсий биринчилик учун командалар уртасида ўйин уйналади. Шахсий биринчиликда қайси чавандоз кўп маротаба дарвозага улоқни олиб келса, голиб ҳисобланади.

Ўйин мобайнида отнинг оёқларини ва ўз оёқларини кўтариш, ракибининг отига нисбатан отнинг кўкрагини такак, улоқ танасини иплар билан боғлаш ёки оғаргаремен билан беркиўтиш мумкин эмас. Камчи билан фақат ўз отини камчилаш мумкин.

Катнашадиган отларни камчи билан уриш, бошқа команданинг отининг жиловини ушлаш ман этилади. Отларда ярамас одатлари бўлса, кишиларга жароҳат олиб келиши мумкин. Шулардан бири сержахл, ўтишлайдиган отлар ўйинга кириўтиш ман этилади.

Хозирги пайтда миллий от спорт ўйинлари кўпгина қишлоқ жойларда яхши ривож топган. Ёшларимиз айниқса, кўпқари ўйинларига кизиқиши

тобора ортиб бормокда. Кўп жойларда бўладиган кўпқари туйлари текис майдонда ўтказилмасдан нотекис жойларда ўтказиляпти.

Ўтказилаётган кўпқари туйлари юқорида айтилган ўйин коидасига тўғри келмайди.

Қишлоқларда ўтказилаётган кўпқари туйлари бирмунча тартибсиз бўлиб, баъзи ерларда, қишиларга жарохат олиб келади. Сабаби чавандозларимизнинг зооветеринария коидаси асосида иш тўтмаслиги, тошли, жарли ҳамда корли сирли жойларда ўйинни ўтказилишидир.

Баъзи бир чавандозлар тушунмасдан, отни бошига, оёқларига камчи билан савалайди. Юқорида айтилган жойларда чоптириш, нотўғри муомалада бўлиши отларни такасиз уйнаўтиши натижасида нуксонлар пайдо бўлади. Нуксон деб, орган ва тўқималар ўзгариши натижасида пайдо бўладиган белгиларга айтилади.

Туман рахбарлари, мўтахассислари, хўжалик рахбарлари миллий от ўйини спортини хўжаликларда, қишлоқ туйларида актив иштирок этиши, ўйини тўғри ташкил қилиш ва ривожлантириш имкониятларини яратиб беришлари керак.

Қишлоқ жойларда бўладиган кўпқари туйлари мамлакатимизда ўтадиган ўйинларга тўғри келмайди. Кўпқари туй деб эълон қилиниб, эшитилса, айтиш-айтмаслигидан катъий назар, чавандозлар кўпқари ўйинига келадилар. Натижада катнашаётган чавандоз отларнинг сони кўпайиб кетади.

Кўп йиллик маълумотларга қараганда, чавандозларнинг сони 500 тагача ҳам етиши мумкин. Ўйиннинг бўлиши қуйидагича ташкил қилинса, мақсадга мувофиқдир. Биринчи уйналадиган майдон текис бўз ерли бўлиб, чавандозларнинг сони 100 га яқин бўлса, масофа ўзунлиги 800 метргача, кенглиги 70 метрдан кам бўлмаслиги, чавандозларнинг сони 150 та бўлган масофа ўзунлиги 1000 м гача, кенглиги 100 метр бўлиши чавандозларнинг сони 200 дан зиёд бўлса, масофа ўзунлиги 1000 м гача, кенглиги 150 м бўлиши керак. Қишлоқ ўйинларида шахсий биринчилик учун ўтказилади. Халқ хўжалик кўрадиган ва тамоша қиладиган жойга диаметри 3 м келадиган доира олиб борилиб ташланган тирик вазни 45 кг гача бўлган бўйилган улоқни олиб келса, шу чавандоз голиб ҳисобланади, эълон қилинган совгани олиши керак.

Кўпқари – Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари халқларининг миллий ўйини. Кўпқари ўйинининг келиб чиқиши жуда эски тарихга эга бўлиб, «кўк бўри» еган маънони билдиради. Илгари халқлар яхши отлар билан бўрини қувганлар, кейинчалик бўрининг ўрнига кўпқари предмети сифатида суйилган эчки танаси ишлатилган.

Мусобақада иккита команда учрашиб, ҳар бир команда 5 тадан чавандоз ва биттадан запас ўйинчи бўлади. Мусобақа узунлиги 400-500 метр, кенглиги 30 метр келадиган майдончада ўтказилади. Майдонча масофасининг диаметри 3 метр келадиган айлана ясалиб, ўйин бошланишидан олдин шу айлана ичига эчки танаси ташланади. Судянинг сигнали билан ўйин бошланади. Ҳар бир команда чавандозлари эчки танасини айлана ичидан кўтариб отга ўнғариб байроқ тикилган ўз дарвозаларига олиб бориб ташласа,

ўша команда голиб ҳисобланади. Ўйин учун 15 минут вақт белгиланади, агар бу вақт ичида голиб аниқланмаса, яна қўшимча равишда 15 минут белгиланади. Агар чавандоз белгиланган майдончани ёнбошига чиқиб кетса, ёнбошидаги судья аут эълон қилади ва ўша ердан қайта бошланади. Агар чавандоз интизомсизлик қилса 5 минутга ўйиндан чиқариб юборилади, унинг ўрнига бошқа чавандоз чиқиши мумкин эмас. Агар «улоқчи» от улоқни маррага олиб боришида ёнбош чегарадан чиқиб яна чегара ичига кирса, келтирилган улоқ ҳисобга олинмайди, шунингдек, келтирилган улоқ ҳам ҳисобланмайди. Колхоз. Совхоз территорияларида уюштирилган «кўпқари» мусобақа шартлари командаларнинг ўзаро келишгани ҳолда бироз ўзгариши мумкин.

Пойгада чопиш. урта осие ва қозоғистон республикаларининг энг кизикарли ўйинларидан бири ҳисобланади. Маҳаллий аҳолилар қадимдан жуда кизикиб томоша қилиб келганлар. Пойга ўтказиладиган жой ўзунлиги текис равион бўлиши керак. Мусобақа оралиги 5;10;15 км бўлиб, отнинг яхши совўтилган ва машқ килдирилган, чавандоз, яъни отга яъни отга яхши уринлашиб ўтира оладиган, оўтиш мохирона бошқарадиган, отнинг кучини масофа бўйлаб яхши тақсимлай оладиган ва имкониятини мукамал биладиган ёки 16 ёшдан катта бўлган мактаб боласидан тоғиб, чопишга қобилияти бўлган врач қуригидан ўтган соғлом қишилар катнашади. Катнашадиган отлар ҳам ветеринария қуригидан ўтиши керак. Ўйинга тайёрланган ва машқ килдирилган ҳамма отлар катнашиши мумкин. Мусобақада катнашадиган отларнинг сони 25 гача бўлиб, ҳам командадан 5 та дан чавандоз бўлиши, отнинг ёки 5 тадан катта бўлиши мақсадга мувофиқдир. Мусобақалар мамлакатлараро бўладиган бўлса, судьялар вакиллар, машқ килдирувчилар сони мамлакатлар спорт комитети федерациясининг келишувига асосан белгиланади. Мусобакани бошланиши ва якуновчи қисми бир жойда бўлиши керак. Маррага биринчи бўлиб етиб келган чавандоз голиб ҳисобланади.

Киз қувиш. От спорти ўйинлари ичида кизикарли, ўзига хос турларидан бири бўлиб, у ёшлар орасида доимо катта кизикиш уйғотади. Ўйин ўзунлиги 300-500 м ва эни 30-40 м ли тўғри йўлакда ўтказилади. Ютган шахсий команда биринчилиги учун ўтказилади. Финиш охирида байроқча урнатилиб, у қайрилиш назорат пунктини билдиради. Ютган шахсий ва команда биринчилиги учун 1 балл, юттирганига 0 балл берилади. Чавандозлар миллий кийимда катнашадилар. Командалар биринчилиги учун ўтказилса, энг кўп балл олган команда голиб ҳисобланади. Шахсий биринчилик учун эса, энг кўп балл олган шахс ҳисобланади. Мамлакатлараро уйналганда биринчи мамлакатнинг кизи билан иккинчи мамлакатнинг йигити билан жуфт бўлиб катнашади. Шундай қилиб, ўйинда усмирлар йигит ва кизлар жуфт-жуфт бўлиб уйнашидир. Ўйинда бир неча жуфт йигит ва кизлар судьянинг сигнали билан старт қизигига кетиб, команда берилишини кўтиб туради. Старт берилгандан кейин ўйинни биринчи ярмида йигит кизни қувиб етиб, упишга, иккинчи ярмда эса киз йигитни қувиб етишга ҳаракат қилади. Агар етса, камчи билан йигитнинг елкасига уради.

Ўйиннинг иккинчи бир варианты йигит кизнинг йўлининг биринчи ярмида кувиб етиши ва унинг чап кулидаги рангли румолини тортиб олиши зарур. Акс холда, орқага қайтилаётганида киз йигитни камчи билан савалайди ва бу бажарилса голиб ҳисобланади.

Ғалаба қозонишда от чопкир ва чакқон бўлиши, чавандоз эса отни бошқара олиши талаб этилади.

Ўйиннинг бошланишидан то охиригача йигит ҳам, киз ҳам бир отда уйнаши керак. Агар отларда куйидаги нуксонлар жабка, шпат, козинец (эчки оёк) рарьерлар пайдо бўлиши мумкин. Бу нуксонлар иш қобилиятига, насл кийматида, сотиш баҳосига таъсир этади. Наслли отлар бўлса, бонитировка қилиш даврида юқоридаги нуксонлар учраса, фақат II классга ўтказиш мумкин.

Олиб борилган илмий кўзатишлар натижасида куйидаги хулоса ва таклифларни киритамиз:

1. Кўпқари, оломон пойга, киз кувиш, от ўйинлари, туман, хўжаликлар туйлари ва қишлоқтуйлари қоидага риоя қилган холда ўтказилса мақсадга мувофиқдир.

Уйналадиган жойлар тошлоқ, қорли, сирли жойлар бўлмаслиги керак.

Отни чоптиришда зооветеринария қоидаларига риоя қилмоғи керак.

Ўйин мобайнида отнинг оёқларини ва ўз оёқларини кўтариш, отнинг кўкрагини такаш, улоқ танасини иплар билан боғлаш эгарга тасма, иш билан беркиўтиш мумкин эмас. Шу ишларнинг натижасида отларда нуксонлар пайдо бўлади.

Сержахл, ўтишлайдиган отларни ўйинга кириўтиш мумкин эмас. Улар қишиларга ва отларга жароҳат олиб келади.

Ағдариш (саис) – қозоқ ва қирғизларнинг миллий ўйини. Бу ўйинга яхши ўргантилган отлар билан энг зўр чавандозлар қатнашади. Мусобақа шахсий команда биринчилиги учун бўлиши керак. чавандознинг ёши 18 ва ундан катта бўлиши керак. бу мусобақада чавандозларнинг оғирлиги ҳисобга олинади. Енгил оғирлик 65 кг.гача, ўрта оғирлик 80 кг.гача ва оғир 80 кгдан юқори бўлади. Отлар паст, пишиқ, тез бурилувчан, оёқлари мустаҳкам бўлиши керак. (Кустонай, янги қирғиз, қорабайир зотлари).

Мусобақа 25x50 метрли чопиш йўлакчада ёки 30-40 метрли белгиланган майдончада ўтказилади. Бунда икки чавандоз 15 минут олишиши керак. голиб чавандоз рақибини эгардан ерга кулатиши керак. агар 15 минут давомида чавандозлар бир-бирини қўлата олмаса, судялар яхши усул ва активлар кўрсатилган чавандозга ютуқни беради. Кураш натижалари куйидагича баҳоланади: аниқ ғалаб учун – 3 ижобий очко, балл бўйича қозонилган ғалаба учун – 2 ижобий очко, енгилган лекин актив курашганлиги учун – 0 очко берилади, енгилган ва пасив курашганлиги учун – 1 очко олиб ташланади.

Оломон пойга – 5000, 7000 ва 10000 марта чопиш. Профессионал чавандозларни бу пойгада қатнашиши манн қилинади. Бунда 12 ёшли боладан тортиб то қарияларгача қатнашиши мумкин. пойгага асосан маҳаллий ва зоти биров яхшиланган отлар қатнашади, қатнашишдан олдин улар махсус машқ

қилдириб тайёрланади. Пойгага 15-20 киши бирдан қўйилади, чавандознинг оғирлиги ҳисобга олинмайди, лекин орқасига номер тикилган бўлиши керак. биринчи бўлиб финишга келган чавандоз голиб ҳисобланади.

От устида кураш - (ағдариш, сайс ўйини) Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон республикаларида кенг тарқалган. Бу ўйин чавандоздан эгарга яхши урнашиш, катта жисмоний куч, чаққонлик, айти пайтда отни мохирлик билан бошқаришни талаб қилади. Унинг мохияти рақибни от устида тортиб йиқиштишдан иборат. Шундай қилиб республикамызда ўтадиган байрамлар миллий от ўйинисиз ўтмайди. Бу ўйинлар байрмалар чиройига чирой кушади. Мусобака шахсий ва команда ҳисобидан ўтказилади. Ўтказиладиган майдонга текис жой танланиб ўзунлиги 50метр ва кенглиги 25метр бўлиши керак. Ўйин икки чавандоз уртасида бош судьяни сигнали бўйича 15минўт от устига олишиб рақибни эгардан ерга тушириш натижасида амалга оширилади.

Мусобакада катнашувчилар тирик вазни бўйича уч оғирли категорияга бўлинади: енгил катигория 75кг гача, урта категория 80кг гача, оғир вазнли категория 80кг дан юқори бўлади. Чавандознинг ёши 18 ва ундан катта бўлиши мумкин. Мусобакани бош судья бошқаради. Уни берган сигнали билан бариб олишади. Берилган вакида рақибни эгардан ерга туширилмаса 5минўт дам берилади. Бош судьяни рухсати билан кушимча 5минўт вақт берилади. Агар кушимча вақт ичида ҳам рақибни ерга тушира олмаса аммо ишлатган усуллари ва ҳаракатчанлигини яъни устунликлари инобатга олиб бош судья томонидан чавандозни голиб деб ҳисоблаш мумкин. Кураш натижалари қуйидагича баҳоланади: аниқ галаба учун 3та ижобий балл, актив кураш учун 2балл, пассив курашгани учун 1 далл ташланади. Рақибни отини уруш,бирор жойини ушлаш; жиловлаш ман этилади.

От саёхатлари ва дунё миқёсида майда от клублари

От саёхатлари – бу инсонга эстетик роҳат бағишлайдиган организмга ижобий таъсир кўрсатадиган, мускуллар (мушаклар) ни асаб системасини мустаҳкамлайдиган оммавий тадбирдир. Отда юриш энг муҳим тадбир бўлиб, одамларни бир – бирига яқинлаштиради, дўст орттиради, инсонни тарбиялайди соғломлигини мустаҳкамлайди. Кўп касалликларни олдини олишда тўзатишда муҳим рол ўйнайди. Масалан: аденома ошқозон – ичак, юрак, қон босими, артероз касалликларини олдини олишда ва соғломлаштиришда. Отда юрган киши қарилик чоғларида ҳам қомати ва хушбичимлигини яхши сақлайди, тетик юради, куч ғайратини унча йўқотмайди. Бизга маълумки жуда кўп пайгамбарларимиз, олиму – уломоларимиз, шунингдек буюк Амир Темур, Л.Н.Толстой, С.И.Будённый, К.Ф.Ворошелов, А.С.Пушкин, М.Ю.Лерментов ва бошқалар ҳам ҳар қандай об – ҳаво шароитида ҳам анча вақт отда сайр қилар экан. От саёхатлари дам олишнинг энг яхши усулидир. Хозирги кунда М.Д.Хда от саёхатлари мавжуд от саёхатлари орқали ҳар хил манзараларни кўриш билан бирга табиатдан баҳраманд бўлган кишилар билан муносабатда бўлади. Ҳар хил миллат ва элат халқлари билан бирга бўлиб, уларнинг урф одатларини, маданиятини билишади.

От саёхатлари гуруҳ– гуруҳ бўлиб, худди дам олиш санаторияла-ридек

18 – 24 кун ичида дам олишади 4 – 5 кун от миниш ва бошқа тадбирлар билан шуғулланади. Қолган кунлари режа асосида отда юриб, дам олиб саёхатлар ўтказишади. Отда юришда ахта қилинган қаноатли, озуқа танламайдиган, ахта қилинган 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган отлардан фойдаланилади.

Барча дам олиш қароргоҳлари йўлланмаларни жойлардаги ўз уюшмалари орқали ёки қароргоҳнинг ўзида ўзлари сотиш ҳуқуқига эга. Барча от саёхати йўналишларида от минишни энди бошловчилар учун махсус майдончаларда от миниш сирларини ўргатиш машғулотлари ташкил қилинган. От саёхатлари мавсуми май ойининг охиридан сентябр ойигача давом этади.

От саёхатида барча хоҳловчилар (16 ёшга тўлган соғлом инсонлар) қатнашишлари мумкин.

От саёхатида қатнашиш истагини билдирган барча аризалар юқорида қайд қилиниб ўтилган барча дам олиш қароргоҳлари манзилларига йил давомида қабул қилинади.

Пакана от клублари

Ёш ўсмир ўғил ва қизларни пакана отларни салт миниб ва от спортини ўрганиш учун мўлжалланган Англияда Шотланд ва Уэлкс, Швецияда Готланд, Японияда, Хокайд, Аргентинада Хулио Фалабелло ва Америкада пакана карлик от зотлари кенг тарқалган бўлиб, қаричиғай баландлиги 38 см то 144 см гача энг кичигининг тирик вазни 14 – 16 кг дир. Чет мамлакатлар сингари М.Д.Х даги давлатларнинг от заводларининг олдида қўйган топшириқлардан бири такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириб, ҳар хил типдаги пакана отларни кўпайтиришдир.

Хозирги вақтда дунё миқёсида 1372 та пакана от клублари мавжуд дунё миқёсида ёш ўсмирлар от орасида от спортини ривожлантириш учун пакана от клублари бўйича 1977 махсус комиссия тўзилиб тасдиқланган.

1977 йилдан бошлаб дунё миқёсида 8 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўсмирлар орасида чемионлик ўтказилди. Мусобақа режасига олий даражада машқ қилдириш, тўсиқлардан ўтиш ва уч кураш ўйинлари киритилган.

Ёш ўсмирларни келажакда от спортига тайёрлашда, уларни чаққон, ботир, қилиб тайёрлашда ва дунё миқёсида мамлакатни танитиб, спорт мастери чемпиони бўлиб етишишда тутган ўрни муҳимдир.

ОТ СПОРТИ НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. От спортининг келиб чиқиш тарихи бўйича қисқача тушунча беринг.
2. От спортининг классик турлари деганда нимани тушунасиш.
3. Миллий спорт ўйинларига нималар киради.
4. От – спорт ўйинларидан стипль-чез, деган ўйинни айтинг.
5. Кўпқари ўйинига қисқача тавсиф беринг.
6. Дунё бўйича қанча от спорт клуби мавжуд.
7. Пакана от клублари деганда нимани тушунасиш? Бу ўйинда неча ёшдан неча ёшгача ўғил-қизлар қабул қилинади.

Туячиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти. Туя зотлари.

Р Е Ж А

Туячиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти тўғрисида тушунча.

10. Дунё миқёсида, МДХ да ва Ўзбекистонда туячиликнинг ҳолати.

11. Туяларнинг ишчи сифатида фойдаланиш.

12. Туя зотлари тўғрисида тушунча.

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати.

4. Кугенов П.В. Верблюдоводство. М. 1982

7. Фаннинг дискетага ёзилган маърузалар матни

8. Сайтлар

www.zio.net.

<http://vvvvvvv//uralri.ru>.

Туячиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.

Туячилик чорвачиликнинг муҳим соҳаси бўлиб, ишчи, транс-порт сифатида, маҳсулот олишда (сут, гўшт, жун) тутган ўрни катта-дир. Дунё миқёсида туячилик қадим-қадимдан ривожланиб келган.

Қадимдан Ўзбекистонда ҳам туячилик кенг ривожланиб, дав-латлараро савдо-сотиқни йўлга қўйишда, миллат ва элатларни урф-одатлари, маданиятини тарғибот қилишда муҳим аҳамиятга эга бўл-ган буюк ипак йўлини ташкил этишда асосий марказ ҳисобланган.

Туя карвонлари, туячилик, инсоният оғирини енгил йилиб, элатлар ва миллатларнинг моддий ва маънавий томондан осаллаб ва ўсватлаб келган жонивордир. Демак, халқ хўжалигини ривожлан-тиришда сўз сўрни бор.

Ўзирги кунда ҳам Араб халқи учун туя ишончли ёрдамчи ҳисобланади. Сақро зоналарида кўчиб юрадиган 5-6 киши учун энг камида 7 туя кераклиги аниқланган. Кўчиб юрадиган бадавлат оилалар сўртача 25 бош туя, 15 бош ўёй ва 40 бош эчкига эгадир.

Сақро зоналарида медицина пунктлари йўқ. Халқ ўқимчи медицина ишларида ўқиланиладиган дармон-дорилардан бири туя сийдигидан кенг усулда, айниқса, кўзлари шамоллаганда кенг фойдаланилади. Улар яшайдиган палаткалар эчки ва туя жуни билан ўқиланган бўлади. Сақро ва ўруш чўл шароитида жуда кучли юк кўтарадиган ва юк тортадиган қайвонлар ичида туялар муқим аҳамиятга эга. Чорва молларини ўзоқ масофаларга бўйишда транспорт сифатида туяларнинг хизмати муқимдир.

ФАО-ЮНЕП маълумотларига кўра 50 миллион бошни ташкил йилади.

Бактерианлар 4 та зотдан иборат бўлиб, ФАО маълумотларига асосан жақонда бир миллион уч юз эллик минг дан зиёд икки сўрқачли туялар мавжуд.

Бу зотлар асосан 5 та давлатда урчитилади ва уларнинг номи кам сеша давлат ёки кудуд номи билан боғлиқ. МДК давлатлари кудудларида қозирги кунда Ўзоғ, Ўалмоғ бактерианлари урчити-лади. Олтой селкасида мунтазам равишда Монгол бактерианлари келтирилган. Хитой бактерианлари эса бизнинг мамлакатимизга умуман келтирилмаган.

Туялардан ишчи қайвон сифатида фойдаланиш

Сақро - ярим сақро ва чол минтағаларида бошқа қайвонларга қара туялар кучли юк қостарувчи қисобланади. Узоғ яйловларда ўсей ва подаларни бошишда туялардан кенг фойдаланилади. Шунингдек транспорт сифатида муқим ақамиятга эгадир. Уларни-нг афзалликлари шундаки, қар хил шароитда йолларда юришда иштисодий самарадорликка эгадир. Арабистон чолларида араблар туяларни миниб секин юридилар, соатига 4-5 км босади. Бир кунда 40 км дан ошмайди. Арабистон мамлакатининг баъзи бир жойларида туя аскарлари мавжуд. Уларнинг сартача тезлиги соатига 13 км дир.

Урғочи туялар эркак туяларга нисбатан тез юриди, чидамли ва қўп юк қўтариш қобилиятига эга. Қўчманчи араблар туяларга қўп юк ортишдан қўрқади, яъни толиқиб қолмаслиги учун, ортган юкининг оғирлиги ўртача 110-120 кг дир. Туянинг қобилияти унга нисбатан қўп бўлса ҳам ундан зиёд юк ортмайди.

Туя зотлари тўғрисида тушунча.

Бактерионлар 4та зотдан иборат бўлиб ФАОмалумотларига асосан жаҳонда бир миллион уч юз эллик мингдан зиёд икки ўрқачли туялар мавжуд.

Қалмиқ зоти

Қалмиқ зоти бошқа икки ўрқачли зотлар ичида тана тузилиши гавдасининг баландлиги, йириклиги суяқларининг йўғонлиги билан ажралиб туради. Шунингдек оёқларининг ўзунлиги билан ажралиб туради қалмиқ зоти жуда қувватли, кучли арава юкини тортади ва қўп юк қўтаради. Конституциясининг куруқлиги билан характерланади. Ўзига хос хусусиятлари яъни иш қобилиятчанлиги юқори, гўшт, сут ва жун махсулотларининг юқори эканлиги билан ажралиб туради. Баъзи бир туяларнинг оғирлиги 1200 кг га етади. Ҳозирги кунда қалмиқ туялари Қозоғистон ҳудудига узлуксиз келтирилиши натижасида улар Қозоғистон туяларини яхшиловчи шароитида фойдаланилмоқда. Ердан икки ўрқач орасидаги баландлик 188 см. Гавда қия узунлиги 165 см, қўкрак айланаси 220-230 см. Қар йили ўрта ҳисобда 100 та она туядан 47 бош бўталок олинади. Ўртача бир туядан 5.2 кг жун олинади. Рекорд туялардан 16 кг жун беради сут махсулдорлиги 1750 кг.

Қозоқ зоти.

Бу зот фақат қозоғистон республикасида эмас, Ўзбекистон, қирғизистон ва расия федератив республикасида кенг тарқалган туя зотларидан бири қозоқ зоти ҳисобланади. Қозоқ зоти мотал зотиға нисбатан кичикроқ бўлиб, оёқлари қилтириқ бўлиб, танаға нисботан қўкрак чуқурлиги катта икки ўрқачлилар ўртасида қалмиқ

зоти энг катта хисобланади. Иккинчи ўринда қозоқ зоти, кичиги муғил зотидир.

Туяларни усиш ва ривожланишида табиий шароит, озуқа асосий рол ўйнайди. Икки ўркакчи туялар жумладан қозоқ зоти совуқга яхши бардош беради, совуқ ва намгарчилик шароитларида ишчи сифатида кенг фойдаанилади. Россия федерациясининг жанубий- шарқий туманларида, қозоғистоннинг шарқий қисмида унча катта бўлмаган туялар учрайди.

Қозоғистонни ғарбий вилоятларида учрайдиган туяларнинг ўркакчи туялар ўрта баландлиги 172,5см. Кўкрак баландлиги 88,4см, кўкрак чуқурлиги 84,1см гавдасининг қиё узунлиги 117,8см, кўкрак айланаси 216,1см, кафт айланаси 18,9см.

Арвона зоти – Бу зот ўзига хос юк кўтарадиган қадамлаб юривчи зотидир.

Бу зот юқори сут бериши билан ажралиб туради. Бу зот фақат Туркменистон, Ўзбекистон, М.Д.Х. ва чет мамлакатларида, жумладан Эрон, Арабистон, ва бошқа мамлакатларда. Бу зот қарвон бўлиб хизмат қилади. Бир ўркакчи туялар иссиқга чидамли, совуқга бардош беролмайди.

Бу зотни ўрчитишда муҳим шароитни этиборга олиб ривожлантириш керак. Қозоғистонни ва сибирни қаттиқ совуқларига чидолмайди. Шунинг учун у жойларда учратиш мақсадга мувофиқ эмас. Ўрта Осиёни ва Африка мамлакатини иссиқ иқлимга мослашган. Бир ўркакчиларнинг суяклари енгил. Икки ўркакчи зотларга нисбатан анча териси юпқа. Жун қоплами калта ва сийрак. Арвона зоти икки ўркакчиларга нисбатан тез етилувчан, аммо буғозлик даври икки ўркакчиларга нисбатан 20 кунга камдир.

Экситерьер тузилиши бўйига бир ўркакчилар икки ўркакчилардан қисман фарқ қилади. Боши дуп пешонаси тор, юз суяклари узун дўп бурунли продсили. Лаблари юпқа ва ҳаракатчан. Юқори лаби бор. Бурун узун ва ҳаракатчан, мускуллари яхши ривожланган ва кучли.

Танаси чуқур, қалин кўкрак мозли нисбатан кичик. Яхши семиз туяларнинг ўркакчи айланасимон. Баландлиги 30-40см Арвона зоти озуқа танқислигига сувсизликга чидам берадиган ҳайвон.

Ўзбекистонда учрайдиган арвона туяларнинг қарчитой баландлиги эркакларида 179,1см, урғочиларида 171,4см, гавданинг қия узунлиги эркакларида 154,3см урғочиларида 149см, кўкрак айланаси эркакларида 198см, урғочиларида 188 см, кафт айланаси эркакларида 21см, урғочиларида 18,9см, бир ўркакчи туялар ўрчитишда уларни сақлашга этибор қаратиш керак. Совуқ ва ёнғарчилик вақтида қуруқ ва иссиқ кунларда сақлаш керак. Бир бош туя учун 5-6 квм ва битта бўталок учун қўшимча 2,5-3 квм жой ажратиш керак.

Арвона зотини сут маҳсулдорлиги юқори, суткали сут бериши ўртача 10-13 литр: 1800 л гача соғилади. Сут бериши 4300 л. ташкил этади. Сутининг ёғи 4,5 фоиз. Катта туяларнинг эркакидан 4-4,5 кг, урғочиларидан 2 кг жун олинади. Уртача тирик вазни эркакларида 550 кг. Ўн яхшилари 850 кг гача. Урғочилари 450 кг. Ўн яхшилари 750 кг гачадир.

Таянч иборалар.

- 1.Туяларнинг яшаши. 35-40.
- 2.Туя сахро, ярим сахро ҳайвони ҳисобланади.
- 3.Нор туя юк кўтаришда ва юк тортишда энг кучли ҳисобланади.
- 4.Бактериан (икки ўркакчи) туялар 4 та зотдан иборат.

Назорат саволлари.

- 1.Туячиликнинг халқ хўжалигидаги тутган ўрни.
- 2.Туялар қишлоқ хўжалигида нима мақсадда ишлатилади.
- 3.Туяларни ишчанлик ёбилятини неча баллик система асосида бақоланади.
- 4.Қозоқ зотидан асосан қанақа маҳсулотлар олинади.
- 5.Аравана зоти қайси йўналишга мослашган.

Туяларнинг сут, гўшт, жун тери маҳсулдорлиги

Р Е Ж А

1. Туя сутидан озиқ-овқат сифатида фойдаланиш.
2. Сутнинг кимёвий таркиби ва хусусиятлари.
3. Туя елинининг анатомик тузилиши ва соғиш усуллари. Сут бериш тезлиги ва соғиш усуллари.
4. Шубатнинг шифобахш хусусияти.

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати.

4. Кугенов П.В. Верблюдоводство. М. 1982
7. Фаннинг дискетага ёзилган маърузалар матни
8. Сайтлар
www.zio.net.
<http://vvvvvvv//uralri.ru>.

Тўқимачилик саноатида туя жунига бўлган талаб жуда катта ва юқори баҳоланади. Дунё бозорларида дағал қўй жунларига нисбатан бир неча баробар қийматли ҳисобланади.

Туя жунини иссиқликни сақлашга ва юқори намликни ўтказмаслик хусусиятига эга. Туя жунидан сузувчиларга, учувчи ва денгизда хизмат қилувчиларга, экспедиция ходимларига, сафарларда юривчи кишилар учун кийим кечак тикилади.

Туя жунини толаси қўйнинг дағал жунидан таркибидаги курук, ўлик қиллардан ва оч ингичкалигидан фарқ қилмайди. Туя жуни майин жун ва ёл жунларига бўлинади. Ёл жунларига кокил, соқол, галиф, четки уркач, дум ва бўйин ёки жунларига бўлинади. Бошқа қисмлари майин жунларга киради. Майин жунлар ўз кўринишига кўра усч классга бўлинади.

М.Д.Хдаги стандарт 5808-77 талабларига мувофиқ жун сифатига кўра I, II, III, класс I классга кирадиган жунлар тананинг ва ўркачидаги жунлар киради. II класс жунларига тананинг бўйин қисми қорин остидаги жунлар киради. III классга кўкрак, чов, дум ва оёқ жунлари киради.

Туя жунинг таркиби ва сифатига турига, зотида ёшига ва физиологик ҳолатига боғлиқ. Қайси тур, зот бўлишидан қаттиқ назар сўт берадиган туялар, эркак туяларга нисбатан кам жун беради.

Туяларнинг жун маҳсулдорлиги кўпгина олимлар ва мутахассислар томонидан ўрганилган масалан: П.В.Иванов, И.И.Лакоза, И.К.Жумагулов, А.Б.Баймуқанов, З.М.Мусаев, М.К.Кугенов, Н.А.Чашкинлар. Уларнинг фикрича катта ёшдаги сўт берадиган икки ўркачли туялардан ўрта ҳисобда 5,5 кг ювилмаган жун олиш мумкин. Тоза жун 85 % ни ташкил қилади. Бир ўркачли сўт берадиган туялар 2,5 кг жун бериши аниқланган. 1 жадвалда берилган.

Ўртача ҳар хил ёшдаги туялардан қирқиб олинган жун. (кг ҳисобида)

Тур,зот ва ёши бўйича	Ўртача қирқиб олинган жун	Тебраниши
Қозоқ икки ўрқачли она туя	5.9	3.5-9.2
Бир ёшли бўталок	3.5	2.7-4.6
Икки ёшли бўталок	4.5	3.4-5.9
Қалмиқ икки ўрқачли она туя	5.7	4.5-10
Бир ўрқачли(аравана) она туя	2.7	1.3-5.7

Бир ўрқачли туяларнинг жун маҳсулдорлиги 4ёшгача йилдан йилга кўпайиб боради 5 ёшга етганда 6.6-6.8 кг ҳисобида тенглашади. Икки ўрқачли қалмиқ, муғил биринчи буғин муғил ва қозоқ зотларидан 8 кгдан 19 кг ўртача 12 кгдан жун қирқиб олинади.

Туяларнинг жун маҳсулдорлиги.

Туячилик асосан чўл ва дашт зоналарида ривожланган ҳозирги вақтда икки ўрқачли туяларнинг (бактериялар) уч зоти-Қалмиқ, қозоқ, муғил бактериялар ва бр ўрқачли туяларнинг бир ўрқачли зоти-дромедарлар (аравана) урчитилади.

Туяларнинг бутун дунёдаги умумий сони 14 млн. бошни ташкил қилади. Туячилик асосан Африка қитъаси зоналарида кўп ривожланган. Монголия М.Д.Ҳда асосан Марказий Осиё республикаларида, Қозоқистон, Қалмиқ Автоном республикаларида урчитилади. Кишилиқ жамиятида туянинг сути, гўшти ва жунидан фойдаланиб келинган. Туянинг жунидан камвол, трикотаж ва юпка мовут газлама ишлаб чиқарилган. Ёлининг жунларидан чидамли тасмалар ясада ишлатилган. Собиқ СССРнинг ялпи жун маҳсулдорлигини 3,5% ни туя жунини ташкил қилган. Бу мидордаги жун эса унга ишлов берадиган корхоналарнинг эҳтиёжини қондирмаган. Шу сабабли Монголия республикасида туя жунини сотиб олинган. Туяларнинг жун маҳсулдорлиги Ўзбекистонда 4.5-5 кг ни ташкил қилади. Қозоғистонда 5-6 кг ни ташкил қилади. Монголия республикасини Арахангай, Булган аймақларида назорат қирқим натижаси бўйича 12-19 кг ни ташкил этган. Монголиянинг Ўрта чўл аймақларида ҳар бир туядан 8-12кг дан жун олинади. Увурхангай аймағининг тоғ томонида 12 минг туяси бўлиб ўртача ҳар бир туядан 17 кг жун олинган. Туяларнинг жун қопламида ёғли тер кам бўлиб, тоза жун чиқими 68-70% атрофида бўлади. Тивит толаларининг ингичкалиги 15-20 мкм, қаттиқ толаларники 65 мкм, Оралик толалар туяларнинг ёлида учрайди, ўлик тола учрамайди. Бактерианларнинг бир ёшида тивиттолаларнинг ингичкалиги 15 мкм тенг бўлса, 11-18 ёшлигида 19 мкмгача дағаллашади, дромедорларда эса бу кўрсаткич 15 мкм.дан 20 мкм гача дағаллашади. Туя

жун толаларининг чидамлилиги бактриондарда (икки ўрқачли) 9,2 драмедорларда 10,1 км га тенг бўлади.

Туя жунин толаларининг чидамлилиги ва тоза жун чиқими 2 жадвалда берилган.

2 жадвал

Туяларнинг тури	Чидамлилиги (км)		Чиқим миқдори (%)	
	Тойлоқлар	Катта ёшдаги ҳайвонлар	Ўртача	лимит
Бактрионларда	9,2	8,4	82,0	73-84
Драмедорлар	10,1	7,4	96,2	65-90

Толаларнинг чидамлилигига кўра туя жунин қўй жунидан устун туради. Тойлоқлар жунининг толаси катта ёшдаги ҳайвонлар жунининг толасига нисбатан чидамлироқдир.

Икки ўрқачли туялар совуқ шароитга яхши мослашади ва совуқдан кўркмайди жунин қалин, узун, эгри-бугри мустаҳкам тивит толалари билан қопланган. Бир ўрқачли туяларнинг жунин калта, дағал кам буралган кўринишда бўлади. Тивити кам бўлади. Икки ўрқачли ва бир ўрқачли туялар жунининг бир-биридан фарқи авлоддан-авлодга ўзгармасдан ўтади.

Жуннинг техник хусусиятлари.

Жун ҳар турли жун буюмлар қилиб қайта ишлашларга дуч келади. Ана шу қайта ишлашлардан энг оддийси жундан кигиз ва бошқа босиладиган буюмлар тайёрлашдан тортиб то жунни йигириш, тўқишдан иборат технологик процессларнинг анча мураккаб системаси ва жундан тўқиладиган газламаларнинг турли хилларини пардозлашгача бўлган жараён киради. Жунни ҳар қандай қайта ишлаш жун толаларига механик ва химиявий термик таъсир кўрсатишларнинг комплексида иборат бўлади. Бу таъсир этишларнинг характери ва улардан олинадиган натижалар жун толаларнинг қандай физик ва химиявий хусусиятларига қараб жунни қайта ишлашнинг технологик жараён тузилади ва мазкур жундан қайси буюмни олиш техник жиҳатдан анча самарали эканлиги аниқланади.

Жуннинг асосий техник хусусиятлари:

1. Жингалакли
2. Ингичкалик
3. Ўзунлик
4. Чидамлилик
5. Чўзилувчанлик
6. Эгилувчанлик
7. Ранги
8. Ялтироқлик
9. Намлик
10. Олинган соф жун миқдори.

Туя жунидаги тивит толасининг физик хусусияти

Туя жунидаги тивит организмни совукдан куриклаш функциясини бажаради. Жуннинг сифати умуман туядан олинган жуннинг ҳажмига боғлиқ

Тивит – энг ингичка жун ҳисобланади кўпинча икки ўрқачли туяларда кўпроқ бўлади. Тивитнинг ингичкалиги бир ёшли буталоқларда бўлади. Ёшнинг ўсиши билан тивит таркибининг микдор ва сифати ўзгаради. Туялардан қирқиб олинган жуннинг энг кўп қисми тивит ҳисобланади. 75,8 фоиздан то 86,7 фоиз атрофида бўлади.

Ораликдаги туя жуни толасининг физик хусусияти

Оралик туя жунини толаси.

Ҳажмига физик хусусиятига жун қопламидаги намликни ўтказмаслигига боғлиқ. Оралик қия эга бўлиб, тивит билан қилтиқ ўртасидаги тузилишга эга. Оралик қия ўзини ингичкалиги билан тивитнинг ингичкалигидан кам фарқ қилади. Қалин толаси аксинча қилтиқ ингичкалигига яқин. Оралик қия кўпинча бир ўрқачли туяларга хос икки ўрқачли туяларда оралик қия ўртача 5,0-6,5 фоизни шундай микдорда қилтиқ жунни ташкил қилади.

Хўжалик қиймати бўйича юқори баҳоланмайди, лекин танадаги ҳаракатнинг бир ҳил бўлиб, тури жараёнида катта роль ўйнайди.

Қилтиқ толасининг физик хусусияти.

Қилтиқ жун қопламида намликни ва жунга мустаҳкамлик беради. Қилтиқ бошқа жун қилларидан дағаллиги билан ажралиб туради. Қилтиқнинг ўртача диаметри 50 мк. Қилтиқ тўқимачилик саноатида ишлатилмайди. Ундан ингичка иплар қилинмайди. Иссиқ кийим кечаклар қилишда ишлатилади. Шунингдек қаттиқ қилли иплар тайёрланади.

3 жадвал

Туя жун толасининг физик хусусиятлари.

Кўрсаткичлар	Дурагай бактериан		
	Тивит толасининг физик хусусиятлари	Оралик қил толасининг физик хусусиятлари	Қилтиқ толасининг физик хусусиятлари
Ҳажм оғирлиги, %	85.0	6.1	8.9
Ингичкалиги, мк	18.9	36.0	50.1
Узунлиги, см	7.6	7.7	10.1

Терининг товар хусусияти.

Унинг оғирлиги, қалинлиги, ҳажм ва бошқа хусусиятлари билан характерланади. Терининг ички қавати чиритувчи микроблар учун яхши муҳит бўлганлиги учун тери 2 соат ичида косевация қилиниши керак. Гўшти ёғи ва тери ости келечаткасидан тозалангандан сўнг косервацияланади.

Терини қўйдага консервация усули мавжуд: туз эритмасида, қуруқ туз билан, тузлаш ва қўритиш йўли билан.

Теринг сифатини аниқлаш.

Тери сифати 1134-73 ГОСТ-ёрдамида аниқланади. Оғирлиги бўйича сифати аниқланади. Тери нави унинг ички ва ташқи томонидан камчиликларига қараб аниқланади. Тери чет қисмларидаги 3 тешик ўртасидаги 2 та тешикка тенглаштирилади. Теридаги камчиликлар ҳайвон тирикчилигида ва қайта ишлангандан сўнг ҳосил бўлиши мумкин. (Хар хил касалликлар, травматик жароҳат). Туяларнинг териси қорамолларнинг терисига нисбатан 2 марта қалин бўлади. Терининг энг қалин қисми ўрқачи ҳисобланади, сўнгра думгазаси ва кўкрак қафаси ҳисобланади. Ўрқач териси қайишқоқ, кучли чўзилиш хусусиятига эга. Ўрқачда ёғ камайса ҳам қатлам ҳосил қилмайди. Тери эпидермиси қорамолларникига нисбатан 2 баробар қалин, яъни 40-100 мк атрофида. Жун фолекулалари туда бўлиб жойлашиб, ёғ безлари 2-3

Йўллардан, айниқса ўрқач қисмидан чуқур жойлашган. Тер безлари кичик, аммо чов қисмидан тер безлари кўпроқ жойлашган. Туя териси ёшига қараб хар хил оғирликда бўлади. Икки ёшлиларники 30 кг, 3 ёшлиларники 32 кг, 4 ёшлиларники 40 кг, беш ва ундан катта ёшлиларники 45 кг бўлади. Тирик вазнига нисбатан терининг вазни 7-85 % ни ташкил қилади.

Туя жунини тайёрлаш тартиби Юқорида айтиб ўтилганидек туя жунини тўқимачилик саноатида ва дунё бозорида қимматли хом ашё сифатида кенг фойдаланилади. Туядан бир йилда бир марта баҳорда жун қирқиб олинади. Жун қирқим муддати об-ҳаво ва туялар жун қопламига қараб белгиланади. Жун қирқиш одатда илиқ кунлари олиб борилиб, ундан ташқари туяларни жунини тобига келган пайтини ҳам ҳисобга олиш керак. Туяларни жунини қирқиландан сўнг совуқ кунлари туяларни кашарларга ҳайдаш керак. Туяларни жунини қирқиш икки усулда амалга оширилади: қўлда (қайчи ёрдамида), электр агрегатда ЭСА-61200. Бу агрегат иш унумдорлигини 2-3 мартага оширади. сифатни яхшилайдиган. Агар туялар жунини ўз вақтида қирқиб олинмаса тивити йўқолади. Тулаш вақтида тивити иложи борица тароқ билан тараб олинади. Туя жунини ўз вақтида қирқилмаса 18% жун тўкилиб кетиши мумкин.

Таянч иборалар.

1. Туя жунини иссиқликни сақлашга ва юқори намликни ўтказмаслик хусусиятига эга.
2. Туя жунинидаги тивит организмни совуқдан қўриқлаш функциясини бажаради.

НАЗОРАТ САВОЛАРИ.

1. Икки ўрқачли туялардан ўртача неча кг гача жун қирқиб олиш мумкин, энг кўп бўлгандачи?
2. Бир ўрқачли туялардан ўртача неча кг гача жун қирқиб олиш мумкин, энг кўп бўлгандачи?
3. Жунинг асосий техник хусусиятларини айтинг?
4. Тери сифати қандай аниқланади?
5. Тери туянинг ёшига қараб оғирлиги бўйича неча кг бўлади?

Туяларнинг экстеръери, кўпайиш ва ривожланиши. Сақлаш ва озиклантириш

Р Е Ж А

1. Туяларнинг экстеръери тўғрисида тушунча ва биологик кўрсаткичлари.
2. Қочириш усуллари. Буғозлик даври ва туғилиш.
3. Буталоқларнинг ўсиш ва ривожланиши.
4. Туяларнинг сақлаш ва озиклантириш

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати.

5. Кугенов П.В. Верблюдоводство. М. 1982
6. Фаннинг дискетага ёзилган маърузалар матни
7. Сайтлар
www.zio net.
<http://vvvvvv// uralri.ru>.

Экстерер – Икки ўрқачли туяларни бактрион, бир ўрқачли туяларни-дромедар дейилади. Бактрионли туяларда икки ўрқач бўлиб, бўйни , пешонаси, олдинги оёғида қалин жун толалари билан қопланган бўлади. Бир ўрқачли дромедар туяларда ўрқачи икки ўрқачлиларга солиштирганда ўрқач тузулиши бўйича кескин фарқ қилиб, икки ўрқачнинг ўртасида жойлашган. Бўйиннинг эгилган жойлари кам бўлади. Икки ўрқачлиларга нисбаттан чўзикроқ, шунингдек бир ўрқачлилар жунларининг калталиги, кўпинча жунларнинг бурама ва очик тусда бўлиши билан ҳарактерланади. Бу туялар чопишда ҳаракатчанлиги ва тез чопиш билан ҳарактерланади.

Туяларнинг экстерерини ўрганишда аввало тана тузилиши ўрганилган-дан кейин, сўнгра алоҳида қисмларга бўлиниб баҳо берилади.

Экстерерига ўараб баҳолашда текис равон йўлга қўйилиб, тана қисмлари бўйича баҳоланади. Энг аввало бошидан бошланади, кўзлари (кўрлиги, шамоллаши, нуқсонлари) текширилади. Оғиз бўшлиқлари кўрилади. Тиш ҳолати кўздан кечирилади. Бошқа қавш қайтарувчи ҳайвонлардан шу билан ажралиб турадики, юқорида 2 та қирқувчи тишларнинг бўлиши билан катта ёшли туяларда 34 та тиши бўлади. Еттита бўйин умуртқасидан иборат бўлиб, умуртқа ортиғи билан таъ-минланган ва кучли мускуллари билан қопланган. Бўйин умуртқасидан кейин, 12 та кўкрак умуртқаси, 7 та бели, 5 та тос умуртқаси ав 18 та дум умуртқаларидан иборат. Туялар тиккатуриб бўйнини узун бўлганлиги сабабли ўз ўрқачига тишини ва лабини, шунингдек кейинги оёғининг қафти ва бармоқ учларига олиб боради. Лекин қисқа чегараланган 12 жуфт қовурғалари борлиги билан бели узун унинг эгилишини таъминлайди. Тос суяги жуда қисқа, сони узун. Тананинг кейинги мускул қисмлари қорамолларга ҳатто отга нисбаттан яхши ривожланган.

Расмларда туя танасининг тузулиши ва скелетининг тузулиши берилган.

Туя танасининг тузулиши (қисмлари).

1-пастки лаб; 2-юқори лаб; 3-бурук қисми; 4-кўзлари; 5-пешонаси; 6-энса; 7-қулоқлари; 8-бўйинни юқори чети; 9-бўйиннинг асоси; 10-қарчиғайи; 11-кураклари; 12-ўрқачи; 13-ёнбош қисми; 14- думғозаси; 15-ўтириш дўнглиги; 16-думи; 17-сакраш буғуми; 18-кейинги кафт; 19-болдири (голен); 20-тизза бугуни; 21-сони; 22-қоринни пастки чети; 23-кўкрак сувги (кўкрак қадоғи); 24-тирсаги (тирсак кафти); 25-туёғи; 26-пайпоқ; 27-бақай буғуми; 28-кафти; 29-билак узук (билак узук қадоғи); 30-бтлак; 31-елка; 32-елка кўкрак бирикмаси; 33-бўйинни пастки чети; 34-томоқ ости; 35 ганаши (пастки жағнинг орқабурчаклари).

Тана тузулишининг махсулдорлигига боғлиқлиги.

Тана тузулиши бўйича бир ўрқачлилар икки ўрқачлилардан кескин фарқланади. Икки ўрқачлиларда иккита ўрқачнинг бўлиши пешонасида, бўйнида, олдинги оёқларида катта жунлар билан қопланиши, жун қопламанинг қора рангининг оч-тўқлиги бўйича устунликка эга бўлиши, ҳамда танасининг узунлиги билан бир ўрқачлилардан фарқ қилади, юқорида келтирилган тана тузулиши махсулдорлигига боғлиқдир.

Икки ўрқачлилар кўп жун ва гўшт беради, бир ўрқачлилар кўп сут беради, хулоса қилиб айтганда туяларнинг тури бир биридан сут, гўшт ва жун бериши билан фарқланади.

Бир ўрқачли туялар ўрқачининг жойланиши, икки ўрқачли туяларнинг икки ўрқач орасидаги жойга жойлашади. Бир ўрқачлиларда бўйиннинг энига жой кам бўлади. Жуни калта, кўпинча жингалак холда, очиқ тусда бўлади. Туяларнинг ошқозони 2 метр узунликда, шоқозони уч қисмдан иборат. Ката қорин (кавш қайтарувчи ҳайвонлар ошқозонининг биринчи энг ката бўлиши) ширдон, тўр қорин, катта қорин-тухум симон капсуладан иборат бўлиб – сув йиғадиган деб ҳам юритилади. Туяларнинг ширдони бошқа кавш қайтарувчи ҳайвонларга нисбаттан камўрганилган, жумладан ферментлари сут казеинни ивитиш хусусиятига эга. Ичакнинг ингичка қисмининг узунлиги 20-25 метр, йўғон ичакнинг узунлиги 18-22 см, кўр ичаги 1 метр атрофида бўлади. Жигар тузулиши бошқа қишлоқ ҳўжалик ҳайвонларига нисбаттан зич конституцияли бўлиб, ўт пуфағибўлмайди. Ўт йўли тор бўлиб, аввало 12 бармоқли ичакка тушади.

Ҳар хил турдаги туяларнинг асосий биологик курсатқичлари.

Туяларнинг ташқи тузулиши ўрқачларнинг битта икта бўлиши билан баъзи бир биологик курсатқичларига таъсир қилади. Унинг ифодаланиши 1 жадвалда кўриш мумкин.

1 жадвал

Курсатқичлар.	Бир ўрқачли (дромедар)	Икки ўрқачли (бактрион)
1 мин юрак уруши.	40-60	40-60
1 мин нафас олиши.	9-11	9-11
Қон босими: юқори пастки	120-133 55-60	120-133 55-60

Тана температураси С ⁰	37,2 (37,0-37,5)	37,7 (37,4-38,3)
1 мл мли ҳисобида эритроцитлар	11-12	12-13
1 мл.нинг лейкоцитлар сони	19-22	20-23

Анализ шуни курсатдики, бир ўрқачли туяларнинг тана температураси икки ўрқачлиларга нисбатан 0,5 С⁰ пастдир. 1 мл да миллион ҳисобда эритроцитлар сони бир ўрқачлиларда икки ўрқачлиларга нисбатан 1 млн дона кам. Шунингдек минг ҳисобида мл да лейкоцитлар сони минг дона кам. Туяларда жинсий етилиш уларнинг ўрқачига қараб содир бўлади.

Туячиликда қочириш.

Қочириш компанияси бошланишидан бир ой олдин эркак ва урғочи туялар зооветеринария кўригидан ўтказишади, соғлом, ўртача семизликдаги эркак ва урғочи туялар насл олиш учун ажратилади. Қочириш компаниясини ўтказиш учун кадрлар хизматида алоҳида этиборни қаратилиши керак.

Туяларнинг оталаниш жараёни қочиришкомпаниясининг муҳим факторларидан биридир. Бу курсатгичнинг юқори даражада бўлиши туяларнинг серпуштлигига эркак туяларнинг жинсий активлигига жуфтлашни туғри ташкил этишга боғлиқ жуфтлаш режасини тузишда ҳар бир айғирга беркитиладиган туялар, қочириш пунктлари ва бу соҳага жалб этилган кадрлар сони аниқ ҳисобга олиниши керак энг асоси туғиш озиқлантиришга боғлиқ.

Бир урқачли туяларда 8-12 ойлигида жинсий етилиш кузатилади. Лекин хўжаликда 2 ёшга етганда қочиришга қўйилади. Икки ўрқачли туяларда 12 ойлигидан то 23 ойлик давр оралиғида жинсий етилиш кузатилади. Уч ёшга етганда қочиришга қўйилади.

Туяларда жинсий ўйғониш 2 ёшга етганда кучли ҳоҳишлик пайдо бўлади. Шунинг учун шу даврда эркак урғочисидан ажратилади. Кўпинча туячиликда эркак туялар 4 ёшга етганда қочиришга ва қишлоқ қўйилади ва қишлоқ хўжалик ишларида кенг фойдаланилади. Туяларни қочириш фасллар бўйича урғочи туяларда ҳоҳишлик пайдо бўлган вақтда эркак туялар қочириш қобилиятига эгадир. Хиндистонда бир ўрқачли туяларни энг қизғин қочириш даври январ, феврал ойларига туғри келса, жанубий минтақаларда қочириш олдинроқ содир бўлади. Демак об-ҳаво шароитига ҳам боғлиқ.

Туячиликда қочиришнинг қуйидаги усуллари қўлланилади: қулда, уюлда, (эркин) қочириш. Қўлда қочирилганда эркак туя ёрдамида ёки синовчи туялар ёрдамида аниқланади. Қўлда қочирилганда қочирилган вақти, ҳисоб китоб қилинади. Бу усулда туяхоналарда сақланганда фойдаланилади. Қочириш ана шу усулда олиб борилганда бир эркак туяга 25 та гача она туя беркитилади. Уюлда эркин қочиришганда бир эркак туяга 15-20 тагача она туя беркитилади.

Туяларда ҳам куюкиш вақти бошқа қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг куйиқишига ўхшовчи куюкиш вақтида жуда безовталанади, ҳоҳишлик кучаяди, ётган она туяларга ирғий бошлайди. Ўзига хос хусусиятларидан бири эркак туяни олдида бориб ётади ва ирғишига ҳоҳишлик билдиради.

Туяларда нормал куюкиш 5-6 кун давомида этади. Агар у оталанмаган блса, куюкиш 33 кунга давом этади. насли эркак туялардан фойдаланиш 20 ёшгачадир. 15-16 ёшдан кейин уларнинг спермасидаги сперматозоидларнинг актив ҳаракатидаги ҳаётчанлиги пасаяди.

Қочириш олдидан икки ўрқачли туялар безовталади, оғзидан пуфак чиқаради, танглайини ва унинг пардаларини шиширади.

Туяларнинг буғозлик даври ва туғиши.

Бошқа қишлоқ хўжалик ҳайвонлари сингари буғозлик даври дейилганда тухум хужайралари оталанган вақтидан бошлаб то туққан вақтгача ўтган давр тушунилади. Буғозлик даври бошқа қишлоқ хўжалик ҳайвонларга солиштирилганда энг кўпдир. Бир ўрқачли туяларда 390 кун, икки урқачли туяларда эса 400-410 кунни ташкил этади. Туғишга 20-30 кун қолганда туянинг елини катталашиб, бир кун қолганда эса увуз сути пайдо бўлади. Туғиш 10-15 минут давом этади. Тулғоқ 30-40 секунда давом этиб, 2-3 минут давом этади. туғилган буталоқларнинг тирик вазни ўз онаси тирик вазнининг 5-7 фойизни ташкил қилади, яъни тирик вазни 35-40 кг атрофида бўлади. Бўталоқ туғилгандан кейин бўталоқнинг киндиги қорнидан 8-30 см пастроқдан тоза ип билан боғланиб, қайчида қирқилади. Қирқилган жойига 5% ли йод эритмаси суртилади, яъни туғилган буталоқнинг териси қуригандан кейин тезликда бирор материал билан ёпиш керак, чунки тез шамоллашга мойил. Янги туғилган бўталоқ оёққа тургача туянинг елин сўрғичларини қидира бошлайди. Шу вақтда ёрдамлашиш зарур. Туғилгандан кейин 10 кунгача увуз сути бўлади. Туғилгандан сўнг 1-2 кун тезакланиши қийин бўлади. Шунинг учун 2-3 марта 150-200 грамм эритилган сарик ёғдан бериш керак. Ҳайвонлар ичида оғир шароитларда озиқа етишмаганда озиқа танламайдиган организми шунга мослашганлардан бири туя ҳисобланади. шунинг билан биргаликда ўзига қосилдорли қараши, сақлашни ва озиқлантиришни талаб этади. Масалан, туялар юқори намликни тез сезади ва соғлигига таъсир қилади. Шунинг учун қуруқ шароитда сақлаш ва боқиш керак. Қайсики иссиқ мамлакатларда Африка ва Жанубий Шарқий Осиёда йил бўйи яйловда боқилади. Баъзи йловда кишиларсиз ўтлайди, уларни бошқа қишлоқ хўжалик ҳайвонлари сингари доимий назоратда бўлишидан фарқ қилади.

Буталоқлар онаси билан 1,5 ёшгача сақланган кун, 6 ойгача асосий озиқаси онасининг сути ҳисобланади. Сахро зоналарда туялардан сут соғиб олиниб, шувот қилинади. У вақтда буталоқлар бир ойлигида онасидан ажратилади. Буғозлигининг 7 ойлигида сут бериш тухтайди, шунинг учун бўталоқларнинг 5-6 ойлигидан бошлаб концентрат озиқага ўргатилиши керак. 200 грайдан. Онасидан ажратиш вақтигача 1,5-2 кг гача ем бериш керак. бир ойлигига етганда ўсимлик озиқаларига ўргана бошлайди. 6 ойлик бўлганда яйлов озуқаси асосий рол ўйнайди.

Буталоқлар онасидан ажратилиб, яйловда бир сутка оч қолдирилади. Оч бўлган бўталоқлар бошқа яйловга кўчиришга тез ўрганади. 2 ёшдан бошлаб нўхтага ўргатилади. Шу вақтдан бошлаб туриш ва ётиш ҳаракатига, кишилар овози ва нўхтанинг ҳаракатига ўрганади. 3 ёшдан бошлаб ишлатишга, камрок

юк кўтаришга, яъни оғирлиги 50 кг дан ошмаслик керак. Тўлиқ ишчи сифатида 6 ёшдан бошлаб ўтилади. Қулга ўргатишда хушумалада бўлиш керак. Ҳар хил бақириш, бурунларига ёғочлар тикиш манн этилади. Шу нарса аниқланганки, тирик вазнига нисбатан тинч турган вақтда отга нисбатан 38 фоиз кам энергия сарфланади. Туялар яйловда боқилганда бошқа қишлоқ хўжалик ҳайвонларига нисбатан тирик вазни бўйича кам озиқа истеъмол қилади. Суткада ўртача 6-12 кг гача пичан истеъмол қилади. Бир суткада тирик вазни 500 кг дан бўлган туя 4 озиқа бирлигини, оғир ишда ишлатиладиган бўлса 10 озиқа бирлиги сарфланади. Сути соғиб олинади, туялардан 1 кг сут учун 0,7-0,8 озиқа бирлиги, 60-70 г оксил, 7 г кальций, 10,2 г фосфор сарфланиши керак. Сахро минтақаларида қўйчилик билан биргаликда маҳсулдор туячилик урчитилади. Туячилик қўйчилик соҳасини яхшилашда унга қўшимча маҳсулотлар (гўшт, сут ва жун) билан, таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Масалан Гурьев вилоятида 1 ц мол гўшти ишлаб чиқариш учун 1 ц озиқа бирлиги сарфланган бўлса, 1 ц туя гўшти учун 2,1 озиқа бирлиги сарфланган. Шу озиқалар билан бита боғлаб бокқан қорамол ўрнига 4 та туяни боқиш мумкин экан. Туялар купол ва тиканли озиқаларни ейишга мослашган, бунинг сабабли оғиз бўшлиғидаги қаттиқ (шоҳга ўхшаган) эпителий тўқимаси қопланган.

Туяларнинг истеъмол қиладиган асосий озуқалар.

Туялар кавш қайтарувчи ҳайвонларга киради, уларнинг организми дашт, ярим сахро ва сахрода яшаши учун оғир шароитга мослашган, улар узок муддат давомида сув ичмаслиги ва бошқа қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ичи олмайдиган шўр сувларни ичишлари мумкин. Туялар асосан янтоқ, шувок, саксовул билан озуқланади.

Сахро кемалари ҳисобланиши туялар озуқаларни танламайди, асосан сахрода ўсадиган ўсимликларни ейишга мослашган сахро шароитида туғилиб ўсган туялар ҳосилдор яйловларга боқилганда жуда қисқа муддатда ҳам семиришга нисбаттан ориқланганлиги аниқланган.

Туяларнинг тузга бўлган талабининг жуда катталиги билан изохлаш мумкин. Сахрода асосан тузга бой ўсимликлар ўсади. Туялар қуёшли чўл шароитида шўр хом ўсимликлар жуда кам яйловларда яшашга ўрганган.

Об ҳавони юқори ҳароратга кўтарилиши билан туялар ҳеч қачон оғзини очмайди, бу эса оғиз бўшлиғи орқали сувнинг буғланиб кетишини олдини олади, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалик ҳайвонлари каби жуда тез нафас олади, сувнинг буғланиб кетишини олдини олади.

М.И.Лакоза маълумотларига кўра дромедарлар ўт хўр ҳайвон бўлиб, асосан тиканли ўсимликлар, бўталар билан, яъни сахрода ўсувчи барча ўсимликларнинг ёш шоҳлари билан 70 фойиз озуқланади.

Туялар ердан 3,5 метр баландликгача бўлган баландликдаги барглари саралаб, ҳар бир ўсимликда бир неча барг узиб оладилар ва у тарзда жуда катта ҳудудни айланиб чиқадилар. Бундай озуқланиш эса ўсимликларга жиддий зарар етказмайди. Ҳар сафар оғиз бўшлиғига йиғилган озуқаларни 40-50 маротоба чайнайдилар. Тиканли ўсимликларни чайнаётганда оғзини очиб турадилар. 2 жадвалда берилган.

**Туяларнинг фасллари бўйича ҳар хил ўсимликларни фойиз ҳисобида
истеъмол қилиш.**

Ўсимликлар группаси	Баҳор	Ёз	Куз	Қиш
Шўр тупроқда ўсадиган ўсимлик	25	15	50	60
Шувоқ	70	0	70	85
Дуккакли ўсимликлар	10	100	10	0
Бошоқли ўсимликлар	75	25	0	0
Бошқа ўсимликлар	40	60	20	5

Туяларнинг баҳор мавсумида озиқланадиган ўсимликдан асосийлари шувоқ, бошоқли ўсимлик ҳисобланади. Ёз мавсумида эса дуккакли ўсимликлар, куз мавсумида шувоқ, янтоқ ҳисобланади, қиш мавсумида эса шувоқ, янтоқдир.

Туяларнинг биологик хусусиятларидан бириуларнинг саҳро ва ярим саҳро минтақаларида сувсизликка чидамлилигидир. Бошқа қишлоқ хўжалик ҳайвонларига нисбаттан туялар кўп кунгача сувсизликка чидам бераолади. Кўчманчи Ғарбий Африка яъни Алжир ҳалқи туяларни чидамсизликка бардош бериш учун алоҳида молиқ қилдиради. Туяларни сувсизликка неча кун бардош бериш аниқлаш учун тажриба ўтказилган. 17 кун фақат қуруқ озуқа берилган, анча озганлиги аниқланган, аммо касалланган. Ёз кунлари шу давр ичида 27 фоиз тирик вазнини йўқотган, лекин ўлмаган.

Туяларни иш бажариш ва тирик вазнига қараб озуклантириш меъёри.

Туяларнинг тинч турган пайтидаги сарфланган энергиясини бошқа ҳайвонлар билан таққослаб кўриш натижалари шуни кўрсатадики отларга нисбаттан бир кг тирик вазнига нисбаттан 38 % кам энергия сарфланганлиги олимлар томонидан аниқланган.

Ишлаётган туялар рационни.

Уларнинг семизлик даражасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Ариқ туялар рационни тузишда уларнинг тирик вазни ва семизлик даражасини тиклаб олиш имкониятини бериш мақсадида қўшимча озуқа бирлиги берилади.

Қиш мавсумида туялар махсус қураларда 40-50 бошдан ташкилтопган гуруҳларда сақланганлиги сабабли улар химояда озуклантиришнинг имкони бўлмайди ваз у сабаб куннинг қўшимча озуқа беришни бутун гуруҳ бўйича ташкил қилинади.

Агар туянинг ўртача кунлик қўшимча озуқасининг миқдори 14 кг бўлса 10 кг ейилиб 4 кг нушхурт (қолдиқ) қоладиган бўлса уларнинг бир кунда ўртача 17-18 кг табиий пичан берилиш керак. Рационни тўғри тенглаштириш учун нафақат туяга берилган озуқа миқдорини, балки қолдирган нушхурд миқдорини ҳам тарозидан ўтказиш керак

Таянч иборалар.

- 1.Бир ўрқачли туялар икки ўрқачлиларга нисбатан чўзикроқ бўлади.
- 2.Туяларга 12 та кўкрак умуртқаси бўлади.
- 3.7та бел умуртқаси бўлади.
- 4.12 жуфт қовурғалари мавжуд.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

- 1.Туяларнинг экстерери деганда нимани тушунаси.
- 2.Туяларнинг юрагининг оғирлиги неча кг ни ташкил қилади.
- 3.Туяларнинг тана температураси миёнда қанча бўлиши керак.
4. Бир ўрқачли туяларнинг бўғозлиги неча кун, икки ўрқачлилардачи.
5. Неча ёшгача бўталок дейлади.